Бу даврга келиб Самарқанд қалъасида ўн икки минг хўжалик ҳисобга олинган бўлиб, Сўғдиёнада дин эркин-лиги таъминланганидан шаҳарда турфа ибодатхоналар мавжуд эди. Буддизм, фетишизм, анимизм ва зардуштийлик тарғиботчилари Осиё йўлларини тинмай кезнб юришар, Афросиёб тепалигидан чор атрофга ялоҳий нур таратишар эди. Бошқа бир турдаги элчилар — самарқандлик латофатли раққосалар турли ўлкаларнинг ҳукмдорлари саройида таманно айлашар, улар, айниқса, император Танг саройига тез-тез таклиф қилинар эди.

Бутун VIII аср Самарқанд тарихи Сўғдиёнани араблар истило ва итоат қилдириш даври билан боғлиқ бўлди. Ўлканинг янги ҳукмдорлари унга «Мовароуннаҳр» ёки «Дарё ортидаги юрт», бизнингча Трансоксиана деб ном беришди. Уша замонда йирик ҳарб юришларини бошлаган Хитой туркий ҳукмдорларни ўз ианоҳига олган бўлса-да, Мовароуннаҳр ҳалқларини араб истилочиларидан ҳимоя қилиш учун юборилган хитойлик аскарлар шундай бемаъниликларга қўл урдиларким, тез орада ерли аҳолининг улардан кўнгли қолди.

Музокаралар, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тўқи-нашувлар, шубҳа ва хиёнатлар билан орадан ўтиз йил утди. Ҳал қилувчи тўқнашув 751 йили Самарқанд яқинида рўй берди. Кўп миллатларнинг узоқ асрлик тақдирни бир кундаёқ ҳал бўлди. Самарқанд остонасида ўша даврнинг икки буюк давлати қўшинлари: ёш ва қизиқон араб салтанатининг олд лашкари ҳамда кўҳна ва тажрибали Хитой империясининг илгари қисмлари куч синашди.

Чин қўшини ва унинг баҳодир сарқардаси Као-Сен-Че Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлигидаги араб ва турк-

сўғд лашкарлари томонидан маҳв этилди. Хитойлик-ларнинг ғарбга юриши Самарқанд остонасида абадул-абад тұхтатилган бұлса-да, музaffer араб қүшиннлари шарқ томон юришга журъат қилолмадилар.

Турли-туман ғоялар ва моллар оқимига баъзан очиқ, баъзан ёниқ Самарқанд Осиёнинг ғарбини шарқи билан боғлаб турувчи олтин дарвозага айланди. Араблар қучган зафар туфайли Самарқандга минглаб хитоң ҳарбий асирлари келтирилди, улар орасида қўшинга зўрлаб жалб қилинган ноёб қофоз тайёрлаш санъатининг моҳир усталари ҳам бор эди.

Маҳаллии аҳоли улардан бу санъат сирларини ўрганди ва ўз маҳоратини шу даражага етказдиким, тез орада бутун мусулмон дунёсига сифатли маҳсулот етказиб берувчи ягона манзилга айланди. Мусулмон ҳукмдорларн папье-маше ва папирус қофозларининг ўрнига шоирлар тилидан тушмайдиган, аммо савдо-гарлар отасининг нархини қўйган Самарқанднинг нафис қофозларига ихлос қўйдилар.

Араб истилосининг дастлабки йилларнда аббосий халифа хоразмлик туркий қаҳрамон Абу Муслимни қатл қилдирганидан сўнг жуда кўп халқ ғаләёнлари рўй берди. Абу Муслимнинг мўминлар йўлбошчисини таҳтга ўтқазишга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳам инобатга олинмади. Бу Самарқанд тарихидаги энг нотинч даврлардан бири эди. Қатағон қурбонларининг устида аббосийларнинг қора туғлари ҳилпираганидан сўнг, золимларнинг мурдалари устига турк жангчиларининг оппоқ байроқлари илинди. Халифа қўшинлари бундан түғри хулоса чиқаргандек булишиди, бироқ айнан мана шу пайтда оломон қаршинсида фақат тилла ниқоб кийгани ҳолда кўринувчи ғалати бир шахс — Ал-Муқанна исмли «ниқобдаги пайғамбар» пайдо бўлди. Уз кийнмбошлари туфайли «соқ яктаклилар» деб ном олган Муқанна ва унинг мурidlари Самарқандда иккى йил ҳукмронлик ва зўравонлик қилдилар. Халифа қўшинлари томонидан қуршаб олинган исенчилар тириклийин қўлга тушмаслик учун ўзларини ёниб турган гулхантга ташладилар.

Қатағон бошланиб, Афросиёб тепалигидағи қалъа деворлари ва ибодатхоналар вайрон этилди, аҳолининг уйлари тортиб олинниб, арабларга ҳадя этилди, муқаддас даргоҳлар харобаларида янгидан-янги мачитлар

барпо этилди. Шу муносабат билан тепаликнинг жанубий қисмида узоқ қариндошларидан бирига атаб мақбара қурдира бошлаган халифа қадимий ер ости сultonи Афросиёбнинг үрнига ислом дунёсида янги бир авлиё пайдо бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қусам ибн Аббос исмли янги авлиё эса араб истилосининг дастлабки кунларнда ибодат пайтида қандайдир бир гайридин томонидан маккорона ўлдирилди.

Самарқандда асрлардан бери ва ҳатто, ҳозирги кунда ҳам мавжуд ривоятларга қараганда, Қусам ибн Аббос узининг кесилган бошини қўлтиғига олиб, қиёмат кунигача тоат-ибодат қилиш учун ер ости саройнга равона бўлган экан. Ривоятларда унинг номини «Шоҳи зинда» ёки «Тирик шоҳ» деб аташади, маҳаллий аҳоли эса ўзгача ҳурмат ва эҳтиром ила у ер остига кириб кетган жойни сизга кўрсатади.

Бағдод халифалари замонида ва айниқса, аста-секин мустақилликни қўлга киритган сомонийлар даврида Самарқанд гуллаб-яшнади, Буюк Ипак йўлидаги энг ийрик халқаро бозорга ва бутун ислом дунёси тан олган муқаддас даргоҳга айланди.

Шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар: қишилганинг мустақилликни қўлга киритган сомонийлар даврида Самарқанд гуллаб-яшнади, Буюк Ипак йўлидаги энг ийрик халқаро бозорга ва бутун ислом дунёси тан олган муқаддас даргоҳга айланди.

XIII асрнинг биринчи ярмида құдратли Хоразм сultonи Шоҳ Мұхаммадга қарашли саодатли шаҳарлардан бири бўлмиш Самарқанд жар ёқасига келиб қолганидан ҳали бехабар эди. Мағриб томон ғолибона юришиларини давом эттираётган мўгуллар Марказий Осиёдаги мусулмон үлкалари дарвозасига келиб қолган эдилар. Уларга қарши жанг бошлаган Шоҳ Мұхаммад бу қилмиши билан шундай құдратли бир тўлқинни қўзғатдиким, натижада у хонни ҳам, унинг салтанатини ҳам супуриб ташлади.

Гуллаб-яшнаётган шаҳарни 1220 йилги мўгул түфоҳи бутунлай вайрон қилди. Чарм камзул ва темир соют кийган суворийларнинг кетма-кет ҳужумлари натижасинда қалъа деворлари қулади, шаҳарни сув билан таъминлаб турган қўргошин сув қувури бузилди, жоме масжидининг кули кўкка совурилди, тинч аҳоли эса ғаним камонбозларининг тирик ўлжаларига айланди.

Туроннинг янги хоқони Чингизхон афсонавий ажоди Афросиёбдан эрамизнинг бошида саҳройи қабилаларга мажбуран қабул қилдирган эроний маданийти учун шу хилда уч олган эди.

Шундан бери Афросиёб мангу қарор топган ва Самарқанд бешиги ҳисобланмиш бу тепалик улик масканга айланган: у ерни фақат узоқ аждодларини ёд этгани келувчилар зиёрат қиласидилар, холос.

Чингизхон оламдан ўтгач, Самарқанд унинг ўғли Чигатой ва фарзандларининг мулкига айланди. Бу даврдаги шаҳар тарихи ҳақида биз деярли ҳеч нарса билмаймиз. Марко Полонинг «Дунё тасвири» номли китобида ёзилишича, шаҳардаги ўзининг марказий устунидан маҳрум қилинган насроний черков фақат фаришталарининг мадади билангини тик турган ўкан.

Авлиё Лун замонаснда Самарқандга Арманистон қиролининг маршали Семпад ташриф буюрди. Бу олий мартабали зобит ёзган мактубларин Франция қироли ҳам ўз аъёнларига ўқиб берган; кейинроқ қирол Хайтоннинг ўзи ҳам бу мактубларин ўқиган ва ўз иттифоқчилари бўлмиш мӯғулларни мусулмон салтанатига қарши салиб юришига чорлаб, тарих ғилдирагини бутунлай ўзгартирмоқчи бўлган. Яхши ҳамки бошқа насроний ҳукмдорлар бу таклифни рад этишган.

XIV асрнинг ўрталарида марокашлик машҳур сайдиҳ Ибн Баттута Самарқандга ташриф буюрди; унинг хотираларнда Самарқанд оғир талафотлар оқибатини тугатаётган шаҳар сифатида тасвирланади. Ибн Баттутанинг таъкидлашича, «Самарқанд дунёнинг энг йирик ва энг гузал шаҳарларидан бирни ҳисобланади, бироқ шаҳар аҳолисининг юксак ақлу заковатидан дарак бермиш саройлар ва иморатлар» ҳамда кўплаб маҳаллалар вайрон қилинган. Муаррихнинг ёзилишича, шаҳар қалъя деворлари ва дарвозалари бузиб ташланган бўлса-да, унинг боғларини сугориш учун кўплаб сув иншоотлари бунёд этилган. Оқшомлари ариқларнинг соя-салқин қиргоқларида қурилган чойхоналарда маҳалла аҳли йигилиб, сұхбат қуради. Ибн Баттута маҳаллий хоннинг ўз холаваччаси томонидан таҳтдан ағдарилиши ва темир совут ҳамда дубулға кийган тўқсон минг суворий қатнашган ҳарбий кўрикнинг гувоҳи бўлган.

Амир Темур үзин танлаган пойтахтга Ибн Баттутанинг сафаридан атиги ўттиз йил кейин тантанали рашнда кириб келди. Унинг дастлабки қылган иши юрганинг барча бошлиқларини Самарқанд яқинига түплаб, қурултой ўтказиш бўлди. Бундай катта йиғинилар одатда мўгул ҳукмдорлари томонидан уюштирилар ва уларда бўлажак жангларга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинади.

Деярли барча амирлар таклифни қабул қилинди; улар муносиб тарзда рагбатлантирилдилар, бироқ қурултойга келмаганлар исёнкор деб ном олди ва кейин чалик шунга лойиқ жазоландилар.

Амир Темурнинг Мовароунаҳрни бўлажак Бутун осиё салтанатининг бешигига айлантириш режаси туб моҳнати билан енгиг бўлмас ғовларга бориб тақаларди.

Форс маданияти таъсирида тарбия топган шаҳарлар ва қолоқ ярим-кўчманчи ҳаёт тарзи ўртасида ҳамон тафовут мавжуд эди. Шаҳарликлар содда турк тилида сўзлашувчи бу отлиқ кишиларнинг жайдари муомала ва тақаллуфдан холи муносабатларидаи хавфсирадилар. Кўчмачилар эса үз навбатида тумтароқ бир тилда сўзлашувчи нозиктаъб шаҳарликларга беписандлик билан қарашарди...

Турли әлатларга мансуб бўлган бу аҳоли орасига дин ҳам нигоқ соларди.

Амир Темур бутун юрт ишончини қозонни учун, энг аввало, мамлакат аҳолисининг мутлақ кўпчилигини ташкил қўйувчи икки гурӯҳни үзаро бир-бири билан келишиши лозим эди.

Бу, бир томондан, шаҳарлик мусулмонларни мамлакат қўшинида хизмат қўйувчи мусулмонлар билан келишиши ўлса, иккинчи томондан, шу қўшинни ташкил этиш ва мамлакат сарҳадларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутувчи турк әлатлари ва мўгул қабилаларини муросага келтириш эди.

Улуғ амир мўмин-мусулмонларнинг талаблариниң қондириш ниятида Муҳаммад пайғамбар онласининг яқинлари — сайдилларга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, ўзи вақт-вақти билан маслаҳат олиб турувчи уламо ва дарвишларни паноҳига олди, юксак намуна курсатиб (жангу жадалларда ҳам олиб юриладиган йигма ёғоч масжид ясаттириб), қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлар бунёд эттириди. Ва ниҳоят, у барча мўмин-

мусулмонлар шарнат қонунларига мувофиқ идора қыннишини тантанали равишда эълон қилди.

У муғуллар ҳукмронлиги даврини құмсаганлар учун қүшинде Чингизхон томонидан тузилган қондалар — «ясоқ»ни сақладаб қолди. Тангри («Мовий Осмон худоси») тарафдорларини эътиқодларидан қайтармади ва уларнинг шаманларини ўз ҳолига қўйиб берди. Узи аҳоли кўз ўнгидаги муғул хонлари бажо келтирадиган айрим урф-одатларга ҳам амал қилди: ноиблари унинг қаршиисида тиз чукиб, қимиз тўла қадаҳлар тутадиган булишди, у эса ҳар бир зафардан сўнг тог чўққисига кутарилиб, раҳнамолик қилгани учун «Фалак» — Тангрига шукронга изҳор этишни одат қилди.

Амир Темур тахтга Чингизхон авлодидан бўлмяш янги шаҳзода Суюргатмишни ўтқазиб, ўзини унинг лашкарбошиси деб эълон қилди. Аслида эса хон барча масалаларда унга итоат қилар, ҳарбий юришларидан доимо бирга бўлар ҳамда энг сара жангчилар бўлинмасига қўмондонлик қилишдек жуда чегараланган вазифани бажаарарди, буни ҳам у Амир Темурнинг ризоси билан амалга оширади.

Амир Темур мана шундай турфа инсонлар билан кўп ўтмай бутун Осиёни тиз чўктирган музaffer бир қўшинининг асосини яратди.

Бу одамларниг Амир Темурга нисбатан чексиз садоқатининг сабаби нимада бўлган, деган савол туғилиши табиний. Амир Темур уларга на бир илоҳий хабар, на ватанпарварлик руҳи ва на ирқчилик туйғусини берган, аммо шунга қарамай улар Чингизхондан кейин бошқа ҳеч бир зот қўлламаган қатъий бир тартиб оқибатида юзага келган чарчоқ ва азоб-уқубатлар тула ҳаёт тарзини танлаб, унга хизмат қилишга рози бўлганлар; демак, Амир Темурдан ўта кучли бир нур ва таъсир кучи таралиб турган.

Унинг қўшинидаги ҳар бир жангчи ирқи, эътиқоди ва жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар, курсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги билан қадрланарди. Бирон-бир жангчини рағбатлантириш ёхуд жазолаш масаласида Амир Темурга ҳеч кимнинг сўзи ўтмасди. У доимо ўз аскарлари ёнида, уларнинг қисматларига шерик бўлар, тақдирлари билан қизиқарди. Шунинг учун ҳам у хасталиги туфайли юришдан чиқиб қолганида аскарлар уни Осиёниг чексиз оловли ва музли йўлларидан елкаларида олиб ўтишган. Унинг қўшини эса беқиёс

Сир қүшнә эди, унда мүғул эроний билан, собиқ шаҳарлик күчманды турк билан, мусулмон оташпарат билан, насроний буддапарат билан—турфа тилларда сұзлашадиган ва Улуғ амир иродасиннің сеңри билан елкама-сілтә жанг қиласынан аскарлардан иборат қүшин эди.

Сара жангчиларнинг қурол-яроги дубулга, зирх, совут, наиза, садоқ, қилич, ханжар, ойболта ва ўқ-ейдан иборат бүлгән. Уларнинг отлари ҳам үзига хос совут билан ҳимояланган. Бу суворийлар жанговар сафар бошланишидан олдин ҳам жам қилинар, кечау кундуз олиб борилған машгулотлар натижасыда улар-камондан бекетле отадиган ва құл жангидә доимо голиб чикувчи жангчилар бўлиб етишишарди.

Ушбу жанговар тайёргарлик билан бир пайтда Амир Темур Самарқанд қалъа деворларини тиклатди ва шаҳар ичкарисида «Арк» саройни қурдирди. Мазкур саройда мамлакат тилла заҳиралари сақланадиган маҳсус хоналар ҳамда янги қурол-ярголарни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш устахоналари мавжуд эди.

Амир Темур шундай кучли ҳамда үзаро боглиқ фуқаровий ва ҳарбий бир маъмурият түздиким, у ҳукмдор узоқ муддатлы сафарга кетганида ҳам самарали фаолият күрсата бошлади. Бир гуруҳ адиллардан иборат котибият (расмий ёзма тил форс тили бўлиб) унинг кўрсатмаларнга мунтазир турар, барча воқеаларни рўйхатга олар, вилоятлар ва чет эллар билан ёзишмаларга жавоб берар ва мавжуд маълумотлар асосида янгиланиб борадиган ҳужжатлар маркази ишинн юртишарди. Улуғ амир нарх-наво ва айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари нархини текшириб борар ҳамда ҳунармандлар уюшмаларининг унумли ишлашига ҳомийлик қиласынан. У йоловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш максадида бутун Мовароуннаҳда юк ташиш ва почта хизматини яхши йўлга қўйди.

ДАСТЛАБКИ ЗАФАР: ХОРАЗМ

Бироқ Улуғ амир ўз бунёдкорлик режаларини кечаги ганими — мұғалистонник мустамлакачиларга қарши бешафқат кураш билан бирга олиб боришга мажбур эди. Бұлиб ўтган қурултойнинг эртасига ек, у ўз лашкарларининг илфор бүлинмаларни шимоли-шарққа жүнатди ва шу йўснинда бунга қадар қўрқоқ қўшиниларининг қўли етмаган дашту биёбонларда даврон сурис юрган довюрак кўчманчи суворийлар үлкасига кириб борди.

Илесхўжани енгган Қамариддинхон бешафқат рақиблардан бўлиб, ҳарбий санъат сиру асрорларини ипидан иғнасигача биларди; у юзма-юз муҳорабада мұғул қўшинининг мағлубиятга учраётганини сезгач, ўз лашкарларини эргаштириб салтанатига чегарадош сарҳадсиз даштликларга кириб ғойиб буларди. Унинг одатда Юқори Осиёга чекинишлари натижасида Самарқанд қўшинлари ўз юришларини бир неча маротаба қайтадан бошлашга мажбур бўлишарди.

Илесхўжа қўшинлари устидан илк зафар қучган Амир Темур Мовароуннаҳрга қайтиб келди, зеро нияти ўзи тахтга ўтиришидан олдин мамлакатда ҳукм сурган нарокаандаликдан фойдаланиб, Қиёт ва Хива қалъяларини эгаллаб олган Хоразм шоҳи билан орани очиқ қилмоқ эди. Хоразмшоҳ босиб олинган шаҳарларни қайтаришни рад этди. Кўп ўтмай Амир Темур хонлик ерларпни босиб олди, шоҳнинг ўзини эса ўлка пойтахти Урганчда камалга олди.

Ривоятларга қараганда камал чоғида шоҳ хасталикдан вафот этади, унинг ўринини эса укаси Юсуф эгаллади. Янги ҳукмдор агар Амир Темур уни тинч қўйиб, Мұғалистонга қарши курашини давом эттирадиган бўлса, Қиёт ва Хивани қайтариб беришга рози бўлади.

Амир Темур Хоразмдан йироқлашгач, бу шаҳарлар қўлдан кетганини тан олгиси келмаган Юсуф уларни қайтадан эгаллашга киришади.

Амир Темур бундан хабар топиши билан Мұғалистонни тарқ этиб, энг тезкор лашкарлари билан Хоразм-

га стиб келди. Шоҳ Юсуф жангда мағлубиятга учради, қочди ва қуршаб олинди, бироқ бағоят гузал қизи малика Хонзода бу сафар унинг жонига оро кирди. Маликанинг қаддн-қомати ва ҳусни-латофатига лол қолган ғазабнок фотиҳ уни суюкли ўғли Жаҳонгирга келин қилишга қарор қилди. Унинг оталарча муҳаббати туфайли Хоразм шоҳи авф этилди.

Малика Самарқандга дабдаба билан кириб келди, никоҳ тўйи катта тантанага айланаб кетди; Амир Темурнинг узоқ ва машаққатли ҳарбий юришлари орасида мана шундай қисқа муддатли шодиёналарни уюштириш минбаъд одат тусига кириб қолди.

Тантаналарнинг эртасигаёт Амир Темур лашкарла-ри билан тутқич бермас Қамариддинхонининг изига тушди. Қамариддин жосуслари орқали бундан хабар топиб, Тангри Тоғдан олиб ўтадиган довон устига катта қўшиндан иборат пистирма қўйди. Солномаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ўз шахсий жасорати ва битмас-туганмас куч-қудрати туфайли мушкулотдан омон чиққан; у ёвга қарши шафқатсиз курашда ўз шамшири, найзаси, зирҳ ва садоғидан моҳирона фойдаланган.

Кўриниб турибдики, 1375 йилда ҳам Амир Темур соглом ва бақувват бўлган, Сейистон ноибининг хизматида юрган пайтида олган жароҳатларининг машъум асоратлари ҳали намоён бўлмаган.

Амир Темур мӯғул рақибини дашту биёбонларда қувиб юрар экан, башоратли бир туш кўради — ҳаётининг энг оғир дамларида у шундай тушлар кўриб юрган; бу сафарги тушида ўғли Жаҳонгир бетоб ётган экан. Қўнглига гулгула тушиб, у Самарқандга қайтди. Шаҳар аҳли уни қалъа деворлари ташқарисида қарши олди. Ёшу қари мотам белгиси сифатида елкасига кўк ва қора мато ёпиб олган, уввос солиб, доду фарёд қиласарди: сохибқироннинг тўнғич ўғли Жаҳонгир қисқа муддатли хасталикдан сўнг йигирма ёшида оламдан кўз юмган эди.

Саройларида ота-болалар ва ака-укалар ўртасида сон-саноқсиз фитнаю хиёнатлар, қотилликлар рўй берәётган ўзинга замондош шарқ ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ Амир Темур чуқур қайгурди. Зеро шафқатсизлиги билан ном чиқарган бу фотиҳ ўз фарзандлари ва қа-

риндош-уругларига ниҳоятда меҳрибон эди. Унинг на ўзи оила аъзоларига қарши куч ишлатган ва на бош қаларнинг шундай қилишига рухсат берган. Фақат унинг ўлимидан кейингинна темурий шаҳзодалар ўзга сулолалардан ёмон ибрат олиб, падаркушлик ва жигаркушликка берилиб кетдилар.

Белгиланган мотам муддати тугагач, Амир Темур ўзининг икки қўшинисига қарши илгаригидан ҳам кучли иштиёқ билан жангга киришди. У яна Муғулистон даштларида юрар экан, олдинги мағлубиятидан тегишли хулоса чиқармаган Юсуф Қиёт ва Хивани қайтариб олиш пайига тушди. Хоразм шоҳи зикр этилган шаҳарларни камал қилишга улгурмай, Амир Темур яшин тезлигида етиб келди, катта талафотлар етказиб, хонни пойтахтига яширинишга мажбур қилди. Шундан сўнг Хоразмшоҳ Амир Темурни яккама-якка жангда маҳв қиласман, деб ҳаммаёққа жар солди.

Бироқ белгиланган вақт ва жойга — Урганч қалъасининг катта дарвозаси олдидаги муҳолифатчи қўшинлар бўшатиб қўйган майдонга фақатгина Амир Темур келди; у суюкли отининг устида ўтиради. Жанг арафасида ўзини йўқотиб қўйган Юсуф эса рақибининг ҳақоратларини унсиз тинглаб ўтиришдан бошқа илож тополмади. Уз фуқаролари олдида обруси кетган, таъна-надоматларга қолган Хоразмшоҳ орадан бир неча хафта ўтгач, алам билан дунёдан кўз юмди.

Урганч қалъаси уч хафталик қамалдан сўнг таслим бўлди. Хоразм эса Мовароуннаҳрга қўшиб олинди. Иккинчи огоҳлантиришдан кейин ҳам таслим бўлмаганилиги ва Улуг амирнинг йўқлигидан фойдаланиб унга қарши исен кўтаргани учун шаҳар аҳлининг каттагиназ кисми қиличдан ўтказилди.

Шу йўл билан Амир Темур бундан сўнг ўзи забт этадиган ўлкаларда тобе бўлишдан бош тортган аҳолини жазолашнинг ғизига хос бир усулини кашф этиди. Бу жазолаш қатъий бир тартибда амалга ошириларди.

Унинг қўшини маълум бир қалъани қўршаб олар экан, ҳар қандай жиддий қамал олдидан шаҳар аҳолиси илк марта огоҳлантириларди. Агар аҳоли таслим бўлса, деярли ҳамманинг ҳаёти сақлаб қолинар, бироқ улардан катта товон йигилар, сохибқиронга садоқатли булишга сўз олинар эди. Қалъа лашкарлари ва аҳоли дастлабки огоҳлантиришни рад этса, Амир Темур мұ-

ҳосара (қамал) бошлашдан олдин ўз раъдандозлари (сапёрлари) бўлинмасига рақиб мудофаасининг заиф жойларини портлатиб ташлашни топширади.

Бироқ, ҳужум бошланишидан олдин қамалдагиларга сунгги огоҳлантириш бериларди. Сўзиз таслим бўлган аҳоли маълум бир қисмининг ҳаёти сақлаб қолинар, қалъя эса вайронага айланмасди. Унинг деворлари бузилар, мулки таланар, ҳимоячиларни қатл этилиб, омонатлар (гаровлар) олинарди.

Рад жавобидан сунг аксинча, бутун қўшин итоатсиз қалъя ёхуд шаҳарга зудлик билан ҳужумга ўтар, эртами-кечми барibir уни таслим этман қўймасди. Тарихда Улуғ амир забт этолмай ташлаб кетган бирорта қалъя йўқ.

Бундай ҳолларда қамалдагиларнинг тақдирни аянчили тугарди: шаҳар таланар, аёлларнинг номуслари топталар, деярли барча аҳоли қиличдан ўтказилар, тирик қолганлари эса умрбод қулликка маҳкум этилиб, хонадонларига ўт қўйилар эди. Дастлаб итоат этиб, Амир Темур узоқлашиши билан исён кўтарганларни ҳам шундай қисмат кутарди. Айниқса уларга қарши Амир Темур ниҳоятда шафқатсиз бўларди; бошқаларга урнак бўлсин учун вайрон этилган шаҳарлар олдида уларнинг кесилган бошларидан мезаналар ясаларди.

Кундан-кунга кенгайиб ва шу билан беқарорлашиб бораётган салтанатини бошқариш учун етарли миқдордаги ноибларга эга бўлмаган Улуғ амир забт этилган ўлкаларда тартиб сақлаш ва ерли аҳолини итоатда тутиш мақсадида мана шундай ҳаддан ташқари шафқатсизлик услубини қўллашга мажбур эди.

Баъзилар назарида ўта ваҳшийликдек куринмиш шу одатга айрим изоҳлар беришга тўгри келади. Амир Темур хар қандай куч ишлатишдан олдин масалани тинч йўл билан ҳал қилишга интиларди.

У элчиларни ниҳоятда ҳурмат қилар ва ганимлар билан тил топишиш учун доимо ўзи биринчи бўлиб элчи юборарди. У баъзан макр-ҳийладан ҳам ҳоли бўлмаган музокараларида ўта бардошли инсон эди.

Бироқ энг қизиги шунда эдики, Улуғ амир доимо тинчликсевар ва маърифатпарвар сиёсат юритарди. Чиндан ҳам у исёнкор шаҳарларни олиш пайтида амалга оширилган қатлиомларда ганимнинг барча аскар ва зобитларини қиличдан ўтказса ҳам, пайғамбар

авлодларига, уламоларга, адиб ва шонирларга, мусиқа-чилар, истеъдодли рассом ва усталарга раҳнамолик қиласарди. Улардан энг машҳурлари Самарқандга жүнатилар, Темурбек салтанати пойтахтининг гўзаллиги ва маданийти равнақи учун хизмат қилишарди. Уларга шаҳарда алоҳида хонадонлар ажратилар, яхшигина нафақа белгиланарди.

Шу йўл билан бало-қазолардан омон қолганлар орасида салтанат шавкатли баҳодирларининг рафиқалари ва канизакларига айланган кўплаб ҳурлиқолар бўлиб, уларнинг Самарқандга келишлари шаҳар аҳолиси жисмоний кўрининини яхшилашда фойдадан холи бўлмади.

Мана шу даврдан бошлаб, Амир Темур форсча «Рости—русти», яъни «Куч—адолатда» деган шиор билтган уч ҳалқадан иборат байроқни ўзининг туғи этиб белгилади. Ривоятларга қараганда, туғдаги уч доира курраи заминнинг Амир Темур ҳукмронлик қилишни истаган уч қисмини билдирад, мўғул урф-одатлари бўйича эса у ўз хўжасига омад келтирувчи сеҳрли белгилардан бирин ҳисобланарди.

Мактублар, турли рухсатномалар ва фармонларда в «Темурбек» дея имзо чекапди (сўзма-сўз таржима қилганда «Темир ҳукмдор»: Темур — темир ва бек — ҳукмдор).

Расмий қогоз ва тангаларда форсчада «Темур Кургон», туркчада «Темур Курагон» сўзлари битиларди («Кургон» ўзиннинг туркча синоними «Кўрагон» каби «хон онласининг куёви» деган маънони англатади. Чиндан ҳам, Амир Темур Чингизхон авлодидан бўлмиши бир маликага уйланган эди).

Ниҳоят 1380 йилнинг бошига келиб, Амир Темур ўзининг жаҳонни фатҳ этиш учун етилганига ишонч хосил қилди. Бу дунёда кўп вақти қолмаганини сезган Улуғ амир (у қирқ беш ёшга тўлганди) ўз мақсадларига эришиш учун энг шафқатсиз чораларни ҳам қўллашга қарор қилган эди.

У шундан сўнг орада ўтган атиги ўн бир йил ичида Мўғулистон кучманчиларини ўз салтанати сарҳадларидан анча узоққа улоқтириб ташлашга. Хоразмни бўйсундирнишга, қаттиққўл, аммо бирлаштирувчи сиёсат юритишга, аскарларни ўз саркардасига садоқатли қилиб тарбиялашга муваффақ бўлди. Шундай сермаҳ-

сул бошқарув натижаси ўлароқ «Амир Темур салтана-ти» дунёга келди.

Табииники, мазкур салтанат ^{ўз} ҳукмдори билан тирик эди; бу унинг вафотидан сунг яққол намоён булди. Улуғ амирниңг энг буюк хислатларидан бири ҳамма жойда ҳозир нозир бўлиш ва доимо зафар қозониш эди.

Ҳамманиңг — фуқаролар, ғанимлар ва иттилоқдошлар кўз ўнгиде Амир Темур тақдир таилаган инсон ёки соҳибқиронниңг ўзи Миср сultonига ёзганидек «Тангри таолонинг ғазаби қайнаб турган пайтида, унинг қаҳрига учраганларининг жазосини бериш учун дунёга келган». У ўз мактубида яна шундай деб ёзди: «Худо менинг қалбимдан раҳм-шафқатни олиб ташлаган».

Шундай экан, Амир Темур на мағлуб бўлишга, из ўз вазифасидан воз кечишига ва на адашишга ҳақли эди. Таҳлика га тушган ҳалклар ва элатлар назарида у қучган ҳар бир ғалаба, у қўлга киритган ҳар бир қалъя ва истеҳком, у маҳв этган ҳар бир ғаним «Аллоҳниңг иродасини» бажариш йўлидаги зафарлар бўлиб кўринарди.

Аммо, унинг қаҳрамонликлари ортида яширин хасталигини, тобора авж олиб бораётган ногиронлигини сарҳадсиз салтанатининг на бирор фуқароси, на бирор аскари ва на бирор душмани кўра олган. Ҳақиқатда эса унинг ёшликда жароҳатланган қўли ва оёғи кундан-кунга заифлашиб бормоқда эди. Бироқ Улуғ амир ўтиб бораётган ёши ва хасталигига қарамай ^{ўз} аскарлари билан ёнма-ён, уларнинг ғаму ташвишлари, азобларига шерик бўлиб дунё кезди.

Ўз руҳининг танасидан устун келганлиги, иродасини бу қадар юксакларга кўтара билганлиги Амир Темур қозонган ғалабаларнинг энг каттаси бўлса ажаб эмас.

ҒАРБИЯ ВА ШАРҚИЙ ЭРОННИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Бир-бирига душман хонликларга бўлиниб кетган Эрон, Ироқ ва Афғонистон подшоликларини забт этиш нияти фотиҳ Амир Темур тузган режанинг энг биринчи сатрларида туради. Булар, асосан, Мовароуннаҳрнинг жанубий ва жануби-ғарбий сарҳадларида жойлашган ўлкалардан иборат бўлиб, Шарқий Эрон, Сейистон, Ҳурросон, Мозандарон, Форс, Ироқи ажам ва Ироқи араб, Озарбайжон, Гуржистон ва Арманистонни ўз ичи-га оларди.

Амир Темур ишни Шарқий Эрон (қисман замонавий Афғонистон)дан бошлаб, Ҳирот малиги Ғиёсиiddинни ўз ноиби сифатида қурултойга таклиф қилди. Малик ўта эҳтиёткор киши эди, шу сабабли йўқ деб жавоб қайтара олмади, бироқ қурултойга бормаслик учун ҳарсафар турли баҳоналар топа берди.

Сабри тугаган Улуг амир Ҳирот устига юриш бошлаб, шаҳарни қамал қилди. Қисқа муддатли, бефойда қаршиликдан сунг малик шаҳарни топшириди.

Музаффар Темур катта бойликларни қўлга киритди, зеро Ҳирот Марказий Осиё билан Ҳиндистонни бир-бирига боғлаб турган йирик маданият ва тижорат маркази хисобланарди. У шаҳарнинг силлиқ темирдан ясалган ўймакор ва муқаддас ёзувлар битилган дарвозаларини Кешга олиб кетишларини амр қилди.

Ҳар эҳтимолга қарши қалъа деворлари вайрон қилинди, Ҳирот малиги Самарқандга олиб келинди, Амир Темур уни маликлик лавозимида сақлаб қолган бўлсада, бирор юмуш бермади.

Улуг амир шаҳардан чиқиб кетиши билан бир гуруҳ афғон жангарилари Ҳиротга кириб олди ва қалъа аҳолисининг каттагина бир қисмини бу ерда қолдирилган лашкарга қарши кутаришга муваффақ бўлди.

Бундан хабар топган жаҳонгир исёнчиларни жазолаш учун ўғли Мироншоҳни Ҳиротга жўнатди. Шаҳэр қонга беланди, исёнчилар қаттиқ жазоланди. Фитнада

құлы борликда айбланған баҳтиқаро Ғиёсиддин 1382
йили қатл этилди.

Мироншоқ шу топшириқни бажарыш билан машғул
екан, Ҳиротдан олислаб кетган Амир Темур шимоли-
гарбга йүл солды ва бутун Хурасонни құлга кирилди.
Хурасон, Мозандарон ва Сейистон вилоятларини бир-
бирини құрарға күзи йүқ уч хонбачча бошқарады.

Унинг йұлида биринчи булиб Хелат ва Тус құрғон-
ларнинг хұжаси Алибек учрады. Мовароуннаұр қүши-
нининг кучи ва салохияттнн күрган Алибек ўзи яши-
ринған тоғдан тушиб, талаб этилганидек таслим бўлди.

Сабзавор ва Сейистон хұжаси Али Муайд ҳам ун-
дан үрнак олди: Амир Темур ҳақида кўп гапларни
эшитган бу ҳукмдор қўл остидаги ерларни унинг их-
тиёрига топшириб, ўзи ҳам унинг хизматига ёлланды.
Улуғ амирға садоқатли хизмат қилған Али Муайд
орадан беш йил утгач, оғир жанглардан бирида ҳалок
бўлди.

Алибекка ионблик учун лозим бўлган барча ҳуж-
жатларни топширган Улуғ амир Каспий дengизининг
жанубидаги Озарбойжонгача бўлган ҳудудни эгалла-
ган Мозандарон вилояті ҳокими амир Валини маҳв
этиш учун жадал суръатлар билан олға кетди.

Бироқ бу сафар вилоят ҳокими Амир Темур чақи-
риқларнга қулоқ солмади ва қўл остидаги Астрабод,
Бистом, Дамғон ва Семнан қалъаларини зўр бериб
ҳимояга тайёрлай бошлади.

Улуғ амир уни таслим бўлишга мажбур қилиш
ҳамда қалъаларни бирма-бир қамал қилмаслик учун
амир Валига қарашли бўлган шаҳарлардан яна бири
— Исфарайиннинг кулинин кўкка совуриб, ўз қудратини
намойиш этишга қарор қилди.

Бир куннинг ичиде Амир Темур лашкарлари қалъа
деворларини ишғол қилдилар, унинг марказий майдо-
нини эгалладилар, истеҳкомларни вайрон этиб, зовур-
ларни тўлдиридилар. Солномаларда ёзилишича «Исфа-
райиндан фақат унинг номи қолди».

Ушбу «дарс»дан сўнг амир Вали тез орада келиб,
«ҳукмдор тахти пойини үпажагини» ҳамда қадимий
аңъаналарга мувофиқ таслим бажо келтиражагини
маълум қилди. Бироқ Амир Темур қисқа муддатли хас-
талиқдан сўнг бевақт оламдан утган суюкли қизи Оға
бегимнинг дағи маросимида қатнашиш учун Самар-
қандга қайтгач, у ўз фикрини ўзгартирди ва қўшни-

си Али Муайяд Улуғ амир ихтиёрига топширган ҳудудларга ҳужум қилиш учун Алибек билан тил бириктirdи.

Бундан Амир Темурнинг қаттиқ ғазаби келди; солномада ёзилишича у яна қайта йўлга чиққач, бутун Осиё титраб-қақшади. Қиши бўлишинга қарамай у Бухоро остоналарида катта бир қўшин йигди ва Хуросон устига юриш қилди.

Унинг яқинлашиб келаётганидан даҳшатга тушган Алибек ўз яқинларни билан баланд тоғ устида жойлашган мустаҳкам Хелат қалъасига яшириниб олди. Аммо Амир Темур шундай қалъаларни забт этиш учун танланган тоғлик аскарлардан бир бўлинма тузган эди. Хелат тезда қўлга киритилди, Алибек ҳам кўп ўтмай қатл этилди.

Шундан сўнг қўшин Туршез қалъасини қамал қилди; қалъа атрофи чуқур жарлик ва ўрмон билан қуршалган улкан қоятош устига қурилган бўлиб, даҳлсиз ҳисобланарди. Қалъа ҳимоячилари инҳоятда жасур афғон жангаријаридан ташкил топган эди.

Амир Темурнинг тоғлик жангчилари қупорувчилар ва уларнинг ўқ-дори ҳамда анжомларини ўз елкаларида жарликлардан олиб ўтдилар; уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қалъа буржлари титради, деворлар орасида очилган дарчалардан ҳужумчилар ичкарига кирдилар.

Афғонлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, бироқ ўзларидан бир неча баробар ортиқ ҳужумчиларга узоқ бардош беролмадилар. Уларнинг бу жасоратидан руҳланган Улуғ амир барчасини авф этди ва ўз лашкарлари сафига қўшиб олди. Бу ҳодиса хусусида алоҳида тўхталмоқ лозим, зеро у шу даҳшатли муҳосара чоғида Амир Темур кўрсатган ягона мурувват нишонасан бўлди.

Алибек маҳв этилгач, Амир Темур ҳокими Самарқанд қўшинларида хизматда бўлишига қарамай аҳолиси исен кўтарган Сейистон томон юрди. Қақшатқич жангдан сўнг қўлга киритилган Сабзаворнинг ҳолига маймунлар йиғлади.

Шундан сўнг қўшин улка пойтахти Заранж устига юриш қилди, шаҳар бехуда ва қаттиқ қаршиликдан сўнг таслим бўлди. Қадим замонлардан бери ўлкани оби ҳаёт билан таъминлаб келаётган сув омборлари

вайрон этилди. Сүнг қүшин шарқ томон йүл солиб, Қандахорни забт қилди.

Хуросон ва Сейистонни ҳам шафқатсиз жазолаган Амир Темур мағриб томон юрди, Мозандаронни айланыб ўтиб, яқиндагина шаҳзода Мироншоҳ қўлга киритган Султонияга йўл олди.

1385 йил Султонияда мириқиб ҳордиқ чиқарган Улуғ амир ва унинг лашкарларни тұсатдан шарққа йўл тутдилар ва Эльбрус ҳамда Филон тоғи мавзеларига кириб бордилар. Тинч йўл билан таслим булишни истамаган қалъалар забт этилиб таланди, қишлоқларнинг тоғу тошларга қочмаган аҳолиси тобе этилди, ўлкаларнинг ҳукмдорлари Улуғ амир қаршиисида тиз чўкдилар.

Бундай тезкор ғалабалардан руҳланган Улуғ амир лашкарлари тузкўр Валининг жазосини бериш мақсадида Мозандарон томон отилдилар. Вали эса қулидан келганича қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди, бироқ ўз йўлида ҳар қандай тўсиқни ҳам ювиб кетадиган бундай қудратли тўлқинга қарши туролмади.

Мозандароннинг барча шаҳарлари таслим булиб, унинг пойтахти Астробод ҳам қўлдан кетгач, амир Вали Озарбайжон¹га қочиб кетди.

Ўз режасининг дастлабки қисми амалга оширилганига ишонч ҳосил қилган Амир Темур лашкарларига бир оз дам бериш ва салтанат юмушларини тартибга келтириш мақсадида Самарқандга қайтди. Шаҳар аҳли уни буюк фотиҳларгагина муносиб тантана билан қарши олди. Ҳуқидор ўзи билан беҳисоб ўлжа олиб келаетганидан хабар топган самарқандликларнинг хурсандчилигига хурсандчилик қўшилди. Чунки одатда бу ўлжаларнинг каттагина қисми пойтахт фаровонлиги учун ажратиларди.

Энди салтанат ҳудудлари ғарбда Султониягача, жанубда Қандахор ва Заранжгача етган, Ҳирот вилояти, Хуросон, Сейистон, Эльбрус ва Мозандарон истило қилинган эди.

Амир Темур салтанатининг пойтахтида бир йил турди; бу орада у давлат бошқарувини такомиллаштириш, қўшинни кучайтириш билан машғул бўлди, салтанат шимолий ҳудудларига таҳдид солаётган мӯғул жангариларига қарши лашкарлар жўнатиб турди.

¹ Бу ерда Әрондаги Озарбайжон вилояти назарда тутилмоқда (тарж.).

У бу вақтдан ҳозирги Оврупта жанубий Үрусиянинг таркибиға киравчи бепоёни ҳудудларга ўша пайтларда эгалик қилиб турган мұғул үрдалариға қарши муқаррар жангга ёш салтанатининг барча кучларини жамлаш учун унумли фойдаланди. У үз режасига биноан Ғарбга қараб йўл соладиган бўлса, албатта мұгулларнинг Каспий дengизининг шарқу ғарбида жойлашган ҳудудларига кириб ўтиши лозим эди.

Улуғ амир ўзининг Шимолий Эрон, Арманистон ва Гуржистонни истило қилиш режасининг амалга ошишига мұғул үрдалари қаршилик кўрсатишини жуда яхши биларди. Уларга қарши курашиш учун мисли кўрилмаган жасорат талаб қилинарди. Негаки яқиндан бери Үрда хонлари Амир Темурнинг эски ғаними Тўхтамишхоннинг қудратли қўли остига бирлаштирилган эди.

Бу ҳолатнинг нақадар хавф-хатарга тўла эканлигини англаш учун бир неча йилга орқага қайтиш ва Үрдалар тарихига назар солиш лозим.

Чингизхон истилосидан илгари ҳам Осиёнинг Үрусия иҳтиёрида бўлмиш дашту биёбонларида турли элат ва миллатларга мансуб қўчманчи ва ўтроқ ҳалқлар истиқомат қилас, уларнинг орасида туркий ҳалқлар кўпчиликни ташкил этар эди. Асосан Волга дарёсининг қирғоқларида жойлашган ва яҳудий (яҳудий турк-мұгулларнинг!) динини қабул қилган Хазарлар салтана-ти ҳам мавжуд эди. XI асрга келиб хазарлар, византийлар «куман»лар, ўруслар эса «половец»лар деб атайдиган қипчоқлар томонидан ўз ерларидан бутунлай сиқиб чиқарилдилар ёхуд улар билан аралашиб кетдилар (Бородиннинг «Шаҳзода Игор» номли опера-сидаги «Половец рақслари» айнан шулар ҳақидадир).

Қипчоқларнинг амлоклари Дунай дарёсининг ирмоқларидан Урал тоғларигача чўзилган бўлиб, Волга бўйидаги Булғор (замонавий Қозон шаҳри атрофлари) каби гуркираб яшнаган йирик тијорат марказини ҳам ўз ичига оларди. Уз замонаснинг энг бадавлат қулжаллоблари ҳам қипчоқлар эди. Улар шимолдаги қўшиллари—ўрус князъликлари устига тез-тез муваффақиятли юришлар уюштириб туришарди.

XIII аср бошнадаги мұғул босқини Осиёнинг мазкур қисми тинчлигини бутунлай бузиб юборди. Қипчоқ ҳудудлари Чингизхоннинг қўл остига ўтди. Истило амалга ошгач, Чингизхоннинг катта ўғли Жўчига Мұ-

ғулистаннинг гарбидаги, Чигатой улусининг шимоли ва шимоли-шарқида жойлашган даштлардан иборат улус тегди.

Мӯғул анъаналарига мувофиқ тұнгич үғил ва уннинг авлодларынга одатта ота мулкиннинг энг йироқ ҳудудлары тегарди. Бу ҳудуд Мӯғул салтанатиннинг энг гарбий улкасы бўлиб, Оврӯпога қўшини турад, қипчоқ даштлари, Хоразм ҳамда Волганинг гарбий соҳилида ҳали забт этилишин лозим бўлган шаҳарларни ҳам уз ичиға олардии.

Жўчининг ўғли Ботухон замонасидағина бу улкан ҳудудлар қудратли салтанатга айланди.¹ Орадан тўрт йил утар-утмас мӯғуллар уз ерларига ўрус князликларини, кейин эса уларнинг Украинадаги истехкомларини ҳам қўшиб олдилар, Польша ва Можористон қишлоқларини вайрон қилиш учун жазо отрядларини йўллаб турдилар (мӯғул қўшининнинг олд қисем лашкарлари ҳатто Вена яқинидаги Ньюштад шаҳригача етиб бордилар). Фақат оиласвий можаролар туфайлигина мӯғулларнинг Оврупони забт этиш режалари амалга ошмай қолди.

Аслида «Жўчи улуси» ёхуд «Кўк Урда» деб аталган Боту улуси ўруслар томонидан «Олтин Урда» деб атала бошланди (айтишларича, уннинг ҳайма—чодирни устига тилла ипли мато ёпилар экан). Боту уз боргоҳини салтанатиннинг жанубида, Волга дарёсининг қирғогига яқин жойда қурдирди ва дарёнинг дельтаси яқинида урданнинг пойтахти бўлмиш Сарой шаҳрини бунёд эттириди. У битмас-туганмас гайратли ва моҳир ташкилотчи хон эди: у савдо-сотиқни жонлантириди ва ҳамкорлик эшикларини очди, мамлакати ҳудудида солиқ йигишининг ривожланган тизимини жорий қилди. Мӯғул солиқ йигувчилари мунтазам равишда ўрус-князликларига ташриф буюриб турнишар; солиқ тўлашдан бўйин товловчилар билан мулоқотда уларга ўзлари билан бирга юрувчи аскарлар ёрдам бернишарди.

Орол дengизиннинг шимолида, Олтин Урда ва Чигатой хонлиги ўртасида Ботухон акасининг «Оқ Урда» номи билан маълум улуси жойлашган эди. Бу хонлик уччалик катта бўлмаса-да, Амир Темурнинг салтанати—Мовароуннаҳр билан чегарадош эди.

1255—1266 йилларда Ботуннинг укаси Беркахон даврида Олтин Урда Оврӯосиё қитъасининг қудратли давлатларидан бирига айланди. У ўзининг узоқ биро-

дары, Эрон хонлигининті вассали Ҳалокухон билан ни-
фоқлашиб, Миср ұқымдорлари мамлуклар билан итти-
фоқлашдын. Мұғулларининг душмани, фанатик мамлуклар
билан дүстлашган Берка үз манфаатларини күзлаб иш
тутган булиши табиий, бироқ бу дүстлик Чингизхон
васиятларига хилоф эди.

Бундай иттифоқдош топилғанлыгидан бошлари ос-
монга етган мамлуклар Беркага қимматбақо совға-
саломлар йұллашды ва уни үз яқынлари билан мусул-
мон днинни қабул қилишга ундашды.

Нима бұлғаннда ҳам Олтин Үрда уруғларининг бар-
часинн ислом диннега киритишининг иложи булмади; хон
атрофидагилар ва аҳолининг үтреу күн кечирудүчи қис-
ми исломнің қабул қылды, күчманчы қабилалар эса
узоқ өткітінде үз әзтиқодларини үзгартырмадилар. Ҳат-
то, XIV аср бошида ұқымронлик қылған Тұхта исмли
хон ҳам будда диннега әзтиқод қылған эди.

Беркахоннинг ворисн генуялық саводгарларга Қрим
ярым оролидаги Кафа шаҳрида үз ваколатхоналарини
очишга инжозат берди. Үрус князларынға дөмний тазйиқ
үтказиш ҳамда ҳар бир мисқол солиқни назорат қылған
туриш учун мұғул хонлари үз құл остидаги аҳолини
мунтазам равишда рүйхатдан үтказып турышарди.

Үрда кундан-кунга бойиб бормоқда эди. У Эроннинг
мұғуллар құл остига үтган қисмінде қарши курашда
Миср мамлуклари билан иттифоқ түзіб, Озарбайжонни
әгаллаб олишга интиларди.

Эроннин әгаллаб олган Амир Темур ана шундай ҳолат-
нинг гувоҳи бұлды; Олтин Үрда ва мамлуклар Ҳалоку-
хоннинг ворисига қарши курашга шайланмоқда эдил-
лар.

1347 йили Олтин Үрда бошнега оғир мусибатлар түш-
ди: Буюк вабо қабилаларни құритты, тахту салтанат
хонларга хизмат қылған амлокдорлар орасида талон-
торож бұлды, бунинг устига устак 1371 йилдан бошлаб
үрус князлари анъянавий үлпон тұлашдан ва Сарой
шаҳрига бұйсуннандан бөш тортышди.

Үрда амирлари раҳбарн Мамай құмандонлығы ости-
даги мұғул лашкарлари Қуликово жаңғохыда бирлаш-
ған үрус қүшинлари томонидан маҳв этилдилар; мұғул
қүшини мағлубият нималигини үз ҳудудида илк бора
татиб курди. Бироқ Үрда ҳамон күч-құдратдан қолмаган
эди; у йұқотған обруни қайта тиклаш учун шижаатли
бир ұқымдор лозим эди.

1376 йилда рүй берғаң қызы қоңға туғайли Амир

Темур узининг гарб томон юриш ҳақидаги режаларига мұғул құшинлари күрсатаётган қаршиликка барҳам берә олди.

Оқ Урда хонининг Тұхтамиш исмли жияни бұлиб, у үз тоғасига қарши бош күтарған эди. Исәнкор жиян мағлубиятта учраб қочади ва Самарқандга келиб Амир Темурдан паноҳ сұрайди. Амир Темур Тұхтамишни керакли қурол-яроғ ва аскарлар билан таъминлаб, газабнок амакиси салтанатининг шундоқ қаршиисида—Сирдаре қырғоқларыда жойлашған уч қалъага ҳоким қилиб таинилайди; бу билан у Оқ Урда бирлигига тағидан пүтүр етказиши мұлжаллаган эди. Хон қудратлы бир қүшин билан үз жиянининг оз сонли лашкари устига юриш қилади ва уни яна бир бор қочишга мажбур этади, бироқ жияни бошпана топған Мовароунарх ҳудудларига киришга уринган хоннинг үзи Амир Темурнинг кучли зарбасыга учради.

1377 йили хон оламдан үтди, бироқ уннинг үрнига үтирган үғли Темур Малик тоғаваччасини таъқиб қилишни үз зинмасыга олди. Ҳар сафар Тұхтамиш танг ҳолга тушиб қолғанда, Улуғ амир үз лашкарларини унга мададға юборарди.

Ниҳоят, Темур Маликки маглуб этган Тұхтамиш Оқ Урда таҳтига үтирди. Мана шундан кейин ҳамма нарса үзгарди.

Олтин Урда бошидан кечирайттан қиинчиликлардан фойдаланған Тұхтамиш үзини салтанат асосчиси Жұчининг авлодидан эканлигини рұкач қилиб, таҳтга дайвогарлик қила бошлади.

У Оқ Урда суворийларини бир неча маротаба үруслар билан жаңг олиб бораётган үзининг мұғул қүшинлари устига йұллади. Орадан иккі йил үтгач, үруслардан маглуб бўлган Мамайга қарши қўшин тортди. Азов дengизи яқинидаги муҳорабада зафар қучган Тұхтамиш Олтин Урда таҳтига үтирди.

Овруосиёнинг энг қудратлы иккى хонлигини эгаллаб. Қора дengиздан Орол дengизига бўлган бепоён бир ҳудуднинг якка ҳокимиға айланған янги буюк хон үз аждоди Чингизхоннинг муносиб ворисига айланғанлигига ишонч ҳосил қилди.

У, ишни үрус князликларини тиз чўқтириш ва анъанавий үлпонларни тұлаттиришдан бошлади. Кулково жангидаги зафардан руҳланған князлар уннинг бу табларини рад этдилар. Тұхтамиш қудратлы бир мұғул қўшинига бошчилик қилиб, уларнинг қаршилигини син-

Дирди, йирик ўрус шаҳарларини бешафқат вайрон этиб, 1382 йил 13 август куни Москванинг кулини кўкка со-вурди. Қўлга олиниган ўрус князлари сулҳ тузиб, Тўхтамишга итоат этдилар.

Шундан сўнг Тўхтамиш энг катта нонкўрликка қулурди — у Амир Темур қўлга киритган ўлкаларни босиб олиш режасини тузди. У омма олдида ўзининг кечаги халоскоринин Икки Үрдапиниг Буюк хони билан тенглашишга итолойиқ сафсатабоз туркӣ хонбачча, деб эълон қилди.

У ўзининг ожиз ёшлигини ёдга солиб турувчи мана шу кучли гувоҳдан қутулишни бениҳоя истарди.

У дастлабки огоҳлантириш сифатида Амир Темур истило қилишни мўлжаллаб юрган Озарбойжоннинг пойтахти Табризни мұҳосара этди ва талади, сўнг Сарой шаҳрига қайтиб, Самарқанднинг Улуғ амирига қақшатқич зарба беришнинг қулай пайтини кута бошлади.

Эрои истилосига барҳам беришни истаган Амир Темур 1386 йили янги қўшин бошчилигида шу давлатга юриш қилди. Йўлда унга Исфаҳонининг шимоли-ғарбида жойлашган Луристон вилоятидаги тоғликлар Маккага кетаётган карвонга ҳужум қилиб талаганликларини маълум этдилар. Луристонликлар ашаддий талончилар бўлиб, баландликларда жойлашган пистирмаларидан кўз етадиган масофадаги сайёҳларни кузатиб туришар, уларни талар ва ўлдирап этдилар.

Амир Темур бу имкониятдан бирйўла уч ниятии тез ва соз амалга оширишини мўлжаллади: у аввало ҳажзиёратчиларнига ҳужум қилаётган қароқчиларни жазоласа (бу билан у мусулмонлар ишончини қозонарди). иккинчидан, ўзининг янги лашкарларнига салтанатда тартиб ва интизом ўринатаётганини кўрсатар ва ниҳоят, аскарларининг нималарга қодир эканлигини намойниш этар эди.

У ўн аскардан иккитасини — кучлилардан энг кучлиларни таинлади, уларга арқон ва чангаклар улаштириди ҳамда ўзи бошчилик қилиб Луристон тогларнига йул олди. Қароқчиларнинг мустаҳкам «уялари» яшин тезлигида қўлга киритилди, уларнинг ўзлари эса жарликларга улоқтирилди. Шаронтининг ниҳоятда оғирлиги, қалъаларининг мустаҳкамлиги ҳамда тогликларнинг синовдан ўтган жаигарилларни назарга олинса, Улуг амир бошчилигидаги сара аскарлар нақадар буюк жасорат кўрсатганини яққол намоён булади.

Ушбу жазо тадбири амалга оширилгач, Амир Темур шимоли-шарққа йўл олди ва Қазвии қалъаси яқинидаги жойлашган Неҳовандда ўз қўшинининг асосий қисми билан учрашиди.

Озарбайжонни истило қилиш оддий бир ҳарбий машқ-қа айланди, Табриз эса заррача ҳам қаршилик курсатмай таслим бўлди. Шаҳар Тухтамишининг куни кечада бўлиб ўтган юришидан қаттиқ азият чеккан эди.

Озарбайжон жанубда Басурадаи, шимолда Арманистон сарҳадларигача ястанган бир ҳудудга ҳукмронлик қилувчи Аҳмад Жалойирга тегишли ўлка бўлиб, салтанатнинг маркази Бағдод шаҳрида эди.

Ироқни ҳам ўз ичига олгучи бу ўлка парчаланиб кетган мӯғул хонлигининг¹ бир қисми бўлиб, мулкдорларининг таҳт учун кураши туфайли Чингизхон авлодидан бўлган ҳукмдорининг ўлдирилиши натижасида инқиrozга юз тутган эди². Бу курашлар оқибатида икки даъвогар қолган бўлиб, уларнинг биринчиси Ҳасан Чупоний Озарбайжон ва Шимолий Ироқни ўз қўлида сақлаб турар, иккинчиси Ҳасан Жалойир эса Бағдод ҳокими сифатида танилган эди. Бахтга қарши, 1355 йил Қипчоқ хонининг Озарбайжонга уюштирилган юриши натижасида биринчи даъвогар оламдан ўтади.

Жалойирнинг ўғли Озарбайжонни ўзининг кичик Бағдод хонлигига қўшиб олган эди. Амир Темур бу ерларга ташриф буюрган пайтда Ироқ ва Табризни Ҳасан Жалойирнинг жияни Аҳмад Жалойир бошқармоқда эди.

Аҳмад Жалойир тадбиркор ҳарбийлардан экан; Тухтамиш ҳужум қилган пайтда ҳеч ким унинг изларини тополмади, мӯгуллар кетгач эса, у яна ҳеч нарса булмагандай пайдо бўлди. Амир Темур яқинлашиб келаётганилиги ҳақида хабар тарқалиши билан у Табриздан шунчалик тез гойиб бўлдиким, кўч-қуронини йиғиштириши хам ёнидан чиқарди.

¹ Бу ерда Чингизхонининг набираси Ҳалокуҳон (1256—1265) асос соглиган Ҳалокуийлар (Элхонийлар) давлати назарда тутилмоқда 1256—1336 йиллар ичада Эрон, Озарбайжон ва Ироқ Ҳалокуийлар давлати ҳукмронлиги остида бўлган (*тарж:*).

² Бу ерда мӯгул хони Абу Сайд назарда тутилмоқда Бироқ муаллиф хатоликка йўл қўйган: Абу Сайд ўз ажали билан оламдан ўтган. Бу ҳақда каранг: Ибн Арабиҳ. Ажойиб ал-мақлур фи тарихи Таймур, Т. 2 жилдлик, 1-китоб, 1992, 99-бет; Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи, Т., 1994, 278-бет; Бўрибой Аҳмедов Амир Темур. Тарихий роман, Т., 1995, 575-бет ва д.к. (*тарж:*).

Амир Темур Бағдодга йұллаган әлчи ҳам үз ҳукмдорига бу жирканч кімсса ҳақида қойындың сұзларни битгандың әди: «Султон Ахмад фақат иккі күзнегина қолған бир қоп гүштдан иборат».

Улуғ амир 1386 йыл ёзинн Табризда үтказды. У бу муддатта юрт ақолиси ичидан әнг иқтидорлы саңыаткорлар, ҳунармандлар ва уламоларни танлаш ва уларни Самарқандга йұллаш билан машғул бўлди. Шу билан бирга у үз құшинларига Озарбайжонни бутунлай истило қилишин ҳамда ақолнинг асосий қисмнин ташкил этувчи туркман қабилаларини тор-мор этишини буюрди. Шу жанглардан бирида Улуғ амир құшини зобитларидан бири қайсиydир қабила орасыда яшириннб юрган амир Валини топишга ва уннинг танасини бошидан жудо этишга муваффақ бўлди. Мозандарон ұлкаси собиқ ҳоқимининг күни шу тарнқа битди.

Қиши кирнши билан Амир Темур үз лашкарларини Гуржистонга бошлади. Қалин қор билан қопланган ва шу туфайлын зabit этиш мушкул бўлган баланд тоғли үлкага ақлдан озган кишигина ҳужум қилишин мумкин әди; бироқ соҳибқирон асрорларидан бири ҳам шунда әдик, у ҳеч ким кутмаган макон ва замонда ҳужум ўюштира оларди. Уннинг ғайритабиний ғайратидан илҳомланган аскарлар бекиес мардлик намуналарнни курсатар әдилар.

Гуржистон насроний давлат булғанлиги сабабли Амир Темур унга қарши жиҳод эълон қилди, бу бир томондан уни ислом манфаатлари учун курашувчи қаҳрамон қилиб кўрсатса, иккинчи томондан шахсий режаларини амалга оширишга имкон яратарди. Соҳибқироннинг сара аскарларнни на гуржиларнинг юксак жанговар қобилияти, на қаҳратон қиши совуғи ва на қоядор Таурус тоғларига кўтарилиш мушкулотлари тұхтата олди. Мамлакат пойтахти Тифлис қонли жанглардан сұнг таслим бўлди. Гуржистон подшоси Баграт V асир тушиби ва мусулмонларнни қабул қилиб, омон қолди.

Шу муносабат билан янги уммат подшо Давид үз қули билан ясаган деб ҳисобланмиш машҳур совутини ғолибга тақдим этди.

Құшиннинг асосий қисми грузинларнинг тоғларда жойлашган истеңкомларини бирин-кетин құлға киритиш билан машғул бир пайтда Амир Темур қишини қолған лашкарлари билан бирмунча жанубда — Қорабогда үтказмоқда әди. Эрта баҳорда у үз одамлари билан ов

қилиб юрган пайтда унга Тұхтамиш Қавказдан ошиб үтганини ва катта құшн билан ҳужумга шайланаётганини маълум қилдилар.

Мұғул аскарлари Дарбанд дараси орқали үтган булишиб, Қорабоғ томон ошиқмоқда әдилар; солномада ёзилишича Тұхтамиш ва унинг түққиз буқа думи илингап туги ортидан Чингизхон авлодидан бұлмиш үн икки шаҳзода ҳамда ашаддий жангарилар — «баданлари илма-тешик бўлиб кетган жоҳил ва бешафқат кимсалар» келмоқда эди.

Амир Темур бу тажрибали ғанимларга қарши ўз қўшинининг кичик бир ҳировулини йўллади; ҳировул дарё кечувида мұғуллар билан мардона курашди. Шу кичик гуруҳга қарши жанг қилиш билан овора бўлган ғаним кутилмаганда Мироншоҳ бошчилигида ёрдамга етиб келган суворийлар туманларини пайқамай қолди.

Саноқсиз асиirlар қолдирган Тұхтамиш жон алфозда Кавказ ортига чекинди.

Улуғ амирнинг Эронда қиладиган иши кўп бўлиб, Олтин Үрда устига юриш қилишга ҳали вақт эрта эди. У дастлаб шу үлкада бошлаган ишларини ниҳоясига етказишни ва шундан кейингина эски танишнинг хомхаёлларига бутунлай барҳам бернишга қарор қилди. Шу билан бирга у бир аждоддан бўлган инсонлар ўртасида биродаркушликдан кўра иттифоқ тузилишини афзал курав, томирларида Чингизхон қони оқиб турган ҳукмдорларга ҳурмат кўрсатиб, буюк фотиҳ руҳини шод этиш лозимлигига ишонарди. Балки у Тұхтамишни ҳали ҳам ўзига дуст деб билгандир?

Амир Темур мурувват кўрсатиб, асир олинган мұғул аскарларига қурол-яроғларини қайтарди, уларни озиқовқат билан таъминлаб ўз юртларига қўйиб юборди. Асиirlикдан қайтганлар Тұхтамишга Амир Темурнинг дил сұzlари битилган мактубни ҳам келтирдилар. Үнда, жумладан, шундай дейнлган эди: «Орадаги гина-кудуратларни унугиб, яна дўст бўлиб қолайлик».

Бироқ Амир Темурга хос бўлмаган бундай келишувчилик мунасабати тескари натнжа берди: бу Үрусия князлари ва итоатсиз мұғул шаҳзодалари устидан қозонгап ғалабасининг эртасигаёқ Дарбанд жанггоҳини шармандаларча ташлаб қочган Тұхтамишнинг нафсиятига тегди.

Мұғул үрдаларининг янги хонн аламини ичига ютиб, ғаннмидан қасос олишга тайёргарликни бошлаб юбор-

ди: Овруп сарҳадларида жойлашган Урол төглар яқинида ҳаёт кечиравчи иттифоқдош күмантчи қабилаларининг беҳисоб суворийларидан құдратлы құшин ту бошлади.

Бу орада Амир Темур голибона юришини даво эттириб. Ғарбий Арманистонин забт этган эди. Мамлекат ҳукуматиниң бошбошдоқликлари билан ном чиқарған бир тұда туркман ҳұмандорлари бошқармоқда әді.

Улардан бири Маккага йұл олған зиератчилар карыннан ҳужум қилиб, ислом ва тартиб-интизом ҳимоячиси ҳисобланынш Улуғ амирнинг қаҳрига дучор бұлды. Туркманлар ашаддий қаршилик күрсатынштан бўлишса да, қалъаларидан ҳайдалдилар, омон қолганлари эсбаланд қоялар орасига яшириниб, оммавий қирғинда қутулдилар.

Шундан сўнг Амир Темур үз лашкарларини Кичиниестонасида жойлашган Арзурум шаҳрига бошлади. Шаҳар бир кунда ек забт этилди; соҳибқирон бу ерда Арзинжон вилоятининг туркман ҳокими Таҳартенинг элчинин қабул қилди: элчи унга үз хўжасининг таслим бўлишини маълум қилди. Ҳоким лавозимда қолдирлди, Амир Темур уни үз ҳимоясига олди.

Орадаң бир неча йил ўтиб, Туркия султони Боязид Тоҳиртенга ҳужум қилганида Амир Темур унинг ҳимоясига отиласи, оиласига ғамхўрлик қиласи.

Курдистон ва Муш ҳудудини әгаллаб турган «Қоракуюнли» номлы туркман Үрдаси, айниқса, ашаддий қаршилик күрсатди. Унинг йўлбошчиси Кора Мұхаммад Турмуш Мироншоҳга қарши ўқ отар қуролларин ишга солди, бунинг натижасида шаҳзода баъзан чекинишга ҳам мажбур бўлди, бироқ туркман лашкарлари Улуғ амир қўшинининг зарбасига узоқ бардош беролмади. Соҳибқироннинг шахсан үзи жангта киргач, Кора Мұхаммад үз һақинлари билан ёввойи ўрмон ичкарисига ючиб қутулди.

Ван қалъасини одиш билан Амир Темур Арманистонин бутунлай истило қилди. Мовароуниаҳр лашкарлари дастлаб кўл бўйидаги баланд қоя устида жойлашган бу қалъанинг останасида тұхташли. Пигирма күнлик мұхосарадан сўнг қалъа қўлга киритилди, унинг ҳимоячилари эса тубсиз жарлайларга улоқтирилди. Ұша пайтда ватанлари Амир Темурға қарши курашаётган туркманлар қўлида бўлғанларига сабабли ҳам кўплаб арманлар англашилмовчиликлар ва аёвсиз жангларнинг

курбоилари бўлишиди. Улар насроний бўлғанликлари сабабли ҳам ўз золимларига қарши курашаётган янги истилочилар кўмагига умид қилолмасдилар.

Амир Темур ўзига садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қылған қатор ҳокимларни ўз лавозимларнда қолдири ва Филон төғлари этагига чодир тикди.

У бу жойда Форс амирларининг таҳт вориси шаҳзода Зайн-ал-Обиддини кутмоқда әди. Үтган йили кексашоҳ Хўжа таслим бўлган ва Шероз таҳтида қолдирилган әди. Эроннинг маркази ва жанубида жойлашган вилоятлари ҳам шоҳ Хўжага бўйинсунарди. Шоҳ оламдаи ўтар пайтда унинг ўғли Зайн-ал-Обиддин Шероз ва Форснинг ҳокими бўлиб қолган, жияни шоҳ Мансурга эса Исфаҳон ва Язд вилоятлари теккан әди. Бироқ Шерознинг янги ҳокими Амир Темур билан белгиланган учрашувга келмади, аксинча, у ўз хузурига йўлланган элчини қамаб туришдек катта хатога йўл қўйди.

Бу эса Улуғ амирга ўз саркардалик маҳоратини ява бир бор намойиш этишга имкон яратди. У жануб томони йўл солди ва 1387 йил кузидан қўшиларини Исфаҳон қаршиенда жамлади.

Амир Темур Шарқнинг бу бой шаҳрини тинч йўл билан истило қилишни ва унинг аҳолисига катта ўлпон солишини мўлжаллаган әди. Дастлаб иш режадагидек борди.

Шаҳар ҳокими ва турли амалдорлар соҳибқиронга шешивоз чиқишиб, унга шаҳар дарвозаларининг қалитларини топширишди ва талаб қилинган ўлпонни тұлашга тантанали ваъда беришиди.

Ўз ҳамшаҳарларининг итоатсизлик қилишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, улар Улуғ амирга шаҳарга ўз ўлпон йигувчиларини йўллашини ва ҳар бир фуқародан мулк-сармоясига мос равишда ўлпон олишини таклиф қилишиди. Соҳибқирон бу таклифга рози бўлди ва каттагина бир ғўлинма ҳамроҳлигига шаҳарни айланиб чиқди. Шаҳар ичкарисида Мовароуниаҳр аскарлари турли бемаъниликлар қилмаслиги учун у оқшом чўккач, үз лашкарлари билан шаҳар ташқарисида чодир тикди. У кичик бир гуруҳни қалъа дарвозаларини қўриқлашига, уч мпиг аскар ҳамроҳлигидаги ўлони йигувчиларни эса шаҳар ичкарисига жўнатди.

Ўлпон йигувчилар ўз шиларнiga ғиришадилар. Уларниң бири бир аёлни зўрлашга урниади. Буни куриб қолган маҳаллий темирчи йигит одатда шаҳарликларни

хавфдан огоҳ этиш учун қулланыладыган дүмбіранн ишга солады.

Күз очиб өмгүнча құтұрган аҳоли Үлүғ амирнинг үлпон йиғувчилары ва аскарлари устига ёпирлиб, уларни тилка-пора қилиб ташлайды. Рухсатнома билан шаҳарға кирган бир неча аскар таъқиб қилиниб, ваҳшнә-иң үлдірілділар. Соқибқирион қүшини бир кечанинг ўздыда уч минг одамдан ажралды. Фазабланған ҳамшаҳарлары бошлаган ғалайеннинг оқибати баҳайр бұлмас-лингига күзлары етган онлалар бошпанан берган бир неча аскарғина омон қолди, холос. Исенчилар шаҳар дарвозалары томон юрнб, мовароунинарлық қоқчиларға түсатдан ҳужум қилдилар ва қиличдан үтказдилар. Сұнгра уларнинг қурол-ярғаларыннан олиб, қалъа деворлари устига күтарилдилар ва жанг ҳозирлышини күра бошладылар.

Үлүғ амир ўз аскарларыннан фожиали қисматы ҳақидаги бу даҳшатлы хабарни тонг отгач, үғли ҳам шутунда ҳалок бұлған садоқатли бир зобитидан эшилді. Амир Темур дастлаб таслим бўлиб, ортидан исен кутарған шаҳарлар аҳолисиңга мутлақо раҳм-шафқат қилмаган; зеро агар у заррача сусткашлик курсатса, нисбатан кам сонли лашкарлар қолдирилган үлкаларда оммавий исенлар бошланиб кетиши мумкин эди.

Қаттиқ газабга келған соқибқирион бутун қүшинига Исфаҳонга киришни ва шаҳар аҳолисиңнанға бирортасынга ҳам шафқат қилмасликни буюрди. Бундан фақаттана Фиқҳшунос алломалару утган тунда Мовароунинар аскарларынга бошпанан берган онлалар истисно эдилар: уларнинг бола-чақалари ва уйлари маҳсус қўриқчилар томонидан ҳимоя қилинди.

Яшин тезлігінде қўлга киритилған Исфаҳон аҳолиси кирғин қилинди. Бу ишга қўли остидаги барчанинг қатнашынини истаган Үлүғ амир қүшинининг ҳар бир туманидан исенкорларыннан маълум миқдордаги кесилған бошларини келтиришни талаб қилди. Кеч кирганида миrzаларнинг дафтарларида етмиш минг кесилған бошқайд этилди. Бу бошлардан шаҳар атрофида тепаликлар уюлди.

Кўп ўтмай Амир Темур бу ўлик шаҳарни тарк этди ва Шерозга келди. Исфаҳон аҳолисиңнанға қирғин қилинини ҳақидаги хабар алтақачоноқ Шерозга етиб келған эди: шаҳар дарвозалары ланғ очилди. Вилоят ҳокими эса амакиваччаси Шоҳ Мансурнинг ҳузурнiga қочиб кет-

ган экан; кейинчалик Шоҳ Мансур унинг қўзларига миён тортади.

Шероз салтанатга қўшиб олини ва бу ерга Самарқанддан ионблар тайинланди. Шаҳарнинг энг моҳир ҳунармандлари пойтахтга келтирилиб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиш ишига жалб этилдилар.

Кичик бир ривоятда айтилишича, Шероз шаҳрилик шоир Ҳофиз ҳам соҳибқирион билан айнан ўша пайтларда учрашган экан. Улуғ амир ундан нима учун ўз ғазалида Самарқанду Бухорони маҳбубасининг холингабахш этишга журъат қилганлигин ҳақида сўраганда Ҳофиз эгнидаги юпун кийнм-бошига ишора қилиб, ўзининг бу хотамтойлиги учун жазосини тортганлигинн айтади.

— Бундан бу ёғига ўз давлатингни ва айниқса, менинг пойтахтимни эҳтиёт қил,—дека жавоб беради уига Амир Темур ва катта ақча бериб қўйиб юборади.

Амир Темур Шероздалигига бу шаҳар билан Самарқанд орасидаги бир минг саккиз юз километрлик масофани ўн етти кунда боснб ўтган матонатли бир чопар ташвишли хабар келтирадиким, иатижада соҳибқирион шошилинч равишда пойтахтга қайтишга мажбур бўлади.

Унинг сафардалигидан фойдаланган Тўхтамиш Мовароунинаҳрга ҳужум қилган экан. Тўхтамиш лашкарларига мӯғалистонлик қатор қабилалар ҳам қўшилганлигидан ва босқинчилар ҳозир Тошкент томони юраётганларидан йўлда хабардор бўлишди.

Шимолдаги туманларни шошилинч равишда жамлай олган Улуғ амирнинг ўғли Умаршайх ганимларни Ўтрор калъаси яқинида тўхтатиб туришга ҳаракат қилган, бироқ уларнинг бир неча баробар кўп қўшини олдида Андиконга чекинишга мажбур бўлган. Бу кучли истеҳкомни ололмаган мӯғуллар аждодлари каби бутун мамлакатни вайрон қилганлар. Улар шаҳарларнинг ҳимояси кучсиз чеккаларини талаб, Бухорони қамал қилганлар. Ганимнинг бошқа гуруҳлари Самарқандни айланнб ўтиб, жанубда жойлашган Насаф шаҳрига ҳужум қилганлар.

1388 йил февраль ойида Амир Темур ўз тезкор сувориёлари билан Кеш орқали кириб келганида аҳвол ниҳоятда фожиали эди. У келиши билан Тўхтамиш ва унинг иттилоғчилари жуфтакни ростлашди ва кўп ўтмай ўз дашту биёбонлари ичра йўқолишлиди.

Амир Темур Самарқандга келиб салтанат туғини күттарганидан сұнг юрт, әл әркін нафас ола бошлади.

Бироқ Хоразмда исейлар бошланғанлығы сабаблы соңибқирион пойтахтда узоқ турмади. Хоразмликлар қаттық жазоланиб, үлка пойтахти бұлмиш Үрганч ақолиси Самарқандга күчирилди; шаҳар бутунлай текисланиб, үрніга арпа экілди.

Ушбу намунағый юмушдан сұнг Амир Темур Бухоро орқали Самарқандга қайтди. Шу пайтғача ҳам Моварунахр тахтида үтирган чингизхоний құғиричоқ хон ғұлда оламдан үтди. Амир Темур фақат номигина қолган бу лавозимға марҳумнинг үғлнни тайинлади. Шуннен ажабланарлықи, бу құғиричоқ хонлар Улуғ амирға ҳненат қишлиш у әқда турсин, құшнидаги башқа зобитлардан аъло даражада садоқат билан хизмат қилишарди.

ОЛТИН ҮРДА БИЛАН БИРИНЧИ ТҮҚНАШУВ

Шаңа йили қиши қаттиқ келди. Бироқ у Тұхтамишниң янги юришдан тұхтатыб қола олмади. У Олтин Үрда вассаллари мажбуран өхүд үз ихтиерлари билан юборған ҳарбин қисмларнің құшиб ҳисоблаганда қудратлы бир қүшинга зәға зәди.

Урискерлер, Волга булғорлари ва шимолий кавказликтар унинг мұғуллари билан ғына-ғына жанг қылардилар. Амир Темурнинг Шарқдаги әскери рақиби хон Қамариддин ҳам өрдам учун Тұхтамишга Мұғулистандан кучли бир лашкар юборған зәди. Ана шу бирлашган қүшин Фарғонадан ҳужум бошлади.

Улар Мовароуннаұр заминнан пайдо бүлғанларнда соvuқ қиши ва қор босған үйлар туфайли Улуғ амир қүшиндері мажбурий дам олаётганды тарқоқ ҳолда зәди.

Салтанат ғоят катта хавф остида қолған зәди. Бироқ шароит қанчалар оғир бұлса, юртбоши ва моҳир саркара Амир Темур шунчалар ҳамманнан бол қолдирады. Босқинчиларға қарши курашнан учун қүшиннен бир жойға тұплаш керак, деб ҳисоблаган маслаҳатчиларнинг фикрінде қарши ұлароқ, Амир Темур құл остидаги аскарлар билан жангға отланды: Үйл-йүлакай қүшиннинг сағи янада кенгая борди. Суворийлар ҳордиқ нималигини билмай туну күн үйл босиша, қор қалинлиғи эса отларнинг яғринларигача етар зәди.

Хабаргирлар душман лашкарнинг илғор қисмі Сармаканддан иккі юз чақиремлар шарқда жойлашған Хұжанд шаҳрига яқынлашиб қолғани ҳақида хабар келтирдилар.

Үйл-йүлакай Амир Темур шимолдаги қисмлар билан үнга өрдамга келишгә шай турған Умаршайхға чопар жұнатди. Амир үглиға асло бундай қылмасликкін, аксина, душман қүшини ортига юришни ва жанг бошланғач, ҳужумға үтишни буюрди.

Бешинчи күни тонгда Улуғ амир Тұхтамишнинг ил-

гор қісмінде қақшатқыч зарба беріб, душман лашкари-
нинг асосий қисмінде шиддатлы юриш қылди.

Мұғул қүшінин сон жиҳатдан анча устунликка әгални-
гига қарамай, Темурнинг шахсан үзи жаңғда қатнаша-
еттегінінде, уннінг мөхірона ҳаракатларидан талвасага
түшганды үшшарди. Үмаршайх башчылығында суворий-
лар күтилмаганды душманнинг орқасынан зарба берган-
ларда, айниқса, күп қон түкілди ва саросимага түшганды
душман бутунлай үзінні йүқотиб қойды. Тұхтамнш ва
Қамариддин қүшінлари шошинлінч равишда Сирдарә-
нинг шимолий қыргығында чекинінб, чұлу даштлар ичра-
гойиб бұлдылар.

Салтанат құтқарылған бұлса-да, бу ҳужум қаттық
оғохлантириш эди. Амир Темурнинг душманлары қудра-
тінін етарлича бақолай олмаслик ёки қулай фурсатдан
фойдаланыб қолмаслик одати йүқ әди; кезі келганды
эса үз хатты-харакатини үзгартырған, душман хатосынан
усталик билан фойдалана оларды.

У Тұхтамишни тор-мор этиш ва ҳали кеч бұлмасынан
Олтін Үрданн яксон қилиш керак, деган қарорға келди.
Бевафо дүстнінг қилиқларынға бефарқ қараб түриш
вақты үтганды.

У шимоллік күчменчиларға қарши курашда ҳимоя
усулы құл келмаслиги, душманнін енгіш учун уни үз
үясіда — кимсасиз ва сувесіз құм бүронларін дашту
биёбонлар үлкесінде — Үрданнінг үзінде янчыб ташлаш ке-
раклыгини яхши биларди.

1389 ыннан бақорида Амир Темур Кеш яқиннанда құд-
ратлы бир лашкар түплаб, уни шимолга бошлади. Қай-
саарлікта үз рақибынан қолишимайдиган Тұхтамиш ҳам
тарқоқ қүшінларини йиғиб, Сирдарәнін кезіб юрар, ҳу-
жум қилиш учун қулай фурсат келишини кутарди. Улуғ
амирнінг ботир суворийлари яқинлашиб келаёттегінін
хабар топған Тұхтамнш яна қайтадан چұл ичра қочиб,
гойиб бұлды.

Темур уннінде қувиб боролмасди, зоро, мұғу-
листонник тұдалар Амир қүшінларинінг орқа қисмла-
рига ҳужум қилишлари, уни енгін чоғларынан үзіб қўйнішлары
мүмкін эди. Амир Темур құрган салтанат Чингизхон
шұхратинінг ворислары ҳисобланған күчменчи мұғул
хонліклары билан тинч-тотувликта яшай олмаслығыннан
тажриба күрсатған эди. Ҳаёт-мамот жангі яқинлашар,

бу жангда ўз ерларида туриб курашадиган ўрдайлікlasses=“list-item-l1”>ындардың

устунликка әга бұладындарек тууларди.

Дастлаб Қамариддин билан ҳисоблашишин ўз олдига мақсад қилиб құйған Улуғ амир Мұгулистаннинг каттагина қисмени эгаллаб олди. У ўз лашкарларини Тангрин Тоғ тарафларга, Балхаш ва Олакұл жанубига бошлади; күчманчилар қүшинларига қақшатқич зарба берилди. Темур уларни мұғул Олтой тоғларининг жанубигача, лойқа Иртиш дарёсін қырғоқларигача құвиб борди — душман Сибирия кенглікларига ёйилиб кетди. Сұнг Темур лашкарларини яна жанубга бошлади, Шарқий Туркистанга кирди.

Чингизхон авлодидан, бироқ мусулмон бұлмиш Хизрхұжа ватандоши Қамариддин таъқибидан қочиб, шу ерларга келиб қолган, уйғур қабилаларнин мажбуран ислом динига киритиб, ўз қүшинларини күчайтиromoқда әди.

Хизрхұжа Амир Темурға иттифоқчи бұлиши мумкни әди, бироқ Темур Олтын Үрда билан жангга киришиш араfasыда ўз ортида ишончсиз мұғул қүшинини қолдиришни истамасди. Темур уни машұр Ипак йұлы бүйлаб роса савалади ва қочоқларни күхна Чингизхон салтанатининг қоқ марказида жойлашган Турфонгача таъқиб этиб борди. Хизрхұжа Гоби саҳросига кириб йүқолди. Улуғ амир эса үзининг ҳормас-толмас аскарларини ватанларидан минг чақирымлар йироқликдагы Қорашаҳрга йиғиб, беҳисоб үлжалар улашды. Шундан сұнг аскарлар дам олиш учун Самарқандга қайтдилар, бироқ шаҳарға етар-етмас яна отларнин әгарлашга мажбур бүлдилар. Тутқиң бермас Қамариддин омон қолган оз соили қүшини билан Балхаш күли жанубларыда, Или дарёсін водийсида наido бұлған әди.

Темур унинг ортидан үзининг эңг учқур суворийларини юборди; суворийлар душманга шунчалар қаттық зарба бердиларки, Қамариддин ёввойи Олтой үрмөнларига қочиб кириб, бир умрга қайтиб күрінмади.

Кейинчалик Хизрхұжа Амир Темур ёрдами билан Мұгулистан таҳтига үтирди ва қызини үнга хотинликка берди.

1390 йил күзінде Темур Кеш яқинида катта қурултой үткәзді. Умаршайхнинг никоҳ тантаналары қурултойға уланиб кетди. Амир Темур салтанатининг барча қүшини бир жойға йиғди, ўнлаб лашкар фавжларини туз-

ди, уларнинг қумондонларини белгилади, узи йуқлигига шаҳар ва туманларни бошқарадиган ҳокимлар, бошқа юқори мансабдорларни тайинлади ва ниҳоят, асосий қўшинга йўл тайёрлаш ҳамда душман лашкарлари ҳолатидан ўзини огоҳ қилишларни учун тезкор гуруҳларни шимолга йўллади.

Шундан сўнг у Тошкентга жўнади — қўшинлар шу шаҳарда йиғилиб, баҳор келишини кутишлари лозим эди. Шаҳарда Темур қаттиқ оғриб қолди: ёшлигига оёғига етказилган жароҳатнинг оқибати бўлмиш суюктомир хасталигнинг дастлабки хуружи туфайли у қирқ кечаю кундуз ўрнидан тура олмади. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам ҳам аввал баҳорга мўлжалланган хатарли сафарда иштирок этишдан воз кечган бўларди.

Аксинча, эндигина оёққа турган Темур фақатгина суворийлардан ташкил топиб, алмаштириладиган отлар олинган қудратли бир қўшин билан 1391 йил 19 январда Тошкентни тарк этиб, Даشتி Қипчоқ томон юрди. Бу сафар ҳам у таваккал қилди.

Тўхтамишнинг туаржойи ҳақидаги сўнгги маълумотларга қараганда, у Оқ Үрданинг Орол денгизи шимолида жойлашган қароргоҳини ўзига маскан тутган эди. Аниқ бўлмаган шу маълумотларга асосланиб қўшин Сирдарё ёқалаб юрди, сўнг шимолга қараб кутарилди. Сарисув дарёси ортда қолгач, бепоён даштни кесиб ўтишга тўғри келдикни, кўп кунлар давомида отлар ва суворийлар азоб чекдилар.

Тошкентни тарк этганидан уч ой кейин қўшин Субар-Тенгиз тоғлари этакларига стиб бориб, чодир тикиди. Амир Темур чўққилардан бирига кўтарилиб, солномада таъкидланганидек, «денгиз мисоли бепоён ва ям-яшил» даштларга узоқ термулиб қолди. Бироқ унинг нигоҳи етган жойларда Тўхтамиш у ёқда турсин, ҳатто оддий бир чўпон ҳам кўринмасди. Пастга қайтиб тушишдан олдин Улуғ амир шу чўққида тош минора қурдирди ва қўшин бу ерда тўхтаб турган сана (1391 йил, апрель) унга ўйиб ёзиб қўйилди.

Қўшин энди шошилмай юра бошлади, зеро, йулйулакай кўплаб овчи гуруҳлар турт тарафдан емак ахтарар, бироқ заҳиралар тугаган бўлиб, улкан қўшинни — балки юз минглик — боқиш учун, табиийки, бу камлик қиларди. Ана шунда Амир Темур ун, қайнатилиб ээилган гўшт ва қиймаланган ёввойи гиёҳлардан тайёрланган таом — буламиқдан бошқа нарсаларни истеъмол

этганларга үлім жазоси беріліши тұғрисида фармон өткіншілдердің қылды. Топилған бор масаллиқ ғана овланған бар-ча паррандаю жонивор шу таомни тайёрлаш учун ош-хонаға топширилмоги лозим эди. Оддий аскару амир. кіммегидан қатын назар, күн бүйін бир улуш таом олар-ди. Гиёхларнинг буламиқдаги миқдори кундан-кунга орта борди, ұтто шундай күн ҳам келдіккі, унда фақат өзвеңи гиёхлар қолди.

Амир Темур «сұлкан ов ҳалқаси»ни үйлаб топмагани-да унинг бәхисоб қүшинин очликдан үлиб кетарди балки. Темурнинг буйруғына биноан аскарлар узоқ-узоқларға тарқалиб кетишар, сұнгра бирор тирик жон чиқиб ке-толмайдиган ҳалқа ҳосил қилишиб, марказ томон оқиста юришарди. Мана шу күз күриб, қулоқ әшитма-ған ов натижасида бәхисоб үлжаса құлға олинди, улар-нинг орасында бугу каби Мовароуннахрда учрамайдиган бир қанча жониворлар ҳам бор эди. Қүшин ҳолдан той-гүнча түйіб овқатланды, ортиб қолған гүштни тилем-лаб қуритиб олдилар.

Темур лашкарларнинг қоринлари түйганды, шу поёныз дашту далада руҳиятлари толиқа бошлагани тобора равшанроқ сезилмоқда эди. Улар Тухтамишиң үзларини алдаб шу ерларға олиб келиб, очлик ва сув-сизликдан ҳолдан тойғанларыда осонлық билан янчыб ташлайды, деб гумон қила бошладилар.

Қүшиннинг руҳини күтариш учун Улуғ амир одатда Самарқандда тантаналы маросимлар пайтидаги каби, ҳарбий күрик үтказишга қарор қылды. «У бошиға жа-воҳир тошлар билан безатилған тилла тожини кийиб, учида ҳұқыз боши тасвиrlанған салтанатнинг олтын ҳассасини құлида тутганича шоҳона либосда от мин-ған эди», — деб гувоҳлик беради тарих. Амир дүмбира-ларнинг тантанавор садолари остида тұлғарини кута-риб виқор ила саф тортиб турған бүлинмалар қарши-сидан оқиста юриб чиқди.

Темур орасыда үғли Мироншоқ ғана иккі набираси бұлмиш лашкарбошилар саломини қабул этгач, аскар-ларини күрикден үтказди. Амир улар билан савол-жа-воб қилар әкан, құрол-аслағалары — найза, камон ва садоқ, тұқмоқ, ханжар, шамширу чарм қалқонлары тұла-тұқислигини текшириб күрар эди.

Бутун қүшинни текшириб чиқиши учун иккі кундан ортиқ вақт кетди, бирок Темур сафар мاشаққатларига қарамай қүшин аъло даражада эканлігінде қаноат ҳо-

сил қилди; у одамлар ўзларнинг бош қўмондонинг ишонч ва садоқатини йўқотмаганидан қувондн.

Қудратли қушин яна йўлга тушди. Тұхтамишнинг бирор-бир изини топиш учун тўрт тарафга чопарлар жунатилди. Солнома гуваҳлик Беришича, «... бепоён чулда дандиб юрган айғоқчилар бирор одамзод изини учрата олмадилар».

Шу алфозда Сибириядаги Тобол дарёси бўйига чиқилди. Дарё қирғоғида гулхан изларини учратдилар. Елғизоёқ йўл буйлаб кетаётган Темур қушини айғоқчилари тасодифан душман айғоқчиларининг кичик бир гуруҳига дуч келдилар. Қулга олинган душман ўқчилари қийноқлардан сўнг Тұхтамиш лашкарининг асосий қисми бу ердан бир неча кунлик масофада Үрол тоғи-нинг нариги томонида тўпланаётганини тан олдилар.

Темур бир зумда қўшинни оёққа турғазди ва уни Үрол тоғларининг чап ёнбағирларидан бошлаб бориб, Фарбга йўл солди — Олтин Үрда ҳудудига қадам қўйилди.

Бу ёғига қўшиннинг айғоқчи бўлинмаларига ҳужум қилинмаган ёки уларнинг йўлида ғовлар, пистирмалар қўйилмаган бирор кун йўқ эди.

Суворийлар тунаш учун чодир тикар эканлар, тун чўкмай туриб тонг отишидан ҳайратда эдилар, зеро, улар Шимолий қутбга яқинлашиб қолгандилар. Адашиб кетган муллалар эса шом намозини ўқишини тўхтатиб қўйдилар.

Амир Темур ўз лашкарларини шу қадар жадал суръатда бошлаб борардики, кунлардан бир куни унинг илғор бўлинмаси душман қўшиннинг орқа бўлинмаси билан тўкнашиб кетиб, яксон бўлишига бир соня қолди. Мўғуллар ҳаракат тезлигини сақлаш мақсадида орани узиб, суръатни жадаллаштирилар, бироқ узоқ қочиб кета олмадилар, чунки Улуғ амир уларнинг ортидан Умаршайх бошлиқ йигирма минглик танланган суворийларни юбориб, уларни тўхтатиши ва қандай бўлмасин тутиб туриш вазифасини топширди. Унинг ўзи ҳам бир неча соатдан сўнг лашкарларни жанг майдонинг бошлаб кирди.

Тұхтамишнинг жанг қилишдан ўзга чораси қолмаган эди: жанг 1391 йил 19 июнда бошланиб, уч кечаю уч кундуз давом этди. Муаррихларнинг фикрича, у Үрол ва Самара шаҳри уртасида, бугунгина Оренбург шаҳри яқинида рўй берди.

Рақибиға нисбатан бирмунча күпроқ суворийларға үзгіншілдегі Тұхтамиш үз лашкарнин апъанавиі мұғул уруш санъатига биноан жангга солди: лашкарларнинг маркази кучли булып, иккі ейнқ қаноти ҳал қи-лувчи зарба берилганидан сүнг душманни иккі ёқдан қуршаб олиши зарур әди. Бироқ Амир Темур үз қүшинини бутунлай янгича жойлаштириб, Үрда лашкарбониларнин ҳайратда қолдири: у қүшинини еттита мустақил қисмга — фавжга бұлды, улардан бирига үзін құмандонлық қылар ва бу фавж жангда иштирок этмай, балки уни кузатиб турарди — қаердаки ақвол танглашса, фавж шу заҳотиәқ үша ёққа етиб бориши лозим әди.

Мұғул қүшини қанотлари рақибининг олти кучли фавжини қуршаб олишга асло муваффақ бұла олмади, аксина, душман ҳар тарафдан шиддатли зарбалар беріб, уларнинг тартыбини бузып ташлади.

Тұхтамиш қүшини маркази эса үзининг кучли зарбасини беришга улгурмади ҳам. Зеро яшин тезлигіда душман устига ёпірілған. Мовароуннахр қисмлари уларни құл жангига мажбур қилдилар, натижада суворийлар ҳатто жангга кира олмай ҳам қолдилар. Яқын масофада жанг қилишга Темур аскарлари уста әдилар. Тұхтамиш фалокатни сезди. У үзининг бир қанотидан айрылған лашкарнин йиғиб, сүнгги ҳужумга шайланди: яшин тезлигіда зарб билан рақиб қүшини ёриб үтилди. Амир Темур шу заҳотиәқ үзи бошқарған еттинчи фавж билан душманинг устига ташланди ва уни сафдан чиқарди.

Марказда жанг қилаёттан Тұхтамиш лашкарлари ҳадеганда үзларининг құмандони қайтиб келавермаганнан у ҳалок бұлды, деган фикрга келишди. Құмандон байроқдори мотам белгиси сифатида тұққиз буқанинг думи боғланған мұғул туғини чанг-тупроқ орасига улоқтирганда эса, мұғуллар тұмтарақай қоча бошладилар.

Даҳшатда қотган Тұхтамиш лашкари тор-мор келтирилганини унсиз кузатар, бироқ құлидан ҳеч нарса келмас әди. Амир Темур құлиға тушмаслик учун у даштга қочиб кетди.

Жанг майдонидан Итил (Волга) дарёси қирғоқларипача минглаб мұғул аскарлари шафқатсиз қиличдан үтказилди.

Ғалабадан сүнг Темур лашкарлари Итил дарёсінга туташиб кетген яшил үт-ўланлар устига чодир тикдилар. Жангда беҳисоб үлжа құлға киритилді.

Улуғ амир эълон қилган шодиёна йигирма олти күн давом этди. Жангчиларнинг «битларн тўкилдн»: солно ма гувоҳлик беришича, улар дунёнинг энг гўзал қизлари тутгай тилла идиш ва жомлардан таом еб, шароб ичдилар. Ҳақиқатдан ҳам Тўхтамиш ўзи билан олиб юрадигаи шимолий кавказ гўзалларидан талайгинаси уларнинг қўлларига тушган эди. Тантана учун келтирилган созанда ва хонандаларнинг хонишларию шонрларнинг ашъорлари остида жангчилар улар билан айшишрат қилдилар.

Байрам сўнгида ўлжалар орасидан Чингизхон ворисларининг тилла қопланиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган шоҳона таҳтини майдонга олиб чиқиши: Амир Темур бутун қўшин қаршисида унга кўтарилиди.

Улуғ амир Тўхтамишнинг эски рақиблари ҳисобланмиш Чингизхон авлодидан бўлган уч шаҳзодани енгилган Урданинг уч вилоятига ҳоким этиб тайинлаб, қўшинга ватанга қайтиш ҳақида бўйруқ берди.

Самарқанд аҳли ўн бир ойлик айрилиқдан сўнг ватанига қайтган ўз ҳукмдори ва унинг шавкатли лашкарларини шодиёна кутиб олди. Амир Темур фармони билан қурилган Арк саройи остидаги беҳисоб хазинага янги бойликлар қўшилди.

Шарафли зафар билан якунланган шу машаққатли юришдан сўнг Улуғ амир она юртида ғалаба нашидасини сурниб, даволанмоғи лозим эди. Бироқ у тангринияг ўзинга ато қилган умридан яна қанча қолгани тўғрисида ўйлаб, хавотирланган бўлса ажаб эмас. Зеро, бу пайтада Улуғ амир эллик олтига кирган эди.

ЭРОНДА ИСЕН ВА БАГДОДНИНГ ОЛИНИШИ

Шимолни кўчманчиларнинг хонликларига қилинган зафарлн юриш жануби-гарбдаги бой ва ривожланган ўлкаларни забт этиш режасини бирмунча ортга суреб юборди. Зеро, энг аввало бутун Осиёга ягона ҳукмдор бўлишини истаётган Тўхтамиш Мовароуннаҳрга solaётган даҳшатли хавфни бартараф қилни зарур эди.

Улуғ амир лашкарини яна қайтадан оёққа тургазиб, ўзи йўқлинидан фойдаланиб Эронда исен кўтарган бир қанча вилоятларга юриш бошлишини билдири.

Салтанат пойтахтини тарк этар экан, Амир Темур ўзининг одатдаги шоҳ туғини кумуш аждаҳо тасвири туширилган қора рангли янги байроқ билан алмаштириди. Бу билан Темур қачонлардир шу тимсол остида Тунадан Тинч океангача ҳукмрон бўлган хоқонларнинг ўрнини эгаллаганинн маълум қилишини ихтиёр этганга ушшарди.

Лашкар Бухорода тўхташи лозим эди, бироқ у шаҳардан анча нарида, Улуғ амир чодири атрофида жойлашди. Шаҳар аҳолисидан бирор кимса бу ерга қўнилмади, Темур эса унинг шарафига тайёрланган тантаналарга бошчилик қила олмади.

У хасталаниб яна ётиб қолди — оёғидаги жароҳат оғриб, хуруж қилди. Бу сафар оғриқ шу қадар кучли эдикӣ, беихтиёр кўзига ўлим кўриниб кетди; унинг тилаги билан қорилар Қуръон тиловатига ўтирилар, бевабечораларга хайр-эҳсон улашилди; Улуғ амир барча хотинлари ва тахт вориси Муҳаммад Султонин ўз ҳузурига чорлади. Бироқ унинг ҳаётга бўлган муҳаббати ва метин иродаси туфайли касаллик яна бир бор ортга чекинди. Чодир ичиди роса бир ой ётганидан сунг у ташқарига чиқиб, аскарлар қаршисида бир неча қадам босди. Яна икки ҳафтадан кейин ўз лашкарини Шарқий Эрон томон бошлади.

Дастлаб у Мозандарон томон юрди — бу ўлкани ўзига бутунлай бўйсундириш пайти етган эди. Самарқандликлар Каспий денгизига туташ қалин ўрмон ичиди дараҳт кесиб, йўл очиб ажойиб бир қасрни забт эт-

дилар. Амир Темур Мозандаронга яшириниб олган ваҳ-ҳобийлар тариқати аъзоларини қувгин қилиб, қиличдан ўтказди, исёнкор шаҳарларни эгаллади.

Баҳор келгач, қўшин маҳаллй аҳоли қаршилигини енгиб, истеҳкомларни қўлга киритиб, Курдистон ва Луристонга кириб борди. Ўерда барча қисмлар қайтадан сафланиб, Шероз томон йўл тортдишлар. Пўл-Аулакаи бутун Эронда енгилмас ҳисобланган Қалъян Сафид истеҳкомини ҳам эгалладилар.

Шероздан олдин Амир Темурни янги бир қудратли рақиб кутар эди. Бу Самарқанд лашкарларининг шимолга кетганидан фойдаланиб Исфаҳон ва Шерозни эгаллаб олган, ҳақиқий таҳт ворислари бўлган амаки-ваччаларининг кўзларини кўр қилиб, заҳарлаган Форс ҳокимининг қизиққон жияни Шоҳ Мансур эди. Амир Темур қайтиб келиши эҳтимолини назарда тутган Шоҳ Мансур мамлакатни урушга тайёрлаб, бутун Эрондан йигилган энг жасур ва тажрибали жангарилардан ташкил топган кичик бир қўшин ҳам тўплаган эди.

Амир Темур бошчилигидаги қўшин 1393 йил майида Шероз яқинида пайдо бўлиши билан Шоҳ Мансур ва жангарилари унга қаттиқ зарба бердилар. Тўсатдан қилинган ҳужум туфайли эронийлар рақиб лашкари марказини парчалаб, унинг сафларини тўзғитиб юбордилар. Тўс-тўполон орасида асосий қўшиндан ажраби қолган Темур ва унинг хос мулоғимларини кўрган Шоҳ Мансур ўзига содиқ аскарлари билан улар устига отилди.

Шоҳ Мансур кўз очиб-юмгунча Амир Темур қаршисида пайдо бўлди. Уни кўрган Темур қўриқчисидан найзасини олмоқчи булиб ўғирилди, бироқ ёнида ҳеч ким йўқ эди. Фурсатдан фойдаланиб, Шоҳ Мансур шамшири билан унинг бошига икки зарба туширди.

Дубулғанинг мустаҳкамлиги ва айниқса, иккала сафар ҳам дубулгасининг силлиқ томонини тутиб берган Темурнинг совуққонлиги туфайли шамшир сирғалиб кетди.

Бироқ Шоҳ Мансурнинг ажали етган эди.

Улуғ амир лашкарлари кўп ўтмай ўз сафларини тиклаб, форс аскарларини қийма-қийма қилиб ташладилар. Эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган шаҳзода Шоҳруҳ Шоҳ Мансурнинг бошнин танасидан жудо этиб, отасининг оёқлари остига ташлади.

Жанг тугагач, амирлар Темур қошига юкуниб, кўр-

сатган жасорати ва омади келгани билан муборакбод этишди; уларнинг кўпчилиги рўй берган ҳодисада плоҳий куч таъсирини куришди.

Таслим бўлган Шероз дарвозаларини очиб, катта хуи тўлади. Энг гўзал қизлар тилла қадаҳларга ўлканнингроҳатбахш мусалласларидан қўйиб турган бир зиёфат чоғида Амир Темур Умаршайхни Форс ҳокими-нинг ноиби этиб тайинлади.

Эски хон оиласининг тирик аъзоларини — шаҳзода-ларни тутиб келтирдилар, Амир Темур уларни қатл этишни кейинга қолдириб, Шерознинг уламою ҳуар-мандларнини Самарқандга етказишни буюрди.

Улуғ амир 1393 йил июнь ойнда Шероздан чиқиб, Исфаҳон ва Ҳамадон томон юрди, йўл-йўлакай кўплаб қалъаларни эгаллади, ов билан машғул бўлди. Ҳамадонда у ўғли Мироншоҳни Ғарбий Эрон ҳокимининг ноиби этиб тайинлади, сунг тогларга яширинган туркманлар-га қарши отланди.

Воднийга қайтиб тушган Амир Темур султон Аҳмад Жалойир томонидан элчи этиб тайинланган Бағдоднинг катта муфтисини қабул қилди. Элчи Темурга ўз султо-ни юборган кўплаб совға-салом ва мактубни топширди. Хатда султон бажону дил Улуғ амир қўл остига, утажагини, бироқ унга шахсан кўринишдан қўрқаётганини ёзган эди.

Султоннинг ўзинн бундай тутиши Мовароуннаҳр жангчиларининг ғазабини келтирмай иложи йуқ эди. Амир Темур Бағдодни қамал қилишга ва султонни макр билан қулга олишга қарор берди. Темур шиддатли су-ворийларнни олиб Бағдодга отланди, у, ҳатто, тунда ҳам машъалалар ёқиб йўл юриб, тоғу саҳролардан ошиб ўтди. Темур жангчилари хушёрликлари билан ажралиб турардилар, лекин шунга қарамай улар султон Аҳмад Жалойир мамлакатнинг турли бурчакларига ўринатган кузатув жойларининг биридан учирилган ха-барчи кабутарларни пайқамай қолдилар.

Ўз вақтида огоҳлантирилган қўрқоқ султон ўзиннинг энг нодир бойликларини олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Дажла дарёсининг нарги бетига ўтиб олган султон ташвиш ила уфқа боқар, саҳрова яқинлашиб келаёт-ган суворийлар ортидан кўкка кўтарилаётган чанг тў-зонга безовта термилар эди.

Оғир хасталикдан эндигина оёқقا турган Амир Темур бир от қўйишда салкам эллик чақирим масофани

босиб утди, бироқ султон Аҳмад ундан ҳам учқур чиқди. Унинг ортидан юборилган суворийлар Карбало атрофида уни кўздан қочирдилар, аммо султон уларга ўз хазинаси, ҳарами ва ўғлини қолдирнб кетди. Ўзи эса Гарбга, Мисрга йўл олди ва мамлук султони Барқуқ ҳузуридан бошпана топди.

Улуғ амир Бағдодда икки ой қолиб кетди: дарё соҳилингаги деворларнга тилла сувн юритилган саройларда унинг шарафига зиёфатлар берилди, аскарлари эса яқин-атрофдаги қишлоқ-шаҳарларни таладилар.

Бағдод яхшигина хун тұлади. Усталар, олимлару шоирлар Самарқандга жүнатилди.

Минг бир кечада шаҳринаги кўнгилхушликлардан сўнг Амир Темур мустаҳкам Такрит қалъасини қамал қилди. Шу пайтгача ҳеч бир кимса буза олмаган қалъа деворларининг баландлиги ва қалинлигидан кўнгилларни тўқ, Бағдод шимолидаги аҳолини талаб келган қалъанинг босқинчи хўжалари таслим бўлишдан бош тортдилар.

Улуғ амирнинг буйруғи билан аскарлар лаҳм қазидилар ва қалъани бузишга киришдилар.

Камон ўқлари ҳимояси остида ҳисобчилар қалъа деворларининг сатҳини аниқлаб, ҳисоб-китоб қилишди ва иш режасини тузишди. Сунгра деворлар остига қайғиб ҳар бир бўлинма ҳужум қиласидан миңтақани қизил бўёқ билан белгилаб чиқиши. Бўлнима сардорларнига ҳужум режаси нусхалари тарқатилди, аскарларни эса одатдаги қурол-аслаҳаларни чукич, болта, арқонд ва белкуракларга алмаштирилар.

Ишора этилиши билан оқ улар зўр шижоат билан. деворларни тешиб, кавлаб, майдалаб ишга тушиб кетиши. Каваклар ва ер ости йўллари мўлжалланган даражада қазиб бўлингач, уларни мустаҳкамлаш учун қорамой суртилган устунлар ўринатилди.

Ҳисоб-китоб чогида англашилмовчиликларга ҳам нўл қўйилган экан, зеро, аскарлардан бир гуруҳи қалъа тагидан ер ости йўли қаза туриб қарама-қарши томонда ишлаётган ватандошларининг рўпарасидан чиқиб қолдилар.

Солноманинг гувоҳлик беришича, қалъани бузнишада етмиш икки минг киши қатнашган. Бу тахминаник Амир Темур лашкарининг ўша пайтдаги сонига түгрин келади.

Белгиланган жойлар кавлаб бўлингач, устунларга ўт қўйилди: қалъа деворлари қулаб тушди. Ўз қурол-

аслақалариниң қайтиб құлларига олган Темур аскарлары шиддатли ҳужум сұнгыда қалъа ҳимоячиларнни тормөр этдилар...

Улуг амир истеңкөмларнни әгаллаш ва таслим булған үлкаларда лашкар қолдиришни буюриб, Ироқнинг барча вилоятларнда үз ҳукмронлигнни үрнатди.

Темур Мироншохни жанубга, Ҳилла ва Носирия орқали Басрага жұнатыб, үзи шимолга йўл олди; Мусулни әгаллаб, Туркия ва Сурға останасында жойлашган Диёрбакирда чодир тикди. Шундан сұнг у Ҳалабдан шимолроқдаги қадимий Эдесса шаҳрини ишғол этиб, Сурға ва Миср билан жанг қилажагини билдириди.

У пайтда ҳар икки мамлакатни ҳам Қоҳира мамлуклари бошқарадилар. Улар Темурга қарши курашаётган туркман ҳукмдорларини құллаб-қувватлашар, сulton Аҳмад Жалойирга бошпана берніб, мағлубиятдан сұнг үзини үнграб олган Тұхтамиш билан иттифоқ тузган эдилар.

Бироқ Гуржистон ва Озарбойжондаги исенлар ва Олтин Үрда мұғулларининг тез-тез хуружалари Амир Темурни бу режани орқага сурншга мажбур этди. Бунинг устига үғли Умаршайхнинг курд наизасидан ҳалок лиши уни қаттиқ қайғуга солди.

Худди шундай оғир кайфиятда у үз ваъдасининг идан чиқмаган Мардин шаҳри қамалига отланди. Раган улкан оқактош қоялари устига қурилған ва хлсиз оппоқ құрғон үраб турған бу мустаҳкам шаҳар шиддатли жанғдан сұнг зabit қилинди. Омон қолғанларға фақат мұйжиза ёрдам берди.

1394 йил 22 март тонгыда этиб келған чопар Амир Темурга яна бир шаҳзода — Шоҳрухнинг үғли Улугбек дүнёга келгани ҳақидаги хушхабарни етказди. Боши осмонга етган Улуг амир исенкорларни авф этди, улардан тортиб олинған мол-мұлк әгаларига қайтарилди.

Құшин Мардиндан қайта туриб Курдистонда бosh күтарған айрим шаҳарларни тинчитди. Амир Темур тұлдагы дам олиш лаҳзалаидан фойдаланиб, Моваронахрнинг барча вилоятларига янги сафарбарлик эълон лиш тұғрисила фармон жұнатди. Чунки салтанат арҳадларининг кенгайиши ҳамда гарбда янги ганимларнинг пайдо булиш эҳтимоли чиндан ҳам құшин сафлариниң бирмунча күчайтиришни тақозо этарди.

Шу зарур эҳтиёт чораси курилганидан сұнг Амир

Темур олдин таслим булиб, кейин баш күттарган Ван шаҳар қўргонини қайта ишғол қилди. Шаҳар қамали осон кечмади, бироқ Амир Темур яқин-атрофдаги дарахтларни кесдириб, қўрғон атрофига унинг деворларнан баландроқ ёғоч миноралар қурдирди. Аскарлар эса шу миноралар тепасидан шаҳарга шафқатсиз ўт очиб, уни таслим бўлнишга мажбур этдилар.

Шундан сўнг қўшин исён кўттарган Гуржистон томон юрди. Йўлда қувончли бир воқеа муносабати билан бир оз тин олиди: Шоҳрух хонадонида яна бир ўглон—Иброҳим Султон дунёга келган эди.

Улуғ амир ўзининг янги невараси шарафига зиёфат ўюштириди. Солноманинг гувоҳлик беришнча, Темурнинг минг хилда товланувчи қўмматбаҳо тошлар билан бе-затилган таҳти қирқ устун кўтариб турган дабдабали гумбаз остига ўрнатилди. Таҳт қаршисидаги майдоннинг ўнг тарафидан хонандалар, сўл тарафидан эса созандалар жой олишди. Қулларида жўмраги ингичка биллур кўза ва тилла жом тутган соқпийлар даврадан чиқишинаси. Улар меҳмонларга Мозандароннинг оқ. Шерознинг қизил, Қайрувоннинг қорамтири мусалласларидан, булоқ сувидек тиниқ бўзадан қўйиб туришарди.

Кокиллари товонини ўпадиган гўзал раққосалар даврага ўзгача файз қўшишди.

Янги сафар олдидан Амир Темур ўғли Шоҳрухни Самарқанд ҳукмдори этиб тайинлади ва уни зудлик билан ватанига жўнатди. Шоҳрухнинг лавозимга тайинланиши шундай ҳам чузилиб кетган бу юриш яқин орада тугамаслигидан далолат берар эди.

Гуржистон ўт ва ўқ балосига учради. Биринчи зарбадан сўнг Дарбанддан келган чопар янги қўшин тўплаган Тўхтамиш Бокуга бостириб кириш учун тайёр гарлик кураётганини хабар қилди. Улуғ амир лашкарининг бир қисмини уша томонга бурди, бироқ у шаҳарга этиб келмасиданоқ Тўхтамиш яна шимолга жуфтакни рост slab қолди.

Бу сафар бамайлихотир иш кўриш мақсадида Амир Темур қишини Гуржистонда ўтказишга қарор қилди, бироқ Олтин Үрданн бутунлай тор-мор этишини кунглига тугиб қўйди. У энди Үрда устнiga Қавказ орқали юриш қилиш ва унга кучсиз, сернуфус гарбий чеккасидан туриб зарба бернишни кўзларди.

УРДА УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБА ВА УРУСИЯНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Нима бўлганда ҳам бу мушкул иш эди: бундай ҳолларда ўз одатига содиқ қолган Амир Темур беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш учун масалани тинч йўл билан ҳал этишга уриниб курди. У Тўхтамишга панд-насиҳат тўла мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, шундай дейилган эди: «Шаҳзода, кибр-ҳавони йигиштириб қўяйлик-да, қани, айт-чи, сарҳадларнингдан четга чиқишидан мақсадинг недур, фикр-ёдингни банд қилган қора ниятлар қаёқдан келди? Тинчлик истайсами ёки урушни, қарорингдан бизни огоҳ эт».

Солномада ёзилишича, Тўхтамиш баландпарвоз ва орсизларча жавоб қайтарган:

Баҳор келиши билан Амир Темур ўз лашкарларини Дарбанд давоидан олиб ўтди. Унинг амри билан қушин Қаспий дengизи соҳили бўйлаб юрди, жанговар ҳолат бир сонияга ҳам бўшаштирилмади.

Эҳтиёткорлик тўғри чиқди. Зеро тез орада қўшин дengиз қирғоғи билан Терек дарёси оралиғида пистирмада турган яхши қуролланган ва кўп сонли Тўхтамиш лашкарлари билан тўқишишиб кетишига оз қолди.

Темур суворийлари туғларини ёйиб, бургулар салоси остида ёгийга ташланди. Бироқ душман қўшини шиддат билан жанговар ҳолатни эгаллади. Дам у томоннинг, дам бу томоннинг устунлигига утган жанг тун чўккунча давом этди. Соқчиларнинг қўш сафи билан үраб олинган самарқандлик суворийлар ва аскарлар қурол-яроғларини қулларидан қўймай, туни билан ўт ёқмасдан жангга шай ҳолатда тоңг оттириди.

1395 йил 15 апрель тоңг саҳарда Амир Темур Тўхтамиш устига тўсатдан ҳужум қилди. Тўхтамиш ҳам бу жанг ҳаёт-мамот жангига бўлишини яхши биларди.

Икки уртала учайдиган камон ўқларидан ерв кўк қоронгилашиб кетди, дейилади, солномада. Ўйандозлар ўз вазифаларини бажариб бўлгач, ғанимлар бир-бirlарига кучли зарбалар бердилар, сўнгра тўс-тўполон ичидаги аралашиб кетдилар. Мўғул қўшинининг сара-

ланган бир гуруҳи Шоҳ Мансурнинг қўлндан келмаган ишни амалга оширишга уринди, яъни Мовароунаҳр лашкарларини талвасага солиш учун Амир Темурни ўлдирмоқчи бўлдилар. Шу мақсадда улар Темурни қўриқчиларидан анча нироққа чалғитиб, тезда маҳв этилган бир неча аскари билан қуршаб олдилар. «Қамоннинг ўқлари тугаган, найзаси синган» Амир Темур «шамширини тиимай ишлатиб» оддий навкар каби мардона жанг қилди.

Уни отларининг эгарларидан тушиб, ёнигача деярли эмаклаб етиб келган элликка яқин сипоҳилари қутқардилар. Улар буюк саркарда атрофида жонли ҳалқа ясаб, усталик билан камон отиб, ўзларига яқинлашишга уринган жамики мӯгул аскарларини ер тишлатдилар.

Сипоҳиларнинг бу жасоратидан руҳланган Улуғ амирнинг баироқдори салтанат туғини боши узра баланд кўтарди, бу эса саркарда ҳаёти хавф остида эканлигидан дарак берарди. Қўриқчилар Амир Темур ёнига ёриб кириб, кукракларини қалқон қилиб, унинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

Буни кўрган Тұхтамиш бор кучини тўплаб, сўнгги ҳужумга шайланди, бироқ энди жанг майдонининг барча бурчакларидан Темур аскарлари саркардаларига ёрдамга кела бошлаган эди.

Уз навкарларининг Темур лашкарлари билан яккама-якка олишувда мағлубиятга учраётганини кузатиб турган, чарчаб, ҳолдан тоиган ва қонига беланган Тұхтамиш бу сафар ҳам омад ва Аллоҳ таоло ганими тарафида эканлигини англади. Руҳи тушган Тұхтамиш бир неча лашкарбошиси билан шимолга қараб қочди, уз ҳолинга ташлаб кетилган қўшини осонгина янчиб ташланди, Терек сувлари мӯғуллар қонидан қип-қизариб кетди.

Жангдан сунг Амир Темур лашкарлари қаршисида ерга тиз чўқди ва шу оғир дамда ўз паноҳида асрагани учун худованди каримга шукrona айтди. Ҳаёт-мамот жангидан омон чиққан ҳар бир навкар худонинг бу қароматига шоҳид эди: худди мана шу ишонч уларнинг ўз саркарласнига бўлган улкан эътиқодини янада кучайтириди.

Амир Темур энг учқур суворийларига бош булиб Олтин Ўрда хонининг ортидан қувди ва Итил дарёси соҳилида унга етиб олай деди. Бироқ Амир Темур шу

ерда тұхтаб, Тұхтамишиннің тақтідан ағдарілғанынің ҳамда уннің үрнігә үз құли остида хизмат қыластіган Ҳристо-
хоннің үғлы тайниланғаннін билдири. Шундан сүнг Улуғ амир қочоқнің қидиришда давом этди, бироқ Тұхтамиш үзін-
га оғирлік қылған юкларини улоқтириб, құл етмас томонларға — Қозон яқинидаги одам оғын тег маган үрмөнларға кириб, гойиб бұлғанди.

Амир Темур ғұлда учраган барча қабилаларни бүйсундириб, лашкарларини бундан тұрт үйл бурун үзи Үрда қүшинларини маҳв этган жойларға бошлади, сүнг янада ғарброққа от сурди. Ү мұғуллар Ұрусиядан тортиб олған бебақо бойликлар тұпланған Итилбүйін ҳудудларини голибона кезіб чиқди. Самарқанд лашкарлари йиққан беҳисоб бойликлар ичида «олтни, кумыш, мўйна, ёқут, жавоҳир ҳамда гўзалликда тенгик йўқ йигит ва қиз құллар бор эди».

Үрда бойликларини бир неча шаҳзода ва кучли ҳарбий бўлғинма кузатувнда салтанатнинг пойтахти-
га жұнатған Амир Темур энди Тұхтамишга тобе ҳи-
собланмиш асл рус үлкаларини забт этишга киришди. Ү Итил ёқалаб Қозон шаҳриннің жанубида жойлаш-
ған Булғоргача кўтарили, сунгра лашкарларини
Ғарбға бошлаб, Москов тагида жойлашған Елецккача
бўлған ҳудудин эгаллади. Ү йұлда учраган мұғулу
русларни тор-мор келтириб, Киев остоналаригача етиб
борди.

Бир неча минг чақиримлик шу юришдан сүнг Улуг амир Дон дарёси бўйлаб жанубга қайтиб Тана (Азов)
ни қўлга киритди, шу пайтгача Үрда ҳимоясида бўл-
ган генуялик ва венециялик савдогарларнинг омбор-
ларини вайрон қилди. Сунгра у жасур ва маккор чер-
касларнинг қаршилигига қарамай Қубанин ҳам тас-
лим этди; черкаслар эса яйловларға үт қўйиб моваро-
унихаҳриклар отлариннің катта бир қисмини нобуд
қилдилар.

Ҳормас-толмас, сиғилмас Темур бутун Қавказин ке-
зиз чиқди. Уннің жасур навкарларн эса ақл бовар эт-
мас жасорат намуналарнның кўрсатишар, йўл азобра-
рига мардона бардош берар эдилар.

У Гуржистонин ортда қолдириб, Олтин Үрданинг құдратлы савдо маркази бўлмиш Аштархон устига юр-
ди; у томонларда Темурнинг ноибларига қарши исён тайёрланмоқда эди. Узларига кибр қўйған ғанимлар-

нинг таъзирини беришга отланган қушни яна бир карпа Қавказ совуқларини бошидан кечирди. Бу бой шаҳариниг қўлга киритилиши Темур лашкарининг энг ёрқин галабаларидан бири бўлди.

Итил бўйнда жойлашган бу шаҳар қуруқлик тарафидан баланд ва қалин девор билан ўралган бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳар куни бу деворларга сув қуяр, аёзли ҳавода сув бир зумда музга айланиб, деворни яна да баландроқ ва қалинроқ қиларди. Улуғ амирнинг даҳшатли совуққа мардона бардош берган аскарлари шу ойнадек тиниқ гаройиб деворга тирмасиб, чўкичлар ёрдамида зинаноялар ясадилар. Охир-оқибатда Аштархон таслим бўлди, кучли талафот бериб, бойликларидан ажралди.

Аштархондан кейин навбат анча шимолда жойлашган Сарой шаҳрига етди.

Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўкди. Шундан сўнг у ҳеч ўнгланмади: Амир Темур Даҳшатли Иванга йўл очиб берди.

Ўрданнинг заифлашганидан фойдаланган мӯғулларнинг эски тобеларн — рус князликлари кўп ўтмай озодликка эришдилар ва булажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар. Агар Амир Темур Ўрданни тугатмаганида, турган гапки, руслар уз мустақилларинни яна юз йиллаб кутган булардилар.

Шу ўринда эътиборингизни қўйидаги қизиқ бир далилга қаратмоқчиман. Юқорида сўзланган воқеалардан турт аср ўтғач, француз сайёхи Р. Б. Үюк Муғулистонни кезиб юрган чогида мӯғул қўшиқчиларининг Темур ҳақидаги ушбу қўшиғини эшитган экан:

Темур қучган зафарлар
Ҳақида хотиралар
Бизни асло қўймас тинч,
Бизни асло қўймас тинч,
Эй, илоҳий Темур!
Руҳинг қачон қайта тирилур?
Кела қолгин, кел тезроқ,
Йўллариннга биз муштоқ.
Эй, Темур!

1396 йилнинг июль ойнда Амир Темур Самарқандга қайтиш ҳақида буйруқ берди. У энди қувонса бўларди: салтанати Туркия, Сурия ва Арабистон сарҳадла-

рндан Ҳитой чегарасынча, Форс курфасидан Урусия даштларынча кенгайган эди. Бироқ у сүнгиг юриш учун тұрт ғыл сарфланғанини-ю, инесиң ҳәётнинең үртаса узуилиги үттиздан ошмайдын бир даврда ешиң олтмишга бориб қолғанини үйлаганида вақт кутиб турмаслыгини янада аниқроқ сеза бошларди. Зоро, дүнёни босиб олишдек буюк саргузаشت үзининг эскирган класик доирасидан чиқаётган, Темурнинг яны қүшніларн — түрк султони, Қохира мамлуклари подшохн, Ҳиндистон җукмдори ва Само Углони¹нинг күнлари битиб қолған эди.

Доимо ҳаво алмаштириб туришга мажбур булған Темур лашкарлари ҳолдан тойған эдилар; уннинг үзи ҳам Осиё бойлуклари билан безатылған, соғибжамол аёлдек кундан-кунга янада ортиқроқ севиб бораётгани Самарқандни қаттық соғынған эди. У қандай маҳорат билан жанг қылса, шундай усталык билан тинчлик үрната оларди; шуннинг учунми, балки үз башкентида узоқроқ тин олгиси келгандыр.

Күшин үтгап йүлларда аҳоли «замин султони» ва уннинг шавкатли жанғчиларини олқышлар эди. Үз гүшаларыга яқынлашғанлари сари қарчоқларини унугаётган аскарлар кетидан устига ортилған бойлик ва үлжаларнинг оғирлигидан ғичирлаган аравалар карвоғын келарди.

Темур Кешда тұхтаб, падары бузруквори ва фарзандыннан қабрлари тепасында дуо үқиди, Оқ Саройны бориб күрди. Бинонинг бирнічин ғиши 15 ғыл олдин қүйилғанина қарамай, усталар ҳали ҳам унга пардоз бериш билан овора эдилар.

Амир Темурдан бир неча ғыл кейин у ерга борған Кастилия (Испания) қиролининг элчиси Рун Гонсалес де Клавихо ҳайратланиб таърифлаган бу маҳобатли ва гүзәл бино Темурға ёқди. У кетишидан олдин усталарга бинонинг пештоқынға қуйидаги сұзларни ёзған қүйиншни буюрди: «Құдратимизга шак-шубҳанғыз булса, биз қурдирған биноларга бокинг».

Самарқанд Амир Темурни дабдаба билан кутиб олди. Биноларнинг пештоқлары ва күчаларға иодиргиламлар ташлаб құйилған, майдонларда гуллардан зафар дарвозаларн тикланиб, очиқ сақналарға кута-

¹ Ҳитой императори Мөнгө Хонг Во (тарж.).

ғиңган хоһандалар унинг шаънига мадҳиялар айтишарди.

У «Кўк Сарой» деб ҳам аталувчи шаҳардаги энг баланд бино — Аркда яшай бошлади. Қушни келтирган бойликлар салтанат нозирлари ҳисобдан ўтказишлари учун мустаҳкам хоналарга жойлаштирилди. Солномада гувоҳлик бернишича, шу ҳисоб-китоб ишларига жалб этилган нозирлар сони кўп бўлишига қарамай, бойликларни ҳисобдан ўтказишга «бир неча кечако кундуз» вақт керак бўлган.

Зафар шарафиға дабдабали зиёфатлар берилди. Шу зиёфатлардан бирида Амир Темур Самарқандда қолганларга ҳам мансабига ва ғалабага қўшган ҳиссасига қараб ўлжалардан улашиб чиқди, биринчи бўлиб салтанатнинг юксак мартабали амалдорларни эмас, балки пайгамбар авлодлари — сайидлар ва уламо тақдирланди.

Эртаси кундан бошлаб Амир Темур салтанат юмушларига шўнғиб кетди; унинг қаҳри қаттиқлигини билган амалдорлар ва сипоҳилар калтираб туришарди. Узи узоқ вақт йўқлигида бўлиб ўтган воқеалар баёни ни диққат билан тинглагач, нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетнишига йўл қўйган савдогарлар ва айборларни дорга остирди. Бева-бечораларга кийим-кечак ва озиқ-овқат улашилди, салтанат фуқаролари эса уч йил давомида барча солиқлардан озод қилиндилар.

Ватанига қайтиб ўз фуқароларининг фаровонлиги учун қайғурадиган Халқ отасига айланиган саркарда одамлар учун етарли гамхўрлик қнлганига ишонч ҳосил этгач, бутун эътиборини Самарқандин гуллаб-яшинатишга қаратди ва бу соҳада ҳам тенгсиз қобилиятини намойиш қилди. У меъморлар тақдим этган лойиҳалар орасидан энг яхшисинни танлаб олар, улар билан иш режаларини ишлаб чиқар ва ўзи ҳам янги ечимлар таклиф қиларди. У қурилиш ишларини ўзи бошқарар, келиб чиқишиндан қатъни назар, энг иқтидорли ҳунарманларга ишониб иш топширади. Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қуллаб-қувватлаб, ҳимоясига оладиган Темур турар эди; бир томонда бутун-бутун шаҳарларин забт қилувчи Темур бўлса, иккинчн томонда обидалар, мадрасалар, анҳорлар ва боғлар барпо эттирувчи Темур турарди.

Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳали ҳам жумбоқ булиб қолмоқда.

1397 йил баҳорида у Самарқанднинг машҳур бодларидан бири «Боги Шамол»да ажойиб бир сарой қурдирди. Қурнишини тезроқ ниҳоясига етказиш учун эроний ва бағдодий меъморларга аскарлар ёрдам беришди. Узи эса иш боришини назорат қилинб туриш учун қурилиш майдонига чодир тиктириди. Солномада ёзни лишича, «ушбу саройни бунёд этиш учун юксак маҳорат ва мислсиз гайрат-шижоат билан иш олиб борилди».

Уша йили кузда у кенг Конигил даштида илгари машҳур булган барча боғлардан гузал бир боғ яратди. Унинг анжиirlару бошқа турли мевали дарахтлар сояташлаб турган узун йўлкаларидан ўтиб, атрофи ба-ланд оқ мармар устунлар билан уралган бир қасрга бориларди. Амир Темур боғ ўзи ўйлаганидек чиққанини кўргач, унга «Боги Дилкушо», яъни «Дилга қувонч баҳш этувчи боғ», дея ном берди.

Амир Темур ҳар сафар бирор сарой тиклар ёки боғ яратар экан, қадимий удумга кура уни бирор аёлга бағишилар эди. Шу одатга кура, «Боги Шамол» набираси, малика Бойқизига, «Боги Дилкушо» эса кенжагаллиги — суюклиси, Муғулистаннинг янги ҳокими Хизрхўжанинг қизига бағишиланди.

У Кеш йўли устидаги ҳайбатли қоя устига ҳам ажойиб бир сарой қурдирди. Деворлари мармар ва оқ кошин билан қопланган бу саройни зилол булоқлардан сув ичган ям-яшил боғ үраб турар эди. Темур бу боққа «Тахти қорача» деб ном қўйди.

Самарқанднинг ўзида ҳам Улуғ амир омборхоналар, шифохоналар, мадрасалар қурдирди. Бироқ бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган пайтида ҳам «жаннат қилич сояси»да эканлигини унута олмади, шу сабабли у шаҳар деворларини мустаҳкамлади — Самарқанд деворларининг узунлигига етмиш олти минг метрга етказилди, темир қалқон ва дубулғалар қўйдирди, янги суворийларни қуроллантириш учун қилич ва найзалар тайёрлассаттириди. Зоро, уша пайтдаёқ, у Хитойга юриш ҳақида ўйларди.

ҲИНДИСТОННИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Бироқ шу пайтда Деҳлидан олинган хабарлар Амир Темурни Ҳиндистон томон унади.

Бу X асрда Фазна (ҳозиргى Афғонистон) шаҳридан чиқиб, Фандара вилоятини илк бўра босиб олган Сабуктегину Ҳиндистоннинг шимолига ўн етти марта юриш қилган унинг ўғли машҳур Маҳмуд Фазнавийдан бошлиб ҳар бир турк ва мўгул хоқони учун табиий бир ҳебз эди.

Фазнавийлар инқирозга юз тутгач, мусулмон саркардалардан яна бирни Муҳаммад Фурий (Афғонистондаги Fур шаҳридан) ҳам бу соҳада ўз маҳоратини курватди.

XIII асрда ғурнийлар ўринини бошқа бир туркий элат — ҳиндистонлик мамлук султонлар эгаллашди. Улардан бири Элтутмиш Жаҳонгир Деҳлини ўз салтанатининг пойтахти деб эълон қилди, мўгул қўшиналарининг ҳужумини қайтарди.

Шундан сўнг XIV аср бошида туркий-афғон сулоласидан бўлмиш келжийлар бутун Ҳиндистон ярим оролини исломлаштирилар: бу ишда, айниқса, Декканнинг забт этилиши катта аҳамият касб этди, зеро шу давргача туркий мусулмонлар фақатгина Ҳиндистоннинг шимолида ҳукмронлик қилишган эди, холос.

Мазкур сулоладан чиққан энг машҳур султон Алоуддин Бешафқат моҳир саркарда, буюк ташкилотчи ҳамда гоят тақводор инсон булиб, Чигатой улусидан келган мўгул босқинчилари устидан катта зафар қуч ган эди. У ҳукмронлик қилган пайтда мусулмон бўлмаган ҳиндлар гайридинлар ва мажусийлар сифатида шафқатсиз қувгин қилиндилар. Алоуддин 1316 йилда оламдан ўтгач, мамлакатда тўрт йил давомида қонли парокандалик ҳукм сурди. Бу тартибсизликларга юқори мартабали мусулмонлар кенгаши чек қўйди ва Деҳли тахтини Фиёсиддин Туғлуқ исмли ҳарбий қўмонидон эгаллади. Орадан йиллар ўтиб Фиёсиддин Туғлуқ асос солган сулола вакиллари Амир Темур лашкарларига қарши жанг қиласидилар.

Мовароуиңаңда оддийгина туркىй оиласы дунёга келгап Гисседдин Түглүк қобиلىятли хоқои бўлио чиқди: у давлат бошқарувини қайта ташкил этди, юксак тартиб-интизомли қўшин тузиб, ҳинд рожаларига тегишли бир қатор вилоятларни босиб олди. У Муҳаммад Түглүк номи билан тахтга ўтирган ўғли томонидан улдирилди.

Ўта билимдон, шоир ва рассом, тақводор мусулмон бўлган бу гаройиб шоҳ ажнабийларнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб қабул қиласади. Ҳиндистонда яшаган пайтида Муҳаммад Түглүк томонидан Деҳли шаҳрининг бош қозиси этиб тайинланган Ибн Баттутанинг гувоҳлик беришича, у ўзининг ўта шафқатсизлиги билан ҳам ном чиқарган эди: у рақибларни сўйдирио, терисига похол тиқтиради, шу усулда ясалган қуғир-чоқлар шаҳар чорраҳаларига осиларди.

Шунга қарамай султон Ҳиндистоннинг йигирма уч вилоятини ўз ичига олган йирик салтанат қурган булиб, уни адолат ва ақл-идрок билан бошқарарди. Бироқ у, Деҳли аҳолисини бошқа бир шаҳарга кўчирмоқчи булиб, катта хато қилди. Режа амалга ошмади, аммо беҳисоб қурбонлар бўлди. Оламдан куз юмишдан (1351) олдин у қатор исёнларни бостиришга муваффақ бўлганлигига қарамай, салтанати парчаланиб кетди.

Унинг ўрнини амакиваччаси Феруз Түглүк эгаллади. Бу мулоим ва эҳтиёткор инсон ҳам доно раҳбар эди. У султонлик қилган даврда динга катта аҳамият берилди, бунинг натижасида мусулмонлар ҳаддан зиёд имтиёзларга эга бўлишди, ҳиндилар таъқиб остига олиндилар.

У ўлгач, тахт фарзандлари ўртасида талаш бўлди, куплаб исёнлар рўй берди, жиноятларга қўл урилди. Ниҳоят, тахтга унинг кенжаси Насриддин Маҳмуд Түглүк ўтирди; унга бу ишда эътиборли бир арбоб ёрдам берган булиб, янги султон кейинчалик унинг таъсиридан чиқа олмади. Бироқ салтанат сарҳадларига яқинлашиб келаётган хавфни бартараф этиш учун ғаразчи амлокдорларни бирлаштиришга икковининг ҳам қурби етмади.

Амир Темур Деҳлида рўй бергаётган воқеалардан яхши хабардор эди. Бу воқеаларга аралашиш учун унинг талайгина асоси ҳам бор эди. Үзаро иифоқлар ва

биродаркүшлик оқибатида шимолий Ҳиндистон нафақтардан күпrik ясаб Жайхувдан ўтди ва Ҳиндикуш осонгиша ўлжага, балки бирор мушкулотсиз забт этигидаги жойлашган Андаробга етиб, чодир тикди. Мумкин бўлган бошсиз ва жиловсиз ўлжага айланга 1398 йил эрта баҳорда Улуг амир Пирмуҳаммад эди.

Улуг амир қурултой чақириб, ўз қарорини амирларда дарёснининг нариги қирғоғида жойлашган Мўлтон ларга маълум қилди: «Деҳли таҳт ворисларининг ўзалъасини мусоҳара қилишини топширди. Асосий қўшини аро курашларидан фойдаланиб биз Ҳиндистонга юриша ёз чилласида йўлга чиқди. Йўлда Улуг амир қўбошлашга аҳд қилдик, токи бу ўлка биз Амир Темурнидан Муҳаммад сulton бошчилигидаги йирик бир Кўрагондан ўзга хоқонни тан олмагай!»

Ў нутқини қўйидаги сўзлар билан якунлади: «Ходаб Лаҳор томон йўлланди. Энг мушкул иш соҳибқирон зиммасига тушди: энг яксон қилурмиз!» Маҳмуд Фазиавий ва Муҳаммад Фуаввало «қора кўйлакликлар» деб ном олган тоғлиқ рий чақириқлари шу тариқа Амир Темур тилида қайкоғир жангариларни маҳв этмоқ зарур эди, зеро Ҳинд та жаранглади.

Ғайридинларга қарши муқаддас жиҳод расман дас бу жангариларнинг Мовароунинаҳр қўшинлари ортида тур қилиб олини. Ҳар қалай, солномаларда шундай туриши ўта хавфли эди. Амир Темур бошчилигидаги сараланган қўшини Ҳиндикуш тоғлари томон юрди.

Солномада яна шундай деб зикр этилган: «Ислом ганимларига қарши курашмоқ ҳар бир мусулмоннинг энг муқаддас бурчдири, дейилади Куръонда... Шу сабабли ҳам Улуг амир ғайридинларни маҳв этиш ва истило қилиш орқали ўз буюклигини намойиш этишга интилди». Солномада яна қўйидаги сўзлар битилган. «Амир Темур Ҳиндистоннинг кўпигина шаҳарларида хусусан Деҳлида ислом дини қабул қилинганидан яхши хабардор эди. Жумладан Деҳлида зарб этилган таңгалиар шундан далолат берарди». Солномачи ўз фикрини давом эттириб, яна шундай ёзади: «Деҳлидан йироқда жойлашган вилоятларнинг кўпига гайридинлар яшарди». Бироқ ҳужум учун айнан Деҳли танланади.

Табиийки, Амир Темурни қизиқтирган ягона нарса йироқ қўшини давлатларни заифлаштириб, ўз салтанатининг сарҳадларини кенгайтириш ҳамда забт этилган йирик шаҳарлар бойликлари ҳисобига қадрдон Самарқандини янада гуллатиш эди.

Улуг амирнинг пабираси Пирмуҳаммад ўша пайтда Қобул, Кундуз, Бомиён ва Қаидаҳор вилоятларини жумладан Ҳайбар довони жойлашган минтақаларни ўз ичига олган «Кичик Ҳиндистон» (ҳозирги Афғонистоннинг бир қисми)га нонби ҳукмдор эди.

Айнан шу ўлкадан ҳужум бошлаш кулагай эди. Амир Темур йўлга тушди. Термизи ортда қолдириб, кема-

шошлигидаги ҳировул фавжини йўлга чиқарниб, Пирмуҳаммад эди.

Фавж ажралиб чиқиб, Ҳимолай ён багирликлари бўй-

сири қилинаётган бу юриш муваффақиятсиз тугаса,

кора кўйлакликлар тобора юксак чўққилар томон

чекинишар, қўшини эса қалин қор ва муз қоплаган тоғ

сўқмоқларидан уларни туну кун таъқиб этиб борарди.

Кўп ўтмай отлардан воз кечишга тўғри келди: тоғ

сўқмоқларидан кўтарила олмай қолган бу жониворлар

устиларига кўрупа тўшалганида ҳам тунги совуқларга

бардош бера олишмади.

Аскарлар ораларидан чиқсан қўнгиллилар тик қояларга қоқсан қозиқларга илингандан узун арқонларга тирмашиб, қорли тоғ чўққилари сари зўр-базўр кўтарилишарди. Соҳибқирон учун махсус тахтиравон ясадилар, уни тахтиравони билан баландликка тортиб олардилар.

Бу усул қўл келмай қолган пайтлар ҳам бўлди.

«Ана шунда, — дейилади солномада, — у (соҳибқирон)

қўлига таёқ олиб, бир чақиримдан энёд йўлни

пиёда босиб ўтди; тўрт мучаси соғ саркарда учун ҳам

бу жуда катта кўрсатгич эди. Ниҳоят, қўшини тоғ тенасилаги ялангликка кўтарилиди. Улуг амирни навкарлар шу ергача қўлларида кўтариб чиқишган ягона

от устига ўтқиздилар. Қўшини ўз саркардаси ортидан

пиёда йўлга тушди.

Узоқ юриб толиқсан, баландликдаги ҳаво етиши-

маслигидан, тундаги даҳшатли совуқдан, кундузлари

эса кўзни қамаштирувчи ёруғликдан азоб чеккан нав-

карлар жон-жон деб водийга қайтиб тушган бўлар-

дилар. Бироқ соҳибқироннинг метиндек иродаси бун-

га асло йўл қўймасди, зеро «Бугунги ишни эртага

қолдирмаслик» унинг севган шиорларидан бирни эди.

Кофиirlарни уларнинг қўл етмас қоя устига тошва муздан тикланган қўргони этагнгача қувиб бордилар. Бир неча кунлик бефойда қамалдан сўнг суяксуякларигача совуқ ўтиб кетған Амир навкарларининг тақдирга тан беришдан ўзга иложлари қолмади.

Мана шунда улар Амир Темурнинг битмас-туган-мас куч-гайратига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Соҳибқироннинг замондошн муаррих Ибн Арабшоҳ қўйидаги бир саҳнани ҳикоя қиласди.¹

Соҳибқирон амирлар ва акобирларни ўз ҳузурига чақириб, уларни қаттиқ ҳақорат қилган ва ҳатто чап қўли билан қиличини қинидан чиқариб, уларнинг эгик бошларига таҳдид солған. Ҳеч ким эътиroz билдирамагач, Улуғ амир тезгина ўз ҳовуридан тушган ва яроғини қинига солиб, шатранж ўйинини келтиришларини буюрган. Бироқ эртаси куни эрта тонгдан бошлаб у амиру лашкарбошиларнинг ҳар бирни билан шу лаънати қўргонни ишғол этиш хусусида маслаҳатлашган.

Соҳибқирон уларнинг тушкун кайфиятию мужмал жавобларини кузатиб ич-ичидан куюнди ҳам. Амир Темурнинг ишончли маслаҳатчиси бўлмиш Муҳаммад Қавчин эса ўз баҳтига қарши барчанинг олдида унга бу машъум қалъа уни қўлга киритиш учун бериладиган қурбонларга арзимайди, деб айтишга журъат қилди. Бу гапда албатта жон бор эди, бироқ бу соҳибқиронга хуш ёқмади.

Ғазаб отига мингандо соҳибқирон ўз ҳузурига қўшиндаги энг гариб кимсанни топиб келтиришларини буюради. Унинг олдига ошхонада мол-ҳол сўйиш ва идиштовоқларни ювишда ошпазларга қарашиб юрувчи юпун, бадбашара ва бадбўй бир кимсанни бошлаб келдилар. Соҳибқирон Муҳаммад Қавчинга зарбоф сарупосини шу кимсаннинг жулдор кийимлари билан алмашини буюрди.

Сўнгра Амир Темур баҳтиқаро маслаҳатчининг бутун молу дунёсими: барча иморатлари, ер-сувн ва богоу рогларини, чорваси, пули, тилло ва қимматбаҳо буюмларини, хотинларию канизакларини омади келган хизматкор фойдасига мусодара қилиш тўғриснада-

¹ Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Т., 1992 йил, 2-китоб, 75—79-бетлар (тарж.).

ги фармонга имзо чекди. Мұҳаммад Қавчин ошхонага жүнатылды, у Амир Темур оламдан ўтгунинг қадар хорлық ва зорликда күн кечирди, зеро соҳибқирон уни умрининг охиригача авф этгани йүк.

Эртаси кунидан лашкарбошилар үз аскарларини қалъаны ишғол қилишга бошладилар ва унинг ичка-рисига киришга муваффақ бўлдилар. Солномада ёзи лишича, «Юраклари кийимларидан ҳам қора булмиш қалъа ҳимоячиларнинг бошлари олинди». Фақат мана шундан кейингина Амир Темур бу машъум мас-канни тарқ этишга амр қилди. Қўшин Қобул томон йўл олар экан, тогларда учраган барча уруг ва қаби-лалар қиличдан ўтказилди.

Пирмуҳаммад ва Мұҳаммад Султон лашкарлари Қобул яқинида Амир Темур қўшини билан учрашди-лар. Лйнан шу ерда соҳибқирон кўп замондошләри-нинг бошини қотирган қатор Фармонларга имзо чек-ди: жумладан, унинг амрига биноан бутун қушин кат-та суғориш зовурларини қазишига киришди. Кейинча-лик шу зовурлар орқали келтирилган сув туфайли ўл-ка гуллаб-яшнади, бу ерда янгидан-янги шаҳарлар пайдо бўлди.

1398 йил сентяброда Амир Темур бу яратувчилик фаолиятини тўхтатиб, лашкарларини Ҳиндистон сари бошлади ва дараҳт ҳамда қамишлардан кўприк яса-тиб, Индра дарёсидан ўтди. Биринчи бўлиб Таламба шаҳри ишғол этилди, «зоти шарифлар (Пайғамбар авлодлари), аҳли илм ва уламо»га ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, уларнинг мол-мулки ҳимоя остига олин-ди.

Айрим шаҳарларни олишда баъзан үз ғазабига эрк бериб юборишини ҳисобга олмагандан, Амир Темур одатда иқтидорли илм ва дин аҳлини үз ҳимоясига олар, уларга нисбатан куч ишлатишга йўл қўймасди.

Пирмуҳаммаддан келган шошилинч бир хабар уни Мўлтон томон ундан. Набираси олти ойлик қамалдан сўнг шаҳарни қўлга киритишга муваффақ бўлган бўлса-да, ўлкада сув тошқини туфайли тарқалган касал-лик оқибатида суворийлар үз отларидан ажралган, бу кулфатдан фойдаланган яқин-атрофдаги рожалар эса темурий шаҳзода Қўшинларини қуршаб олишган эди.

Улуғ амир шаҳарга яқинлашиши билан ғанимлар

ческиндилар. Отсиз қолган суворийларга отлар улашилди, улар фавжларга құшынб олинидилар ва шундан сүні құшин тұлық ҳолда Дәхли томон йүл олды.

Пойтахтга яқиналашиш учун дастлаб рожалар сардори Рай Дул Әд құл остида бұлмиш мустаҳкам Бұаттайр шахри истеңкомуни забт этиш даркор әди. Мұхосара шиддатли ва аёвсиз кечди, зеро оқсуяк жангчилар табақасидан бұлмиш ҳиндлар ҳаёт-мамот учун курашдилар. Мағлуб бұлишларига күзлари етгач, улар хотинлари ва фарзандларини үз құллари билан үлдирдилар, уйларига үт қүйдилар ва үлімні тик кутиб олдилар. Уларнинг бирма-бир жонлары олиниди, зеро Улуғ амирнинг моҳир қиличбозлары ва мерган үқичларидан ҳеч ким қочиб қутуолмасди.

Ниҳоят құшин Дәхли қаршиисида, Панипат водий-сида саф тортди. Амир Темур Лони қалъасини құлга киритиб, у ерда үз қароргоҳини тикди. Тез орада сохибқирон үз зобитлари ва аскарлари орасида ҳукм сураёттан асабийликдан хабар топди. Улардан күнчилиги ҳинд құшиннида шафқатсиз жанговар филлардан фойдаланилиши ҳақида әшинишган ва уларга қарши курашишдан хавфсираб туришарди.

Амиру акобирлар йигинида улардан бири құшин үзи билан бирга олиб юрган юз минг кишилик ҳарбий асирлар жанг яқиналашиб қолганини тушуниб, қимирлаб қолищганини маълум қилди.

Иккинчи бир амир эса әльтеборни құшин Дәхли лашкарлари ва филларнга қарши жангга кирган пайтада асирлар исен кутариб қолгудек бұлса, уларни бартарап этиш мушкул бұлажагига қаратди.

Амир Темур уларни диққат билан тинглади ва бу муаммога барҳам беріш учун үзи ҳам ёқа ушлайдиган дақшатли бир қарорга келди: у барча асирларни кепчикирмай қиличдаи үтказиш ва бу амрини бажо келтиришдан бosh тортган ҳар бир кимсанни қатл этиш ҳақида фармон чиқарди. Қатлоном атиғи бир соат да-вом этиди, шундан сунг мунажжимлар қақирилиб бу-лажак жанг башораты үрганилди.

Сайёралар Улуғ амир құшиннiga раҳнамолик қилмади, сохибқирон эса илми нүжумга жуда ҳам ишоны-маслигини ошқора маълум қилди: «Иккى ёки уч сайёранинг бир бирига яқиналашишыннig аҳамияты өнүк, — деди у үз аскарларига, — сайёраларнинг на шодлик, на азоб, на баҳт ва на күлфатта дахли йүк. Биз

амалға оширилиши учун барча зарур чоралар күрнлігін режаларимизни асло кечіктірмаймиз». Бунда ын шурғындыктың үші замонда ва айниқса, Амир Темурдек сарқардалар орасыда жуда кам учрады.

Улуғ амир мұнажжимларға рухсат беріб, «Мен фақаттана Аллоҳ таолога инонаман, у мени ҳеч қа-чон тарқ этмаган», деде Қуръони карим келтирнішларини буюрди. Муқаддас китобининг дуч келган саҳифасини очиб, қўйидаги оятин үқиди: «Ғайридинларга қарши кураш». Шу заҳотиёқ Улуғ амир ўз лашкарларига Худо ҳал қилувчи жангда улар билан бирга эканлигини тантанали равишда эълон қилди.

1398 йил 17 декабря Амир Темур құшинни жанговар тартибда саф тортды. Құп үтмай Дәхли ҳимоячилари уларга қаршы чиқдилар.

Султон Маҳмуд құшинлари сафида ўн минг зирх-совутли суворий, қирқ минг яхши куролланған навкар ҳамда темир қалқонлар билан жиҳозланған юзлаб жанговар филлар бўлиб, уларнинг устига ёғоч кажавалар ўринатилган, ҳар бир фил устидаги кажавада эса бир неча камонбоз ва наизабоз утирад эди.

Бу баҳайбат махлуқлар — ўз замонаснининг «зирхли машиналари» ўзларига осилган үткир тиғли (қиличсифат) қалқонларини қуёшда ярақлатиб ва жаранглатиб, вахимали илгарилар эдилар.

Хинд құшинлари үші давр учун яна қатор устунликларга эга эди: фил қаторларн орасыдан «ёнар күзалар» (йт олдирувчи гранаталарнинг бир тури) отувчи аскарлар — раъданозлар жой олар, бир неча кишидан иборат бўлинма эса ерга тушнаб күп мартаба сакраб учувчи таҳш¹ отишга ихтисослашган эди.

Құшин марказидаги баҳайбат фил устида ўтирган султон Маҳмуд ва уннинг бош вазири бошдан-оёқ зарбоф либос кийған бўлиб, улар ҳам Аллоҳдан ўзларига малад сўрашарди.

Амир Темур ўз лашкарларининг пималарга қодирлигини жуда яхши билар, фақат уларга ёввойи филлар етказиши мумкин бўлган талафотлардан хавотирла эди. Шу сабабли ҳам у филларга қарши курашиниг зарур чораларини курди. Соҳибқирон амри билан фил-

¹ Тахш — темир учли узун нортловчи ўқ (гранатаметниң ўқига ўхшаш — 'тарж').

лар ҳужуми кутилаётган чизиқ буйлаб чуқур ҳандақ-лар қазилди, похол ортилган юзлаб түялар шай этилған булиб, уларнинг юклариға үт қўйилгач, филларга қарши солниш мўлжалланмоқда эди.

Бундан ташқари у темирчиларга ўткир тигли учбурчак шаклидаги темир санҷқилар ясаттириким, улар қандай ҳолатда ҳавога отилишидан қатъи на-зар, ерга тушгач, бир қирраси албатта тикка туриб қоларди. Суворийлар яшин тезлигида от қўйиб, бу санҷқиларни филлар келишн кутилаётган йўлларга қадаб чиқишиди.

Жангда Мовароуниҳар суворийлари берган кучли зарба рақиб лашкарлари сафини тўзитиб юборди. Парчалаб ташланган ҳинд аскарлари тумтарақай бўлди-лар.

Отлиқ аскарлар фавжлари наиза отиб ва қилич солиб филларни шунчалар қонга беладиларким, хар-тумлари кесилган, тилингандар илма-тешик қилған жониворлар тартибсиз равишда чекина бошладилар ва бу билан ҳинд лашкарлари жанговар са-фини бутунлай бузиб юбордилар. Султон Маҳмуд ва унинг бош вазири рўй берган тартибсизликдан фой-даланиб қочиб қолдилар.

Эртаснга Амир Темур музafferона Деҳлига кирди ва Ҳиндистон ҳукмдорларининг қимматбаҳо тошлилар билан безатилган таҳтига ўтирди: шаҳарнинг турли мавзелари вакиллари унинг ҳузурига келиб тиз чўклилар. Соҳибқирон уларнинг ҳаётларини сақлашга ваъда берди ва шаҳар аҳолиси тўлайдиган ўлпон миқдорини маълум қилди.

Мамлакатнинг асосий шаҳарларига бир юз йингир-ма жанговар филда чопарлар йўлланниб, Улуғ амир Ҳиндистон султонини маҳв этганини барчага етказиш топширилди.

Ҳамма иш кўнгилдагидек борар, Амир Темур ҳам бу бадавлат шаҳар аҳлига гайриодатни илтифот кўрсатмоқда эди. Бахтга қарши, мана шу бойлик шу пайт гача шаҳар ташқарисида турган аскарларнинг кузларини ўйнатди ва улар амирларнинг тақиқлашларига қарамай, бадавлат даҳаларга бостириб кирдилар.

Улар аҳолининг бир қисмини талаб, зўравонлик қила бошладилар; шаҳарликлар курсатгани табини қаршилик эса уларни шу қадар қутуртириб юбордики,

бунга жавобан минглаб аёллар ва эркаклар қиличдан ўтказилди.

Шаҳар ичидағи жангчиларга янгидан-янги ватандошлари келиб қүшилдилар ва нима булаётганини яхши англамай туриб, улар ҳам талончилик ва хунрезликка берилдилар. Күп үтмай бутун шаҳар қонга беланди ва алана ичида қолди.

Бундан хабар топган Улуғ амирнинг құлидан ҳеч нараса келмади, зеро энди кеч бұлған, айборлар эса беҳад күп эди. Шундай бұлса ҳам у үз соқчиларига илм ва дин аҳлини ҳимоя қилишни топширди: ҳинд санттарошларининг ҳам ҳаётлари сақлаб қолинди, зеро Деҳли жоме масжидида улар күрсатған санъатдан завқланған соҳибқирон Самарқандда ҳам шундай масжид бунёд қилишни орзу қиласынан.

Қозонилған галабадан үн беш кун кейин — 1399 йил 1 январда Амир Темур ёнғын ҳамон учмаган жағокаш шаҳарни ташлаб, Ганг дарёси томон йүл олди. Йүлда у Мирт қалъасини құлға кирилди: исломни қабул қилишдан бош тортған бутпарастларнинг тириклийн териләре шилинди, ҳайкал ва ёдгорликтер вайрон этилди.

Ганг дарёсининг нариги қирғоғыда катта миқдордаги ҳинд лашкарлари тұупланғанидан хабар топған соҳибқирон үз қүшининг дарёдан кечиб үтиб, жанг бошлаш ҳақида фармон берди. Солномада қисқача қайд этилишиңа, бу пайтда «уннинг үнг құлида күчли оғриқ туриб, соғлиғига қаттық зарар етганди».

Чиндан ҳам, хасталик кундан-кунга зурайиб борар, Улуғ амир риоя қилаётған иш тартыби ва суръати эса ахволини яхшилашга хизмат қилмасди. У борған сары сезиларлы оқсоқланар, отға миниши тобора мушкуллашиб борар эди. Тан олиш керакки, эгарға үтиргач, у яна қачонлардың Кеш адирларидаги барча улоқ поїғаларыда ютиб юрган үша мохир чавандозга айланарди-қоларди.

У хасталиғнан қарамай, қүшинин Ганг дарёсининг бүйінде маҳаллій ахоли сиғинуучи каттакон сигир ҳайкали үрнатылған жойға бошлаб чиқди. Беҳисоб гапимлар жанг очмасдан тарқаб кетдилар. Шундан сунг Улуғ амир ватанинша қайтишга ақд килди ва дарёни кечиб үтди.

Қүшинин шимол томон юриши пайтида қатор ис-

тәжікомлар таслим бүлдилар ва күплаб рожалар мәғлуб этилдилар; ягона Худо номи билан бутхоналар вайрон, маъбудлар яксон қилинди.

Қалын ўрмоп ичига яшириниб олган бир гурұх ұнның үгрилари құршаб олинди ва қирғын қилинди. Бұнам ва қалын ҹанғалзор шу қадар қоронғи әдикі, аскарлар машъала тутиб жаңг қишлишга мажбур бүлдилар. Тунда дараҳтлардан тушған беҳисоб маймұллар эса лашкаргоҳда ухлаб ётған аскарларнинг кийимларини үғирлаб кетдилар.

Бу ёғига құшын Сиволик тоги ён бағирлари бүйлаб Панжобнинг шимолига кутарылды, йулда қаршилик күрсатғанларнинг бары яксон қилинди. Жамму вилоятидан маҳаллій рожа исломни қабул айлаб, мол гүштідан тамадди қилди, буннинг әвазында үннінде сақлаб қолниди.

Амир Темур Афғонистонга қайтиши олдидан Кашмир ўлкаси ҳукмдори Искандаршоқ үнга итоат этиш га қасамәд қилди. Лаҳор шаҳрини әгаллаған лашкарлар катта үлжалар билан асосий құшынга келиб құшилдилар.

Хайбар довонидан үтгап Улуг амир ишонған одамлари құлида бүлмиш Нәғз қалъасида бир оз ҳордик чиқарди. Үннинг дам олиши үз фАОЛиятнин қысман үзгартырышдан иборат бүлди, холос; қалъа деворларын яқинидан чиқиб түрган бир булоқнинг лаззатлы сувидан татиб күрган фотиҳ уни қалъа ичкарисынға киритиш билан машғул бүлди.

Буннинг учун қалъанинг баланд ва қалып деворларини бузиб ташладилар ва икки чақирим нарида янги девор бунёд қилдилар. Шу мақсадда тогда янги карьер ҳам очдилар. Бутун құшын бу үлкан ишини бир ҳафтада үддалади. Солномада битилишича, ҳатто амирларнинг үзлары ҳам елкаларнда тош ташиганлар.

Фақаттгина от ва қиличин күрган бу туркій аскарларни тош йұниш ва териш билан машғул бўлишларнине үзігіна Амир Темурнинг уларга искоғлік катта таъсир күрсатишидан далолат берарди.

Орадан кўп ўтмай у яна буниёдкорлик ишпга қўл урди: Кобул яқинида лашкарларига гиштдан катта қасалхона қурдирди, бироқ Шибирғонга етмай хасталаниб қолди. Улуг амир қўллари ва оёқларида пайдо бўлган қаттиқ оғриқ натижасида уч кун ётиб қолди; йўлда давом этишга буйруқ бергач, узи отга кутарнла

олмаслигини англади ва усталар ясаб берган узунчоқ таҳтиравонда кутариб киришларини амр қилди.

Шундай қилиб, у 15 апрель куни Жангундап ўтди ва қўшиннинг ҳировулида бу ерга келган хотнилари билан учрашди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Улуғ амир Қешга кириб келди ва одатига кура ҳарбий юришдан сунг падари бузруквори ва тўигич ўғлиниң қабрларини зиёрат қилди. Соҳибқиронни шимолий Ҳиндистон устидан қучган зафари билан табриклаш учун шаҳарга салтанатнинг барча вилоятларидан вакиллар келишиди. Уларга қимматбаҳо совгалар улаша туриб Улуғ амир: «Ёлғиз Худонинг иродаси билангина биз бу зафарга эришдик», — деди.

Бу гапнинг самимийлигига қандай ишониш мумкин? Назаримизда, у чиндан ҳам Худога ишонарди, бироқ шунинг билан бирга дин ва ахлоқ ақидаларининг барчасига ҳам тула риоя қиласкермасди, бу ақидаларининг айримлари гүё унга тааллуқли эмасди.

Одатдагидек Самарқандга қайтиш катта тантана-га айланди. Амир Темур сафарда бўлган икки йил мобайнида шаҳарда янги боғлар ва саройлар бунёд қилинган эди. Жаҳонгир уз курсатмаларига амал қилингандигидан мамнун булди ва янги барпо этилган бино-ларининг барчасини бориб кўрди.

У уртасида ажойиб кўнгил очиш маскани қурилган «Боғи Чинор»да, «Нақши Жаҳон» саройида, гулга бурканган bog ўртасида сержило кошинли ажойиб қаср тикланган «Боғи Беҳишт»да навбатма-навбат меҳмон булди. Ва ишоят Улуғ амир Давлатобод деб аталмиш кенг бир амлокда қўним топди. Бу ерга унинг буюм-ларини ва ҳали ҳам аҳолининг ҳайратига лойиқ бўлган филларни келтиришди — аҳоли бу ерга бемалол кириб чиқарди.

Давлатободда катта шодиёна ўтказилди, унда Амир Темур қулга киритилган ўлжаларнинг бир қисмини улашди, салтанатнинг барча фақирларига совгалар тарқатди, рафиқаси Туман оғага қурган шифохонаси учун миннатдорчилик изҳор қилди ва ўзи ҳам Деҳли масжиди билан рақобатлаша оладнган жомс масжиди бунёд этажагини эълон қилди.

Эртасига ёк мунижимлар қурилиш бошланиши

Учун энг маъқул кунни белгиладилар ва тайинланған вақтда ишлар бошлаб юборилди.

Бу Улуғ амир баршо этган энг йирик иншоот ві дунёдаги энг катта масжидлардан бири эди: уни салтанатнинг турли вилоятларидан келтирилган үнлаб энг яхши меъморлар, муҳандислар, нақошлар ва ғиши терувчилар амирзодалар раҳбарлиги остида тұртпил ичида қуриб битказдилар.

Бинонинг ичкарнисига кириладиган монументал порталга етти хил маъданнинг қоришиасыдан ишланғач, зангламас ва жарангдор, тилла суви юритилған бронза дарвоза үрнатылған булиб, уни тайёрлаш сирлари асрлар давомнда йүқолиб кетған. Энг катта марказий залнинг пойдевори қурилишида Ҳиндистондан келтирилған филлар ҳам ишлатылған булиб, улар беш юз сантарош тоғ ән бағирларидан кесиб олған оғир тошларни қурилыша етказиб туришган. Залнинг тепасига ердан юз метрча баландликда улкан мөвий гумбаз — «Самарқанд мөвий гумбаз» тикланған эди.

Ушбу ёдгорлық Амир Темурнинг хотини Сарой Мулк хонимга бағишиланған мадраса яқинида жойлашгани учун Самарқанд аҳли адашиб уни «Бибиҳоним масжиди» деб атайды бошлаган ва унинг қурилишини шу афсоналашиб кетған малика номи билан боғлашған.

Амир Темур Озарбойжоннинг ноңби ҳоким этиб тайинланған үгли Мироншоҳнинг рафиқаси, қелини Ҳонзодани мана шу қурилыш майдонида қабул қилди. Фазаб отига минган бу аслзода гүзәл аәд ичкиликбозлилкка берилған, қыморбоз ва золим Мироншоҳ устидан унинг отасига арз қилиб келганди.

Бироқ бу ҳали ҳолва әкан: Мироншоҳ бутун салтанат тақдирини ҳал қилини мүмкін эди. Унинг бемаъниликларидан фойдаланған султон Аҳмад қорақүюнлу туркманлари ёрдамнда Бағдодни қайтариб олған, унинг ёнгинасидаги гуржилар эса исен күтара бошлаган эдилар.

Текинтомоқ ва дангасалар таъсирига берилған Мироншоҳ падари бузруквори томонидан үз ҳузурнда қолдирілған маслаҳатчиларни саройдан ҳайдаб, газнани ҳам талон-торож қилиб юборған эди. Ҳонзода билан бирга Самарқандга келган ана шу маслаҳатчилар Улуғ амирға ўғлиниң қилиқлари ҳақида тұлиқ маълумот бердилар.

Амирзода үлканинг энг нодир ёдгорликларнин вай-

роң қилар, бунга шу биноларни бунед этганлар шүх-ратига ета олмаслигини ва, аксинча, уларни ванрон қилиб одамлар хотирасида қолажагини баҳона қиласди.

У машхур мусулмонлар мақбараларини, жумладан машхур муаррих Рашидуддин¹ мақбарасини буздириб, майитларни яхудийлар қабристонига күчиртирган эди.

Үғлининг қилмишларини эшита туриб Амир Темурнинг тобора қаҳри ортиб бораётганини сезган қатор амирлар ўзларини унинг оёғига ташладилар ва отдан қаттиқ йиқинлиш оқибатида миясини йўқотиб қўйган Мироншоҳга шафқат қилишини сўрадилар. Улар уша пайтда Мироншоҳни даволаган табибни топиб келтирдилар, табиб юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли амирзода уч кун ҳушсиз ётганини тасдиқлади. Унинг ақли заифлашиб қолгани ҳушига келганида аён бўлган экан.

¹ Рашидуддин (таким. 1247—1318) — эронлик табиб ва муаррих, мўгул хони Абақаҳон (Ҳалокуҳонинг уғли) саройида Бош вазир лавозимида ишлаган; жуҳуд, эроний, араб, туркий, мўғул, ҳинд, фаранг ва хитой ҳалқлари тарихларини ўз ичига олган «Солнномалар мажмуаси» номли китоб ҳамда араб тилида битилган қатор диний фалсафий рисолаларининг муаллифи (тарж.).

МАМЛУКЛАРНИНГ МАҒЛУБИЯТИ ВА СУРИЯНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ

Вазият мураккаблигинин ва бу ишни ўзи ҳал қилмаса бўлмаслигини англаган Улуғ амир қўшнини тўплади ва 1399 йил ёзида Самарқанддан жўнаб кетди. Шу кетганча у беш йил қайтиб келмади.

Табризга етиб келгач, Мироншоҳнинг таъзимни совуққина қабул қилди ва шу заҳотиёқ суроғ-сурнштириш ишларини бошлаб юборди. Натижада амирзода лавозимидан олинниб, фарзандлари қарамогига топширилди. Амирзодани номақбулликлар қилишга ундаған ҳамтовоқлари эса кечиктирилмай қатл этилдилар.

Шундан сўнг Амир Темур Султонияга йўл олди, мақсади Мироншоҳ ушбу шаҳарда йул қўйган адолатсизликларни иложи борича тузатиш эди. У бу ерда яхши хабарлар эшитди, зеро дунёда рўй берадиган воқеалар олдинга қўйган режаларининг амалга ошишин учун қулай имконият яратмоқда эди.

Амир Темур элчиларини мунофиқона қатл эттирган Миср ва Суриянинг мамлук султони Барқуқ оламдан утган, уғли Фараж тахтга ўтириш йулида мушкулотларга дучор бўлмоқда эди. Мўғулистанда ҳам қайнотаси Хизрхўжа бандалнкни бажо келтирган, унинг турт ўғли эса тахт талашмоқда эдилар.

Амир Темурнинг набираларидан бирни бўлмиш Искандар уларни муросага келтириб, дашту биёбонларга равона қилган ва бобоси салтанатининг түғини Хитой остонасидаги Ҳўтан қалъаси деворига тиккан эди.

Қипчоқда эса Урдалар ҳамон биродаркушлик билан машғул эдилар.

Осиё харитаси га бирор ўзгартириш киритишдан олдин Улуғ амир аввало ўз уйида тартиб ўрнатмоғи лозим эди. У қиши булишинга қарамай тиннимсиз исёнларга барҳам бериш ниятида Шарқий Гуржистонга йўл олди. Унинг лашкарлари гуржиларни уйларидан ҳандаб чиқариб, тоғларда ҳам таъқиб қилдилар, оппоқ қор тез орада исёнчиларининг қонларига беланди.

Исёнчиларнинг уйлари таланди, уларга ўт қўйилди, бу ҳам етмагандек узумзорларни вайрон қилинди, зеро

бу халқ шаробни жондан ортиқ күриши ҳаммага аён әди; гуржилар иложи бұлса мурдалар ҳам шаробда ювилишини, ток танасидан ясалған тобутда дағы эти-лишни истайдилар, деб бежиз айтишмаган.

Отларга қирон келтирған қаттиқ совуқ туфайли Улуғ амир жанубга қараб кетишін мажбур бўлди, бироқ кўкламда яна қайтиб келди. Тифлисни забт этди, ўлка истеҳкомларини ер билан текислади, қишлоқларни харобаларга айлантириди ва Гуржистон қиролини таслим бўлишга мажбур қилди.

Айнан мана шу даврда у Боязидга қарши курашда иттифоқ тузишни таклиф қилиб келган Византия императорининг элчиларини қабул қилди. Бу таклиф насроний ҳукмдордан чиққан бўлса-да, Амир Темурни қизиқтирумай қолмади; у моҳияттан бу таклифга розилигини билдириди ва элчиларни Трабзонгача кузатиб қўйди.

Шу орада Улуг амир Бағдодга йуллаган хабаргирлар ҳам қайтиб келди. Уларнинг айтишича, яхшигина ҳақ эвазига туркман қуриқчиларини ёллаган сulton Аҳмад амалга ошираётган ишлар халқ орасида турли ваҳималарга сабаб бўлмоқда экан. У икки мингдан ортиқ зебитларини қатл эттирди. Амир Темурдан тилло олиб, уни заҳарламоқчи булганликда айбланган ҳарамидаги барча канизақларни ўз қули билан улдирди.

У, ҳатто, ўзинн асраб олган онасини ҳам ёстиқ билан бўғиб улдирибди. Бу мудҳиш жиноятни амалга оширгач, у узи хавфсирай бошлаган қуриқчиларни ҳам ҳайдаган, сунг саройининг Тигр дарёсига қараган қисмида ёлғиз беркиниб олган; дарёнинг шу ерида эса доимо бир кема унга мунтазир турар экан.

Хизматкорлари таомларни унинг ёпиқ эшиги осто-насиға қўйиб кетишар, ичкарига киришга ҳақлари йўқ экан. У бир оз тин олиш учун тун чукишини нитизорлик билан кутар, бироқ ухлай олмай узоқ қийналар экан, зеро тунда эшитилган заррача шовқин ҳам унга Улуғ амирнинг яқинлашиб келаётган оёқ товушлари бўлиб туюлаверар экан.

У бу азобларга чидай олмай бир куни тонгда қора-қуюнлу туркман уруғининг бошлиғи Қора Юсуфникига бориб яширинади, у ердан эса ўз иттифоқчиси, Миср султони Фаражникига элтиб қўйишлиарини илтимос қилади. Қўрқув, ваҳималар қуршовида у Амир

Темурга қарши иттифоқ тузишга ҳам муваффақ булди, аммо бу иттифоқ қуруқ сұздан нарига үтмади.

Қора Юсуф бұлса үз лашкарлари билан Боязид нинг ҳузурига келиб, Амир Темур уюштириши әхти моли бор ҳужумин қайтарышда үнга үз мададини так лиф қиласы, зотан туркманлар бошлиғи турк султонин самарқандлық Улуғ амирға дош бероладын ягона рақиб деб ҳисобларды.

Бу орада иккى буюк фотиҳ уртасидаги муносабаттар хавфли равишида таранглашиб борарди. Сұнгги пайтда султон Боязид Арзурум ва Арзинжон ҳокими Тоҳиртенга дағдағали мактуб йуллаб, ундан вассаллик тұловларини үз вақтида тұлаб туришини талаб қилди. Бироқ Тоҳиртен Амир Темурнинг вассали эди. Шунинг учун ҳам у үз ҳукмдорига чопар йуллаб, турк султонидан келган «таклифнома» ҳақида үнга хабар берди.

Улуғ амир турк султонини огоҳлантириб мактуб йүллади: мактубда у үз «қўриқчиларни шоҳу султонлардан ташкил топганини ва улар дарвоза олдида саф тортиб турншларини» маълум қилди, үзини шунчалар баланд қўяётган Боязиднинг «отаси эса атиги бир туркман дengизчисидир».

Зотнинг тозалигига қилинган бу ҳақоратомуз шама жizzаки Боязиднинг қонини қайнатиб юборди. Бироқ Боязид билан Византия орасы ҳали тұла очиқ қилинмаганлиги учун, унинг жавоби фақат таҳдидлардан иборат булди:

«Биз анча пайтдан бери сен билан беллашишни орзу қилиб юрибмиз. Агар сен үзинг биз томон кел масанг, биз сени излаб топурмиз ва Тауриң ҳамда Султониягача қувнб борурмиз».

У мактубини қўйидаги сўзлар билан якунларди:

«Ким маглубият аламни тортишини кўурмиз».

Қисқаси, ўртамиёна таҳдидлар қилиниб, Арзурум ва Арзинжондан воз кечишдан қатъий бош тортилган эди.

Амир Темур буни яхши эслаб қолди. У қушнинин жамлаб, Туркия томон бошлади. Йўл-йўлакай у Ташартенни тинчлантирида, сұнг Боязидга қарашли Сивос истеҳкомини фатҳ этди. Бундан хабар тоғган Боязид қўл остидаги лашкарларини туплаб, жаңг тарааддудини кўриб турганида Улуғ амир қушини гойнб бўлгани

ҳақида янги маълумот олди: унинг қаерга кетганини ҳеч ким билмасди.

Амир Темурнинг стратегияси энг аввало ўз қўшининг юксак ҳаракатчанлигига ва қарорларининг ута маҳфийлигига асосланганлиги туфайли ғанимларини донмо доғда қолдиарди.

Бағдод султони, Миср ва Сурия султони ҳамда қорақуюнлу туркман Урдасн ўзига қарши иттифоқ тузганидан ва у қўшини билан Туркияга киргач, орқасидан тусиб қўйишни мулжаллаётганларидан хабар топган Амир Темур зудлик билан Сивосни тарқ этиб, жанубда — Сурия нўли устида жойлашган Малатияга йўл олган эди.

Энди унинг мақсади Боязидга уруш бошлишдан олдин унинг иттифоқдошларини бирма-бир бартараф қилиш эди; бунинг учун, керак бўлса, жанг қилиш, керак бўлса, дипломатияни ишга солиш даркор эди. Уша пайтда Константинополни қамал қилиб турган усмонли султон ўз режасидан воз кечиб дўстларига ёрдамга келомаслигнин ҳам у жуда яхши биларди.

У ишни Миср ва Сурия мамлукларидан бошлишга аҳд қилди. Гарчи қудратлари сусайиб қолган булсада, уларни бартараф қилиш катта аҳамиятга эга эди.

Мамлукларнинг тарихи XIII асрдан бошланарди: Миср султони Салоҳ Нажмиддин Аюб қулжаллоблардан Гуркистондан келтирилган ёш йигитларни сотиб олиб, уларни ўзига қўриқчилар қилиб олганди.

Бу қарор султонга ҳам омад, ҳам кулфат келтирди; мамлуклар сараланган ҳарбий қисмга ва шу билан бирга давлат ичидаги давлатга айландилар. Уларнинг биринчи йирик ҳарбий ютуги Мансура шаҳри яқинида авлиё Лўи қўшини авангардини маҳв этиш булиб, еттинчи Салиб юринининг мағлубиятини белгилаб берди. Айнан Франция қироли банди этилган пайтда мамлуклар ўз султонларига қарши бош кутардилар, султон эса улардан қочиб Нил дарёсига узини отди. Бойбарс исмли мамлук султоннинг кетидан дарёга шўнгигиб, сув остида унга пичоқ урди ва совуб улгурмаган юрагини авлиё Лўинга ҳадя қилди.

Келтирилган мисол бу шафқатсиз жангариларнинг қонли шиорига айланиб қолди, уларнинг мустақиллик йулидаги биринчи уринини эса шавкатли Салодинлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйди.

Орадан йиллар ўтиб Эроннинг мұғул хони Ҳало күхон Мисрга қарши юриш бошлаганида, мамлуклар үз қуролдошларидан бири бўлмиш Қутузни султоң этиб, машҳур Бойбарсни эса қўмондон этиб тайинладилар, Мамлуклар мўғулларни енгдилар, Ганим чекнишишга мажбур бўлди. Бу ғалаба ҳақидағи хабар бутун дунёга тарқалди. Жанггоҳдан қайтаётib Бойбарс Қутузни хиёнаткорона ўлдирди ва ўзини султоң деб эълон қилди.

Алп қомат, бақувват, бир кузи йўқ оппоққина юзи бузилган Бойбарс ажойиб ташкилотчи ва моҳир сиёсатчи экан; у аббосийлар оиласининг узоқ бир вакилини Қоҳирага чақириб, уни Халифа деб таҳтга ўт қаздн ва ўз ҳокимиятини ислом динининг олий раҳбари ёрдамида мустаҳкамлади. Тир, Триполи ва Муқадас Жанна д'Арк шаҳарларидан ташқари ҳамон насроннилар қулида турган сўнгги қалъаларни қайтариб олди ва ниҳоят, мўғуллар ҳукмронлик қилаётган Эронга қарши Олтин Урда билан иттифоқ тузди. Суряя Мисрга қўшиб олиниб, ягона бошқарув идоралари ташкил этилди, улар усмонийлар истилосигача амал қилдилар.

Бойбарс ҳам кўпчилик мамлук султонларининг қисматига тушган бевақт ўлимдан қочиб қутулолмади: бирорга ичириш учун тайёрлаган заҳарни узи ичиб оламдан ўтди. Сафдошларидан кўпчилиги пичоқ еб ёхуд бўгилиб ҳалок бўлдилар. Бироқ шунга қарамай мамлук лашкарларн Эрон мўғуллари устидан яна бир бор зафар қучдилар.

Бешафқат, очкuz, қўнимсиз, аммо бунёдкор ва санъат асарларининг ишқибозлари бўлмиш «туркман» мамлуклари 1382 йилгача ҳукмронлик қилдилар ва ўз ўринларини «черкас» мамлукларига бушатиб бердилар. Узи черкас бўлмиш амир Барқуқ эндиликда султон қўриқчилари Каспий деңгизи қирғоқларинда дунёга келган черкас қулларидан танланана бошлаганидан фойдаланиб, таҳтни эгаллаб олди.

Бу ўзгариш таҳт атрофида бўлаётган фитналар, қотиллниклар ва исёнларга асло чек қўйгани йўқ, аммо қаттиқўл Барқуқ тартиб-интизомни сақлай билди.

Амир Темур Эрон таҳтига даъвогарлик қила бошлагач, Барқуқ келишувчнлик сиёсатидан бош тортди, унга очиқдан-очиқ қарши чиқиб, юборган элчинини

қатл қилди, Бағдод султонига бошпана бериб, мамлукларнинг Олтин Ўрда билан иттифоқини мустаҳкамлади.

Амир Темур унга мактуб йўллаб, сунгги марта ганимлик муносабатларидан воз кечишни аниқравшан сўраган эди:

Билгинким, биз Худонинг лашкарларимиз, у бизни газабга келган пайтида яратган ва қаҳрига учраганларни жазолашни топширган... Биз билан бирга бўлмаганларнинг бошларига кулфат ва яна кулфат ёғилгай!. Агар сиз бизга қарши исён кўтарсангиз ва исёнингиздан қайтмасангиз ғзингиздан ўпкаланг... Муҳораба ўти ёқилмасидан олдин бизга жавоб ёзишга шошилинг... Биз сизга элчилар юбориб, адолат бўйича иш тутдик: уларни ҳам биринчи элчилар каби қатл эттирсангиз, ўзингиздан хафа бўлингиз!

Барқуқнинг жавобидан унинг ганимликтан воз кечмаслиги яққол кўриниб турарди:

Барча китобларда сизга лаънатлар ёғдирилган... Ватанингизни тарк айлаганингиздан бери сизнинг энг жирканч хусусиятларингиз ҳақида гапирмоқдалар... Биз сизнинг фармонларингизни қабул қилишни ҳам, аларга бўйинсунишни ҳам истамаймиз... Бошингизга ёғилажак кулфатлардан қочинг: Худонинг газабига учраб қолманг!

Энг ғалатн жойи шундаки, Барқуқ таҳдид тўла мактубини тугаллар экан, Улуғ амирнинг котибинга ҳам таъна тошларини отарди:

«Услубини безаб, ўз маҳоратини намоён этмоқчи бўлган котибингга айтиб қўй: сенинг мактубинг созланмаган рубобнинг тинг'иллашига ёхуд пашиянинг визиллашига ўхшаб қолибди».

Рақиби Барқуқ оламдан утганидан хабар топган Амир Темур унинг ўғли ва тахт вориси Фаражга элчилар жунатди. Элчилар келтирган мактубда Улуғ амир янги султондан ўз зобитларидан бирининг Қоҳирада банди қилинганди отасини озод қилишни сўраган, шу билан бирга ўзига бўлган муносабатни ҳам ўзгартиришга чақирар эди.

Самарқанд Улуғ амирининг элчилари Ҳалабга етиб келғач, ҳибсга олиндилар ва узлари тўғрисида

ларини истило қилді, уларнинг ахолисидан соғ рамзий ұлпон олинди.

Үйлдә давом этиб лашкарсиз қолган Баалбак қалъасында етди. Қишиш бошланыстгандың ҳамда атрофни ураб турған баланд тоғлардаги қор туфайли ҳавосы совуб кетған бу жаңнатмакон шаҳарда қүшин узок турмади.

Ошпазларга бу ерда мева, сабзавот ва гүштнин күплиги ёкқан бұлса, аскарлар араб афсоналарида айтилганидек бир пайтлар Сулаймон пайғамбарнинг амрига биноан Жинлар бунёд этган шаҳарнинг баҳай-бат вайроналарини мириқиб томоша қылдилар.

Баалбакдан чиққач, қүшини Бекаа водийсінде яйраб құзала бошлади.

Хозирғи Заҳле шаҳрига етмасдан, Амир Темур Керак Нуҳ мавзесінде узунлиги бир неча үн метр, эни атиғи бир метрли ғалати бир қабрни (бу қабр ҳозир ҳам бор!) зиёрат қилиш учун тұхтади — Шарқда тар-қалған ривоятларга қараганда бу Нуҳ пайғамбарнинг қабри ҳисобланади.

Мана шу ерда соҳибқириң үзи Байрут ва Сауда вилоятларында тартиб үрнатыш учун юборған лашкарлари билан учрашды. Тұлық ҳолға келған қүшин бепоён водийни кесиб үтди, Анжарда тұхтаб Литани қашмасидан сув гамлаб олди ва сунг Дамашққа олиб борувчи дара йулидан ҳүшәрлікни йүқтөмай олға юришда давом этди.

1400 йыл декабрь ойининг биринчи күнлари Улуғ амир қүшини Сурияның күхна пойтахтига күнбетар томондан яқнилашды. Тоғ ён бағирликларига туташыб кетған ям-яшил водий марказында беҳисоб оппоқ үйлар, гүмбаз ва миноралар қад тиклаб турарди.

Ироқ ва Арабистоннинг чанг тұла мاشаққатлы карвон йұлларидан келған саиёхларга Дамашқ (араб часыға ҆Димашқ) жаңнатнинг қоқ узгинаси әди. Шу сабабли ҳам уни «Ер юзидағи хол — Шом» деб аташардн.

Шаҳарға қақон асос солингани ёлғыз Худоннинг үзінгагина маълум, зоро Иброҳим найғамбар ҳаёті ҳақидағы ривоятларда ҳам, Миср фирмәнларын үн сак-кизинчи сулоласи даври китобларнда ҳам Дамашқ Йирик шаҳар сиғатида тиілға олинарди. Мусулмонлар уни уммавий халифаларнинг зебо пойтахти сиғатида

яхши билишади, бироқ айнан мана шу сабабли ҳам шиалар уни ёмои күришади.

Амир Темур ҳам Дамашқин мамлук султонлигига нинг иккинчи йирик шаҳри ва дунёдаги энг бой масканлардан бири деб биларди. Бу ерда тайёрланган тилла тақинчоқлар, ёғоч уймакорлиги, безакли шиша-лар, мисгарлик, кунцилик маҳсулотлари ва кимхоб матолар Трабзондан Қамбалуккача барча савдогарларниң ҳавасини келтиради.

Қамал пайтида у бир неча марта бу бой шаҳарни ва унинг аҳолисини кулфатлардан асраб қолишга ҳаракат қилди. Афсуски, ёш султоннинг бемаъни қилиқлари ва ўз лашкарларининг нағшиёна хатти-ҳаракатлари унинг бу уринишларини чиппакка чиқарди.

Дастлаб Ҳалаб шаҳридаги қиргидан омон қолганларниң ҳикояларидан сўнг дамашқликлар ҳам Ҳұмс ва Ҳама сингарн тинчгини таслим булишини исташганди, бироқ Фаражнинг күп сонли яхши қуролланган суворийлар билан шаҳарга ёрдамга келиши туфайли қаршилик курсатиш тарафдорларининг қўллари баланд келди.

Амир Темур ўз лашкаргоҳини шаҳарнинг гарбига қурган бўлиб, бу ердаги баланд тепаликдан яқин-атроф худди кафтдагидек яққол куриниб турарди. У икки зобити ташлаб келган сулҳ тақлифига султон Фаражнинг жавобини кутмоқда эди.

Фараж бу сафар ҳам илгаригидек қупол, аммо макрли жавоб қайтарди. У «Қотиллар уюшмасин»нинг кекса раҳбарига «изик бир иш» топширди — Эрон подшоҳи Ҳалокухон XIII асрда бу гиёҳвандлар мазҳаби аъзоларини қўриб, уларнинг масканларини вайрон қилган бўлса ҳам, Сурияда уларнинг ҳамон кичик бир гуруҳи фаолнят курсатарди.

Бу вазифани бажариш топширилган уч фанатик Улуг амирининг қабулига кириб, уни улдириш учун қулий пайтии кута бошлашди, аммо уларнинг шубҳали куринишини сезиб қолган мирзолардан бири қўриқчи ларга хабар берди. Меҳмонлар тафтиш қилиниб, улардан заҳарланган ханжарлар топилди. Улар қийноққа солингач, ўлим олдидан ўзларини ким жунатганини айтиб бердилар. Бунга жавобан Амир Темур Фараж-

нинг Ҳалаб шаҳрида банди қилингани амир ул-умаро сини қатл эттирди.

Орадан кўп ўтмай шаҳар ташқарисига чиққан султон лашкарлари Амир Темур суворийларидан бир неча бўлинмасини қувиб юбордилар. Бу воқеадан сўнг дамашқликлар бир оз тинчландилар, аммо улар ғаним суворийларининг бу «чекиниши» ҳарбий ҳийла әкан лигини, суворийлар ўз қўмондонларининг амрини бажарганликларини ҳаёлларига ҳам көлтирумадилар.

Соҳибқиронга султон қўшинларининг сурялий ва мисрлик нуфузли саркардалари умидсизликка тушаётгани ва ҳатто, шаҳарин ташлаб кетиш ҳақида гап очаётгани ҳақида хабар етказиши. Дамашқдек катта шаҳарни қамал қилиб турниш мушкуллиги сабабли Улуғ амир ўз душманларини юқоридаги каби ҳийлалар билан ҳал қилувчи мұхосарагача ушлаб туришга ва вақт-вақти билан уларга ёлғон ғалаба нашидларини инъом этиб туришга қарор қилган эди.

Шу орада Улуғ амрнинг орнатига тегадиган бир воқеа рўй берди. Суриялнкларининг шаҳар деворлари олдиаги юзаки ғалабасндан сўнг синглисининг ўғли — жияни султон Ҳусайн қўшинидан қочиб, Фараж ёнига кетиб қолди.

Ўз ённда темурийлар оиласининг вакили турганидан боши осмонга етган султон унинг калласини олиш ёки мамлакат одатига кўра маҳаллий либос кийдириш ўрнига йирик бир бўлнимага раҳбар этиб тайинлади.

Амир Темур ўзини яна бир бор «серга уриб» Фараж ҳузурига янги элчи йўллади ва ундан қўшинининг зобити ҳамда жиянини қайтариб беришнин сўради. Ўагар шаҳар таслим бўлса, унинг аҳолиси ва ҳимоячиларининг ҳаётларини сақлашни ваъда қилди.

Бу сафар чопар эҳтиром билан қарши олинди; ҳатто унинг шарафига мушакбозлик ҳам уюстирилди. Фараж бир ҳафтадан кейин Амир Темурнинг икки одамини қайтариб беришга ва уни ўз ҳукмдори деб тан олишга сўз берди.

Унинг бу умидбахш жавобидан сўнг рақиблар ўртасида рамзий сулҳ ўрнатилди, бу тинчлик Амир Темур ўз лашкарларини шаҳарининг ғарбий чеккасидан унинг шимолий-шарқига. Дамашқни ураб олган бепоён Гуфа боғинине майсазорларига кўчиришга аҳд қилган кунгача давом этди.

Рақиб қүшини лашкаргоҳини узгартирини пайти-даги одат тусига кириб қолган тартибсизликни кўр-ган Фаражнинг акобирлари ғалаба соняси етиб кел-ганига ишонч ҳосил қилдилар.

Тўлиқ таркибдаги Суря ва Миср суворийлари ғанимга илк ногаҳоний зарба бериш учун шаҳар дарвозаларидан ўқдай отилиб чиқдилар. Амир Темур қушилари чекинаяпти, деб ўйлаган шаҳар аҳолиси эса қўлларида пичоқ ва таёқлар билан султон аскарлари кетидан югуришиди.

Ғазабланган аҳоли қүшинининг чағдавулига ҳужум қилганидан хабар топган Амир Темур воқеалар ўзи тузган режа бўйича бораётганига ишонч ҳосил қилди.

Ноқулаш ҳолатдаги бу қадар катта миқдордаги қўшин кўз очиб юмгунча ўз жанговар тартибини тиклаб, қайта ҳужумга ўтиши мумкинлигини Фаражнинг маслаҳатчилари, ҳатто, хаёлларига ҳам келтирмаган эдишлар. Аммо Улуғ амир лашкарининг карнай-сурнайлари наъра тортиб, туғлар баланд кўтарилгач, айнан шундай ҳол рўй берди: унинг бу ишорасига жавобан қўшин фавжлари жипслашдилар, суворий бўлуклари ажиб ва мукаммал бир ҳолатни эгалладиларким, суряликларнинг қаршисида муҳорабага тўла шай қўшин пайдо бўлди.

Жанг қонли ва муросасиз кечди ҳамда Фараж қўшинининг қолдиқлари ва ақлдан озаёзган аҳолининг аралаш-қуралаш ҳолда очиқ қолдирилган шаҳар дарвозалари томон қочиши билан якунланди.

Тирик қолганларнинг бир қисми шаҳар ичкарисига киришга ва орқаларидан таъқиб этаётган мовоарунахрлик суворийлар етиб келишлари олдиндан дарвоздаларни беркитиб олишга муваффақ бўлишди, бироқ қалъа қаршисидаги текисликда суряликларнинг беҳисоб жасадлари қолди.

Жанг пайтида ганим қўшинининг сўл қанот фавжларини бошқараётган соҳибқироннинг жияни Ҳуссан қўлга олинди. Тоғаси ўз ҳукмдорлигининг биринчи кунларидан бошлаб оиласи аъзоларининг қонини тўкмаслик ақидасига риоя қилиши сабабли, қочоқ жиян бутун қушни олдида сазойи қилинди.

Эртаси куни Улуғ амир лашкарлари шаҳар деворлари қаршисида жанговар тартибда саф тортидилар. Орага чўккан сокинликни баҳайбат дўмбираларнинг

бир меъёрдаги оғир садолари ва суворийлар фавжлари олдидан жой олган филларнинг наъралари бузиб туради, холос. Ваҳима босган Дамашқ аҳолиси деворларнинг шинакларидан бу сокин ва қудратли қўшини; уйсиз кузатиб турар, бу чақириққа ҳеч ким жавоб беришга журъат қилолмас, шаҳар дарвозалари тақа-тас беркитилган эди.

Тун пардаси ортида Фараж ва унинг акобирлари шаҳарин хоинларча тарқ этдилар ва Мисрга қарааб қочдилар.

Уз ҳолига ташлаб қўйнлган Дамашқ аҳолиси ва ҳимоячилари шафқат сурашга қарор қилдилар; Амир Темурнинг илм аҳли ва уламоларга бўлган алоҳида муносабатидан хабарлари борлигидан улар шаҳардаги энг кўзга куринган шарифлар, қозни имомлар, фиқҳ аҳли ва уламолардан иборат вакиллар гуруҳини соҳибқирион ҳузурига йўлладилар.

Тақдирнинг тақозосини бир қаранг: ушбу вакиллар гуруҳига мағриблик зукко муаррих Валиуддин Ибн Халдун бошчилик қиласиди. Миср султони саройидан юқори лавозимда ишлаётган Ибн Халдун ўз хўжаси билан Дамашққа бориб қолган ва у томонидан хиёнаткорона ташлаб кетилган эди. Донолиги ва ўзини муносиб тута билишлиги сабабли шаҳар аҳли уни ўз вакили этиб танлади.

Ибн Халдун Амир Темур билан бўлган учрашувларини ўз «Хотиралар»ида баён қиласан. Унинг ҳикояси Дамашқда банди қилинган суряялик адаб Ибн Арабшоҳнинг китобидан жой олган фаслда ҳам тасдиқлянади, бироқ у Ибн Халдунга хос баъзи бўрттиришлардан холи.

Амир Темур шаҳар вакилларини дастурхонга таклиф қилди ҳамда чеҳрасидан нур ёғиб турган Ибн Халдунга ўз ёнидан жой берди. Дастурхон атрофида улар икковлон қизиқарли суҳбат бошладилар. Мулоқот чоғида Улуғ амирнинг суҳбатдоши унинг ҳарбий саркарда эканлигини бутунлай унудди: Ибн Халдун кўз унгида тарихнинг уткир билимдони намоён бўлди — бу ҳақиқатдан ҳам шундай эди.

Муаррихларнинг таъкидлашича, Амир Темур тарихий китобларни ўқиб бернишларнини ва олимлар билан тарихий мавзуларда суҳбат куришни ёқтирадар, шу сабабли ўзи тарихдан қанчалар сабоқ олиши мумкин бўлса, шунчалар сабоқ беришга ҳам қодир эди.

У Ибн Халдундан Мағриб жуғроғияси ва ҳукмдорлари хусусида узоқ суршыларди, сұнгра сұхбатдоғыга Мовароуннаұр ҳукмдорлари, у ерда рүй берган ва бераётган воқеалар ҳамда құшни давлатлар ҳақида батағсЫл ва мұкаммал ҳикоя қилиб беріб, үз билеми ва иқтидори билан бу соғанинг зүкко билемдені Ибн Халдунни ҳам лол қолдирди.

Банди этилган мисрлик ҳамкаслариниң озод қилиш мақсадида Ибн Халдун Улуг амирға уннинг Мағрибға ҳам қадам қўйиши ҳақида мунажжимлар қилган ғаройиб башоратларни ҳикоя қилиб берди. Мағриблик мунажжимларниң башоратларига қараганда улар кузатған самовий иккى олий буржининг бир-бирига яқинлашувни шимоли-шарқиң давлатларниң биридан чиққан қудратли қўмондон үз юртларигача келишидан далолат берар эмиш. Ибн Халдун талабалик даврида феслик бир авлиә ҳам унга бу фотиҳ чодирларда яшайдиган бир халқни инсоният дунёсининг энг катта қисмiga ҳукмронлик қилишга стаклайди, деб айтган экан.

Муаррих унга мағриблик суғилар бир неча йиллардан бері шу даҳшатли саркардан тилларидан қўймаётгандикларини ҳам айтди. Кўпчилик уламолар бир овоздан ер юзи аҳли бу жаҳонгиридан 1382 йили хабар топади, дейишган экан.

Амир Темур үз гайритабиий қисматида рүй берган бир воқеани мағриблик дин ва илм аҳли олдиндан башорат қилганларини билб мамнун бўлди, бироқ бу маълумотлар учун Ибн Халдунга миннатдорчилик из-ҳор этишга улгурмади, зеро шу куни унга Дамашқ үз дарвозаларини очиб, таслим бажо келтирнишга шайтурғанлиги ҳақида хабар бердилар.

Ибн Халдунниң гувоҳлық бернишча, соҳибқироннинг оёғида қузғалған оғриқ туғайли уни қулда кутариб ташқарига олиб чиқдилар ва отга утқиздилар; эгарда маҳкам үтириб олган фотиҳ үз ортидан барча амиру акобирларини эргаштириб шаҳар томон йул олди.

Бошқа бир куни Ибн Халдун туркий халқлар одатига кўра Амир Темурга совға қилиш учун бозордан Қуръон, жойнамоз ва турт қути ширинлик сотиб олади. Соҳибқирон ҳамманнинг ҳузурида бу камтар совғаларин шу қадар мамнуният билан қабул қилдиким, гуё уннинг оёқларн остида одатда таслим бажо қилган

хўқиқиронлар келтирадиган бебаҳо хазиналар етгандек эди.

— Тила тилагингни! — деди у Ибн Халдунга.

Муаррих уни ўз ҳимоясига олишни илтимос қилди. Унинг бу тилаги шу заҳотиёқ бажо келтирилди.

— Биз билан бирга бўл, — дея таклиф қилди соҳибқиён. — Хатарлардан ҳоли яшайсан.

Бунга жавобан Ибн Халдун ундан Миср султони ташлаб кетган амалдорлар ва қориларга маҳсус рухсатнома ёзиб беришни сўрашга журъат қилди.

Амир Темур ўз котибини чақириб, сўралган ҳужжатни тайёрлатди, унга биноан мазкур ҳужжатни кўрсатгандарнинг ҳаётлари ҳар қандай холатда ҳам ҳимоя қилиниши лозим эди.

Шуни ёддан чиқармаслик керакки, Улуғ амир Ибн Халдунга қанчалар марҳамат кўрсатмасин, айнан шу вақтда унинг аскарлари шаҳарни тинмай ғорат қиласлар, яширилган бойликларни талаб қилиб аҳолини азобларди.

Амир Темур Дамашқдан кетишга ҳозирлик кўраётганидан хабар топган Ибн Халдун унинг ҳузурига ташриф буюриб, ўзига кўрсатган ғамхўрликларн учун миннатдорчилик билдириди. Бу воқеа 1401 йил 26 февралда рўй берди.

Агар бу воқеаларни Ибн Халдундан бошқа одам ҳикоя қилганида кексайиб қолган жаҳонгирнинг ҳикоя муаллифига кўрсатган илтифотларнига ишониш қийин бўларди.

Яна бир мисол: алломанинг дилини оғритмай унга катта миқдорда ақча қолдиришни истаган Улуг амир ундан хачирини тилло баҳосига ўзига сотишни илтимос қилади: соҳибқиён таклиф қилган пул зотдор бир отнинг нархига тенг эди.

Маълумки, Улуг амир фатҳ этилган ўлкаларнинг энг сара инсонларини одатда Самарқандга «жўнатарди». Бироқ Ибн Халдун учун у бир истиносно қилди.

— Энди қаерга бормоқчисен? — деб сўради ундан жаҳонгир.

Бу савол бир тузоқ бўлиши мумкин, деб ўйлаган муаррих ҳар эҳтимолга қарши шундай жавоб қилди:

— Ихтиёrim сенинг қулингда, айтган жойингга борурмен, ҳукмдор.

Амир Темур унга унсиз узоқ тикилиб турди.

— Сен ватанингга, онлангга қайтишинг лозим.

У шу заҳотиёқ одамлар өрасыда турған энг яқин бандаргоҳнинг ҳокимини чақирнб, унга Ибн Халдундан хабардор бўлиб турнишни топширди. Аллома эртасигаёқ йўлга чиқди ва эсон-омон Мағрибга етиб олди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Амир Темур фаровонликда яшагани туфайли ҳам Ибн Халдундек олий зотни — бутун замонлар ва ҳалқларнинг энг иирик муаррихини тан олиб, унга иззатда бўлди.

Афсуски, Дамашқ аҳли Ибн Халдуннинг қисматига минг марта ҳавас қиласа арзириди. Шаҳар аҳлига катта бир ўлпон тайинлаган Улуғ амир ўз нозирларини шу ўлпонни йиғиш учун жўнатди; ўлпончилар ўзларига топширилган вазифани бажаришга киришдилар.

Эҳтимол, қалъа аҳли кўрсатган узоқ қаршилик ўзининг бошқа режаларини амалга оширишни кечикириб юборгани учун Улуғ амирнинг жаҳли чиққандир.

Бироқ, Деҳлида йўл қўйилган хунрезлик Дамашқ-да такрорланмаслиги учун у лашкарларга шаҳарга киришни ман қилди. Шунинг учун ҳам шаҳар дарвозалари ҳар эҳтимолга қарши михлаб ташланди, фақатгина унинг жанубий дарвозаси Боб-ал-Сагир очиқ булиб, ундан хизматчи аскарлар фойдаланишарди, холос. Шунга қарамай қўшин ичидан бир неча киши шаҳарга кириб, ғорат қилишга ҳаракат қилди. Бироқ улар Амир Темур амри билан ушланиб, оломон куз ўнгига дорга осилди. Шаҳар ички қалъаси таслим булишни истамай, қаршилик кўрсатишни давом эттираётганлиги сабабли Улуғ амир катта куч ншлатншга қарор қилди. Сараланган фавжлар Барада («Олтин дарё») ёқалаб XIII асрда Салоҳиддин¹нинг укаси томонидан қурдирилган бу саройнинг мустаҳкам истеҳкомларига етиб олишиди. Сарой деворларини ҳар ўттиз метрда тикланган ёй шаклидаги баланд буржлар қуриқлаб турарди.

Қўшин таркибидағи қурувчилар қалъа қархисида унинг деворларидан баландроқ ёғоч минора тикладилар, ушбу минорадан қалъа ҳимоячнлари устига турли

¹ Миср (1171—1193) ва Суря (1174—1193) султони Салоҳиддин ал-Аюбий вазарда тутилмоқда (тарж.).

қуроллардан үқ ва тош ёмғири ёғдирниш мүмкін жағдайда оның өткізу үшін көмек атқарылады. Амбасадорлардың оның өткізу үшін көмек атқарылады.

Бу орада Амир Темур шаҳар саройларидан биридан Самарқандга жұнатыш учун тапланады. Энг маңыр ұнарманда олимлар танловида иштирок этарди. Мажлисда у форс ва суряялик уламолар билан узок мунозаралар ташкил этил, уз шахсининг энг олижаноб қырраларини таъкидлаб күрсатышини ҳам унұтмады. Бундан ташқари у шаҳарда Мұхаммад пайғамбар рағиқаларининг хоклари учун иккита гумбаздор сағана қурдирди; уннан би ишига миннедорчилік сифатида шаҳар тикувчилари үнга заррин ипак түн ҳадя қилдилар.

Күнлардан бир куни бир чопар қалтираганича Миср султонының мактубини келтирди. Мактубда шундай дейилдерди:

«Бизни асло сиздан құрқаянты, деб үйламанғиз. Биз салтанатнимиз пойтахтида тартиб үрнатыш учун шошилинч равиша жунаб кетишга мажбур бүлдик. Биз газабнок шерлардек сиз томон қайтиб келурмиз ҳамда сизнін пишиб етилган бүгдойдек янчы ташлармиз; йынграб-әльворишининг мүмкін, аммо шафқат бүлмайди».

Бу қуруқ сағсатадан иборат мактубни үқиб, Улуг амир маза қилиб күлди, уни келтирған чопарга эса бир неча тилла танга беріб жұнатди.

Қирқ уч күнлик қамалдан сұнг қалъа таслим бүлді. Бунчалик узоқ қаршилик күрсатғаны учун шаҳарни жазолаш ва водийда туриб шунчалик сабр-тоқат күрсатған аскарларини тақдирлаш мақсадида Амир Темур құшининг Дамашқа киришга ва уни уч кеңеюч күндердегі горат қилишга ижозат берди. Ақолига зиёни етказмаслық ниятида уларни амирлар ҳәмоясін остида олдиндан шаҳар ташқарисига олиб чиқдилар. Аскарлар турли-туман беҳисоб бойлік орттирилділар.

Бахтга қарши, улар олиб кетиш мүшкүл бүлған ашёларни әқиб ташлаш учун шаҳар күчаларыда гулханлар әкедилар. Гулханлар қаровсиз қолдирилди, эсаштега шамол эса уз ұнарнини күрсатди: кучли ёнғын бошланиб, шаҳар марказини алланга қамраб олди.

VIII асрда халифа Валид томонидан авлие Жан Батист черкови ўрида асос солинган уммавийлар жомеъ масжидига ҳам ўт кетди. Амир Темур юборган ўт үчирувчилар етиб келгунинча бу ажойиб биноининг томи ва деворларининг бир қисми қулаб тушди.

Амир Темур Дамашқни 1401 йил 19 марта тарк этди. Унинг ортида шаҳар ҳаробалари қолди, холос. Соҳибқирон кетгач, шаҳар аҳлиниң катта қисми очлик ва хасталикдан қирилиб битди. 29 март куни пайдо бўлган чигирткалар босқини экинзорларни яксон қилди. Даҳшатли очарчилик бошланиб, одамлар бир-бирини ея бошладилар...

Олган мажбуриятларига содиқ эҳтиёткор Ҳұмс Улуг амирга яна ўз дарвозаларини очди ва шу сабабли ҳеч қандай знён кўрмади. У лашкарларини бу шаҳардан Палмир ва Антиош қалъаларини фатҳ этишига, Фрот дарёси қирғозида туркманларнинг моллари боқиладиган майсазорларни тортиб олишга жўнатди.

Ҳама шаҳри эса унинг ахолиси Амир Темур лашкарлари бу ерлардан илк бора утатуриб қурган биноларин бузганликлари учун ғорат қилинди. Ҳалаб шаҳри бу ерда турган фавжлар кетатуриб қўйган ёнғиндан қисман жафо чекди.

Ниҳоят, Фрот дарёси ёқалаб ўз қўшинларини йиғиб, Амир Темур Суряни тарк этди ва Месопотамия томон йул солди. Мамлуклар энди ҳеч нарсага қодир эмасди.

У шу вилоят ҳокимларини ўзига бўйсундириш билан бир қаторда қўшинининг бир қисмини Бағдодга жўнатди. Бағдод уларга дарвозаларини очмади: шаҳар жангга ҳозир эди.

Султон шаҳарда йўқлиги туфайли, ноиб унинг ҳукмдори шаҳар дарвозаларини шахсан Амир Темурнинг ўзигагина очишни буюрганини айтди. Бундан хабар топган соҳибқирон Мосул мавзесини тарк айлаб, Бағдод томон қушдек учди. Шаҳар деворлари остига етиб келиб, у ўзининг шу ердалигини маълум қилди ва шаҳардан таслим бажо келтиришни талаб қилди.

Бу иш султон Аҳмад режаси бўйича амалга оширилаётган ҳийла бўлиб, ноиб, ҳақиқатдан кўз юмиб, ҳар куни Амир Темур келгани йўқ, деб жар солдирадар ва аҳолини қаршилик курсатишга чақирадар эди. Улуғ амирни кўрган чопарлар Бағдодга киргач, ноиб уларнинг овозини үчириб қуярди.

Шундай қилиб, шаҳар Амир Темурга ўз дарвоза. ларини очмас, деворларнинг шинакларидан эса қуорланган жангчилар арнасади.

Шундан сўнг Амир Темур Бағдод эркаклари ва аёлларига ўзининг шу ердалигига заррача шубҳа бўл маслигини ўзиға хос равишда маълум қилишга қарор қилди. Ўнинг амрига биноан лашкарлари шаҳарни шундай қуршаб олдиларки, ундан бирор қумурсқа ҳам чиқиб кетолмайдиган бўлди.

Исканжага олинган шаҳар аҳли ҳамма нарса қўдан бой берилганини англади; шаҳар иккинчи марта ҳам таслим булишдан воз кечиб, ўзини Улуғ амирнинг қонунига биноан ўлимга маҳкум этилган қалъалар тоифасига қўшиб қўйган эди.

Икки томоннинг ҳам аҳволи огир эди. Чунки 1401 йилнинг июли шу қадар иссиқ келдикни, солномада таъкидланишича, олов бўлиб ёнаётган осмондан куйиб кул бўлган қушлар ерга тан этиб тушарди. Кунлардан бир куни, жазирамага чидамаган қалъа қуриқчилари деворлардаги жойларини ташлаб, деразалари ёпиқ муздеккина уйларида бир оз ҳордиқ чиқариб келиш учун кетдилар. Улар ўз дубулғаларни шинаклар ортига қўйилган ходаларга усталик билан кийгазиб кетган эдилар.

Аммо Амир Темур аскарларидан бирининг ўтқир нигоҳи бу қупол макрни сезмай қолмади; бундан огоҳ топган қўшин фурсатни қўлдан бермай ўта эҳтиёткорлик билан деворлардан кутарилди. Пешинда уйқуга ётган шаҳар аҳли қон дарсига ғарқ бўлди.

Ўтган сафар Бағдод таслим бўлганида Амир Темур шаҳарликларга раҳм қилганди, аммо бу сафар у шаф қатсиз бўлди. Қурбонларнинг сони тўқсон минг кишинга етди. Шунга қарамай шаҳарликларнинг оз сонли бир гуруҳи омон қолди: булар шаҳар бойликлари билан бирга Самарқандга жўнатилган олимлар, ҳунармандлар ва уламолар эди.

Аскарлар шаҳардаги энг катта биноларни буза бошлидилар, бироқ орадан кўп ўтмай Амир Темур шаҳарни ташлаб кетишга буйфуқ берди. Чунки кучакўйдаги мурдалар туфайли заҳарланган ҳаводан нафас олиш бутун қўшин учун фожиали тугаши мумкин эди. Қўшин Гуржистонга қайтиш учун шимолга йўл олди. Мамлуклардан, Султон Аҳмад салтанатидан ке-

йни Ироқи Араб бутунлай сафдан чиқарылған, Боязид билан Амир Темур уртасида ҳеч ким қолмаган эди.

Амир Темур Дамашқдалыгыда Боязид ўз иттифоқчилари Қора Юсуф ва Аҳмаднинг күмаги билан Амир Темур ҳимоясида бұлмиш Таҳартенинг үлкаси Арзинжонни құлға киритган, уннинг оила аъзоларини қамоққа солиб, ўзи Бурсага қайтган эди.

Амир Темур бу воқеадан Озарбойжоннинг Нахичеванига етиб келгач, хабар топди ва зудлик билан барча лашкарларини бир туғ остига йигди. Боязид ҳам худди шундай қилди. Бирок уларнинг иккиси ҳам бұлајак ҳал қылувчи жаңгга яхшилаб ҳозирлик күрнеш мақсадида вақтдан ютишга ҳаракат қиласы.

Шуннинг учун ҳам Боязиднинг миясига ғаними ҳузурига элчи қилиб Таҳартенинг ўзини юборни фикри келди. Уннинг вазифаси, зотан бунга ҳеч кимнинг күзин етмаса-да, тинчлик ўрнатыша ҳаракат қилиш эди. Турк султони күтилмаган элчига, агар у Амир Темурнін сұлқутишишга күндира олса, оила аъзоларининг барчасини озод қилишга сұз берди.

Амир Темур эса ўзини вассалининг илтимосини қабул қылғандек күрсатди ва Боязидни бунга ишонтириш учун лашкарлары билан Гуржистонга бориб, ов билан машғул бўлди. Орадан кўп ўтмай, у Дарбанд довонининг жанубида қўшини учун лашкаргоҳ қурдира бошлидн ва баҳор келиши биланоқ Даشتни Қипчоқни фатҳ этажагини эълон қиласы.

Мана шу ерда унга севимли набираси Мұҳаммад Султон бошчилигида Самарқанддан мадад күчлары етиб келди. Мұҳаммад Султон қўшининг киравчи суворийлар шу қадар зўр қуролланған эдиларки, бунақасини бутун Осиёда илгари ҳеч ким күрмаган эди.

Солномаларда таъкнеланишнча, қўшиннинг ҳар бир фавжининг алоҳида рангли ўз туғи бўлиб, бу фавж аскарларни отлари ҳам айнан шу рангдаги совут, зирҳ, қалқон, эгар, ёпинчиқ, белбог, ғәйрон, халта ва найзалиар билан таъминланған эди. Шу алфозда оқ, яшил, бинафша ёхуд қизил рангли фавжлар мавжуд эди.

Дубулғаларни пачоқланған ва зирҳларни тешилиб, ранги ўчиб кетган эски аскарлар янги келгандарининг ярақлаб турган яргларнга беқнёс ҳавас билан термулишарди.

Султон Аҳмадга келсак, уннинг бир ақидаси бор эди: агар омои қолағы дессанг, Амир Темур қалам қўйған

вилоятга осқы босма. У мамлуклар маглубиятидан сунг ўзинга бошпана берган Боязднинг саройндан ҳам ке тиб, күхна салтанати Ироқи Арабга қайтди. Унин дусти, қорақўюнлу туркманларининг сардори Қор Юсуф турк султони ортига яшириниб, Улуғ амирни гашига тега бошлади.

Амир Темур эса усмонлиларнинг янгидан-янги э. чиларини қабул қиласар, султон уларни рақибининг т. забини сўндириш учун йўллар эди. Соҳибқирон уларъ Боязднинг ислом ғанимларига қарши курашида жасоратларига таъзим қилишини изҳор этиш бил: бирга унинг «бутун ер юзидағи энг қабиҳ инсон» Қор Юсуфга бошпана беришига қарши эканини билдириди. Агар у чиндан ҳам сулҳ тузишини истаса, энг аввало туркманин Амир Темур қулига топшириши ҳамда Ташартенинг молу мулки ва давлатини қайтариб бериши лозим эди.

ТУРКИЯНИНГ МАҲВ ЭТИЛИШИ ВА ЯНИЧАРЛАР ҲАЛОКАТИ

Боязиднинг жавобинни кутиб, Амир Темур ўз лашкарларига Аракс дарёси (Арманистон)дан бошланувчи қуриб қолган кӯҳна канал ўзанинни қумлардан тозалаш ва таъмирлашини буюрди. Таъмирланган каналга «Наҳри ғарлос» («Жуйи ғарлос») деб ном берилди.

Шу бунёдкорлик лаҳзаларида у ўз қўшинини тұлиқ кўрикдан ўтказди ва уни Кичик Осиёда туркларга қарши курашда амал қилинажак стратегияга мос равишда қайта ташкил қилди.

Бироқ, шунга қарамай, у уруш бошлашга ҳамон иккиланиб турар, зеро яничарлар асосий кучини ташкил қилган қудратли қўшинга эга Боязидни гоят хавфли рақиб деб ҳисобларди.

Бўлажак муҳорабада икки буюк салтанат: туркий ва турклашган халқлардан иборат Амир Темур салтанати ва овруполик вассаллари томонидан қўллаб-қувватланган Боязиднинг усмонли турклар салтанати тўқнашади. Осиёлик туркий халқлар овруполик туркий халқларга қарши чиқади, шарқий турклар сардори гарбий турклар сардори билан беллашади.

Гарбий турк лавлати чексиз саргузаштлар натижасида пайдо бўлган. 1221 йил мўғулларнинг Марказий Осиёга бостириб келиши натижасида туркий қавмлардан бўлмиш ўғузлар ўз юртларини ташлаб, Кичик Осиёга келиб қолдилар. Ов қилиш ва мол боқиши учун қулай макон ахтариб юрган бу халқининг Эртўғрул исмли бир киши бошчилигидаги уруги мушкул аҳволга тушнаб қолган Кўняининг салжуқий сultonига ўз хизматини таклиф қилди. Бунинг эвазига Боязиднинг бобокалонига Константинополдан атиги икки юз километр наридаги Онадўлидан кичик бир ўтлоқ ажратилди. Ҳудди мана шу кичик маскандан келажакда Буюк турк салтанати ўсиб чиқди.

Бу салтанатнинг илк қадамлари ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Эртўғрулнинг ўғли исломни қабул қилди ва Усмон деган ном олди (унинг одамлари эса усмонлилар деб атала бошланди). Қадимий аиъналардагидек

қаттиққұл бу ҳукмдор инсоннят тарихидаги әнг буюк сулолалардан бирига асос солди. У оламдан үтганида қолдирған шахсий мол-дуңеңі бир кимхоб түн, салла, беш-олты шиша қадаң, бир дона қошиқ ва туздендан иборат әди, холос. У ҳукмронлик пайтида үғли Үрхон Бурса шаҳриниң құлға киритди ва Константинопол унга қарши йұллаган ёлланма лашкарларни тор-мор этди.

Шу пайтгача бу туркларнинг қүшини феодал тузи-лишга эга бұлыб, суворийларнинг ер-суви бұлмас, бирок улар султоннинг бириңчи даевати бүйіча бир түг остига ғигилишар, жанговар қурол-яроғ ва асбоб-анжомни үзлары топишарди. Тахтга үтирган Үрхон ва уннинг укаси Алоуддин насроний құшниларни енгиш ва янги ҳудудларни истило қилиш учун бешафқат, аммо интизом-сиз суворийлар ёнінде туну күн жангга шай садоқатли аскарлар бұлнімалари құшнің лозимлігіннің англаб етдилар.

Улар үнлік, юзлик ва мингликлардан ташкил топиб, бир хил жанговаркийн кийган дөнмий пиёда құшнілар бұлнімаларини түздилар; бу бұлнімаларда хизмат қи-лувчы аскарлар кунинга бир күмүш тангадан иборат маош олишарди. Уша пайтлар учун бу катта муваффақият бұлса-да, салтанатни фалокатта олиб келишига бир соңия қолди, зеро пиёда (туркча «спияде») лар тартиб-интизомсиз ва ташқы таъсирларга берилувчан жангчилар бұлыб чиқишиди.

Шаҳзода Алоуддин ва Халил Сендерелі пошо буннинг иложини топдилар. Замона турклари тартиб-интизомдан йироқ ва пиёда жанг санъатнга үқувсиз бұлғанликлары сабали улар исломни қабул қылған оврұполик бандилар орасидан пиёда аскарлар лашкарини тузиш фикрига келдилар. Бу гоя муаллифларнинг махфий режаларига би-ноан, усмонли туркларнинг турлі исен ва фитналаридан йироқ мазкур янги бұлнімалар султонга садоқатли хизмат қилиши лозим әди.

Ажнабий ёлланма жангчиларга ҳам күп ишониб бұл-маслиги маълум бұлғаң, Қора Рустам исміні бир фақиҳ насронийлардан олиб қочилған ёш болалардан фойдаланышни таклиф қылди; уннинг фикрига күра үғил болалар ҳам жисмоини, ҳам маънавий тайёргарликдан үтиб, султон хизматында киришлари лозим әди. Қора Рустамнинг фикри тұғри чиқди: насроний оиласдардан ёлланған ўхуд тортиб олинған (ушбу режа «Топшырма», туркча «Девширма» номини олған әди) әнг бакувват (юон, армани, румин, поляк, гуржи ва х. к.) үғил бола-

лар ислом динига ўтказнлар, уларга турк тили ўргатылб, ўз ота-оналарн унуттирилар ва султон қиёфасида улар учун ягона ғамхұр инсон тасвирланар эди. Улар бұлажак аскарлық санъатининг сир-асорларини қатынй ва тинимсиз машқларда ўрганишса, Бектоши дарвишлар мазҳабидан бўлмиш имомлар уларга ислом динидан таълим беришарди.

1362 йил Мурод I замонасида мазкур бўлинма расмий равншда маълум қилинди; уни «янги черик» ёхуд туркласига «Йенечери» деб атай бошлашди, овруполиклар эса уни «яннчарлар»га айлантириб юборишли.

Бу бўлинма аскарлари шокиласи елкасига тушиб турвчи баланд ва мураббъ шаклидаги бош кийими, қалин қизил ранг матодан тайёрланган кенг түн ва мовий ранг ҳилпнллама шалвор кийишар эди. Улар шамшир, доира шаклидаги қалқон, ханжар, икки тиғли болтача, камон ва ўқ-ёй билан қуролланишарди.

Бўлинмага янги қабул қилинганлар қуйидаги қондаларга амал қилишга қасамёд этишарди:

Яничарлар зобитларга сўзсиз итоат қиладилар, амалдорларга бўйсунадилар;

Яничарлар иноқликда яшашлари ва ягона оилани ташкил қилишлари лозим;

Яничарлар ҳақиқий аскарларга ёт мол-дунёдан юз үгиришади, улар бойликни самимийликдан ахтаришади;

Яничарлар ҳазрат Бектош йўлинин тутишади ва исломнинг барча ақида ва қоидаларига риоя қилишади;

Яничарларнинг шахсий оила қуришин тақиқланади;

Яничарлар ўз ҳарбий билимларини назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борадилар;

Яничарлар бошқа касб-ҳунар эгаллашлари мумкин эмас;

Яничарларнка фақат девширма қонунинг биноан қабул қилинадилар.

Яннчарларни узоқ вақт музafferият шуъласи қуршаб турди. Чунки султон уларни асоснй қўшинга қарши жангда ҳолдан тойған ганим устига солар. Яничарларнинг жанггоҳда пайдо булишининг ўзиёқ шароитни бутунлай ўзгартырар, турк қўшинин галабасини таъминлар эди.

Турк лашкарларн сафида мазкур сараланган қисмдан ташқарн маҳсус суворийлар ва сипоҳилар бўлинмалари ҳам мавжуд эди. Ўта тезкор суворийлар, асосан, душман

деярли барчасини қиличдан ўтказдирди ва зудлик билан рақибининг империя сарҳадларнга яқинлашиб қолгани ҳақида ташвишли хабарлар келаётган Бурса шаҳрига қараб йўл олди. Жўнаб кетиш олдидан у уз акобирла рига Юнонистонин ер билан яксон этиш тўгрисида кўрсатма берди.

Амир Темур билан жанг қилган саркардаларнинг энг ботирн Боязид ташқи кўриниши алдамчи, наст бўйли, семиз, қирғий бурун кимса бўлиб, қаҳрамонлар ҳақидағи классик тасаввурнинг айнан тескариси эди. Бироқ у аслида кучли, ҳаётга ташналигнин тинимсиз айш-ишратлар сўндира олмаган, қизиқон, иродаси метиндек мустаҳкам, мардлиги билан аскарларнн лол қолдирувчи инсон эди. Бунинг устига у моҳир саркарда бўлиб, ҳужумларининг тезкорлиги ва шафқатсиэлиги учун «Йилдирим» — «Яшин» дея ном олган эди.

Амир Темурнинг рақиби ана шундай одам эди; аммо унинг акобирлари соҳибқиронни бу рақибининг салтанатига ҳужум қилишдан қайтаришмоқда эди. Улар шу мақсадда бир қатор муナжжимлар тузган тақвимин Улуғ Амирга тутқазиши. Тақвим бўйича у Боязидга қарши муҳорабада мағлубиятга учраши башорат қилинган эди. Амир Темур амирларни чақириб, уларга салтанатнинг энг машҳур мунажжими тузган башоратни ўқиб чиқиши буюрди. Бу башорат биринчисининг акси бўлиб, унда Миррих юлдузи Фалак гумбазини Машриқдан Мағрибга кесиб утар, бу эса Машриқдан келган қўшин Мағриблашкарларини маҳв этишини билдиран эди. Соҳибқирон бир қарорга келганини англаган акобирлар буюк мунажжимнинг башоратига қўшилдилар.

Боязид жангларда шошқалоқлиги билан ажralиб турса-да, муҳорабаларга жиддий тайёргарлик куриш лозимлигини яхши биларди. Шу сабабли ҳам у Амир Темур мамлуклар билан жанг қилиб юрган бир пайтда Константинопол урушини вактинча тұхтатган, Сивосни қайта қўлга киритган ва Бурса шаҳри яқинига қудратлы бир қўшин йиға бошлаган бўлиб, бу ерга унинг оврупойлик ва осиёлик васссаллари ҳам уз лашкарларини келтирмоқда эдилар.

Ҳадеганда усмонли султондан жавоб келавермагач, Амир Темур Гуржистоннинг жанубига йўл олди. Улуг амир айнан шу ерда Боязид билан жанг қилиншга қарор қилган бўлса ажабмас. Чунки у кутилмаганда хотинла-

ри ва набираларини Табризга жунатиб юборди. Шундай бўлса ҳам у султон ҳузурига сўнгги бор элчилар юбориб, ундан Кемаҳ қалъасини топширишни талаб қилди, агар султон ўгилларидан бирини омонат (гаров) қилиб юборсагина, усмонли салтанатини фатҳ этиш ниятидан қайтишини маълум қилди.

У чегара яқинидаги Авиқ қалъасида ўз элчилари қайтишини кута бошлади. Мана шу қисқагина тинчлик пайтида у иттифоқ тузнини таклиф қилиб келган Византия императори, Франция қиролининг элчиларини, ўз вассаллари генуялнкларни ҳамда Кичик Осиё ва Константинопол атрофида жойлашган венециялнкларни қабул қилди.

Константинопол императорининг вакили, доминикан мазҳабига мансуб руҳоний Франсуа, агар Амир Темур Боязидни маҳв этса, ўз ҳукмдори унга тұлаб келаётгани үлнонларни соҳибқронга тұлайжагини тасдиқлади. Генуялик ва венециялик элчилар ҳарбий кемаларини ишга солиб, усмонли туркларнинг Босфор күрфазидаги ҳар қандай ҳаракатига тұсқинлик қилиншга ваъда бердилар.

Бу элчилар Константинополга қайтишгач, Пера шаҳри минораларига Амир Темурнинг туғларини тикдилар; бунинг үзиёқ үша пайтда улар Улуғ амир құшынлари Пилдирим Боязид устидан ғалаба қозонишига амин эканлнкларини кўрсатади.

Мусулмонлар кўз ўнгига кутилмагандан Оврупонинг халоскорига айланиб қолмаслик учун Амир Темур үзининг содиқ дарвишларини ҳалқ орасига йўллади ва Боязиднинг муттаҳамлиги, насроний аёлга уйланганлиги, аъёнларининг ҳам ахлоқи чириганлиги ҳақида уйдирмалар тарқатиб, Улуғ амирни қатъий тартиб-қондадар тарафдори, дини ислом ҳимоячиси ва ислом ақидаларига риоя қилувчи ҳукмдор сифатида тавсифлашни буюрди.

У бу ишни «психологик ҳаракат» билан тўлдириди: амирларидан бирига, асосан, Сивос, Қайсария ва Малатия атрофида яшовчи туркманларни Боязид тарафидан жангга киришдан айнитишни топширди. Мазкур «махфий жосус» уларга агар туркманлар султонни тарқ этсалар, ўз хонларини ўзлари сайлаш ҳуқуқига эга бўлишларини ваъда қилиши лозим эди.

Боязиддан жавоб бўлмагач, Амир Темур юриш бош-

қарани сув билан таъминлаб турувчи ягона дарённ за-
ҳарлади.

Унга Боязид құшынн шаҳардан йңгирма беш кило-
метр нарида тұхтаганлығы ҳақнда хабар етказдилар.

Амир Темур ташлаб кетған Киршаҳарга кириш эн-
ди бефойдалыгынн англаган Пилдирим лашкарларини
жадал суръатлар билан Аңқара томон бошлади.
Уннинг мақсади Амир Темур құшыннин үз лашкарлари
ва шаҳар ҳимоячилари уртасында олиб янчыб ташлаш
эди. Эхтимол, үзға бир саркарадага нисбатан у шундай
тактика құллаганида балки голиб чиққан булар-
миди...

Ҳақнқатда эса Боязид Улуғ амирнинг ўйинига ўйна-
моқда эди; бир неча кунлик тезкор юриш давомида
турк лашкарларнинг чучук сув зақиралари қуриб бит-
ған, құшын бутунлай ҳолдан тойған ва ғаним таклиф
қылған жанг ҳолатини әгаллагани учун руҳий тушкун-
ликка тушган эди.

Султон толиққан құшынн илк юриш бошлаган мако-
нига қайтиб келгеннин ва ғаним уннинг ўзи тарқ этган
энг қулай масканни әгаллаганини қуриб, чуқур афсус-
ланди.

Үз навбатида Амир Темур ҳам бир оз чўчиб туар,
зеро у ўз султонлари ённда сұнгги томчи қонлары қол-
гунча жанг қылғувчи туркларнинг жасорати ва тартиб-
интизомидан құрқарди. Шу билан бирга у, Боязид, ўзи-
нинг балки бутун умри давомида учратадиган энг хавф-
ли рақиб эканлыгини жуда яхши биларди.

Иккі тараф ҳам тун бүйін жангга ҳозирлик күрди.
Усмонли турклар деярли мижжа қоқмадилар, улар за-
ҳарланмаган бир неча қудуқни топишга муваффақ ҳам
бүлдилар, бироқ улар бутун бошли құшин chanқоғини бо-
сишга камлик қиласын.

Тонг сағарда Амир Темур үз лашкарларига Аллоҳ
булажак жанг голибинн танлаганлыгыни эълон қылди.
Зеро у тунда түш күрган булиб, тушида Мұхаммад Ра-
сулуллоҳнинг йұлдошларидан бири унга ҳазрати Али-
нинг туғини тутқазған эди.

1402 йил 28 июль куни эрталаб соат тұққизда Амир
Темур асрнинг энг йирік мұхорабасынни бошлашынға фар-
мон берди.

Оқибати қатор халқлар тақдирини ҳал қиласын
ушбу буюқ жангда шу куни беҳисоб инсонларнинг юл-

дүзүн сұнди. Константинопол ва Қичик Осиё амирлик-лари учун Үлуг амир ғалабаси сұнгги умид учқуни әди.

Тақдир тақозоси билан айнан шу куни Анқарада бұлган Кастилия қыролининг иккى элчиси ва Босфор бүгозида турған кемалар Йилдирим қаршиисида ожиз, фақатгина мұйжиза халос этиши мүмкін бұлган Оврү-понинг ушбу жангдаги кузатувчиларн бұлдилар. Бағдоддан Қоҳирагача—ҳамма Аллоҳдан Боязид ғалаба қозо-нишини сұрарди.

Амир Темур қүшини юз мингдан ортиқ суворий, йи-гирмага яқин жанговар фил ва кам сонли, аммо юқори малакалы раъдан дозлар, муҳандислар, темирчилар ва нақабчилар каби мутахассисларни үз ичига олган пиё-да лашкарлардан иборат әди. Уннинг суворийлари асосий қуроллари қилич ва камон бұлган енгил эскадронлар ҳамда зирх кийиб, наиза, тұқмоқ ва болта билан қуролланған оғир суворийлардан иборат әди.

Амир Темур қүшини Анқара жангыда ҳам анъанавий жанговар тартибида ҳаракат қылды: етти қисмга бұлинған қүшиннинг марказидаги қисмга соқибқироннинг үзін бошчилек қылар, уннинг үнг ва сұл қанотидаги қисмлар-нинг олдида яна биттадан қисм (хировул) жойлашған әди.

Яқындағына Самарқанддан етиб келған иккى ажайиб эскадрон эса зақирага құйилди. Яхшы қуролланған бу суворийлар жанг майдонининг ҳар қандай нұқтасига яшин тезлигіда етиб бориб, ҳал қылувчи зарба берішіга қодир әди. Марказдаги қисмлар олдида жанговар фил-лар саф тортиб турарди.

Боязиднинг нисбатан кам сонлы қүшини асосий қис-мини яничарлар ташкил этган пиёдаларга таянарды. Турк лашкарлари ҳам етти қисмдан иборат булиб, Амир Темур қүшинидан үзгача жанговар тартибини әгаллаган әдилар.

Султон құмандонлиги остидаги марказий қисм қа-нотлардаги қисмлар билан бир чизиқда жойлашған, ҳар иккى қаноттнинг ортида эса яна биттадан қисм турарди. Марказ ортидан сипоҳийлар жой олған, улар кетидан эса зақира қисм үрин олған әди.

Боязид суворийлари сафида сипоҳийлардан ташқары султоининг Қичик Осиёдаги вассаллари жұнатған турк-манлар жанг қылар, уннинг оғир суворийлари эса асосан серблардан ташкил топған бўлиб, уларга Боязиднинг

қайнилари булмиш икки серб шаҳзодаси бошчилик қилиларди.

Бошидан оёғигача қора либос кийган серблар турк қүшинининг ўнг қанотни ташкил этар, яничарлар эса сultonнинг атрофида туришарди.

Амир Темур қўшинининг ҳировули карнайларнинг тантанавор садолари остида турк лашкарларининг қанотларига ҳужум бошлади; ганимнинг талвасага тушган чап қаноти чекина бошлади.

Серб суворийлари қўллаб-қувватлаган ўнг қанот, ассиича, амирзода Шоҳруҳ қўл остидаги эскадронларни ортга итқитиб ташлади. Шундан сўнг икки тараф лашкарлари аралаш-қуралаш бўлиб кетдилар: ит эгасини танимай қолди.

Амир Темур ганим сафларини марказдан ёриб ўтиш ҳақидаги режасини амалга ошириш пайти етганини пайдади.

У Боязидга шарқлик вассаллари йўллаган туркман лашкарларига қарши султон мансабидан бўшатган соғиқ ҳукмдорлар қўл остидаги суворийларни жангга ташлади. Таҳартен ва бошқа амирлар ўзларига қарши жанг қилаётганини кўрган туркманлар Ийлдирим учун жон бериш фикрларидан қайтдилар ҳамда туркларнинг шундоқ ҳам нарчаланган чап қанотнинг ёриб ўтишда Мовароунаҳр лашкарларига ёрдам бердилар.

Аммо султон ва унинг ёнидаги яничарлар атрофига йигилган қўшин маркази қатъий қаршилик кўрсатмоқда эди. Дамашқдаги қочқинлиги ва хиёнатидан сўнг авф этилган амир Ҳусайн амакисига ўз садоқатини намойиш этиш ниятида қисмлардан бирига бошчилик қилиб, ганим қўшинн марказига ёриб киришга муваффақ бўлди. Яничарлар уларни худди машқдагидек қириб ташладилар.

Айни шу онда сultonнинг энг жасур ўғли Муҳаммад Мовароуннаҳр қўшинининг ўнг қанотига шиддатли ҳужум бошлади ва уни тўхтатиб қолишига муваффақ бўлди. Мухолифатчи кучлар ўртасида қисқа муддатли мувозанат ўрнатилиб, муҳораба қандай тугаши гумон бўлиб қолди.

Мухолифатчиларнинг доимий тактикаси энди қўл келмай қолганга ўхшарди. Чунки Амир Темур лашкарлари туркларнинг ҳировулига қарши курашда кўп талафот кўрмаган, унинг марказига ёриб киришга улгурган бўлса-да, аммо қанотларини қуршаб олишига қурби етма-

гән эди. Фаним тарафынча қочиб утган туркман суворийларининг ўрнини босиши, ўз қүшининини чап қанотини ҳалокатдан қутқариш ва Амир Темур қүшини сўл қанотини олға силжишдан тухтатиш мақсадида Боязид заҳирадаги барча лашкарларини жангга киритишга мажбур булди; Улуғ амир заҳираси эса жангга киришни ҳамон орзиқиб кутмоқда эди. Фанимлар улкан жанггоҳда шафқатсиз муҳораба бошладилар: тарих шу пайтгача бундай жангни кўрган эмасди. Мана шу биродаркушлик урушида шарқий ва ғарбий турклариниг мислесиз жанговар қобилиятлари янада яққол намоён булди.

Пешинга яқин Амир Темур ҳал қилувчи онлар яқинлашганини пайқади. У барча лашкарларини бир пайтнинг ўзида жангга ташлади ва набираси Мұхаммад Султонга яқинда Самарқанддан келган жасур суворийлар билан рақиб қўшини марказини маҳв этишни топширди. Усмонли турклар ўз мэрраларини бирин-кетин бой бера бошладилар, кўп ўтмай уларнинг маркази ҳам парчаланиб кетди: кимлар сўнгги қони қолгунча жанг қилди, кимлардир қочишға тушди.

Омадсиз таҳт вориси ва унинг атрофидаги юқори мартабали ҳарбий бошлиқлар ўз жонларини сақлашга тушганларини кўрган минглаб турк аскарлари ҳам қоча бошладилар, аммо уларнинг асоснй қисми жанг майдонида жон берди. Ўз жанговар либосларн билан ажрабли турган серблар ашаддий қаршилик курсатдилар ва бу билан Амир Темурни ҳам ҳайратга солдилар.

Боязид ҳам унинг учун жонларини фидо қилаётган яничарлар қатори қаттиқ жанг қилди. У қирғиндан омон қолган кичик бир гуруҳ билан тепалик устига чиқиб олиб, кеч киргунча қаршилик кўрсатди. Фақат энг сўнгги яничарлар ҳам ер тишлаганидан кейнингина сulton отга миниб қоча бошлади. Аммо у узоққа бормади: Амир Темур салтанатининг қўғирчоқ ҳукмдори Маҳмудхон¹ ва унинг қўл остидаги навкарлар Боязид ва унинг икки ўғлини қувиб етиб, банди қилдилар.

Чангга беланган ва ҳолдан тойган омадсиз сultonни музafferарнинг чодирига келтирсанларида тун чўккан эди. Амир Темур ўйнаётган шатранжини тўхтатиб, одат юзасидан унга бир неча савол берди. У Сulton ва унинг ўғиллари ҳаётига зарар етказмасликка сўз берди:

¹ Маҳмудхон Суюргатмиш назарда тутилмоқда (тарж.)

— Агар ишимиз чаппасидан кетиб, бугун Худо нинг тарафингни олганда, — дея таъкидлари Улуғ Амир — сен менга ва лашкарнинг қандай муносабатда були шингни ҳамма биларди.

Улуғ амир умри бўйи эришган зафарларининг эш буюгидан сўнг ҳотамтоилигини кўрсатди.

Боязид Ийлдирим деб ном олган фотиҳ бир кунда ўз озодлиги, тахти, қўшинн ва салтанатидан айрилди.

Унга қулай чодир ажратилди, ҳимоясига Мовароон наҳр амирлари қўйилди. Амир Темур фармонига биноан бундай олий мартабали банди тия устига ўрнатилган ишжаларни таҳтда олиб юриладиган бўлди. Султоннинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йишиланган бу таҳтни қатор Магриб ва Машриқ адиллари султон Қафасга солинди, дея кўп ва хўп афсоналар яратдилар. Уларнинг таъкидлаларича, Амир Темур Боязидни темир қафасда сақлаган ва унга панжара орасидан емакхом гўшт ташлаб турган. Амир Темур отга минар чогида султон унга ўз елкасини тутиб турган, қўшин у ердан бу ерга кўчган пайтлар эса уни буқа мисоли бўйнидан арқон боғлаб ҳукмдор ва унинг акобирлари жой олган араваларнинг энг сўнгисига боғлаб олиб юрилган, деган уйдирмалар ҳам бор. Аслида эса, Амир Темур Боязидга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатган ва уни қаттиқ назорат остига олган.

Эртасига тонгда Амир Темур Анқара қаршисида турарди: шаҳар ўз дарвозаларини очди. У шаҳар аъёнларини ҳузурига таклиф қилиб, улар билан аҳоли тўлайдиган улпон миқдорини ҳал қилди.

Мұҳораба пайтида шаҳардан ташқарига чиқа олмай қолган Кастилия қиролининг Кичик Осиёга йўллаган икки элчиси — Пайо Гомес де Сатамайор ва Хернан Санчес де Паласуэлос Улуғ амир ҳузурига ташриф буюриб, қўлга киритган бу зафари билан уни ўз ҳукмдорлари номидан қутладилар. Амир Темур уларга иззат-ҳурмат кўрсатди ва қўл остидаги ўлкаларда эркин ҳаракат қилишларига кафолат берди.

Оврупо қиролларига Боязидни маҳв этганлиги ҳақида хабар етказишни истаган соҳибқирон элчиларнинг Испанияга қайтишларига ижозат берди ва уларга ўзининг Кастилия қиролига битилган номасини тутган элчинини ҳамда куни кечада султон Боязиднинг ҳарамидан озод қилинган учта насроний оқсуяк канизакни совга сифатида қўшиб жўнатди. Пўловчилар 1403 йил фев-

раль ойнда Кадикс¹га эсон-омон етиб келганилари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Амир Темур ҳам нозик, ҳам дипломатик бу ҳаракати билан Овруп қироллари билан Анқара муҳорабасидан илгари бошланган ўзаро манфаатли алоқаларини давом эттиришга тайёр эканлигини билдиримоқчи эди. Токи турклар устидан қозонган ғалабаси овруполикларин ташвишга солмасин ва улар жаҳонгир ўз юришларини Овруп қитъаси томон давом эттиради, деб хато ўйламасинлар.

Амир Темур Анқарани тарк этишдан олдин лашкарларини Кичик Осиёning турли томонларига йўллаб, кучган зафарини мустаҳкамлашни, ҳар қандай қаршиликни пўлат ва ўт билан сўндиришни, ўлпонлар йингиншин ва Боязидга тобе бўлган туркман хонликларини озод қилишини топширди. Улуг амирнинг мирзалари қоғозга туширган Анқара жангни ва Туркияning фатҳ этилиш тафсилотлари салтанатнинг барча вилоятларнга етказилди.

Соҳибқирон Анқарани тарк этиб, Кўняга келди ва бу ерда бир ой дам олди. Солномада ёзилишича, «шаҳар нафақат мусаффо ҳавоси ва ширин-шакар мевалари билан, балки кўнгил очар масканлари ва кўп сонли фаворалари билан кишини ўзига мафтуни этарди... Ушбу шаҳарда Улуг амир уюстирган тантанали зиёфатларга саройнинг энг гўзал аёллари таклиф қилинди; Осиёning энг аъло шароблари қуйилиб, муғанийлар мўъжизалар кўрсатдилар».

Бу орада Онадўлига жўнатилган лашкарлар беҳисоб бойлик билан қайтдилар.

Солномада бу хусусида шундай дейилади: «Пигилган ўлпонлар туфайли энг оддий аскар ҳам катта бойлик жамлади, умри буйи ўз тулпорига эга бўлишни орзу килган навкар бирданига юзлаб отларни қўлга киритди; бутун қўшин ўзларига шу қадар бойлик ато қилган Аллоҳга ҳамду санолар ўқиди».

Султоннинг тўнгич ўғли Сулаймон Бурса томон қочган эди; Боязиднинг хазинаси шу шаҳарга яширилган экан. Амир Темур Сулаймонини қувиб етишини Муҳаммад Султонга топширди.

Сараланган ўттиз минг сувории билан йўлга чиққап

¹ Кадикс — Испанияning жавубида, Атланттика океанин кирогида жойлашган порт шаҳар (тарж.).

Мұхаммад Султон кечаю күндөз йўл босиб Бурсага етиб келганида ёнида атиги тұрт минг навкари қолган эди, бироқ Сулаймон хазинанинг бир қисмни олиб үз вақтида жуфтакни ростлаганди.

Аммо султон хазнисининг қолган қисмн ҳам иккى юз туялик карвонга юк бүлди; карвон Улуғ амир Аңқарадан кейин дам олаётгап Күнә шаҳрига йўл олди. Қўнга киритилган бойниклар орасыда нодир бир дурдона ҳам бор эди: бу жайрон терисига битилган машҳур Қуръони карим бўлиб, халифа Усмон шу муқаддас китобни қироат қилиб ўтирганида ўлдирилган эди (ҳозир мазкур китоб Ленинград музейида сақланмоқда)¹.

Амир Темур Бурсада банди қилингандан уламолар ва илм аҳлига йўл учун зарур нозу неъмат ва етарли миқдорда пул бериб уйларига қайтариб юборди.

Бояздининг севимли рафиқаси серб маликаси гўзал Оливьера исломни қабул қилгач, хўжасининг ёнига жунатилди.

Бу орада эса Мовароунаҳр суворийлари Оидўли шаҳар ва қишлоқларини ғорат қилиш билан машғул эдилар.

Улуғ амир ўз салтанатининг фуқаролари бўлмаган насронийлар билан тинч-тотувчилик ва дўстона муносабатда бўлишга итиларди. Бироқ, тан олиш керакки, генуялайлар ва венециялайлар, ҳатто, Византия юонлари ҳам унинг бу хоҳишига муносиб жавоб бермадилар.

Анқара таслим бўлгач, Амир Темур ўз юришларини уларнинг қитъасида давом эттиришидан чўчиб турган овруполиклар буюк фотиҳ Босфор бўғозидан ўтишга ҳаракат қилмаётганинн кўриб тинчландилар. Усмонли туркларнинг Оврупо томон қочишининг олдини олиш учун қўйилган Генуя ва Венеция кемалари ҳамон бўғозда туради.

Қочоқларнинг фожнавий аҳволидан биринчи бўлиб генуялик денгизчилар фойдаланиб қолишга харакат қилдилар. Улар катта пул эвазига туркларни нариги қиргоққа ўтказиб қўйишга рози бўлдилар. Дастреб генуялик кема сардори Туркия бандаргоҳларига тезроқ қайтиб

¹ Халифа Усмон Қуръони 1990 йили Тошкентта келтирилган ва Мовароунаҳр мусулмонлари диний идорасида сақланади (тарж.).

келиші учун ўз йұловчиларнни нарығп қирғоққа әлтмай, дengizغا ташлаб қайтган пайтлари ҳам бұлды.

Бу «қулай имконият»дан қуруқ қолмасликни истаган венециялық ва ҳатто византиялық дengizчилар ҳам генуялыклардан үрнак олишди. Шу алфозда усмонли турк аскарларининг катта қисми ва Боязид аъёнларининг күпчилиги Оврұпо қирғоқларига ўтиб олдилар. Уларнинг ичидә Боязиддинг тұнғиң ұғли Сулаймон ҳам бұлғы, у бунга Византия билан иттифоқ тузиш түгрисидеги битимге имзо чекиши әвазынға әришди.

Бу ҳаракатларн билан византиялыклар, генуялыклар ва венециялыклар үзларига соҳ қазиган әдилар; Амир Темур қули билан тақдир ularга ҳада қылған мислсиз имконияттың бой бердилар ва ярим асрдан сүнг үзларни маҳв этажак ашаддий ғанимларини құтқарыб қолдилар.

Оврұполикларнинг сиёсий калтабинлигін ва худбинлиги оқибатида Амир Темур кетіндан усмонли турклар қисқа муддатларда яна ўз құдратларини тиклаб олдилар. Аңқара жангида мағлуб бұлғанлар күп ўтмай Константинополин құлға киритадилар ва Улуг амирнинг но маъқул «иттифоқдошлары»дан үч оладилар.

Бироқ, шуниси ажабланарлыки, оврұполик ва византиялық дengizчиларнинг Босфор дengизидеги кирдикорларидан табинй равишда бохабар бұлған Амир Темур ularга асло қаршилик күрсатмады. У бу хиенатни күриб күрмасликка олди.

Шу хилда у катта совға-салом билан Күняга келған Генуя ҳайъатини қабул қилди ва ҳайъат аъзолари билан шу пайтгача ҳам Оврұпонинг насроний ҳукмдорлары ҳузурларыда бефойда мадад сұраб юрган қирол Мануэл тұлайдиган үлпөн миқдори хусусида келишиб олди.

Аммо ўз салтанатнинг эътиқодли фуқароларн уни гайридніларга қаршы газот қилаётганд құдратлы ислом давлатини маҳв этгандықда айбламасликларн учун Амир Темур күз күриб, қулоқ әшнитмаган бир режа түзді.

Бу Родос рицарларнинг амлеки, үзиннің құл етмас масканда жойлашғанлығы сабабли султон Мурод ва кейинчалық Боязид ҳам рахиа сололмаган Оврұпонинг Онадұлидеги бир бурчагы ҳисобланған Иzmир қалъасынни муҳосара қилыш лойнұсаси әди.

Баланд буржлар билан үралған ушбу истеңком бир томондан дengizге бориб тақалар, унннің қуруқликка туташ қисміде кенг хандақ қазылғыбы, қалын деворлар

тиктанган эди. Қалъанинг ички бандаргоҳи ҳам булиб, зарур пайтда дengiz орқали ёрдам оларди.

1402 йил 2 декабря Амир Темур Измир қаршиисида пайдо бўлди ва агар рицарлар исломни қабул қилишса, ҳаётлари сақланишига кафолат берди.

Қалъа химоячиларининг қатъий рад жавобидан сўнг у шу сарда ҳозир барча лашкарларини муҳосарага бошлиди. Измирнинг фатҳ этилиши Амир Темур истеҳкомларни ишгол этишда нақадар катта маҳорат йикқанидан яққол далолат беради: усмонли турклар ўн йиллардан берин қўлга кирита олмаган қалъани у саноқли кунларда ишғол қилди.

Амир Темур нақбичилари ишини энг аввало чуқур ҳандақ устига кўпrik ясашдан бошлиши, сўнг соқчилар буржлари бузилиб, қалъа деворларига йўл очилди. Деворларнинг тагларида нақблар қазилиб, уларни ёғоч устунлар, олов, қизиган писта кўмири, совуқ сув ва сирка ёрдамила қулатишга шайлаб қўйдилар.

Тинмай сирка билан намланиб турилган ёпқичлар нақбичиларни қалъа химоячиларининг тепадан улоқтирилган ўтларидан пана қилиб турди.

Аммо қалъа қамалида қўлланган энг ажойиб усул шаҳарнинг дengиз томонидан бутунлай ураб олган тусиқ (тӯғон) қурилиши бўлди. Бунинг натижасида бирорта ҳам кема на шаҳарга кира олди ва на ундан чинка олди.

Улуғ амир аскарлари ана шу тусиқдан туриб мисленз шиноат билан қалъа деворларини буза бошладилар. Уларнинг бу машғулотига халал беришга интилган шаҳар химоячилари устига Амир Темур ёйандозларининг ўқ ёмғирн ёғиларди.

Тағиергарлик ишлари ниҳоясига етгач, Амир Темур қалъа деворлари остидаги нақбларга ўрнатилган устунларга ўт қўйинши буюрди. Деворлар ўпирилгач, бутун қўшин бир бўлиб шаҳарни ишғол қилишга отилди.

Шаҳарнинг насроний аҳолиси ва химоячилари қилиндан утказилди, истеҳкомлар ер билан яксон этилиб, иморатларга ўт қўйилди. Измирга мадад учун келган кемалар шаҳар ахволини кўриб дengизга гарқ бўлишларнга оз қолди, улар шошганларича келган жойларнга қайтар эканлар. Улуғ амир раъдандозлари отган снарядлардан қочиб кутулолмадилар.

Оврўполик пирик ҳукмдорлар ҳам унинг насронийлар

устидан қозонган ғалабаси билан табрикладилар ва итифоқ түзиш ҳақидағи таклифларини йұлладилар.

Амир Темурнің бириңчи бұлыб Испания қироли қутлади. Шундан сұнг Франция қироли Карл VI, Англия құмбдори Ҳенри IV ва Византия императори Мануэл үз табрикларини йұлладилар. Трабзон императори унга итоат ато қылди, Улуғ амирнинг эски рақиби Миср султони ҳам үзиннен уннан вассали деб тан олди, султоннинг әлчиси ҳадя сифатида ажайиб жирафа ва мактуб келтирди; мактубда султон соғибқирион тамғаси билан тангалар зарб этажагини ва Сурия ҳамда Мисрнинг барча шаҳар вә қишлоқларида уннан хутбага құшынбұқтаждагини маълум қылған әди.

Бұтун дунё лол қолған шу ёрқин ғалаба ҳам Улуғ амирні Оврӯпо дарвозалари қаршиисида узоқ ушлаб тұра олмади. Назаріда тақдир уни тобора Шарққа, юз минглаб мажусийлар ҳақиқииттік динни қабул қилиш учун үтва пұлат сабогини олиши лозим бўлған Минлар суоласи қўл остидаги Чин давлати томон чорлар әди.

Амир Темур шошарди. Зеро үзиннинг ҳар зафаридан сұнг у вақт қархпалаги янада тезроқ айланадаётганини ҳис қиласы, бироқ шунга қарамай эришган ғалабаси меваларини бой бермаслик учун у кўрган зарур чоралар натижасида Боязид таҳтдан олган амир ва шаҳзодалар ўз уринларнга қайтдилар. Инларнинг ўғиллари усмонли турк тожини талашиб, ўзаро биродаркушлукка берилдилар.

У ҳатто олий зотли бандасига итоат ато қилиш ва хирож эвазига Оналўлнин қайтариб беришнин ҳам ўйлаб турған бир пайтда султон 1403 йыл 9 марта Оқшаҳарда эмболия (қон томирларининг тиқилиб қолишин) хасталигидан дунёдан кўз юмди; боши устида турған энг яхши турк ва эроний табибларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмади.

Амир Темур Боязиднинг ўлимидан қаттық қайғурди, султон катта иззат-әхтиром билан Бурса шаҳридаги масжидга дағи этилди; ҳозир масжид султон Боязиднинг номига қўйилган.

Шундан сұнг бир неча муддат давомида Улуғ амирнинг боши мотамдан чиқмай қолди — бамисоли Пилдирим соғибқирионининг энг азиз одамтарнин үзи билан гўрга олиб кетаётгандек әди.

Бириңчи бұлыб Самарқанднинг ҳокими деб эълон қылған чингизхоний шаҳзода Маҳмудхон Суюргатмиш

Қисқа муддатли хасталықдан сүнг бандаликни бажо келтирди. Содиқ ҳамроҳ оламдан кўз юмди; ўзини унинг саркардаси деб эълон қилган, аслинда эса ҳукмдори бўлган инсон унинг қабри устида кўз ёшларини тўқди.

Энг оғир кулфат 1403 йил 13 март оқшомида рўй берди: умидсиз бобосининг ибодатларию замонанинг энг доно табибларининг даволашларига қарамай соҳибқирикнинг суюкли набираси Муҳаммад Сўлтон ўн тўққи ёшида бевақт вафот этди. Номаълум касаллик таҳт ворисини бир неча соат ичидаги олди-кетди.

Кексайиб қолган жаҳонгир бу мусибат туфайли бир неча муддат ўзини билмай юрди; солномада ёзилишича «у ўтирган таҳтидан тушиб, эгнидаги либосларини парча-парча қилди ҳамда алаҳсираб ва ўкириб ерга қулади». Амир Темур бу фожна ўзининг бир умрлик интилишларини чиппакка чиқарганини англаган бўлса ажаб эмас.

Ҳақиқатдан ҳам фақат Муҳаммад Султонгина, агар таҳтга ўтирганида, салтанатни сақлаб қолиш учун юртда тинчлик-тотувлик ўрната оларди.

Солномачиларнинг маълумотларнга қараганда Амир Темурнинг тўнгичи Жаҳонгир Мирзо ва замонасининг энг гўзал аёли малика Шумерзаннинг ўғли Муҳаммад Султон ҳали йигирмага тўлмаган бўлса ҳам темурийлар оиласидаги энг зукко ва ҳурматли амирзода эди. Солномаларда таъкидланишича, «унинг олижаноб ва қатъий феъл-авторини кўрган Амир Темур ўғиллари ва набиралидан ҳеч бири бу борада унга тенг келолмаслигини тан олган, уни ҳаммадан юқори қўйиб, таҳт вориси деб эълон қилган эди». Ҳатто Улуг амирининг ганимларин ҳам навқирон шаҳзоданинг мардлнги ва олижаноблигидан ҳайратга тушардилар.

Бутун салтанатда мотам эълон қилинди. Амир Темур кўз ўнгидаги марҳумга тегишли ногора ва қўмондонлик туғи парча-парча қилинди, қимматбаҳо ёғочдан ишланган тобуттага солинган жасади етти амир қўл остидаги икки юз сараланганди суворий ҳамроҳлигига у ноиби булиниш Самарқанд сари йўл олди.

Амир Темур бир неча қунлик тарки дунё ва тоат-ибодатдан кейингина қўшинга қўмондонлик қила бошлади, бироқ «шу қундан бошлаб унинг юриш-туришида катта узгариш рўй берди, энди у илгарнги соҳибқирон эмасди».

У Онадулини бутунлай тарк этиб, Құня, Қайсария, Сивос, Арзинжон ва Арзурум орқали Шарққа йўл олди. У ортида парчаланган усмонли турклар давлатини қолдирад экан, уни ўз ҳудудларига қўшиб олиш хаёлига ҳам келмасди.

Унинг мақсади қўлга киритаётган ютуқлари ила бир қуни келиб ўзига қарши кучли иттифоқ тузиши мумкин бўлган қудратли рақибини сафдан чиқариш эди. Амир Темур салтанатининг сарҳадлари гарбда Гуржистон ва Арманистонни, марказда Эронни ва жанубда Ироқи Арабни ўз ичига олиши лозим эди.

Бу режанинг ростлигига асло шубҳамиз йўқ. Зеро у Онадўлида яшовчи Қорататар уруғини салтанатининг бошқа фуқаролари қатори яшашлари учун Хуросонга ҳайдаб келди.

Аммо Амир Темурнинг Кичик Осиёга қилган юриши натижасида ер юзининг мана шу қисмидаги воқеаларнинг тарихий ривожи тубдан ўзгариб кетди. Йуқса, Константинопол айни куч-қудратга тулган Боязид қаршиисида таслим бўлар, ожизланиб қолган ва парчаланиб кетган шарқий овруполиклар, шубҳа йўқки, шарқдан келаётган суворийлар ҳисобига кўпайиб бораётган турк харбий кучларига бас келомасдилар.

Улуғ амирнинг Анқара жанггоҳидаги ғалабаси инқиrozга юз тутган Византия империясининг умрини ярим асрга узайтирди; у, айнинса, Усмонли турк империясининг истилочилик ва иттифоқдошлик сиёсатини тубдан ўзгартириб юборди. Чунки мағлубияти оқибатида Шарқдан узилнib қолган Туркия нигоҳини мангнга Оврўпога қаратди. Бирок орадан йиллар ўтиб, бу тиришқоқ империя ўз қудратини қайта тиклаб олганида унинг қаршисида бирлашган, ҳар қандай зарбанн қайтаришга қодир Оврўпо турарди.

САМАРҚАНДГА ҚАЙТИШ ВА ТАНТАНАЛАР

Гуржистонга етиб келган Амир Темур шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, черковларни яксон айлади. Негаки мамлакат подшоси ўтган йили ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармади: соҳибқиронга пешвоз чиқмади. Амир Темурнинг акобирлари бу насроний ҳукмдорни хонинликда айблашган бўлса, Самарқанд қушинлари сафида жанг қилган баҳодир гуржи аскарлар Олий Қўмондоннин тинчлантириб, ўз подшоҳларини яна қайтадан вассалликка қасамёд қилишга кўндирилар.

Фақат шундан кейингина Амир Темур вайронгарчиликларга хотима берди ва Қорабоққа лашкаргоҳ қурди.

Айнан шу пайтда бетайнин Қора Юсуфдан хабар келди: у ўз ҳомийси мағлуб этилишидан олдин Онадулига қочиб кетган бўлиб, мана энди Ироққа ўтган, Бағдодни қўлга киртиб, шаҳарнинг қонуний ҳокими султон Аҳмадни Арабистон чўлларнга ҳайдаган эди.

Буни эшитган Амир Темур набираси Абу Бакрни Бағдод ноиби этиб тайинлади ва унга шаҳарни қайта забт этиш ҳамда Қора Юсуфнин тириклийн ёхуд ўликлайн қўлга олишини буюрди. Янги ноиб бир неча отлиқ булук билан йўлга тушиши олдидан бобоси унга муҳандислар ва нақбчилар бўлнимасини қўшиб берди: «токи имон ва илм маркази бўлмиш ушбу шаҳар қайта тиклансин».

Бағдодни вайрон қилган инсон оғзидан бу буйруқни эшитиш ғалати эди, бироқ Улуғ амир ўз яқинларига бундан буён муҳорабалар келтирган заарларни қоплашга ҳамда халқлар ва элатларни баҳтиёр қилишга аҳд айлаганини маълум қилди. Чунки у энди барча сўзсиз таи олган ягона ҳукмдорга айланган эди. Муҳаммад Султон вафот этганидан бери у, гарчи баъзан шафқатсизлиги қолмаган бўлса-да, ўз амри билан вайрон этилган масканларни қайта тиклаш хоҳишини намойиш этар, хусусий ва оммавий мулоқотларда ҳаддан ташқари меҳрибон ва мулојим бўлиб қолган эди.

Амир Темур Қорабоғдан кейин қадимдан ўз ёқутлари билан маълуму машҳур, бироқ сўнгги пайтларда

хароб ҳолга тушиб қолган Байлақонда тұхтади. Бу ерда у бутун қүшинини ишга солиб, күңға шағар харобалари ўрнида тамоман янги шағар бунёд эттиришга қарор қилди.

Аскарлар об-ҳаво инжиқлнклариға қарамай пишиқ гиштдан янги бир қалъа бунёд қилдилар: янги маңалалар, ҳаммоллар, бозорлар, боглар ва карвоисаройлар қурилнб, қалъа деворлари тикланды, уларнинг атрофига чуқур хандақ қазилди. Улуг амирнинг фармони билан канал қазилиб, ушбу хандаққа Аракс дарёси сувлари келтирнлди. Бу ишларнинг ҳаммаси мислсиз қисқа муддат ичидә амалга оширилдиким, у олтмиш еттигага киргап ногирон фотиҳ турли миllатлар ва динлар вакилларидан ташкил топған қүшининг ҳамон донолик ва қаттиққуллик билан қўмандонлик қилаётганидан далолат берарди.

Янги Байлақон шаҳрининг очишли маросими Улуг амир бошчилигидә үтди, сарой ахли бу ерда ҳозиру ноңир бўлди. Фатҳ этилган ўлкаларнинг барча ноңбу ҳукмдорлари соҳибқирон ҳузурига қимматбаҳо совга-саломлар билан ташриф буюрдилар.

У илм ва фиқҳ ахли орасидан энг машҳурларини таклиф этиб, улар билан Ҳаллоҳининг буюк қудрати ҳақида, ҳаёт ва ўлим, бу дунёning фонийлиги ҳақида суҳбатлар уюштируди. Мунозараларда шахсан иштирок этган Амир Темур салтанат фуқароларининг ҳаётни ва эътиқодлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ўзи ва вазирларига зарур маслаҳатлар бермаганликлари учун уламоларни жиiddий танқид қилди. Ўз шаънига ортиқча мақтов-мадҳиялар битганликлари учун уларни койиди:

— Мен Аллоҳининг бандасиман, бундай майды-чуйда гапларга муҳтож эмасман.

Бағдоддан келган чопар Улуг амир кўнглини чоф этди: у келтирган хабарда Абу Бакр ва унинг биродарин Рустам Қора Юсуфни шағардан қувиб чиқариб, унинг иттироқдоши бўлмиш саҳроин арабларнинг бошлигини маҳв этганликлари ва шағарни қайта тиклашга киришганликлари битилган эди.

Шундан сўнг Амир Темур ўз лашкарлари билан Қорабоғ водийсига қайтди. Қишини шу ерда — чодир ва қамишлардан тикланган улкан лашкаргоҳда ўтказдилар. Мана шу ерда унинг олдига устози Сайд Барака этиб келди; очиқ кўнгли ва донишмандлиги билан пир

мақомини олган Сайнд Барака соҳибқироннинг руҳид маслаҳатчиси ҳисобланар, бироқ кексалнги ва хасталиғи туфайли энди у билан бирга юролмай қолган эди.

Набираси Мұхаммад Султон вафотидан чуқур Қайгураттеган Амир Темурга далда бериш учун шошиб йүл босған Сайнд Баракани ҳам хасталик ва چарчоқ бир неча кундан сунг нариғи дунёга олиб кетди.

— Энг содиқ дүстим ҳам мени тарк этди, — дейді Амир Темур ва солномада айттынишича, устози үлемшіден олдин айтган қуйидаги доно сўзларни бир умр ёдда сақлаб қолади:

«Бу дунё шунчалар бевафоки, уни жаннатмакон маскан эмас, ҳаробазор леб атамоқ лозим, зеро ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳамма нарса ўткинчиидир».

1404 йил баҳорнда Амир Темур ниҳоят ватани томон йўлга тушди; йўл-йўлакай у яна илгаригидек исенкорларни шафқатсиз жазолади, ҳалқни талаб ва зулм кўрсатиб, ўз амалларини сунистеъмол қилаётган амалдорларнинг таъзирини берди.

Термиз ва Кеш ортда қолди. Беш йиллик айрилиқдан сунг у яна Самарқандга кириб келди.

Улуғ амир шаҳарга кирап-кирмас набираси Мұхаммад Султоннинг жасади қўйилган мадрасани кўрмоқ учун шошилди; унга бағишлиб қурилаётган қушни масжид ҳали битмаган экан.

Фақат шундан кейнингина у шаҳар аҳлига кўринди ва шаҳарда адолат үрнатажагинн элга маълум қилди. Шу мақсадда қозихоналар яна қайтадан иш бошлиди. Улуғ амир йўқлигидан фойдаланиб, ўз шахсий манфатларини ўйлаб иш тутган имонсиз амалдорлар ва инсоғиз савдогарлар жазоланажаги эълон қилинди.

Олий судлов ҳайъати, ишини, аксарият ҳолларда, Амир Темурнинг ўзи бошқарди. Айборлар мансаби, молу дунёси ва сарой аҳли билан қариндош-уруғлигидан қатъи назар, суроқ қилиниб, ҳисбга олиндилар ва шафқатсиз жазоландилар. Амир Темур назарида, уларнинг энг катта гуноҳлари ўз ҳукмдорларига ишонмаганликлари бўлса ажаб эмас. Инчунун, улар агар Боязид соҳибқиронни енгади, деб ишонмаганларида салтанат мулкнга ҳеч қачон хиёнат қилмаган бўлардилар. Сўнгги беш йил мобайнида ўзига садоқат билан хизмат қилганларни у, аксинча, қаттиқ сийлади ва ҳурматларини жойига қўйди.

Улуғ амир суд мажлислари, ҳукумат тизимини қай-

та ташкил этиш ва Самарқандда салтанатнинг барча ви-
юятлари ва элатлари вакилларининг энг йирик қу-
рултойини үтказишга тайёргарлик билан бир қаторда
севимли машғулоти — янги иморатлар ва боғлар барпо
эттириб, пойтахтнинг чиройига чирой қўшишини ҳам
унутганий ўйқ. Қўшинидаги зобит ва аскарлар ҳам ўз
жанговар қобилиятларидан маҳрум бўлмасликлари учун
улкан қурилишларга жалб қилинган эдилар. Улар пой-
тахтга бой-бадавлат бўлиб, ҳурмат-эътибор билан қайт-
ган бўлсалар-да, энди бу ерда ўз бошлиқларига жанг
майдонларидагидек хизмат қилишини унутиб қўяёзган
эдилар.

Шу йусинда соҳибқирон амри билан қўшини бир кечаю
кундуз ичидан Самарқанднинг энг катта кучасини бузиб
кенгайтирди, унинг атрофидаги уйлар ва дўконларни
ҳам қайтадан қурди.

Улуғ амир бунёд этилаётган янги жоме масжиди
курилиш майдонига тез-тез ташриф буюрар, фидокоро-
на меҳнат қилаётган ҳунармандларга кумуш тангалар
ва емак тутқазиб, узоқни кўра билмайдиган меъмор-
ларни жазоларди. Дамашқдан келтирилган меъмор ва
ҳунармандлар унинг амри билан шаҳарнинг шимолида
жойлашган Боги Шамолда ажойиб бир қаср бунёд қил-
дилларким, солнномаларда ёзилнинча у соҳибқирон қур-
дирган иморатларининг энг нафиси бўлган. Эронлик ва
ироқлик кулоллар саройнинг ташқи деворларини на-
фис Кушон сополлари билан безадилар. Бу улуғвор са-
рой, афсуски, бизгача етиб келган эмас, бироқ жоме
масжидининг улкан деворларни ҳамда асрлар давомида
заррача ҳам зиён етмаган Гўри Амир мақбараси Амир
Темур қурдирган биноларнинг инҳоятда гузал бўлган-
лигидан далолат беради.

Соҳибқирон Муҳаммад Султонга атаб қурилаётган
масжидда ишлар қандай кетаётгани билан яқиндан қи-
зиқиб туради. Қазоси етиб оламдан утганидан сўнг
унинг қабрн ҳам набирасининг ёнидан жой олади. Бу-
гунги кунда «Гўри Амир» («Амир қабри») номи билан
машҳур бўлган бу муҳташам бинонинг саккиз қиррали
шифти зарҳал ғишталар билан безатилган бўлиб, унинг
пастига баландлиги икки метрли ҳарфлар билан Худо-
нинг ягоналигини тасдиқловчи оятлар битилган, унинг
думалоқ конус шаклидаги кенг ва нафис гумбази мо-
вий Самарқанд зарҳали билан қопланган.

Московия, Византия, Ҳиндистон, Мўғулестон, Миср
ва бошқа қатор мамлакатлардан Амир Темур ҳузури-

га келган элчилар мана шундай иморатларнинг нафва муҳташамлигидан ҳайратга тушар, пойтахтда сурган тинчлик ва осойишталикдан завқланишар э

Кунлардан бир куни Амир Темур «Боги Диљ» даги саройнда Кастилия қиролининг элчилари р Рун Гонсалес де Клавихо ва унинг ҳамроҳи, домин мазҳабидаги руҳоний Алонсо Паесни қабул қилд

Қирол Самарқандга йўллаган вакилларига Ка- лияга элчи ҳамда совға-саломлар юборгани учун Ам Темурга ўз миннатдорчилигини етказишни топшири эди. Улуг амир берган катта зиёфат чогида Чин элч испан элчиларидан юқорироқдан жой олганлиги уч ҳамманинг кўз ўнгига таҳқирланди; Клавихо ва руҳон Алонсо ўз қироллари йўллаган совға-саломларни — фис ва нодир гиламлар ҳамда алвон матоларни со қиронга топширидилар. Сарой аҳли гиламларда ак тирилган расмларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. А Темур эса матоларни ўз рафиқаларига улашинш: шилди, аёллар бунинг учун миннатдорчилик билд. лар.

Шундан сунг кастилиялик элчилар бутун ёз д. мида уюштирилган шарқона дабдабали қатор зиёфа ларга қатнашдилар; уларнинг тафсилотлари Клавих нинг кундаликларида ўз аксини топган.

Қирол Ҳенрининг элчилари юқори мартабали ме монлар деб ҳисобланмаган бўлсалар ҳам (уша пайт ларда Қичик Оврўпо нима деган гап эди?) эътиборда четда қолмадилар. Улар иштирок этган бир зиёфат хусусида расмий солномачи қўйидагича ёзган эди: «Овруполик элчилар ҳам таклиф этилдилар ва ўзларига муносиб кўнгилхушлик қилдилар, зотан дунё баҳрида кичик балиқларнинг ҳам ўз ўрни бордир».

Клавихо ва унинг ҳамроҳи деярли барча зиёфатларга таклиф этилардилар. Рицарнинг кундалигнда Ам Темур Самарқандининг ажойнботларидан олинган ола. олам завқ баён этилган. Овруполик ва насроний би кишининг қаламнга мансуб бу асл манбанинг холисли гига шубҳа йўқдир.

¹ Рицар — Ўрта асрлар (XI—XV) Гарбий Оврўпо давлатларидаги ливий ҳарбий уюпма аъзоси. Уюпма аъзолари дастла мұқаддас даргоҳларни қуриқлашган, кейинчалик ҳуқук ва кам бағалларни ҳимон қилиш билан шурулланишган. Уюпмага асосан зодагонлар қабул қилинган (тарж.).

Улар илк бор Боги Чинорга таклиф этилганлар. Йесенчиликлар таржимон (бу ерда гап чиндан ҳам форс-түркча (чигатой)дан араб тилига таржима қилылар. Тилмоч ҳақпда кетаётган бўлса керак — ўзларидан кўпчилик ватандошларни каби Клавихо ва Алонсо (бу тилни билишган бўлса ажаб эмас) келиб, ўзрини зиёфат бериладиган масканга бошлаб боришини ўхуда кутдилар. Ўзларни у ерни топиб борганларида зиёфат тугаган эди. Шунга қарамай улар Амир Темурдан паришонхотир тилмочни қаттиқ жазоламасликни ёлвориб сўрадилар (соҳибқирон айборнинг бурзини тешиб, туғиғи тақиб қўйинши амр этган эди).

Шунга қарамай элчиларга Боги Чинорни курсатдилар. Уларни тилла сувни юритилган мовий кошинлардан безатилган баланд ва чиройли дарвозадан улкан ўқа олиб кирдилар; боди турли-туман мевали ва соядарахтларга тўла эди.

Меҳмонлар бодни ҳар томонга кесиб утубчи, иккита түсиқлар ўрнатилган йўлаклардан утиб, ларига гард юқтириман унинг марказига етдилар. Улар боғдаги турфа рангда товланаётган қимматбаҳо ипак чодирларни, ёрқин жилоли гаройиб гиламларни ва дараҳтлар орасига соябон сифатида осилган ола-чишпор матоларни кўриб лол қолдилар.

Бод марказида ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан ҳашаматли безак берилган, кошинларига тилла сувни юритилган сарой савлат тўкиб туар эди. Клавихонинг қайд этишича, улар ичкарига кираверишдаги «соф тилладан ясалган икки ясси курси ва уларнинг устидаги жавоҳир, зумрад ва ферузалар билан безатилган еттита тилла кўзани кўриб ҳайратдан ёқа ушладилар. Кузаларнинг қопқоқлари йиринк ёқутдан эди; уларнинг атрофида олти дона тилла қадаҳ туар, қадаҳлардан бирининг ичидаги нодир ёқут қатор жавоҳирлар билан ўралган эди. Буларнинг барчаси ажиб бир уйғунликни ташкил этарди».

Кечқурун ўзларига ажратилган масканга қайтган элчилар мириқиб тановул қилдилар — Амир Темур уларга беш дона пиширилган қуй ва икки чилплит шароб жўнатган эди.

22 сентябрь куни улар яна зиёфатга таклиф қилинди. Бу сафар улар вақтида боришга ҳаракат қилдилар. Бу гал зиёфат шаҳардан ташқаридаги ям-яшил боғда жойлашган катта саройда уюштирилди. Сарой мураббаъ шаклида баланд деворлар билан ўралган бў-

либ, түрт бурчагида туртта баланд минора тікленген зди.

Ган машхур «Боги Нав» ұақыда кетаётган бұлса керак. Сарой инхоятда күркем бўлиб, деворлари даги мовий ва тилларанг кошиилар олди даги узун ҳовузинин сувларида акс этиб турарди.

Бу ерга жуда күп меҳмонлар ташриф буюришди, таомлар тортилишидан олдин шароблар қўйилди.

Клавихонинг гувоҳлик бернишича, ислом ақидаларидан бу сифат; четга чиқиши фақатгина Амир Темурининг амри билан ва фақатгина айрим ҳоллардагина рўй берар, бошқа пайтда ~~хеч~~ ким на пинҳона ва на очиқласига шароб ичишга журъат қилолмасди.

Соқнийлар ҳар бир меҳмон қаршиисида тиз чўкиб, шароб тўла қадаҳ тутишарди; бирничи қадаҳдан сўнг иккинчиси, учинчиси, туртинчиси таклиф қилиниар ва бу ҳол меҳмон маст бўлиб йиқилмагунича давом этарди.

Ҳаммадан кўпроқ қадаҳ сипқарган меҳмоига ҳам худди жанггоҳда қаҳрамонликлар кўрсатган жангчилар каби Баҳодир деган ном бериларди.

Соқнийлар меҳмонларга қадаҳ таклиф қилишар экан, уларни тезроқ бўшатиш учун:

— Ушбу қадаҳин ҳукмдоримизнинг соғлиги учун, унга бўлган ҳурматимиз учун, унинг боши омон бўлиши учун ичингиз! — дея далда бериб туришарди.

Яхши ҳамки ичкилиқ ичиш тўхтатилиб, пиширилган от гўшти ва қовурилиб, сирка-мойга солниган қўй гўшти ҳамда турли шарбат ва зираворлар билан пиширилган гуруч тортилди.

Байрам сўнгидаги Амир Темурининг кўрсатмасига мувофиқ зобитлардан бирни кумуш танга тўла жомни кўтарниб, меҳмонлар ҳузуридан ўтди ва жомдаги кумуш таңгаларни уларнинг устидан сочди. Испанлар ҳам узинга тегишлигини олди, Улуғ амир уларни ўз ҳузурига чорлаб, кимхоб тўнлар кийгазди ва эртасига уюштирилажак знёфатга ҳам таклиф қилди.

Уз масканларига қайтган Клавихо ва Алонсо йиққан таңгаларини санаб кўрдилар ҳамда Амир Темур ўзларига кўрсатган бундай илтифотдан беҳад шод булдилар ва буни мақсадлари амалга ошишидан дарак берувчи бир белги сифатида қабул қилдилар.

Улар хаёллар денгизида сузиб юрганилардан бехабар здилар. Аслини олганда Улуғ амирининг элчиларга кўрсатаётган иззат-ҳурмати, асосан, дипломатик мулозамат

бұлиб, у дұст мамлакатлардан келган барча әлчиларға, қимлигидан қатын назар, бирдай мұомала қиласынан.

Бир күни әлчилар Амир Темур ва уннинг сарой аъёндары билан «Темур дарвоза» яқинида буиёд этилган мұхтасам бинолар мажмуса сауда мәжмөн бўлишди. Уларга Улуг амириннинг Клавихо Кано (аслида бу «Хоним» — малика дегани) деб атаган суюкли рафиқасиннинг волидаси учун қурилган чиройли сагана, айниқса, ёқиб қолди; уннинг деворлари зангори, яшил, оқ, қора, қўнғир ва тилларанг сонол кошинлар ва ғиштлар билан бешатилган эди.

1404 йилнинг кузини Амир Темур ҳукмронлигининг энг чүққини бўлди дейнш мумкин. Бироқ олтмиш туққиз ёшли фотиҳ қолган умринн роҳат-фарогатда ўтказиш ўрнига куни битмасдан олдин Чинни фатҳ этиш хақида ўйларди, холос.

Уни бу хусусда ўйлашга икки нарса мажбур қиласынан. Бир томондан, у Мовароуннахрни Чин императорига боғлаб турган, йиллар ўтиши билан сусаниб қолган вассаллик ришталарини узишни истаса, иккинчи томондан Пайғамбар олдиғаги ўз гуноҳларини ювиш учун Фазот очиб, барча хитойликларни исломга киритишни хоҳларди.

Ўша пайтда Улуг амир кайфиятида рўй берадиган узгаришлар уннинг солномада қайд этилгац Аллоҳга қилган қуйидаги илтижосида ўз аксинин топган:

«Мен ўзимдан ўзим бу даражага эришганим йўқ. Сен мендек кичик бир амирни бу дунёning энг қудратли ҳукмдори даражасига кутардинг. Мен ўз қўл остимдаги ўлкаларда шундай тартиб ва интизом ўрнатдимки, бошига тилла танга тўла кумуш жом қўйган ҳар қандай кимса бутун Салтанатимни у сарҳадидан бу сарҳадигача бехавотир кесиб ўтиши мумкин. Бироқ, бунга етишишининг ўзи бўлмади: ёт юргларни истило қилиш, қон тўкишлар, қотиллеклар, банди қилишлар, одамларни азобга қўйишлар ҳамда шаҳар ва қишлоқларни ёндиришларни талаб қиласын; зафарларимиз учун зарур бўлган шу шафқатсиз ишларимизни, ўз айбимиз ва гуноҳимизни ювиш учун мен Чин мажусийларини исломга киритишга ва уларнинг маъбулларини ер билан яксон қилишга аҳд айладим».

Бироқ у режалаштирган ишнинг маънавий сабаби — Амир Темур шахси ва дунёқарашини ўрганиш борасида

турли баҳслар құзғаган ғаройиб сабаб — Самарқанд өң үртасидеги мунисабатларнинг ҳамон узил-кеси ҳал этілмаганлығыда әди. Бу воқеанинг тарихи жуда узун.

Чингизхон Осмени фатх этганидан сүнг Мовароунинахр хоннинг үғли Чигатай улуси таркибига кирди. Кейинчалик империя хонликларга бўлинниб кетиб, Чингизхоннинг набираси Буюк Қубулай мўгуллар фатх этган Чин тахтига ўтирганида Чигатайдан қолган хонлик ҳам унга бўйсунадиган бўлди. Шундан бошлаб, Самарқанд ҳукмдорлари Чин тахтида ўтирган мўгул хони ва уннинг ворисларига сурункали равишда қуллук қилиб келишган.

XIV асрда рўй берган ҳалқ қўзғолони натижасида чингизхонийлар Хитойдан қувилдилар, қўзғолон йўлбошчиси Минг Хонг Ву тахтга ўтириди ва Мовароунинахр ҳукмдори Амир Темурдан Пекин хонига тегишилн иззатхурматин энди ўзига кўрсатишни талаб қилди.

Мовароунинахрдан йироқда юрган Улуғ амир эса Хитой билан Муғалистон үртасида нифоқ чиқишини кутарва бу билан вақтдан ютарди.

Император Мингнинг иккى элчинини банди айлаб ва 1385 йили озодликка чиқарганидан сүнг соҳибқирон Хитой императорига ҳар иккى-уч йилда совға бериб гуриш одатидан воз кечиниш йўлини актара бошлади, зеро бу совғалар узоқ бир вассалнинг ўз хўжасига бериб турадиган хирожига үхшарди.

Само Үғлони ҳам буни ёдидан чиқармасди: у 1395 йил Амир Темурга элчи юбориб, ўзига жўнатган совғалари учун миннатдорчиллик билдирган эди.

Бироқ унинг ўрнига тахтга ўтирган Юнг Ло илгариги императорга кўрсатиладиган илтифотни давом эттириб туришини ҳаёсизларча талаб қилди.

Аммо энди бунинг мавриди эмасди. Чунки энг асосий рақибларини маҳв этган Амир Темур шон-шуҳрат чўққисига кутарилган, янги юришлар қилишга ҳам тайёр әди. Император Юнг унинг кексайиб бораётганидан қувонар, муҳорабадан олдин шарқона анъаналарга мувофиқ музокаралар олни боришига умид қиласди. Бироқ соҳибқирон бу ишни ортиқ чўзиб ўтиришини хоҳламасди.

Салтанатнинг барча бурчакларидан тили ва эътиқоди турлича бўлган лашкарлар Самарқанд атрофига йигилиб, шаҳарнинг ҳунарманду тикувчилари уларга пиншиқ кийим-бошлар тика бошладилар. Улуғ амир эса

ұз топшириғига күра анча пайтдан бері Чин йұлида жойлашған давлатларнинг йұллари, ҳарбий салоңынты, табиий бойликлари ва иқлыми бўйича йиғилған күпдан-күп маълумотларни диққат билан ўргана бошлади.

Кутылмаганда юқорида тилга олинган дипломатик күнгилсизлик рўй берди: у Қастилия қиролининг чопарлари ҳузурнда Чин элчисини беихтиёр таҳқирлаб қўйди, бу эса уруш эълон қилишга ўхшаб қолди.

Бироқ Улуг амир ҳам бу юриш үзининг сунгги юринши бўлишини яхши билар, шу сабабли сафарга чиқишидан олдин балогатга етган набираларини юртнинг барча амиру акобирлари иштирокида уйлантириб қўйишга қарор қиласди. Бу билан у фонни дунё билан хайр-маъзур қилишдан олдин салтанатнинг барча кучларини ўз сулоласи атрофига бирлаштириб кетишни истаган бўлса, ажаб эмас.

Бир неча ҳафта давомида бири иккинчисидан чиройли тўйлар уланиб кетди. Уларда салтанатнинг барча ўлкаларидан ва қўшни давлатлардан ташриф буюрган куп сонли давлат бошлиқлари, шаҳзодалар, ҳокимлар, ноиблар, зобитлар ва элчилар иштирок этдилар.

Тантаналарга Самарқанд аҳли ҳам гуррос-гуррос булиб ташриф буюрди. Солномада ёзилишича, Амир Темур шодиёналарни қўйидаги сўзлар билан бошлаб берган:

... Бугун энг нафис либосларни кийингиз ва кўнгилхушилик қилишга ҳозирланингиз. Ожиз ва қудратли, бою камбағал барча фуқароларимга бир-бирларининг дилларини оғритмасликни буюрурмен ва қиличларни қинларидан чиқаришни тақиқлурмен.

Шаҳар боғларига юрингиз, анвойи ичимлик ва емаклар сизга мунтазир.

Тўй-томоша иштирокчилари Самарқанд яқинидаги «Хон лашкаргоҳи» деб ном олган мамлакатнинг энг катта майдонида йиғилдилар. Лашкаргоҳ тавсифи Клавихо кундаликларининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади; тантаналарга таклиф этилган элчилар беҳисоб ранг-баранг чодирларни курнб лол қолдилар. Уларни катта ўрдага кийим-кечак ва қурол-аслаҳа етказиб берувчиларнинг чодирлари орасидан бошлаб ўтдилар, сунг чодирларнинг энг ийриклари ва энг чиройлилари жойлашған дарё буйига чиқдилар. Уларнинг ичидә энг ҳашаматли ва курками Салтанат ҳукмдорининг кўшни эди.

Клавихонинг тахманинча, күшкниң кенглиги юз қадам, баландлыги эса йигирма қадам атрофида эди. Күшкниң ташқариси оқ, сарық ва қора йўл-йўл ипак мато билан қопланган бўлиб, ичкарисидаги алвон ранг матога зарҳал ипдан безаклар ишланган, турфа рангли ипак сўзаналар илиб қўйилган эди. Бу кўшкда ҳаммаси бўлиб ўттиз олтига устун бор эди. Мовий ва тилларанг мазкур устунлар ўзаро тилла суви юритилган беш юта арқон билан боғланган эди. Самоларга интилган энг баланд устунларга мис лаган, унинг тепасига эса ой гардиши ўрнатилган бўлиб, күшкниң ичига чиройли гиламлар ва беҳисоб кўрпалар тушалган эди.

Кўш эшикли кўшк баландлиги бир ярим одам бўйи, кенглиги уч юз қадам келадиган доирасифат девор билан ўраб олинган бўлиб, у ерда ҳукмдор рафиқаларининг бир-биридан чиройли, турфа безакли катта-кичик чодирлари тикилган эди.

Ҳар куни лазиз ва аввойи таомлар тортилар, ичимликлар дарё бўлиб оқарди. Элчиларнинг ҳамёнлари кундан-кунга қаппайиб борарди — ҳар зиёфатдан сўнг Амир Темур ўзига тортиқ қилинган ҳадяларни атрофдагилар билан баҳам кўрар, баъзан ажнабий меҳмонларга ҳам у—бу тегиб қолар эди.

Кунлардан бир куни испанияликларга соф кумушдан ясалган лаганлар, той-той матолар ва зарбоф тўнлар улашилди. Қадимий анъаналарга кура элчиларнинг устиларидан феруза қадалган тилла ва кумуш тангалар сочдилар. Элчилар эса уларни йигиб олдилар.

9 октябрь куни элчиларни хонимлар қабул қилдилар. Амир Темурнинг келинларидан бири, шаҳзода Мироншохининг хотини мұхташам чодирлардан бирида зиёфат берди. Элчилар қирқ ёшлар атрофидаги тўлагина ва оппоқ маликага таъзим қилганиларидан сўнг, унинг қаршисидаги узларига кўрсатилган супадан жой олдилар. Маликани канизаклар қуршаган, акобирлар ва қариндош-уруғлар гиламлар ва супалардан жой олишган, чодирнинг бир бурчагида эса муғанийлар турфа асбобларда оҳиста куйлар чалишарди.

Хонимлар соқийлар тавозе билан тилла қадаҳларда тутган шароб ва ширин қимиздан тотиб курдилар. Шундан сўнг уларнинг курсатмаси билан меҳмонларга шароб тортилар. Шунчалик кўп шароб ичилиди, кўпчилик мастиликдан ўтирган жойинда думалаб қолди. Чодир ичра шоду ҳуррамлик ҳукм сурарди.

Шу орада катта малика Каю (Сароймулкхоним) етиб келди ва меҳмонларга янада кўпроқ шароб қўйишни буюрди. Шахсан ўзи эса Алонсо ва Клавихога хизмат қила бошлади, бироқ Рун Гонсалеснинг чиндан ҳам ичмаслигини билгач, илтифотни тұхтатди.

Ичкилндан сўнг таом келтирилди, гўшт па бошқа емаклар тортилди. Эркаклар иззат-хурматда бўлдилар: ораларида маст булиб қолганлари бир-бирларига дастурхондаги овқатларини манзират эта бошладилар. Хонимларга бу машғулот жуда ёқиб қолди.

Шундан сўнг никоҳ маросими булиб ўтди. Келин-куёвга тўққиз қават шоҳона кийим-бош кийдириб, бошларига тўққиз қатор йирик тилла тошлар билан зийнатланган тож қўидирдилар: қадимий анъанааларга биноан бу бўлажак тахт ворисларига баҳт келтиради. Ёшлиарнинг қариндош-урурглари уларнинг бошларидан челак-челак дуру жавоҳир, тилла тангалар ва бошқа қимматбаҳо тошларни тўқдиларким, келин-куёвнинг оёқлари остида қалин ялтироқ гилам ҳосил бўлди. Бироқ бу бойликка ҳеч ким қўл ура олмади, зеро ерга тушган барча нарса хизматкорларга тегишили эди.

Ундан кейинги кунларда меҳмонларнинг сони кўпайди, тантаналар эса янада ҳашаматли бўла бошлади. Самарқанд аҳли ҳам тўй-ҳашамларга ўз улушкини қўшди. Шу ўринда яна Клавихога мурожаат қиласми:

Шаҳар ҳунарманодлари ва тижоратчилари Амир Темурнинг фармонига кўра лашкаргоҳда катта кўргазма ва ўйин-кулги ташкил қилдилар. Улар барпо этган гулзорлардан терилган хушбўй гулларга ёқут, жавоҳир, олмос ва феруза каби қимматбаҳо тошлар қушилиб гулдасталар ясалди, бир кечанинг ичида безатилган ажойиб болгардаги ширин-шакар мевалар кўзни ўйнатар, гавдасини ёғоч ва қамишилардан тиклаб, устига рангли мато ва гилам ёпиб ясалган баҳайбат түя меҳмонларни лол қолдирди, тикувчилар узлари яратган баланд пахта минора учун таҳсинларга сазовор бўлдилар: минорани кўпчилик булиб елкаларида олиб ўтдилар.

Матолардан тортилган соябонлар тагида созандалар хушинаво күплар чалишар, сухандозлар латифалар айтиб оломонни хўшинуд этар, чоидирлар тегасида тортилган дорда эса дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этишарди. Масхабабозлар уюштирган томоша катта қизиқиши ўйготди: майдонда кўйлар сакрай бошладилар, томошибинлар устига ўкириб йўлбарс ва қоплон таш-

ланди — бу шу ҳайвонларнинг терисини кийиб олган ғисириллар ва йигитлар эдилар, шохларига тилла суви юритилган эчки терилари остида эса лобар қизлар яширинган эдилар.

Жарчилар Амир Темурadolat үрнатажагини маълум қилганларида оломоннинг қувончига қувонч қўшилди. Ниҳоят, кулгилар тўхтади. Чодирлар оралиғидаги бўшлиқларга жаллодлар бир неча дор тиккан эдилар. Амир Темур ўқиган ҳукмлар шафқатсиз бўлиб, шу заҳотиек изжро этиларди.

У энг аввало бош вазирни жазолашдан бошлади Амир Темур сафардалигида Самарқандни узоқ вақт бошқарган салтанатнинг энг иирик амалдорларидан бири бўлган бу киши ўз вазифасини совуққонлик билан адо этгани учун шу заҳотиёқдорга осилди. Давлат маблағини ва отларни талон-торож қилган қатор юксак мартабали амалдорларнинг ҳам қисмати шундай бўлди: ўғирланган маблағлар қаерга яширилганлигини айтмаганиклари учун уларнинг айримлари олдин қийновга олиниб, кейин осилдилар. Шундан сўнг дўконларидағи молларнинг нархларини ҳаддан ташқари кўтариб юборган савдогарлар ва тижоратчиларга навбат келди, баъзиларининг бошлари таналаридан жудо этилди, баъзиларининг мол-мулклари мусодара қилинди.

Клавихонинг таъкидлашича, Самарқандда юксак мартабали жиноятчи зотлар дорга осилар, фирнбгар ва муттаҳамлар сўйилар экан (қадимги удумларга кура акобирларнинг қони тўклиши мумкин эмас).

Шу оқшом томошалар ниҳоясига етганида ҳамманнинг кўнглига қўрқув ва ваҳима оралаган эди. Кастилия элчилари эса ҳеч кимга билдирамай гойиб бўлдилар.

Бу воқеадан тўрт кун ўтгач, сарой ходимларидан бирин келиб уларни ҳукмдор боргоҳига бошлади. Бош боргоҳнинг синига иккита янги ипак боргоҳ тикилган бўлиб, бу ерга ҳам ҳашаматли чодирлар үрнатилган эди. Бу масканлар шу оқшом инкоҳланадиган ёш келин-куёвларга мўлжалланган экан. Чодирларнинг атрофига соябонлар үрнатилган бўлиб, ҳар бир соябонининг тагида меҳмонтарга аталган шароб тўла каттакон хум қўйилган эди.

Таомлар тортилишидан олдин барча элчилар соҳиб-қироннинг чодирига кириб, яқиндагина кичик Хиндистондан келган ўлка ҳокими, бадавлат кийинган шаҳзо-

дага таъзим қилдилар. Бу Амир Темур түнгич фарзандининг ўғли, набираси Пирмуҳаммад бўлиб, у шунча узоқ масофадан амакиваччаларининг тўйларига келган эди.

Пешинга яқин элчилар ва мартабали зотлар Амир Темурниң ҳузурига, олий боргоҳга таклиф этилдилар. Ҳамма гиламлар ва супалар устидан жой олиб бўлгач, боргоҳларининг биридан Кано (Сароймулхоним) чиқиб, эри ўтирган маскан томон йўл олди. Ҳонимнинг ҳамроҳлари ва ортидаги канизакларини кўриб мажлис аҳлиниң кўзлари қамашди.

Кано (Сароймулхоним) нинг кенг зарбоф кўйлаги этакларни үн беш канизак кутариб келарди. Унинг сутдек оппоқ чеҳраси улугвор курнарди. Маликанинг бош кийими аскар дубулғасига ўхшаб кетар, бундан унинг юксак ғуур соҳибаси эканлиги кўринниб турар эди. Сароймулхонимнинг бош кийими матодан ясалган бўлиб, заррин ип билан тикилган ва шарқнинг энг қимматбаҳо тошлари ва жавоҳирлари билан безатилган эди. Унинг устидан уч дона йирик ва чиройли ёқут билан зийнатланган тож кийилган бўлиб, оппоқ попуклари босган қадамнга мос равишда силкинарди. Маликанинг қоп-қора соchlарни елкаларини ёпиб турарди. Енида келаётган ғулом қулидаги оппоқ соябони билан уни қуёшнинг оташин нурларидан ҳимоя қиларди. Маликанинг ҳамроҳларн уч юз ҳонимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳашаматли кийинган эди.

Ичкарга киргач, малика ўз ҳамроҳларидан ажради ва Амир Темурниң ённдан, бироқ ундан бир оз орқароқдан жой олди. Қлавихони ажаблантирган воқеа шундан кейин рўй берди: бирин-кетин яна учта айнан бир хил тартиbdаги саф куринди, уларнинг бошида худди Кано (Сароймулхоним) каби кийинган аёллар келишарди. Уч малика ҳам катта малика ортидан ўз мавқеларига мос ўринларни эгаллашди.

Уларнинг уччалови ҳам Амир Темурниң хотинлари эди (унинг мусулмонлиги ёдимиздан чиқмасин); уларнинг ўртасида рашқ ёхуд рақобат бўлмаслигни учун соҳибқирион ҳаммасини ҳам бир хил кийинтирас, баробар миқдордаги канизаклар билан таъминлаган эди. Маликаларнинг кетилан яна бешта аёл кирди, булар соҳибқирион набираларининг рафиқалари эди.

Амир Темур ўзи ёқтирган меҳмонларга шароб қушилган қадаҳларни узатиб, зиёфатни бошлаб берди. У

Лашкаргоҳга тинмай янгидан-янги меҳмонлар келиб қўшилишарди; булар салтанатнинг барча бурчакларнидан Амир Темур даъватига биноан кетаётган аскарлар эдилар.

Мўгуллар истилосидан бери ягона саркарда атрофига жинслашган бундай жангчилар жамоасини «Урда» (туркйида «ўрду» — лашкаргоҳ) деб аташарди.

Бу ном тилга олингандага кўз олдимизга одатда тартибсиз, шовқинли, қўпол суворийлар ва ғилдираклари мойланмаган аравалардан иборат беҳисоб қўшин келади. Клавихоннинг қаламига мансуб қўйидаги сатрлар биз овруполикларнинг тасаввурлари алдамчи эканлигиндан далолат беради:

Юксак тартиб-интизом ва фидойилик билан ишилаган Амир Темур ўрдуси йигирма минг чодирдан иборат ҳақиқий бир шаҳар тиклади. Бу шаҳарнинг ўз уйлари, қўчалари, майдонлари ва бозорлари бор эди. Мўъжиза сифат пайдо бўлган бу шаҳарнинг қоқ марказидан соҳибқироннинг чодири жой олди.

Ўрду одамлари тобора кўп сонли гуруҳларда, аммо ҳарбий тартибга қатъий риоя қилиб келишар, сўнг боғичра ўз жойларини эгаллашар, ҳукмдор ҳузурига зиёфатга таклиф этилганликларидан баҳтиёр ҳолда шоду хуррамлик қилишарди.

Клавихони, айниқса, ўрду ёрдамчи қисмларининг ташкил этилиши қаттиқ ҳайратга солди.

«Ўрдуда барча керакли нарсалар мавжуд ва ҳар ким ўз вазифасини яхши билади, — деб ёзади у ва шундай қўшимча қилади: — Бу ерда қассоблар ва ошпазлар лиширилган гўшт, савдогарлар мева ва сабзавот сотадилар, нонвойлар тандирларини ўрнатиб нон ёпадилар, бу ерда ҳатто ҳаммомчилар кўчма ҳаммомларини тиклаганилар, уларга чодирларнинг ташқарисидаги қозонлардан иссиқ сув узатилади».

Шу оломон беҳисоб қовурилган гўшт истеъмол қилди, Ўрдуга келиб қўшилган Амир Темур ҳузурида купсизли мешлардаги шаробларни бушатди.

Тантаналарни ёпишдан олдин Амир Темур оломон қариниңда набираси, марҳум Муҳаммад Султоннинг укаси Пирмуҳаммад билан пайдо бўлди; бобоси Кобулга жунаб кетаётган амирзодани тахт вориси деб эълон қиласди.

Эртасига у тўй-ҳашамлар ниҳоясиңга етганини, кўнгилхушлик тугаганини, ҳар ким ўз ишига қайтиб, ортиқ

иңкүлдік ичмаслігінің маңында қылды. Ү ажнағай әлчи-
лар билан тезгина хайр-маъзур қылды; Миср әлчиңи үз
хукмдорнан зархал ұарфлар билан битилған бир неча
метрлік мактуб олиб кетди, мактубда Қора Юсуф ва
султоң Ахмадин ғанды қылғаннан учун Миср султоннан
миннатдорчылық билдирилған жағдай.

Кастилия қироли әлчиларнан келсак, Амир Темур
билан сұнгы бор күрнешиши уларга насыб этмади, зоро
салтанат бош боргохининг қуриқчиларни ҳукмдор қаттық
бетоболигини айтты, уларни ортига қайташынды. Шундай
қылжылар уни қайта күролмай йүлга чиқылар да
фақатгина 1406 йилнаның 1 марта Испанияга омон-эсон
еттиб бордилар.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҰЛИМИ. УНИНГ ШАХСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

1404 йил 27 декабрь куни құшын ғавбатдаги сафарга шай бўлди. Амир Темурни олиб юриш учун маҳсус уриндиқ тайёрланди. Қишининг эрта келиши ва қаттиқ бўлиши кутилаётганинга қарамай, Мовароунаҳр, Туркестон, Хуросон, Эрон, Ироқ ва мўғул Үрдаларидан келган икки юз минг суворий салтанатнинг кумуш аждаҳо тасвири тушрилган қора туғи ортида саф тортиб турарди.

Куни битаётганини сезган Улуғ амир баҳор келишини кутиб тура олмасди. Унинг фармонига биноан лашкарларга иссиқ кўйлаклар, қавилган кийимлар ва қалин тўилар тарқатилди; темир гилдиракли беш юз аравага қўш ёпқичли чодирлар юкланди, заҳира отлар ҳамда қимизи қийин лаҳзаларда аскарларга асқотадиган бир неча минг бия ҳам сафарга тайёрлаб қўйилди. Құшын үтиши мўлжалланган ўлкаларга илгор қисмлар жўнатилди, уларга йул ёқаларига буғдой экиш топширилди, токи қиши тугаб, бирор-бир фавқулодда ҳолат рўй бергудек бўлса құшын оч қолмагай.

«Хитой билан уруш қилиш учун гоят катта қудратга эга бўлмоқ даркор», — деган эди бир пайтлар Амир Темур. У шимол томон йўлга тушган қўшинини кузатар экан, шу бекиёс қудратга эришганинга имони комил эди.

Унинг режаси бўйнча музлаган Сирдарёдан Туркестон шаҳри яқинидан үтилнб, Утрор қалъаси забт этиларди, сунг Алмалик, ундан кейин эса Турфон орқали үтиб Су-Чу қўлга киритилиши лозим эди. Айнан шу йўлдан Марко Полонинг амакилари үтишган, бироқ улар бу ишни илиқ ва қуруқчилик пайтида амалга оширишган. Аммо ҳозирги шароитда Амир Темур лашкарлари бу масофани уч ойда босиб үтишлари ва баҳорда Чин қўшинлари устига қўйқисдан ҳужум қилишлари лозим эди.

Пўлда қалин қор қоплаган ўлкалардан ўтдилар, кучли аёзга дуч келдилар, катта миқдордаги аскарлар ва жониворлардан айрилдилар. Совуқ шу қадар кучли эдикни, кўкдаги қушлар қотиб срга тушар, аскарларининг

нафаслари соқол-муйловларига ёпишиб қолар эди. Ҳи-
ровул айрим жойларда қорнинг қалинлиги аскарларнинг
кўкрагига етишини хабар қилди. Бироқ, ўзига ҳам, ўз-
гага ҳам шафқат қилмайдиган ва улимни орта қол-
диришни истаган Амир Темур қушинини ҳеч иккилан-
май шиммол томон бошлаб кетарди.

Ниҳоят, Утрорга ҳам етиб келинди. Лашкаргоҳ тик-
ланиб, шох-шаббадан гулханлар ёқилди. Қалъа девор-
ларидан уфққа қадар ястаниб ётган қорни курган ако-
бирларнинг кўпчилигни кўкламгача шу ерда қолиб ке-
тишларига амин эди.

Утрорда фақатгина нафас ростлаб ўтишни хаёл қил-
ган олий буюк саркарда эса Бердивекнинг саройнда
тўхтади. Биринчи тундаёқ биноннинг томинга ўт кетди,
соҳибқирон қушинидаги мўғуллар буни ёмон нишона,
деб талқин қилдилар. Қовга буржиде уч сайёраннинг
бир-бирига яқинлашганини кузатган мунаҷжимлар фа-
локатни башорат қилганларнда, мўгулларнинг кайфия-
ти бутун қушинни эгаллади.

Амир Темур сарой томини тузаттирганидан кейин
Тухтамишхон акобирларидан бирини қабул қилди; ўзи-
нинг дарбадар ҳаётидан нолиган бу кимса соҳибқирон-
дан айбидан ўтишни ҳамда Үрда тахтига ўтиришига
кўмаклашишини сўраттирган эди. Кўрнамак бу дўстига
нисбатан кўнглида кири бўлмаган Амир Темур унга
Хитой юришидан сўнг ёрдам беришга ваъда қилди.

Шундан сўнг у яқин кунларда Самарқандга қайтиш-
лари лозим бўлган маликалар ва шаҳзодалар шарафи-
га зиёфат берди.

Мана шу зиёфат чогида, яъни 1405 йил 12 январь
куни хуруж қилган хасталик уни тўшакка ётқизиб қўй-
ди. Айрим муаррихлар Амир Темур меъёридан ортиқ ша-
роб ва бўза ичганини, оқибатда бедаво дардга йулиқа-
нини ёзадилар. Бошқаларни эса унинг аъзон баданини
кучли иситма қамради, алаҳсирай бошлади ва натижада
жон таслим қилди, дея таъкидлайдилар.

Бунинг сабаби, эҳтимол, кексайиб қолган саркарда
қирчиллама қишида ошигич йўл босиб, ўпкасини совуқ-
қа олдириб қўйган ва ўзини ҳолсиз сезиб, дардга даво
бериш мақсадида ичган, ичкилик эса уни тузатиш ўрини-
га, аксинча, фалокатини яқинлаштиргандир. Муаррих-
лар ҳар қалай бир масалада, яъни Амир Темур ҳеч қа-
чон ичкиликка ружу қилмагани хусусида яқдил.

Метин иродали бу инсон бир неча кун давомида оғир
дардга қарши курашди; у қатниқ алаҳсирап, баъзан

фикри равшан тортиб қоларди. Ана шундай пайтларда у лашкарларининг ҳол-аҳволини сўрар, Қуръони карни оятларини тиловат қиласади.

1405 йил 19 январь тоғигида у шу даражага етдики, солномада айтилганидек «на салтанат, на лашкарлар, на беҳисоб бойликлар ва на тожу тахт ҳеч нимага арзимай қолди». У ўз яқинлари ва амирларни ҳузурига чақириб васият қиласди:

— Бошлиган ишингизни давом эттирингиз, ҳаммандиз бир жону бир тан бўлнингиз, таҳтим вориси Пирмуҳаммадга итоат қилингиз.

У ўғли Шоҳрух шу дамда ўз ёнида эмаслигидаи афсусланди ва ҳушини йўқотди. Шундан сўнг қориларнинг Аллоҳнинг таҳдолиги ва имоннинг барқарорлиги ҳақида Қуръони каримдан қилаётган тиловатлари эши-тилиб турди, холос.

Кечки соат саккизларга яқин у даҳшатли бир ҳай-қириқ чекди, қориларга қўшилиб «Расул барҳақ!» деб шивирлади ва жон таслим қиласди.

— Жин урсни! Худонинг ғазабига учради! — деб хи-тоб қилишди ғанимлари.

— Аллоҳ раҳмат этсин! — деб дуо қилишди дусту сафдошлари, чунки у ғазот эълон қилиб, Худо йўлида шаҳид кетган эди.

Шундай қилиб, Улуғ амир оламдан ўтган бўлса ҳам ўз замонаси шоҳидларини икки қарама-қарши гуруҳга бўлишда ҳанузгача давом этмоқда.

Кўп замонлардан буён муаррихлар Амир Темурнинг асл шахсияти ва сиймосини тиклашга ҳаракат қилиб келадилар. Улар, албатта, соҳибқироннинг ташқи кўринишидан шу гайриоддий сиймоннинг одамларни лол қолдириб, тарихни ҳам ўз измига бўйсундира олган хислатларини топишга ҳаракат қилишади.

Аммо, бу мавзудаги қадимий ва замонавий асарларни ўқиган китобхон кўп саволларга жавоб тополмайди, зоро Амир Темур портретига тортилган чизгилар кўпинча шубҳа уйготади.

Табиийки, энг дастлабки манбалар соҳибқирон тасвирланган шарқ миниатюраларидир, бироқ улардан ҳам кўп нарса олиб бўлмайди. Бизга маълум барча миниатюралар Улуғ амир вафотидан сўнг яратилган.

Уларда турфаранг чодирлар марказидан жой олган шоҳона либосдаги ёхуд чиройли тулпор устида ўтири-

ган Амир Темур тасвирланган. Унинг асосан классик үсүлда чизилган чөхрасида күзлари баъзан қиргий этиб курсатилган.

Бобурийлар ҳукмронлик қилган Ҳиндистонда яратилган миниатюраларда эса юзи думалоқ, кўзлари ошиқона бокишида акс эттирилган.

Амир Темур тасвирланган энг қадимий (XVI аср) Овру́по гравюралари ҳам уйдирма портретлардан ўзга нарса эмас. Инглизлар уни Икки Атиргул уруши давриишиг лорди қиёфасида кўриншса, француэлар эчкисоқол д'Артанян, олмонлар серсоқол рицар, итальянлар эса флоренциялик жаноб куринишида тасаввур қилишган. Ва лекин на миниатюраларда ва на гравюраларда Улуг амирнинг ногиронлигига бирорта ҳам ишора йўқ.

Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур солномаси битилган, адоватдан холи бўлмаган «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» номли (араб тилинаги) асадагина соҳиб-қироннинг ҳақиқатга яқин ягона бадиий портретини учратиш мумкин.

Самарқандда яшаган бу адаб кексайиб қолган жаҳонгирин кўп маротаба кўрган; шу сабабли ҳам уни замон ва воқеаларнинг тирник шоҳиди деб ҳисоблаш мумкин.

Сарой адилларнинг мадҳияларга бой солномаларидан фарқи үлароқ, соҳибқиронга холис муносабатда була олмаган суряялик муаррихнинг қаламига мансуб сатрлар ҳақиқатга яқинроқдир. Ибн Арабшоҳ асарининг сўнгида Амир Темурнинг мақтоловларга тўла руҳий ва жисмоний портретини учратган китобхон ажабланмай иложи йўқ, бу билан адаб ўз рисоласида қаҳрамонига нисбатан ёмон муносабатда бўлганидан азоб чекаётгандек туюлади:

«Амир Темур баланд бўйли ва бақувват инсон эди. Унинг калласи катта, пешонаси очиқ, териси оппоқ ва соглом бўлиб, кенг елкаларн, узун оёқлари ва мушакдор қўллари куринишига салобат берниб турарди. У ўнг томонга оқсоқланиб юрар, соқоли узун бўлиб, ингоҳига ҳамма ҳам бардош бера олмас, овози баланд ва йўғон эди.

Ёши саксонга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳамон бақувват, ақл-ҳуши жонида, тик қомати ва иродаси қоя каби мустаҳкам эди.

Амир Темур улнидан қўрқмасди. У ҳақиқатни — у қанчалар аччиқ бўлмасин — ҳамма нарсадан устун қўярди. У ёлгончилар, мақтандоқлар ва фирибгарларни

ёмон күрар, омади чопмаганинда куюмас, ютуқларыдан магурланиб кетмас эди. Унинг ҳузурида уятсиз сўзлар айтилшига, қон тўкишлар ва горат қилишлардан мақтаниб сўзлашга йўл қўйилмас эди.

У жасур, мард, салобатли ва ҳурматли инсон эди. У энг хавфли ўлкаларда ҳам жанг қилишдан қайтмай. Диган, ашаддий душманларни ҳам маҳв қиладиган ва энг қаттиқ ҳимоя қилинган истеҳкомларни ҳам забт этадиган мард ва довюрак аскарларни ёқтиради. Амир Темур синчков ва зийрак инсон бўлиб, ҳар қандай фигна ва макр-ҳийланни олдиндан кўра биларди. У воқеа ва ҳодисалар сабаби ва моҳиятини яққол кўриб туради. У ҳеч қачон илгари қабул қилган қароридан қайтмас, бир сўзли ва бир амалли инсон эди¹.

Амир Темурнинг жисмоний ва руҳий портретига чизгилар

Турли тарихий манбалар ва Ибн Арабшоҳининг Амир Темур солномасидаги матерналларга асосланниб соҳибқироннинг етук ёшдаги портретини яратиш мумкин.

Амир Темур бўйн бир метру етмиш сантиметр (уз замонаси учун жуда баланд), елкалари кенг, бўйни йуғон ва боши катта, алпқомат ва бақувват инсон бўлган.

Унинг чеҳрасида кучли характер эгасига хос белгиларни кўрниш мумкин: кенг юзининг ёноқлари алвои, қирра бурун, лаблари қални, кўзлари йирик, киприклири узун. Улуғ амирнинг териси оппоқ, пешонаси кенг, узун мўйлови ва тарошланган соқолининг ранги қора ва қулранг-қизғиш бўлган.

Соҳибқирон билан мулоқотда бўлган ҳар бир кимса унинг на хасталик ва на кексаллик сўндирига олган жушқин ҳаётий завқ-шавқидан, узини тутишиндан, одамлар ва рўй берәётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардорлигидан ҳамда дунёда ҳеч нарса раҳна сололмайдиган кучли иродасидан ҳайратга тушарди.

Биз бугунга келиб Амир Темурнинг жисмоний қиёфаси хусусида деярли тулиқ тушуичага эга бўлсак-да, унинг руҳий портрети борасида, аксинча, кўп нарсалардан бехабармиз. Унинг характери ва шахси турли қарама-қаршиликларга тўла, иқтидорининг баъзи қиралари эса изоҳга муҳтож.

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарзни таймур, 2-кинг, 65-бет (тарж.).

Улуғ амир ғоят қаттиққүл бұлғаны түғри, буни унинг үз замонасидаги әңг құдратлы қүшинининг қилмишлары билан ҳам боғлаш мумкин...

Соҳибқирон яшаган замона жаңгу муҳорабалар даври бұлғанлыгынан тан олмоқ лозим; шоҳлар, султонлару қабила бошынқлары ҳам бир-бирларига қаршы жаңг килиб турғанлар. Амир Темур ҳам улардан истисно әмас, фақат у олиб борган жаңгларының миқәси үзгача.

Амир Темурининг илм-фан асарларының ва уларының муаллифларының ҳұрмат қилемши ҳамда уларны ақолининг бошқа ижтимоий ва қасб-хунар гурухларидан ағзал күрнеши диққатта сазовордир.

Ҳарбий саркарданың бу олижаноб хислаты қатор солномачылар, жумладан, Ибн Арабшоқ томонидан ҳам қайып этилған: «Амир Темур олымларни яхши куар, сайду шарифларни ҳұрмат қиласы, уламолар ва фозилларга юксак иззат күрсатыб, уларни бошқалардан юқори құярды; уларының ҳар бириның ҳұрматының жойига құйыб, мұруватыны аямасди. У уста ҳұнармандлар қасб әгаларидан үз меҳрини дарнға тутmasди»¹.

Биз юқорида тиңгә олиб үтгап Дамашқ шаҳриның фатх этилиши арағасыда Амир Темур ва Ибн Халдун уртасыда бұлып үтгап суҳбат бу борада ибратидир. У магриблик мутафаккирга Farbda ruy beraet-ған воқеа-ходисалар хусусыда қатор саволлар берди, сұнгра «Ибн Халдунға бу борада шундай нарсаларин сұзлаб бердікім, суҳбатдоши бундан ҳайратта түшди ва ажабланды... зеро Амир Темур турфа давлаттар ва уларының подшоҳлары тарихинде юксак даражада биларды» (Ибн Арабшоқ). Замондошларының Улуғ амириннегін библиографиясында ғана көрсетілген молниктер. Суҳбат сұнгыда Амир Темур буюк мұаррих ванының ҳамроҳларында ҳам мұруват жүргізілді: уларға озодлік берди ва үз қимоясига олди.

«Зафарпома»да ҳам шунга үхшаш қатор ҳолаттар тиңгә олинады. Жумладан, Бағдодда шундай ҳол рүй берган: «Уламою солиҳлар ва машойихлардан бир жамоа үзларини аранғ Амир Соҳибқирон ҳузурига етказа олған әдилар, улар борасыда марҳамат күргазыб, түн ва улов берди, сарфу ҳаражатларында маош тайинлаб, саломат үз жойларында етказди»².

¹ Ибн Арабшоқ. Ұша китоб, 69 бет (тарж).

² Низомиддин Шомий. Зафарпома, Т., 1996, 314-бет (тарж.).

«афарнома»да ёзилнишича, Түркия маҳв этилгандан сунг «Амир Темур салтанат юмушларидан хад бўлгач, ҳар оқшом уламо ва фозилларни ўз қошиб таклиф этиб, фан ва диннинг энг нағис муаммолардан баҳс юритарди».

Амир Темурнинг илм аҳлига кўрсатган иззатматига қарамай қатор солиомачилар уннава саводсиз кўрсатишган. Бу борада ёзма манбаларда иоаниқликлаш мавжуд. Яна ўша Иби Арабшоҳда, Амир Темурнинг мухолифи бўлмиш ўша муаррихнинг китобида қўйида ги маълумотни учратамиз: «Темур тарих ҳақидаги китобларни ўқишини ва у ҳақидаги ҳикояларни тинглашни ииҳоятда ёқтирадарди». Ва яна настроқда: «Бунинг устига, у саводсиз бўлиб, араб тилида на ўқишини, на ёзишини биларди ва на тушунарди. Форс, турк ва мўгуз тилларини эса у ҳаммадан яхши биларди»¹.

Эҳтимол, араб тилида ижод қилган адаб Иби Арабшоҳ бу тилин уламолар бблиши лозим бўлган ягона тил деб ва бу тилни билмаганларни нодон, деб хисоблагандир. Бироқ бу билан муаллиф Амир Темур форс, турк ва мўгуз тилларини батафсил биларди, демоқчими ёки бу тилларда фақатгина сўзлаша оларди демоқчими?

Айрим шубҳаларга қарамай, шундай хулосага келиш мумкинки, Улуғ амир ўзининг диний, фалсафий, тарихий ва асосан, ўзи раҳбарлик қилган умумсалтанат юмушларнин ташкил этиш ва уннава бошқариш мавзусидаги баҳсларда кўп маротаба намойиш этган билимлари ва бебаҳо қобилиятларига қараганда ўқиши ва ёзишини билган, демак, китоб ўқиб ўз билимларини орттиришига ҳеч нарса халақит бермаган.

У ўсмирлигида Кеш масжидида тез-тез учратиб турган отасининг дўстлари бўлмиш сўфийларнинг хам таълимнин олган бўлса ажаб эмас.

Амир Темурнинг меъморчилик ва тасвирий санъатга катта ихлос қўйганини, аксинча, ҳамма тан олади. У ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд ва Кешда бунёд эттирилган иморатлар: жомелар, саройлар, мадрасалар ва масжидлар форс ёхуд чин ёдгорликларининг кўр-кўrona нусхаси эмас. Улар турли-туман ва бетакор; улар Улуғ амир Самарқанднинг чиройига чирой

¹ Иби Арабшоҳ. Юқоридаги китоб, 70-бет (тарж).

Құшишни ишониб топширган турлы маданият ва техникаға әга меймөрлар маҳоратиннің маҳсулидир.

Хозирғы кунда ҳам Самарқандда ана шу месъморий мажмуалардан учаси мавжуд: булар «Бибихоним» деб номланған жоме масжиди, хилхонаға лйланған Гүри Амир масжиди ва ажойиб безаклар берилған хилхоналар мажмуасы — Шоқизинда.

Бу мажмуалар қурилишинда Амир Темур фаол иштирок этгаси. Солномаларда гувохник берилішича, у қиын курилаётган биноларни бир неча маротаба буздирған ва ўз күрсатмаларига мувофиқ қайта қурдирған.

«Зафарнома»да «Боги Шамол» саройи қурилишида ишлатылған услублар хусусида қимматлы маълумотлар келтирилған: «Пойтахтга йыгилған барча мамлакатларнинг энг яхши мұхандис ва меймөрлари саройиннің ресжасини түздилар. Амир Темур уни күриб чиқди ва маъқуллади. У қурилишини бир неча қысмларға булиб ва уларнинг ҳар бирига биттадан амирни жавобгар этиб тайинлади. У сарой қурилиши әртароқ ниҳояснiga етшини истар, шу сабабли ҳам бир ярим ой давомида бунёдкорлық ишларига ўзи бевосита бош-қош булиб турди».

Фусункор «Боги Дилкушо»нинг бунёд этилиши хусусида солномада «Амир Темур бөг ўзи хоҳлаганидек барпо этилганини күргач...», деган сатрлар бор. Бу эса бөг лойиҳаси ишланаётган пайтда соҳибқирон меймөларға ўз мулоҳазаларини баён этганидан далолат беради.

«Зафарнома»да ҳам, Ибн Арабшоқ ва Ҳофиз Абрүннің асарларыда ҳам Амир Темурнинг инсон ва ҳайвонлар тасвири туширилған расмларға бұлған қизиқиши ҳақида (гарчи жонли мавжудотни расмларда акс эттириш ислом ақидаларига зид бұлса ҳам) қатор гувохниклар келтирилған.

Солномада ёзилышыча, 1396 йылда Самарқандга қайтиб келған Амир Темур энг моҳир меймөрлар ва ҳунармандаларға таяниб, бунёдкорлық ишларини бошлаб юборған. Тарихий манбалардан маълум булишича, соҳибқироннинг расмлар галереясын булиб, улар орасында унга, аиниқса, Монийннің (Марказий Оснёда топылған энг нағиғе картиналар илк ислом даврида яшаб ижод қылған шу мусаввирнинг қаламига мансуб, деб тахмини қнлинади) расмларын ёқарди; бироқ шунга қарамай, у Эрон ва Багдоддан келған мусаввирларға ўзиннің «Боги Шамол» ва «Боги Дилкушо» боғларыда барпо

этилаётгани саройларининг деворларига ўша расмлар кўра нафисроқ суратлар чиздиради.

Амир Темур ўзи барпо қилган рассомчилик устасига Бағдоддан келтирилган моҳир санъаткор, расом ва чизмакаш Абд ал-Ҳайнин бошлиқ қилиб гайин лади. Афсуски, саройлар вайрон этилиши билан деворларидаги расмлар ҳам йўқолиб кетди, умрининг сунгти йилларида мутаассиб кимсалар томонидан Қининоқни солинган Абд ал-Ҳай эса яратган шоҳ асарларини қўллари билан бузиб ташлади. Унинг санъатини гирдлари давом эттириллар, бу санъат кейинчалик Улум амирининг авлодлари даврида гулаб-яшинаган «Темурйлар миниатюраси» деб ном олмиш ажойиб мактабга катта таъсир ўтказди.

Амир Темурининг тасвирий санъатга бўлган қизиқиши фақатгина эстетик табнатга эга бўлмай, балки сиёсий мақсадларни ҳам кўзда тутарди. Биз ҳозирги кунда кино ва телевидениедан тарғибот мақсадида қандай фойдалансак, у ҳам тасвирий санъатдан айнан шундай мақсадларда фойдаланаарди.

Шу маънода Ибн Арабшоҳнинг асаридан олинган қўйидаги парча диққатин жалб этади: «Темур ўз саройларидан айримларининг деворларига суратлар чизишни амр айлади; уларда сарой аҳлиниң мажлислари, ўзининг гоҳо кулиб, гоҳо қаҳрли турган ҳолатлари, қилган муҳораба ва қамаллари, ҳузурига қабулга келгани подшоҳлар, амирлар, сайидлар, уламою фозиллар ҳамда улуғлар тасвириланган эди... Салтанат таҳтига ўтирган кунидан бошлаб ҳаётида рўй берган катор воқеа-ҳодисалар, ҳатто, энг сунггилари ҳам, шу давомли суратларда ўз аксини топган эди. Уларда ҳеч нарса унтуилмаган ва ҳеч нарса кўшилмаган эди. Унинг бундай қилпишдан мақсади қўлга киритган зафарларида бехабарлар уларни кўриш ва ҳатто, шу муҳорабаларда бевосита қатнашгандек тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратиш эди». Бебахо ҳужжат булиб хизмат қилиши мумкин бўлган ўша деворий суратлардан ҳеч нарса сақланиб қолмаган, зоро биз суз юритаётгани саройлар вайрон булиб кетганига кўп замонлар бўлди.

Улуг амир ҳузурида тасвирий санъатдан кейин энг кўп қулланиладиган санъат тури мусиқа эди. Унинг

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал мақдур фи тарихи Таймур. 82-бет (тарж.).

амрига биноан барча тантаналарда энг таниқли со-
занда ва хонандалар иштирок этардилар. У мусиқанинг
барча услубларини бирдек ёқтирган кўринади. Ҳофизн
Абрунинг китобида Чин юриши бошланишига бағиш-
ланган тантаналар қўйндагича тасвирланади: «Хушнаг-
ма соъзандалар ва хушвоз хонандалар форс тариқаси-
да, ажам тартибида, араб қондасида, турк йўсунида,
мўғул аёлгусида, хитон русумида, алтой услубида соз
чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг bogламоқ ила машгул
эдинлар»¹.

Ибн Арабшоҳнинг асари орқали биз Амир Темур
секторни кўп ёқтирганини билib оламиз.

У шоҳмот саиъатидаги ҳам ниҳоятда кучли бўлиб, бу
соҳанинг усталари билан бемалол куч синашарди.

Амир Темурнинг мағрурлиги ва улугворлиги ҳақида
Ибн Арабшоҳ унинг табиати қоплонникидан, кайфияти
шерникидан қолишимасди; у бошқалар бошини узи-
дан баландроқ кутаришига, узидан устун келишига чи-
дай олмасди: бундайларни бир зумда эзиб, янчиб таш-
ларди, деб ёзади. Унинг бу хислатидан атрофдагилар
куп азият чекишарди, зоро у лаганбардорлик ва тил-
ёғламачиликни ёмон кўрар, аччиқ бўлса-да, доимо ҳа-
қиқатни айтишларини талаб қиласарди.

У ўз тақдиринга бехад ишонарди. Ўзининг ҳар бир
қўйган қадами ва қабул қилган қарорини Худо билан
боғларди, кетма-кет қучаётган зафарларини эса илоҳий
кучларнинг ўзинга кўрсатаётган марҳамати, деб ҳисоб-
ларди.

Ҳофизн Абру келтирган Амир Темурнинг қўйидаги
шонрони нутқида унинг маънавий дунёси ўз аксини
топган:

«Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси
рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жиловини
бизнинг қудрат чангалимизга тутқазган ҳамда жаҳон-
нинг қуруқлиги-ю сувларидаги барча маҳлуқотни биз-
нинг амримизга бўйсундирган...»².

Шубҳасиз, Амир Темурнинг айрим башорат қила-
билиш хислатлари ҳам бўлиб, бу унга мана шу муҳит-
да буюк мунахжимларга хос сирли куҷ-қудрат бахш
этарди. Ҳар бир йирнк воқеа-ҳодиса ёхуд муҳораба ол-

¹ Ҳофизн Абру. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома шоҳий»
асарига илова. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996, 393-бет
(тарж.).

² Ҳофизн Абру. Уша асар. 394-бет (тарж.).

дидан Темурга плохий хабар келар, булажак ишлар нинг нима билан тугашни олдиндан айта олар, гашш ларининг макрларин сезар ва ўз амиру акобирлари орасидан хиёнат фикрида юрганларни топа биларди.

Ундаги бу хислат муқим эмасди. Аммо Амир Темур ундан унумли фойдаланаар ҳамда бошқаларнинг тасав вурини лол қолдирадиган тафсилотлар билан үраб, уни янада бойитар, таъсир кучини усталик билан кучайтирип эди. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, масалан, Амир Темур ўзи билмаган бирор шаҳарга ташриф буюришидан олдин шу шаҳарнинг майдон-кӯчалари ва кўзга кўринган аёнларининг ҳаёти, юриш-туришлари тўғрисида ипидан-нгнасиғача хуфёна билиб оларди.

Шаҳарга киргач эса, у кӯчаларда бемалол сайр қиласлар ва маҳаллий аъёнлардан бирини чақириб, барчанинг кўз ўнгида ундан фақат шу кимсагагина маълум бўлган воқеа ва муносабатлар тўғрисида худди эски танишлардек суриштира бошларди. «Ана шунда суҳбатдоши ҳайратдан ёқа ушлар, Амир Темур рўй берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган экан-да, деган хаёлга борарди»¹.

Ҳақиқатдан ҳам Амир Темурнинг хотираси ниҳоятда уткир эди, энг кичик тафсилотларни ҳам ёдда сақлаб қоларди. Унинг айгоқчилари ҳар бир ўлка ҳақида, унинг бойликлари, харитаси, табиий ва сунъий искеҳомлари, иҶилими ва аҳолиси тўғрисида мукаммал ҳисботлар тайёрлаб келтиришарди. У бу маълумотларнинг барчасини эслаб қолар ва улардан ўрни келгандага салтанатининг манфаатлари ёхуд стратегиясини ўзгартириш учун фойдаланарди.

У салтанат юмушларига ва савдо-сотиқни ривожлантиришга катта эътибор берарди. Салтанат хизматнга олинадиган амалдорларга қаттиққўл эди. У барча ўлкаларда, айниқса, ўзи йўқлинига тартиб-интизом сақланишини талаб қиларди. Узоқ сафарлардан қайтгач, амалдорларнинг ҳисботларни тинглар, йул қўйилган камчиликларни тузатарди: бирор нарса унинг эътиборидан четда қолмасди. У айнан шундай қилибгина, ўзи сафарга кетганида аҳоли ораснда норозиликлар туғилишининг олдини олиш мумкинлигини жуда яхши биларди.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, у сафарлардан қайтгач.

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. (2-китоб.) 72-бет (тарж.).

салтанат поитахтида қуйидағи юмушлар билан фаол шуғулланарди:

«Темур үз гойиблигіда мамлакати ва раиси ишларда нелар юз берганини сүришириб, еру мұлклари масалаларини дікқат билан үргана бошлади ва ҳокимнегарга үйл-йүрікілар күрсатди; атроф ва чегаралар, теварап-четлар фойдаси табдирини күриб, каттаю кичикнинг гамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машигу 1 бүлди. Үз мұлоқазаси тақазосига күра барча ашъдарни үз үрніга құйиб, жами мансабу мартабалар жиғловини ұшанга сазовор кишилар құлғига тұтқаза бошлади. У сайидларни эъзозлаб, кароматлар соқиблари бүлган авлиёларни иззату икромли қилди, илму фанни ва унинг ахллари ҳурматини ошириб, уларга мұруевватини сочиб, мартабаларини улуглади; у муфсидларни бартараф қилиб, мұртадларнинг илдизини қуритди, зиногирларни бүгдіриб, үгриларни салб эттирдіки, ниҳоят унинг шундай саъї-ҳаракатлари туфайли салтанат юмушлари тартиб-интизомли бўлиб, ҳуқумат рисоладагидек фаолият күрсатарди»¹.

Барча буюк саркардалар каби Амир Темур маглубият алами ва зафар нашидасини үз аскарлари билан баҳам күради. У улардан метиндең тартиб-интизом талаб қилса-да, мажрухлігінга қарамай уларга бөш бўлиб жангта киради. У аскарларини ҳеч қачон жанг майдонида ёлғиз ташлаб кетган эмас.

Унинг шиори «Рости — русты», яғни «Күч — адолатда» деган ҳикмат бўлиб, одамларнинг мансаби, бойлнги, ирқи ва эътиқодидан қатын назар ҳаммага бирдек адолатда бўлган.

У үз құшинида қаттиқ тартиб-интизом үрнатған эди. Иби Арабшоҳнинг ёзишича, у ҳеч қачон бирорнинг ғорати ва улжаснга кўз олайтирган; бирор нарсага биринчи бўлиб қўл теккизган одам унинг эгаси ҳисобланарди. Ҳамманинг ҳуқуқи тенг эди, энг обрўли акобир энг оддин аскар билан баробар эди. Аммо, у ғорат қишлишга расмий рухсат бернишидан олдин кимдаким бирорни бесабаб хафа қилса, заррача ҳақорат ёхуд арзимас зўравонлик қилса жони ва мол-мұлки билан жавоб берарди. Гуноҳидан ўтиш, бир қошиқ қонидан кечиши түғрисида гап бўлиши мумкин эмасди, айбдорининг

¹ Ұша асар, 1-жилд, 304-бет (тарж.).

на дўсту ёри ва на хизматкори унинг ёнига тушшига журъат қилолмасди. Бу қоида ҳеч қачон бузилмас, унинг олдида ҳамма баробар эди.

Унинг мана шу эгилмас адолатпешалиги, мардлиги ва ўз замонасиннинг энг моҳир саркардаси бўлишдек хислатлари билан бир қаторда аскарлари олдиндаги юксак обрўси ҳамда қудратининг асосини ташкил этарди.

Бироқ ёзғайларимизни ҳаммаси Улуғ амир ўз фуқароларига кўрсатган ақл бовар қилмайдиган таъсирни изоҳлаш учун камлик қилади; содда қилиб айтганда, у ўз фуқароларининг хўжаси эди, зеро у раҳбар бўлишдек түгма, аммо ақлга сифмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби эди.

САЛТАНАТНИНГ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТИШИ

Амир Темур барпо этган турли-туман ўлкалар, миллатлар ва турфа одамлардан ташкил топган улкан салтанат ўз асосчиси оламдан ўтганидан сўнг узоқча бормади. Соҳибқирон салтанат келажагинн таъминлаш бораснда қатор режалар тузган бўлишига қарамай, унга Тангри томонидан тақдим этилган барча юмушларда зафар қучинш каби нодир хислат ўзи билан нариги дунёга кетганидек, унинг бу режалари ҳам рӯёбга чиқмади.

Улуғ амирининг никоҳли тўрт хотини ва кўп сонли канизаклари мавжуд эди. Унинг қонуний никоҳлардан туғилган фарзандлари шахзодалар ва таҳт ворисчи бўлиб етишдилар.

Тўрт ўғилдан иккитаси — Жаҳонгир ва Умар Шайх оталаридан олдин дунёдан куз юмишди. Тўнгич фарзанддан икки ўғил қолди: бевақт оламдан ўтган Мұхаммад Султон ва Шарқий Афғонистон ноиби Пирмуҳаммад. Умар Шайхнинг ўғиллари Пирмуҳаммад ибн Умар Шайх, Рустам, Искандар ва Бойқаро Форс вилояти ва Ироқи Ажамга ҳукмдорлик қилишган. Соҳибқироннинг учинчи ўғли Мироншоҳ ўша пайтда ўттиз саккизга кирган бўлиб, Озарбонжон ва Ироқи араб вилоятларининг ноиби ҳисобланарди, бироқ отдан йиқилиб, мияси лат еганлиги учун унинг ўрнига ўғли Умар Мирзо укаларни Абубакр ва Халил Султон билан биргаликда ҳокимиятни бошқарарди. Тўртинчи ўғил, йигирма саккиз ёшли Шоҳруҳ Хуросоннинг ноиби бўлиб, унинг Улуғбек ва Иброҳим Султон исмли ўғилларн бор эди.

Амир Темур ислом ақидаларига риоя қилнб, таҳтни тўнгич фарзандига қолдириш тарафдори эди. Бироқ Турон замин одатига кўра ҳар бир шахзодага салтанатнинг бир бўлагини топширишни истар, фақат шахзодалар Самарқанд таҳтида ўтирган қонуний таҳт

ворисига сүзсиз итоат этишлари лозим эди. У тузгаң бу сиёсий тизим қарама-қаршиликлардан халос бўла олмади. Аммо шунга қарамай ўз вориси бўлмиш түнгич фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли, набираси Муҳаммад Султон кўрсатган хизматлари ва заковати туфайли таҳтга энг муносиб ҳамда пароканда темурийлар хонадонни аъзоларини бирлаштира олади, дея умид қиларди. Афсуски, севикли набира бобосидан икки йи-олдин оламдан ўтди.

Соҳибқирон Муҳаммад Султоннинг ўрнига унин укаси, Афғонистон иоиби, кўпчилик темурийлар кўмard жангчи, аммо ҳақиқий давлат раҳбарига ложи бўлган хислатлардан йироқ Пирмуҳаммадни танлаш. Ичкиликка ружу қўйган ўртамиёна қобилянятли бу йи-гит ҳали ўттизга ҳам тўлмаган эди.

Ёдингизда бўлса, Самарқанддаги Кастилия элчиси иштирок этган дабдабали қурултойда Амир Темур унин шу ерда ҳозир бўлган барча акобирлару амирзодаларга ўз вориси сифатида таиништирган эди. Улим тушагида ётганида ҳам у ўз васиятномасида Пирмуҳаммадин таҳт вориси этиб тайинилаб ва Утрорда ҳозир бўлган амирларни ўзининг сўнгги иродасини бажо келтиришга қасамёд қилдириб, қўлидан келган охирғи чорани қўллаган эди: «Эмди Пирмуҳаммад Жаҳонгирким, валийаҳд қилибмен ва ўриумга қойим-мақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлгай. Ва истиқлол ва тамкни била ўлтуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раъийат ҳолидин хабардор бўлгай. Сизлар, керакким, анга мутиъ бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машгул бўлгайсиз, то олам бузулмагай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмагай. Ва неча йиллиқ саъий қилғоним зоеъ бўлмагай»¹. Сўнгги нафасидан олдин у шу васиятномани кўпайтириб, унинг нусхаларини салтанатнинг барча шаҳзодалари, амир ва иоибларига жўнатишларини талаб қилди.

Кетма-кет рўй берган кўнгилсиз воқеалар Улуг амир режаларини бузиб юборишига оз қолди. У оламдан кўз юмган пайтда таҳт вориси Пирмуҳаммад Утрордан бир неча ҳафталик манзил — Қандаҳорда эди. Ахволни қутқариб қолиши мумкин бўлган ягона ин-

¹ Шарафуддин Али Яадий. Зафарнома. Т., 1997. 296-бет (тарж.).

сон, уннинг туртничи ўғли Шоҳрух ўзи ноиб булган Ҳиротга қайтиб кетган эди. Энг тўполончи ва мансаб-нараст шаҳзодалар, аксинча, қўшиннинг шундоқ яқинида — Утрор ва Самарқанд атрофларида қўним топган эдилар.

Салтанатининг барча вилоятларида қуролли кучларга бошчилик қилувчи амирлар ва ноиблар эса, бузгуичилар фуқаро онгини заҳарлашга улгурман, сиятнома уларга етиб келса, уннинг қатъий бажариши тарафдорлари бўлишарди, албатта. Бироқ қат совуқ ва қор буронлари васиятнома нусхаларини йларга етказиши лозим бўлган чопарлар йўлини сиб қўйди. Ва ниҳоят, Утрорда ҳозир бўлган бирча амирнинг қабул қилган қарорлари ва қўллаган ишларн ҳеч нарсага арзимади.

Атрофида кучли шамоллар увиллаб турган Бердисек қасри деворлари ичидан дунёдан ажralиб қолган маликалар ва амирлар майитни ювиб-тарадилар. Қуръон сураларидан үқидилар ва бундан кейин қилиниши лозим бўлган ишлар борасида кенгашдилар.

Амир Темурнинг ўлими ҳақида сукут сақлаш ҳамда бу ҳақда хабардор қилиниши лозим бўлган ягона шахс Пирмуҳаммад етиб келгуннча ҳар қандай ҳарбий ҳаракатдан воз кечинш ўрнига, амирлар катта қўшинини бир манзилга йигиб, анъанавий жанговар ҳолатда Чин устига юриш бошланса, Улуғ амир ва-фотидан бехабар ғаним осонгина таслим бўлади-қолади деган хуносага келдилар. Бироқ, тажрибали бу амирлар бир замонлар ниҳоятда қурдатли бўлган бу қўшин энди ипи узилиб кетган маржон шодасидан ўзга нарса эмаслигини хаёлларига ҳам келтирнишмасди.

Улар тўғри иш туваётганиларига ишонган ҳолда ўз ҳукмдорларининг сўнгги хоҳишига хиёнат қилдилар. Чунки қонуний ворис келишини кутмай қўшинин жойидан қўзғатдилар ва бу ишларини фатҳ этиш учун қулай мавсум яқинлашиб келаётганилиги сабабли ортиқ кутиб бўлмаслиги билан изоҳладилар.

Бу ишни амалга ошириш учун улар маликалар ёнида бўлган ўн бир ёшли шаҳзода Иброҳимга бобосининг жанговар дўмбираси ва кумуш аждарҳо тасвири туширилган қора түғни тутқаздилар ҳамда бутун қўшин билан биргаликда унга тожу таҳт эгасига кўрсатиладиган иззат-ҳурматни кўрсатдилар. Улар-

унинг фикрича, Йіброҳим гус Улуғ амир тирикдек шинин Тошкентг томон бошлиши ҳамда ҳуқмдорлик аижомлари ва олий бош қўмондоилик юкини у ерда қўшиннинг ўнг қанотига раҳбарлик қилиб турган ўзидан каттароқ амакиваччаси Халил Султонга топшириши керак эди. Чин устидан зафар қозонилгач (бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди), Халил ўз вазифасини Пирмуҳаммадга топширад, унинг Самарқанд таҳтига утиришига эса барча бирдек ёрдам берарди.

Утрор амирлари бу содда режани амалга ошириш йўлида мудҳиш оқибатларга олиб келган яна икки хотага йўл қўйдилар. Улар барча шаҳзодаларга бир пайтнинг ўзида Амир Темурнинг ўлими ва унинг ва сиятномаси бажарилишини тұхтатиб туриш борасида ўзлари бир тұхтамга келган қарор ҳақида хабар бердилар. Шу атрофда турганлар бундан биринчи булиб хабар топдилар; улар узоқ вилоятларни бошқараётган садоқатли шаҳзодаларга хабар етиб боришидан олдин ҳаракат қилиб қолиш имкониятига эга бўлдилар.

Ва ниҳоят, улар Амир Темурнинг жасадини маҳсус тобутга солиб, маликалар ва кичик бир қуролли гурӯҳ ҳамкорлигида Самарқандга жунатдилар. Уларнинг бирортасининг хаёлига сафар чоғида ёхуд Самарқандда бирор-бир шаддод ва диёнатсиз даъвогар бутун гуруҳни осонгина құлға тушириб, марҳумни таҳвориси этиб таиланган кимса дағы этиши кўзда тутилган шарқона удумдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолиши мумкин-ку, деган фикр келмади.

Бир пайтлар Дамашқ қаршиисида жанг майдонини ташлаб кетган Амир Темурнинг жияни Султон Ҳусайн Утрор яқинида, қўшиннинг чап қанотига раҳбарлик қилиб туради. Руй берәётган воқеалардан у биринчилар қатори хабар топди. Солномаларда «иштаҳаси баланд ва тасаввурни эгри шаҳзода» деб таърифланган Султон Ҳусайн бир зумда фитна уюштириб, Самарқанд ва тожу таҳти құлға киритиш умидида ўзига тарафдорлар йиға бошлади.

Бир хабаргир ёрдамида бундан воқиға бўлган Утрор амирлари ғазабга келдилар ҳамда икки мактуб битдилар. Ҳомаларнинг бири Самарқанд ҳокими Аргуншоҳга йўлланган бўлиб, унга Султон Ҳусайнга қаршилик кўрсатиш ва урин келса, қўлға олиш буюрилган эди. Тошкентда жойлашган қўшин ўнг қанотининг саркардаси шаҳзода Халил Султонга йўлланган

иккинчи мактубда Султон Ҳусайнинг шум ниятларини етказилиб, зарур булиб қолганда амирлардан уз срдамини дариг тутмаслик суралган эди.

Халил Султон омади келганини англади: Амир Темурнинг улемидан, тайинланган ворисининг йуқлигидан, амирлар томонидан васиятнома амалга киришининг тұхтатиб құйылғаннан, Султон Ҳусайн тайёрластган фитнадан ҳамда қүшин орасыда бошланадағы түшкүнликдан биринчилардан булиб хабар топган Халил Султон васиятга қарши бориб, Самарқанд таҳтига уз номздини курсатди. Модомики тақдир Пирмуҳаммадни үзи зарур булған жойдан узоққа йўллаб, таҳта үтиришига түсқинлик қиластган экан, у ҳам Улуғ амир учинчи фарзандининг угли сифатидэ қонуний ворислик ҳуқуқыга эгалнини ҳамда бу ишни пайсалга солмай тезроқ ҳал қилиш лозимлигини ҳаммага маълум қилди. Зоро пойтахтни Ҳусайн муттаҳамнинг ҳамласндан ҳимоя қилмоқ лозим, йўқса, салтанат парокандаликка юз тутнши мумкин.

Халқ суймаган ва журъатсиз инсон Султон Ҳусайн катта хавф туғдирмаса-да, уз лашкарлари олдида Амир Темурнинг вориси дея қутланган ва пойтахтга юриш қилиш учун қудратли қүшни йиғишга тушган Халил учун турткы бўлди. Куплаб амирлар ва ҳатто Умар Шайхнинг ўғилларидан бири Халилнинг важкорсонларига унчалар ишонишмаса ҳамки, у агар муваффақиятга эришса Самарқанд хазинасидаги бойликларни баҳам кўриши ҳақидаги ваъдаларига учиб, унга қўшилдилар. Пирмуҳаммад ҳам, васиятномадаги унга тегишли курсатмалар ҳам унугилди.

Ушбу шоҳмот ўйинининг ҳал қилувчи донаси Самарқанд ҳокими эди: Халил уни ҳам уз тарафнга оғдиришга ҳаракат қилди ва шу мақсадда уз вакилларини яширинча унинг ҳузурига юборди; вакиллар унга уз хўжалари номидан агар у Халилнинг кўрсагмаларини бажарса, Улуғ амир хазинасининг бир қисмини ва юксак мартабали мансаб ваъда қилдилар. Халил Арғуншоҳдан шаҳар дарвозаларини ундан бўлак ҳеч бир кишинга очмасликни сўраган эди. У Амир Темурнинг тобутнини шаҳарга киргизиши, уни кузатиб келаётгандарга эса рад жавобини бериши лозим эди. Улуғ амирнинг рафиқалари ҳам шаҳарга киритилишларин мумкин эди, фақат улар уз қўриқчилари ва хизматкорларини шаҳар 'Деворлари ташқарисида қол-

диришларни даркор. Шундан сўнг шаҳардан пашша ҳам чиқмаслиги керак.

Бу режа ҳар томонлама тұла амалга оширилди. Султон Ҳусайн шаҳарининг дарвозалари ёпиқ ва тирқишиларидан камончилар куришиб турған деворларига яқинлашишга жүръат этолмади. Шохруҳнинг үгиллари Улугбек ва Иброҳим Султонга ҳам шаҳарга кириш ман этилди, маккор ҳоким буни Пирмуҳаммад етиб келмагунича шаҳар дарвозаларини очишга ҳақи йўқлиги билан изоҳлади. Унинг гапига қараганда фаяқат Пирмуҳаммадгагина васиятномада шундай катта иззат кўрсатилган эди. Бу ерда фитна яширганингини ҳис қилган икки шаҳзода ўз лашкарлари билан Бухорога йўл олдилар.

Бу орада Амир Темурининг жасади шаҳарга киритилиб, келажакда хилхона қилишга мулжалланәётган Муҳаммад Султон масжидига қўйилди. Бир оздан сўнг соchlари ёйилган, кўзлари тұла ёш, мотам кийнимидаги маликалар келиб, Улуғ амир тобути ёнида ўз қайгуларини намойиш эта бошлидилар. Шаҳар меҳнаткашларининг катта қисми дуконларини ёпиб, бозорларни тарқ этиб бирданига маликаларининг дардларига шерик булиб, тоат-ибодат қилиб кўз ёшларини тўқдилар. Шу йўл билан Самарқанд аҳли Улуғ амир хотирасига ундан совға-салом ва бойликлар олиб тургани амиру акобирларга қараганда содиқроқ эканлигини исбот этди.

1405 йил 18 марта Халил кам сонли қушини билан шаҳар дарвозалари қаршиисида пайдо бўлди: бир қатор амирлар унинг сафини тарқ этган эди; уларнинг айримлари соҳибқироннинг сўнгги иродасига хиёнат қилганликлари учун афсусланган бўлсалар, айримларининг (улар кўпчиликни ташкил этишарди) бу йигиттининг салтанат шоҳсупалари томон шиддат билан одимлаши узоққа бормаслигига ишончлари комил эди.

Қонуний таҳт ворисига хиёнат қилиб, Самарқанд ҳокими дарвозаларни очди ва Халилга шаҳар ҳамда ҳукмдор қальяси дарвозалари калитларини топшириди. Бир неча кундан сўнг Халил таҳтга ўтирди, уни ўз тарафдорлари ва Самарқанд бузуқилари қизғин олқишиладилар. У таҳтда ўтириб амирлар, юқори мартабали амалдорлар ва темурийлар онласи айрим аъзоларининг ўзига содиқлиги ҳақида қасамёдларини

қабул қилди ва шундан сунг солномаларда ёзилиши-
ча «бутун Осиёнинг хазиналари жамланган» қалъа-
нинг чуқур ертулаларини алланиб чиқди. У олтин ва
кумуш ём биларини куздан кечирниб, барча мамлакат-
ларнинг тангаларни тұла қопларга қоқылниб, хитой шо-
хиси ва қимматбаҳо әронни гиламларни топтаб, ёқут,
одмос, зумрад, феруза ва жавоҳирлар тұла омборлар
олдига етганида бойликлардан боши осмонга етди ва
уз қаршисида барча хоҳишлиарини амалга ошириш
манбалари ва куч-қудратининг гаровларини курган-
дек бўлди.

Уз зафарнин муносиб якунлаш учун у бобосининг
дағи маросимини тантанали равиша ташкил этиши
даркор эди, бу эса уни түркй ва мӯғул фуқаролари
назарида самолар қўллаган тахт вориси сифатида
кўрсатишга хизмат қиласади.

Қимматбаҳо қора ёғочдан ясалган тобут олдида
кетаётган Халилнинг ёнидан шаҳзодалар, амирлар,
урӯбшилар жой олган бўлиб, муллалар Қуръон
тиловат қилишар, бева-бечораларга садақа улашилар
эди. Халил Султон хилхонанинг ҳали оҳори кетмагани
кatta хонасида ташкил қилинган маърракани бошқар-
ди, соҳибқироннинг буюк хизматларини таъкидлаб,
динга эътиқоди баланд булганлигини эслатди. Шаҳзо-
данинг амрига биноан зоти шариф Сайид Барака-
нинг хоки солинган тобутни келтирдилар ва Улуғ
амирнинг иродасига биноан унинг бош тарафиға дағи
этдилар. Муҳаммад Султоннинг жасади бобосининг
ёнига қўйилди. Шундан сунг у хилхона деворларини
қимматбаҳо қуроллар ва тилла суви юртилган қозоз-
лар билан безашни, оёқ остидаги мармар саҳнга ажо-
йиб гиламлар тушашни буюрди.

Оқшом чўккач, Халил мӯғул анъаналарига мувофиқ
Амир Темурнинг катта жанговар дўмбирасини кел-
тиришларни амр қилди; кекса бир жангчи уни узоқ
муддат гамгии гумбурлатиб турди, кейин дўмбирани
минг бўлакларга бўлиб, шамолга учирдилар.

Самарқанд ва унинг бойликларининг ягона эгаси
бўлиб олган Халил чиндан ҳам галабага эрншдим,
деб ўйлаши мумкин эди. У салтанатнинг вилоятлари,
уларнинг шаҳзодалари, амирлари ва лашкарлари кўп
утмай ўзинн Амир Темурнинг вориси деб тан олиш-
ларини уйлаб, сармасст эди.

Бироқ, уч йилдан сунг у тахтидан ажралиб, сал-
танатнинг инқирозига сабаб бўлди. Бутун инсоният

тарихида руи берган буюк давлатлар таназзулида у каби дилбар шаҳзодаларнинг салбий роль ўйнагани камдан-кам қузатилган. Замондоши Ибн Арабшоҳининг таърифлашича, у хушхулқли, хушбичим ва чиройли, либослари ва қурол-ярогларни ҳавас қилгудек озода, мажлисларда хушсухан ва мулоим, сахий ва айни гуллаган ёшдаги олижаноб шаҳзода бўлган. У сахийлиги ва олижаноблиги туфайли одамларнинг кунглини тез топар, бироқ енгилтабиатлиги сабабли жиддий одамлар ундан юз ўғиришарди.

Ниҳоят, шарманда бўлган акобирлар янги ҳукмдорининг фикри ёдини Амир Темур барпо этган салтанатни сақлаб қолиш эмас, балки Шодмулкка бўлган кучли эҳтирос банд этганини англаб етдилар. Шодмулк амир Ҳожи Сайфиддиннинг хотини булиб, Халил уни олиб қочиб кетган ва бобосининг розилигисиз никоҳлатиб олган эди. Бундан хабар топган Амир Темур аёлни зиндонбанд қилган ҳамда Чин юришидан қайтиб келгач, унинг танасини бошидан жудо қилишга сўз берган эди.

Тахта утиргач, Халил ўзининг бу аёлга бўлган муносабатини ҳаммага ошкор қилди ва уни малика этиб тайнилади. Ибн Арабшоҳ бу жуфт ҳақида қўйидагича ёзади: «Икковлари гўё бир жисмини ташкил этардилар. Унинг ишқи Халилини бутунлай қамраб олиб, ақлдан оздирди»¹. «Зафарнома» муаллифлари ҳам бу фикрини тасдиқлайдилар: «Подшоҳ бўлгонда фарогат била аиниг (*Шодмулк — тарж.*) била айшу ишрат қилур эди. Ва аиниг сеҳридин асло чиқмас эрди. Ва, ҳар неким, ул маслаҳат курса эрди, ўшандоқ қилур эрди ва ўз ихтиёрини анга берди. Ва инсоф эликини очиб, андоқ хазнинани оз фурсатда талаф қилди. Бу ҳаракатидин барча черик ва раъийат андин кўнгул узиб, аиниг била йамон бўлдилар»².

Улуғ амирининг жазосидан тасодифи омон қолган Шодмулк телба аёл бўлиб, ўзининг Халил билан бўлган муносабатини Амир Темурга мулоэмилари етказган, деб ҳисоблар ва улардан қулидан келганича ўч оларди. Бунинг оқибати нималарга олиб боринши эса уни асло қизиқтирмасди.

Шодмулк эрига ўта салбий таъсир кўрсатди. У эс-

¹ Ибн Арабшоҳ. Ўша асар. 2-жайлд, 52 бет (*тарж.*).

² Шарафуддин Алӣ Явдий. Зафарнома. Т., 1997, 308 бет (*тарж.*).

ки хизматкорлари бўлмиш тарбиясиз ва шубҳалӣ шахсларни саройга олиб кирди. Уларга бойлик ва юкори мансабларни улашиб берди. Бу эса амирларни қаттиқ ранжитди. Халил туфайли у ишёқмас ва тасқара бир хизматкорини вазир лавозимига қўйдирди; бу киши ноибларни ишга тайинлаб, ишдан оларди, салтанат маблагларнин уз ҳоҳишига кура ишлатарди, машваратларда узундан-узоқ ва қийналиб нутқ сўзларди. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, «бу ҳолат амирларнинг ғазабини қўзгар, шаллақига эса олам-олам қувонч келтиради».

Хотинининг беадабликларига қарамай, Халил Султон яна бирмунча муддат ажойиб зафарлар қучди. Бунда унга телба омад қўл келди.

Шу тариқа у сиёsat саҳнасидан амакиваччаси Султон Ҳусайнин йўқотгач, Самарқанддан жамланган қудратли қўшин билан орани очиқ қилишга бел боғлаб Қандаҳордан йўлга чиқсан Пирмуҳаммадга қарши жангга кирди. Ута шафқатсиз муҳорабада унинг қўшнин амакиваччасининг лашкарларини ер тишлатди; Пирмуҳаммад эса Афғонистонга қочиб кетди.

Халил уз пойтахтига музafferона кириб келди, бироқ қувончи узоққа бормади: унинг йўқлигида қатор амирлар Шоҳруҳ тарафига ўтиб кетган эди. Бу қулай фурсатдан фойдаланиб, Халил ва Шодмулк лашкарларни ўзларнга янада қаттиқроқ боғлаб олишга қарор қилишди ва шу мақсадда Амир Темур хазиналарнинг эшикларини зобит ва аскарларга ланг очиб қўйишиди. Бу ўйламай қилинган нодон ҳаракат парокандалнин бошлаб берди. Гуё Пандора¹ қутисидан чиққандек бутун Самарқанд олтинга кўмилди, натижада шаҳарга очлик, хиёнат, жиноятчилик ва қаҳргазаб ёйилди. Дастлабки кунлар шоҳ ва малика катта қоплардаги қимматбаҳо тошлар, тилла ва кумуш тангаларни аскарлар устидан сочиб кўнгилхушлик қилдилар: қоплар бўшаб қолса хизматкорлар уларни хазиналар сақланадиган ертўладан яна қайтадан тўлдириб чиқардилар; кўп утмай бу ўйин эр-хотинин зериктирди ва уларнинг ўрнини сарой аъёнлари эгал-

¹ Пандора — қадимги юпоп мифологиясида Ер юзидағи биринчи аёл. Инжилдаги Ева каби у Ер юнга ғемонлик уруғлари тарқалишининг сабабчиси, веро у Зевс инсоният кулфатларини яшириб қўйған идиши очиб юборган Пандоранинг қутисида фаяқат Умидгиша сақланиб қолган (тарж.).

ладилар. Бу күз күриб, қулоқ эшиятмаган исрофгар. чилик бир неча ҳафта давом этди: хазинанинг кети куринмасди.

Бу афсонавий исрофгарчилик солномаларда ағус-надомат билан тилга олиниди: «Бу қимматбаҳо тошлар, тангалар, нодир матолар, камарлар, бебаҳо ндишлар, тақничоқлар... қурол-аслаҳалар, зирақ-узуклар, чодирлар, саропардалар, тахтлардан иборат чек-енэ-ҳисобсиз бойлик эди... бир неча асрлардан берин Осиё ҳукмдорларн йиққан хазинналар, Эрон ва Турон мамлакатлари шоҳ ва шаҳзодаларидан тортиб олиниган пул ва мол-мулклар эди... Бу бутун Осиё мамлакатлари Амир Темурга тулаб турган уттиз олти йиллик хирож ва үлпон эди. Тилла тангаларни шошмаршарлик билан улкан тарозиларда тортиб улаша бошладилар. бундан ~~хам~~ қониқмай уларни худди бүгдой улашгандек қоплаб тарқатишга тушдилар: тилла тангалар тұла қопларни орқалаб кетаётгандарни хирмондан бүгдой олиб кетаётган деңқонларга қиёс қилиш мүмкін эди. Бундан оддин ҳалқ ҳайратта тушди: «Эй Худо! Бу бойлікларни йиққан қайдаю. ким уларни исроф қылмоқда!» Лашкарлар бу бойліклардан тұнғач, хазинанинг қолгани оддий оломон устига сочили, бунга жавобан «Яшасин шоҳимиз Халил Султон!» деган олқишлиар янгради.

Халил Султон яна бир муддат шон-шуҳратта күмилиб яшади, зеро интиқом умиднанда ёниб юрган Пирмуҳаммад янги бир қүшин түплаб, Самарқанд устига юриш қилди ва бу сафар ҳам мағлубиятта учради. Қандағорға қайтган омадсиз Пирмуҳаммад үз вазири томонидан хнәнаткорона үлдірілді. Салтанаттаннынг уннинг барча хазинналары ва лашкарлариннинг засып бўлиш насиб этмаган қонуний таҳт ворисининг қисмати ана шундай аянчли тугади.

Музаффар Халил Самарқандга қайтиб келганида аҳвол ниҳоятда оғир эди. У үта сахиіллик билан улашган олтин үз қилмишини қилиб, жамиятни бузиб булган эди. Ибн Арабшоҳининг ҳикоя қилиншича, аҳолининг катта қисми шаҳарни ташлаб кета бошлади, хусусан бойиб қолғап ажнабийлар үз она ватанлари томон йүлландилар. «Ҳамма турлы томонларга, Мағрибу Машриққа тарқалиб кета бошлади, зеро озиқ-овқатлариннинг тақчиллігін ва қимматлиги шаҳарда яшашни қийинлаштириб қўйди, пулининг қадри тушиб кетди»,

дэя қүшимча қиласи Ибн Арабшоҳ. Пулнинг қадрсизланиши шу даражага бориб етдики, бир қоп бугдоининг нархи бир неча қоп тилла танга ёки қимматбаҳо тошга тенг бўлди. Кўп ўтмай фақат озиқ-овқат молларини айирбошлишга ўтилди, бу эса шаҳарда кўплаб касбларининг ёнилишига ва ҳаётнинг бутунлай тўхтасинга олиб келди.

Бир-бирларининг ишқидан маст Халил Султон ва Шодмулк бу орада аччиқ ҳақиқатдан қочиб, кайфу сафо суришар, бири иккинчисидан дабдабалн зиёфатлар уюштириб, уларга Самарқанднинг бойвачча ёшларини таклиф қилишарди. Ошиқ-маъшуқ ўз бошларига хавф солиб турган түфонин куришини ҳам ишташмасди. Бу воқеаларнинг барчасига шу асл сабаб бўлди ва у Халил Султоннинг ҳукмдорлик даври вайроналарини ўзи билан олиб келди. Тахт жиловиниң қўлга олган Шодмулк бир пайтлар ўзини хўрлагач маликалар ва Амир Темурнинг канизаклари унга хушомад қилишларини ва оёғига йиқилишни истаган эди. Аммо, сарой дабдабалари ва қондаларига ўрганиб қолган бу аёллар Шодмулк хоҳишини бажармадилар ва ҳатто у билан учрашиб қолганларида унинг бор-йўқлигига аҳамият ҳам бермадилар.

Янги малика макр-ҳийла қўллаб эрини ишга солди. Натижада у маликаларни қатор номдор амирларга турмушга чиқаришга муваффақ бўлди. Шодмулк амирлар ўзларига кўрсатилган илтифот учун мунособ жавоб қайтаришар, деган умидда эди. Амир Темур юришларининг оқсоқоллари ва Шоҳрухнинг янги тарафдорлари соҳибқироннинг қонуний хотинлари ва бевалади ўзларига таклиф қилинганида, Халилдан юз ўғирдишар. Солномада у жиддий айланади: «Халил ўз оналаридек ҳурмат қилиши лозим бўлган шу бечора маликаларга қилган муносабатини ҳамма қоралади; у маликаларни уларнинг эшикларида хизматкорликка ҳам ярамайдиган кимсаларга зўрлаб турмушга берди».

Халил Султон ва Шодмулкнинг ўзбошимчаликларига айланмана шу таҳқирланган маликалар чек қўйдилар. Амир Темурнинг бевалари, шубҳасиз, марҳум эрларни томонидан қўлланилган фатҳ этиш ва давлатни бошқарниш усуllibарини унутмаган эдилар. Шу сабабли ҳам улар ўзларнинг янги хўжаларини Халилга қарши фитна уюштиришга ундалилар. Хотин-

ларидан яхшигина күрсатма олган амирлар Халилиң макр билән Самарқандан ташқарыга олнб чиқдилар ва занжирбанд қилдилар. Ҳукмдорсиз қолған Самарқандда талончилик ва парокандалик бошланди. Иштаҳаси баланд амирлардан бири таҳтни эгаллаб олишга ҳам ҳаракат қилди, бироқ у ўз ниятига ета олмади, зеро солномада ёзишлиша: «ўз падарининг хонадониди рӯй берәётган диёнатсизликларга чек қўйишга аҳд қилгани» Шоҳруҳ қудратли қўшин тўплаб, шаҳар томон йўлга тушган эди.

САЛТАНАТНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА ТАНАЗЗУЛГА УЧРАШИ: ШОХРУХ ВА УЛУФБЕК

Рўй берган воқсалар шу найтгача салтанат тожу тахти учун темурийлар оиласида бўлаётган курашдан ўзинни четга олиб турган Шоҳрухни ҳам ўз қўргонидан — Хуросондан, қўшни вилоятлар ҳурматини ва ўз фуқароларининг меҳрини қозонган ўлкасидан чиқишга мажбур қилди.

Шоҳрух ўттиз ёшлардаги сахнй ва олижаноб инсон булиб, илм аҳли ва ҳунармандларни ўз паноҳига олган, бироқ кези келганда жасур жангчи ва моҳир саркарда эди.

Салтанат ҳудудида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар уни сулоланинг ҳақиқий сардори сифатида иштирок этишини тобора талаб қиласди. Ўзиннинг диний қарашлари туфайли зўравонлик ва куч ишлатишни инкор этувчи суфийлар таринқатига аъзо бўлса ҳам, у Пирмуҳаммаднинг қотилини қидириб қўлга олган, амакиваччаси Пир Умарин азоблаб ўлдириган темурий шахзода Искандарни қатл эттирган эди.

Шундай қилиб, Шоҳрух адолатин қарор топтириш учун Самарқандга келди. Мулкдорлар ва ҳунармандлар унга шаҳар дарвозаларини кенг очиб, «айборлар билан ҳамкорлик қилганлар»ни уннинг қулига топширидилар ва қилган жиноятларни ва йўл қўйган хатолари учун жазолашини сўрадилар. Дастлабки кунлар шаҳар бозорларида жиддий орани очиқ қилишлар булиб утди. Ҳаммоллар бахтиқаро Шодмулк яшириннинг ҳужранн топиб, уннинг бўйинга арқон солиб кўчага олиб чиқдилар ва сазойи қилдилар: уни ғазабнок олон-мон қўлидан Шоҳрух томонидан юборилган аскарлар анча кечикиб қутқардилар. Халил Султоннинг маслаҳатчилари қатл этилдилар, Самарқандда қолган амирларининг кўнчилиги Халилнинг тахти эгаллаб олишига раҳнамолик қилганлари учун зинданбанд этилдилар.

Шаҳарда тартиб-интизом тиклангач, Шоҳрух тан-танали равишда отасининг қабрини зиёрат қилди ва

Қайтадан дағы маросимини уюштируди. Мусулмон сұғий сифатида мазкур даргоҳни зиёратчилар ва тоат-ибодат учун қулагиң қилиш мақсадында у Халил хилхонани тұлдиріб ташлаган ортиқча ялтироқ нарасалардан ҳаңжы күлди.

Шоҳрух үз аскарларнға Халил томонидан талон-торож қилиниб, амирларнннг уйларнда омборхона ва сомонхоналарда, дүкенлар ва ҳатто жарларнннг тубларнға яширилган үша машұр хазиннаның қолған-қутғанларнни йиғдирди. Жамланған бойликларнн спорынннг құлфлары мустаҳкам хоналарнға жойлаштируди: ағасуки, хазиннаның асосий қисми йүқолиб бұлған, йироққа — құл етмас үлкаларга кетиб қолған зди.

Орадан күп үтмай Халилдан ҳам хабар келди: биң мүгүл ўрдасинннг Амир Темур авлодларнға садоқатлы бұлған бошын үни қутурған ғанимлари құлидаш қутқариб қолған экан. Солномада айтилишича, у үзи турған қароргоҳында ҳам «ғириқта» азоб чекаётгани, айрилиқнннг изтироблары ва висол ишқидә ғанаётгани ҳақида ишқий шеърлар битарди».

Ү ёлғызликка бардош бера олмади ва тавба-тазару қилиш учун Самарқандга, амакисинннг ҳузурига келди.

Амакиси унга муруват күрсатди ва ҳатто, унни Самарқанднннг ноиби этиб тайинлашига бир баҳя қолди — бундан ортиқ бұлиши мумкнн эмасди — бирик ү бу фикридан қайтди ва унннг үрнеге үн түққиз баҳорни күрган үғли Улугбекка тахтни ишониб топшируди. Шодмулк Халилга қайтарилди ва унга Ироқ ноиблигиге топширилди. Бахтиёр эр-хотин бу вилюятда тұрт ғыл бирға яшаши, сұнг оғир касалликка учраган Халил оламдан үтди. Солномада таъқидланнынчы, Шодмулк ҳам күп үтмай дүнедан күз юмди «Дүнеда әнг азиз одамннн йүқотганидан чуқур қайғуга ботған аәл ханжар билан үз томогини кесди; эр-хотиннни Райда, бир қабрга дағы этдилар». Ұшбуғайриоддий ва таъсирли сұнгги тадбир қайси шоиртабиат шаҳзода ёки ҳокимнннг иродасы билан амалга оширилғаплиги бизга номағлум.

1409 Ійл Шоҳрух Самарқанддан үз пойтахти Ҳиротга қайтар экан, Улугбекка тинч, бироқ Улуг амирнннг шон-шавкатли замонаспа салтанатнннг боши ва қалби бұлған Мовароунахри әмас, балки беғайз

ва күчсиз бир ўлкани қолдирған эди. Солномада бо-
босига нақадар қадрлы бұлған пойтахтнинг таназзули
ва харобага айланишида шахсан Халил айбдор топи-
лади: «Халил Султон тахтга ұтирганида Самарқанд
дунәдаги маданият-маърифат ривожланған эң маш-
хұр шаҳар эди; бу ерда шаҳзодалар ва улуғ одам-
лар, илм аҳли ва дунәдаги эң құлп гул инсонлар ис-
тиқомат қилишарди, зеро Амир Темур құлға киритган
шаҳарлар мөхір ҳунармандларининг күпчилиги ғыл-
улкаларини ташлаб, шу ерга келиб қолишиган... Күп
яхши нарсаларга тұла ва ҳарб санъатининг қатор ус-
талары маскан топған бу инжоятда бой шаҳар ҳеч бир
қаршиликсиз Халил Султоннинг құлнана үтді; шаҳ-
зода тұрт йил ұтар-ұтmas уннинг барча бойликларини
шамолға совурди, хазиналарини шипшийдам қилди,
шу бекиес буюкликни яқсан қилды ва шу салтанат
қудратини бутунлай харобага айлантируди. Тақдир бу
шаҳзоданинг Шодмулк исемли аёлға бұлған оташа-
фас ишқидан унумлы фойдаланди».

Улуғбек туғайли Самарқанд яна қырқ йил тинч
умр кечирди, бироқ бу давр санъат ва илмлар равна-
қыга шу қадар катта улуш құшдикі, бу даврни «Са-
марқанднинг олтын аспи» деб атайды.

Бу оққыш рақсн эди.

Ҳұкмронлигіннің дастлабки йиллари Улугбекка
ғыл атрофидаги ҳарбийлар катта таъсир ұтказғанға
ұшайди; уларнинг маслаҳати билан ва болалигидан
хотирасида ажойиб из қолдирған жаҳонгир бобосидан
үриак олиб, шахсан ғын бөш бұлған ҳолда күчманчи
әлатларға қаршы бир қатор ҳарбий юришлар үюш-
тируди.

Бироқ Улугбек қанчалар мард ва күч-құвватға
тұла бұлса-да, Улуг фотиқ бобосининг жанговар хис-
латларидан бирортаси ҳам унга мерос бұлиб қолма-
ған эди. Тошкентдан Самарқандга олиб борувчи йұл
устиди, Жиззах яқиннанда жойлашған тор дарага («Те-
мур дарвозаси» деб ҳам аталади) кираверішдеги қоя-
ға ғылб ғылған қүйидаги ёзув яхши сақтаниб қол-
ған: «Аллоҳнинг күмәгі билан, шоҳлар ва халқларни
фатх этгүчи улуғ султон, Аллоҳнинг ер юзидағы сояси.
Аллоҳ сүйған шоҳларининг мададкори Улугбек мұ-
гүл ғылқасига бир қатор ҳарб юришлари үюштируди
ҳамла улардан сог ва омон қайтди».

Сүнгги камтарона сұзлардан күринніб турғызды.

Самарқанд ҳукмдори ўз юришидан музafferона қайтиб келмаган. Унинг қатор юришлари нима билан туғаганиниг номаълум.

1427 йили Шоҳрухининг фармони билан Улугбек ўз лашкарларини саҳрога хўжайнлик қилувчи кўчманчи турк-мўғул халқларидан бўлмиш ўзбекларга қарши бошлади, бироқ бу тадбир самарқандликлар учун аянчли тугади. Шоҳрух ўғлининг мағлубиятларидан азият чекди. У, ҳатто, ўғлини Самарқанд таҳтидан маҳрум этиш хаёлига ҳам борди, бироқ уни авф этди.

Улуғбекнинг ҳарбий санъат борасидаги қобилнити аста-секни сўниб борса-да, унинг олим сифатидаги ҳақиқий ва чуқур иқтидори аксинча, тобора ривожланиб бормоқда эди.

Улуғбекнинг шеърият, мусиқа, меъморчилик, математика ва айниқса, астрономияга иқтидори кучли эди. Бу улуғ аллома ва ўзига хос ижодкор ажойиб бир тугаракка асос солади, атрофига иқтидорли олимларин йиғиб, тадқиқотчилар гуруҳларини бошқаради, билнимдон ва изланувчан шогирдлар тайёрлайди.

У ўз атрофидаги фикр-зикри фақат жангу жадалдан иборат ҳарбийларга ҳамда Қуръони каримини мутолаа қилишдан ўзга ҳар қандай ақлий фаолнят гуноҳдан иборат, дегучи диний гуруҳ аъзоларига қарши унсиз ва шафқатсиз курашди.

Улуғбек усталик ва ғайрат билан олиб борган бу тадбир ҳар икки гуруҳнинг ҳам норозилларига сабаб бўлди. Уни йўқотиш мақсадида бир неча бор фитналар уюштирилди.

Урушқоқ ҳарбийлар йўқотилиб, мутаассиб уламоларнинг овозларни учирилгач, сulton ўз атрофига шонрлар, санъаткорлар ва олимларни жамлаб, режалаштирган ишларни амалга оширишга киришиди. Машҳур бобоси каби буюк бунёдкор бўлган Улуғбек Самарқанд ва Бухорода гаройиб боғлар ва саройлар барни қилди. У дунёдаги энг катта гумбазли хонақоҳ бунёд эттириди, деворларига турфа раинглардаги тарошланган тошлар қопланган ажойиб ҳаммомлар қурдирди, бутунлай ялтироқ ёғочдан ясалган хитоён расмлари билан безатилган масжид, аннқ фанлар ҳам ўргатиладиган мадрасалар барпо этилди; мадрасалар дарвозасининг пештоқнга Ҳадиси шарпфдан олинган қуйидаги шиорни илдириб қўйди: «Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир».

Улугбек Амир Темурнинг абадий оромгоҳи — Гўри Амир мақбарасининг кам-кӯстини дид билан тўлдириди, кичик ўғлига Шоҳизинда қабристонига кираверишга мустаҳкам дарвоза қурдириши юклади. Машҳур Самарқанд расадхонасини қуриб битказгач, расадхона жойлашган тепалик атрофида боғ барғю қилди, «Боги Майдон» деб ном олган бу чаманда ажойиб «қирқ устунили сарой» ва минораси Чин чиннисидан тикланган афсонавий айвон қурдирди. «Улугбек замонасида олимлар энг юксак лавозимларга кутарилдилар, муносиб одамлар муносиб мансабларга қўйилдилар», деб ёзди уша замона муаррихи Давлатшоҳ.

Улугбек бедор ўтказилган тунларда пишган олимга асло үхшамасди, у нафосат шайдоси ва ҳаёт нафаси уфуриб турган санъат асарларининг ошиғи бўлмиш Оврўпо Ўйғониш даври шаҳзодаларига үхшаб кетарди.

Бошқаларга үхшамаган бу ҳукмдор мусиқа басталарди ва уни барбатда жуда нафис ижро этарди. Унинг хотираси ниҳоятда ўткир эди; бир гувоҳнинг қўйидаги латифаси буни яқъол тасдиқлади. Улуғбек моҳир сайёд бўлиб, ўзи овлаган жониворлар, уларнинг турва хиллари, ов санааси ва тафсилотлари битиладиган бир дафтар тутган эди. Кунлардан бир куни кимдир шу қалин дафтари йўқотиб қўйибди. Улуғбек уни жазолаш ўрнига, мирзаларини чақириб, йўқотилган дафтар мазмунини ёддан айтиб турниб, қайта тиклади. Бироқ, бир неча кундан кейинн йўқотилган дафтари топиб оладилар ва иккисини қиёслаб кўрадилар: уларнинг орасида атиги икки-учта арзимас фарқ чиқади.

У. Қуръони каримни етти қироат тури бўйича ёддан ўқир, кўп йиллар олдин атиги бир қиё боқкан кимсасини бир кўришдаёқ таниб оларди.

У, ажойиб қалам соҳиби ҳам эди. Лайтишларича, у, Чингизхон фарзандларининг салтанатлари ҳақида каттагина тарихий асар ҳам битган экан¹; унинг форстилида сўзлашиб туриб, осонгина турк ё араб тилига ўтиб кетганини куриб одамларнинг ҳаваси келарди.

Бироқ султон риёзнётчилар, фалакиётшунос ва файласуфларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром курсатарди. Улуг-

¹ Бу ерда Улугбек қаламига мансуб «Тўрт улус тарихи» назарда тутилмоқда (*тарж-*).

бек уларни тез-тез қабул қиласар, уларга нафақалар белгилар, ҳарбий амалдорларнинг хуружларидан ва мутаассиб уламоларнинг тазийкларидан доимо ҳиссият моя қиласарди.

Самарқанд олимларининг само жисмлари ҳақидағы билимларини ривожлантириш учун Улугбек шу жисмларни кузатиш асбоблари ва аниқ ўлчаш имкониятларига эга бўлган бутунлай янги қурилма ясаш лозимлигини англади. Султон ва унинг «техникавий маслаҳатчиларн» кўп йиллар мобайнида унинг лойиҳасини тайёрладилар ва ниҳоят, 1428 йили бу қурилманни бунёд этиш тўғрисида ҳукмдорнинг фармони эълон қилинди.

1908 йили Вяткин деган камтаргина ўрис археологи Күҳак тепалигнинг устида улкан расадхонанинг қолдиқларини топди. Бу, шубҳасиз, XV асрда етти мўъжизанинг бирин деб ҳисобланган ва Самарқанд мунахжимларни ўз қимматли кашфиётларини яратган «Улугбек астрономик расадхонаси»нинг вайроналари эди.

Археологик тадқиқотлар натижасида расадхона нинг сақланниб қолган ер ости қисмининг лойиҳаси қайта тикланди. Уч қаватдан иборат цилиндрик шаклдаги асосий бино эса боди тепасидан қирқ беш метр баландликка кутарилган эди.

Бино ташқарисига ғаройиб кошиллар билан ишлов берилган бўлиб, ичкарисида аниқ асбоблар лабораторияси, тадқиқотхоналар каби қатор катта-кичик хоналар жойлашган эди.

Бинони ўз кўзи билан кўрган Абдураззоқ Самарқандий уни қуйидагича таърифлайди: «Деворларда осмон сфералари даражаларда ва даража бўлинмаларнда тасвирланган, аниқ юлдузлар кўрсатилган эди. Курраи заминининг жуғроғий ҳаритасида иқлим минтақаларни, тоғлар, сахролар ва уммонлар аниқ кўрсатилганди. Буларнинг барчаси нафис рангларда бўёқ берилган расмлар ва багоят гўзал геометрик фигуранларда акс эттирилган эди...»

Расадхонанинг биз бугун «стаянч қурилмаси» деб атайдиган асосий қисми ёй шаклидаги улкан секстант бўлиб, унинг ботиқ маркази чуқурда жойлашган, узунлиги олтминш метрдан ортиқ силлиқ мармар тошлилардан ясалган пойдевори даражалар (градуслар)га бўлинган эди. Бу улкан секстантнинг маятниги кичик бир аравачадан иборат бўлиб, кузатувчилар унинг

мармар пойдевор устидаги эркин ҳаракатини белги-
лаб боришарди. Аравача махсус мұлжаллагиchlар
мажмуаси ёрдамнда танланган юлдузнинг ҳолатини
аниқлар ва унинг уфқа нисбатан тутган бурчагини
күрсатарди.

Секстант жанубдан шимолга қараб, меридиан чи-
зиги устида ўта аниқ жойлаштирилғаннингдан замо-
навий астрономлар ҳам ҳайратга тушадилар. Улугбек
ва унинг ҳамкаслари айнан мана шу мукаммал ра-
садхонада кузатувлар олиб бориб, «Астрономик жад-
валлар»ни тузишга муваффақ булдилар.

Ҳозирги кунда бирмунча унүтилган «Зижи жадиди
құрагоний» («құрагон» — форс тилида «хоннинг күёви»
деган маънени англатади) деб ҳам аталувчи бу жад-
вал XVII асрда Оврупода жуда машҳур эди. Уша-
давр голландиялық усталар гравюраларида Улугбек
Ураний¹нинг ўнг томонида, Птоломейдан Тибо Брахс-
гача бұлған энг машҳур фалакнётчилар орасыда тас-
вирланган. Уша пайтларда Самарқанд фалакнётчи-
ларининг бу монументал асари дүнёдаги само жисм-
лари каталогларининг энг мукаммали, деб ҳисоблан-
ган.

Бу жадваллар ўта юқори малакалы мутахассислар-
нинг узоқ ва машаққатли меҳнатлары натижасыда
яратилиши мүмкін эди, зоро уларда само жисмлары
тұлиқ циклларнинг кузатуви натижалары берилған;
биргина Сатурннинг ўзи, масалан, Қуёш атрофини
ұттиз йилда бир марта тұлиқ айланиб чиқади. Бун-
дан ташқари, жадвалларда барча астрономик тақвим-
лар бүйіча олиб борилған мукаммал тадқиқотлар,
сайёралар ҳаракати түгрисидагы янғы маълумотлар
ҳамда уларни аниқлаш усуллари ҳақида тушунтириш-
лар берилған, бу усуллардан айримлари кузатувлар
жараённанда құлланилған эди.

Улугбек ұттиз йилдан ортиқ шу олимлар гурухыга
раҳбарлық қилды ва тадқиқотларда бевосита ишти-
рок этди. Астрономик рақамлар ва шартли белгилар
билан тұлдирилған сақифаларнинг сони йилдан-йил-
га ортар, султоннинг дүстлары ва ҳамкасларининг
сафи тобора сийраклашиб борарди.

Биринчи бұлиб Улугбек ўзининг устози деб ҳисоб-
лаган Қозизода Румий оламдан үтди. Унинг кетидан
буюк риёзиётчи Гиёсиддин Кошый ва бошқа аллома-

¹ Ураний — астрономия матбуды (тарж).

ларнинг юлдузлари сунди. Улуғбек астрономик жадвалларни узининг энг ёш шогирди, машҳур фалақнётчи Али Қушчи билан ниҳоясига етказди.

Шоҳруҳ 1447 йил 2 март куни қисқа муддатли қасалликдан сунг оламдан ўтди. Бу жудолик Улугбекка жуда қаттиқ таъсир қилди ва у бир неча он салтанат юмушларига қўл урмади. Унинг бу тушкунлигидан бошқа темурий шаҳзодалар тахтни қўлга киритиш учун фойдаландилар.

Ўз онласи аъзоларнинг илтимосларига қулоқ солган султон катта қўшинга бош булиб, исенкорларга қарши курашиш учун Самарқанддан чиқиб кетди. Аммо, бўлар иш бўлган эди! Улуғбек муваффақиятсиз юришлар билан банд бир пайтда салтанат пойтахтида унга қарши фитна уюштирилди.

Бундан фойдаланган кўчманчи ўзбеклар Самарқандга ҳужум қилдилар. Улар ёзги саройни талонторож, қимматбаҳо миниатюралар мажмуасини вайрон қилдилар ва Чин чиннисидан безак берилган айвонни буздилар.

Улуғбекнинг ҳаёти ва ўлимини юлдузлар белгилаб берди. У дунёга келган куни қурилган толеномада унинг тахтга ўтириши ва илм соҳасида катта муваффақиятларга эришиши башорат қилинган эди; башоратлар амалга ошди.

Улуғбек илмн нужумга ҳам қизиқар эди; унинг жадвалларнда бу фанга ҳам алоҳида боб ажратилган. Шу ўринда ғаройиб бир воқеани тилга олмай бўлмайди; Султон ўз шахсин толеномасини тузиб, ҳайратдан ёқа ушлайди: унда у ўз ўғли томонидан улдирилиши башорат қилинган эди. Шу мудҳиш башорат тинчлик бермаган Улуғбек тўнғич ўғли Абдулатифга ишончсизлик билан қараб, уни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилган, шу сабабли унга тегишли имтиёзлар ва мукофотларни кенжака ўғли Абдулазизга берган бўлса ажабмас. Имонсиз даъвогарлар томонидан қуллаб-қувватлаган мутаассиб уламолар табиатан қизиққон ва бағртош Абдулатифнинг ала ми ва ҳасадидан унумли фойдаландилар ва уни падаркушликка унладилар.

Султоннинг тинчликсевар сиёсатидан норози турли урушқоқ унсурлар билан кучайтирилган қўшинга қўмondonлик қилган Абдулатиф отасининг лашкарларини Самарқанд қаршисида ер билан яксон қилди.

Мағлуб булган Улуғбек ўғлининг қаршисида ҳозир бўлди. Фарзанд эса, отаси Исломнинг муқаддас мас-канларини зиёрат этиб келиб, тавба-тазарру қылсагина авф этишини маълум қилди. Бу бир ҳийла эди, холос, зоро Абдулатиф Улуғбекдан уч олишни дилига туғиб юрган Аббос исмли эроний зобитига падари бузрукворини ўлдиришга рухсат берган эди. Қотиллик бир неча кундан сунг амалга оширилди.

Бахтиқаро сulton ўзини Маккага кузатиб борадиган карвонни кутиб турган бир пайтда бир гуруҳ аскар унга ташланди. Судраб Аббоснинг олдига олиб келдилар, Аббос эса бир зарб билан унинг бошини танаасидан жудо қилди. Бу воқеа 1449 йил 27 октябрда рўй берди.

Улуғбек ўз бобосининг ёнгинасига, Гури Амирнинг мафтункор гумбази остига дағи этилди. Унинг қабртошига битилган қўйидаги ёзувни ҳозирги кунда ҳам ўқиш мумкин: «Падаркуш Абдулатифга лаънатлар бўлсин».

Улуғбек оламдан ўтгач, Абдулатиф тайинлаган ҳоким олимлар ва шоирларни қувғин остига олди, улар шошилнич равишда шаҳарни тарк этдилар.

Расадхона аста-секин харобага айланди, бироқ Са-марқанд фалакиётчиларининг буюк асари «Зижи жадиди кўрагоний» Улуғбекнинг сўнгги шогирди ва дўстни Али Кушчи томонидан сақлаб қолинди: у ўз жонини хатарга қўйиб асарни Истанбулга олиб борди, Туркия сultonи Мөхмет II уни чоп эттирди.

Шоҳруҳ баъзан дипломатияни ишга солиб, баъзан куч ишлатиб, ўз отаси салтанатининг каттагина қисмини қайта тиклашга муваффақ бўлган эди.

У ўзи эллик йил ҳукмдорлик қилган Хуросонга Мозандаронни (Каспий денгизининг жануби), Мовароунаҳр ва унинг пойтахти Самарқандни, Шерозу Исфаҳон билан бирга Форсни ва Кермон (Эроннинг жануби)ни қўшиб олган эди. Бироқ Табризин қўлга киритган Қорақуюнлу туркман хонлиги устига икки бор зафарли юриш қилганига қарамай, у Озарбойжон ва Ироқи арабни сақлаб қололмади.

У Мовароунаҳрининг шимолий шаҳарларига босқинчилик қила бошлаган Муғулистойн кўчманчиларининг адабини бериш мақсадида ўғли Улуғбекни ҳам йўлга отлантирган эди.

Аслини олганда, Шоҳруҳ тинчликсевар инсон, ҳар-

лик қилдилар. Улар хавф-хатар қаршисида бир-бир-лари билан жипслашиш ўриига биродаркушлик билан машғул бўлдилар. Уларнинг узаро урушлари Сирдарёниг ўнг қирғоқларида бирон бойроқ ўлкани забт этиш ниятида юрган шайбонийлар эътиборини жалб қилди.

Марказий Осиёда Амир Темур авлодлари йўқолиб бораётган бир пайтда Тошкентнинг шарқида жойлашган кичик бир Андижон қасабасида келажакда соҳиб-қирон бобоси каби шон-шуҳратга эга бўлгучи янги бир шаҳзода дунёга келди; у кейинчалик шайбонийлар томонидан Самарқанддан ҳайдалади ва Ҳиндистонда афсонавий Буюк Мўғул империясига асос солиб, тугаб бораётган сулоланинг халоскорига айланди.

ТЕМУРИЙ БОБУР САМАРҚАНДНИ ҚҰЛДАН БОЙ БЕРИБ, ҲИНДИСТОННИ ЭГАЛЛАГАНИ ҲАҚИДА

Француз адабиётида «Бабер», аслида «Бобур» («Йұлбарс») номи билан тарихга кирған Заҳириддин Мухаммад отаси — Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг чевараси бұлмиш Андіжон ҳукмдори Умар Шайхнинг ўрнига таҳтга ўтирганида атиғи үн иккى ёшга тұлған эди. Орадан иккى йил ўтиб, Самарқандининг сұнгги темурй ҳокими бұлмиш амакисиннинг оламдан утиши оқибатида у ҳам таҳт даъвогарлари мусобақасында құшилди.

Бобур тожу таҳт ворислиги унга тегишига чуқұр ишонарды, зеро у отаси томонидан Амир Темур наслининг тұрттынчи авлод вакиғи эди. Осиёда әнг олий бұлған бу насаб, табиийкін, үсмирга үз рақиблары қаршынса катта умид ва ишонч бағишлиарды.

Аммо бу мушкул юмушни Андіжон музофотининг оз сөнли лашкары билан амалға ошириб бұлмаслиги сабаблы у марҳум амакисиннинг ўғли, каттагина құшнинг эга бұлған амакивачаси Султонали Мирзо билан иттифоқ тузишга мажбур бўлди.

Бирлашган құшиига құмондонлик қылған Бобур Самарқандни қамал қилди ва құлға киритди.

Афсус, энди Самарқанд «Шарқ дурданаси» ҳам, «фаровон» ва «сосуда маскан» ҳам эмас, аксинча, қисман вайронага айланған, очарчилик ҳукм сурған ва бору йўғидан айрилған шаҳар эди, холос. Аммо Бобур темурийларнинг imuқаддас маскани, бобоси Амир Темурни қанчалар қадрласа, у шунчалар ардоқлайдиган бу шаҳарни құлға киритганидан бағоят шод эди.

У ғайрат билан салтанат маҳкамалари хизматини тиклашга ва уруғлик дон тұплашга киришди.

Бобур илк бора Самарқандни айнан мана шүткінчлик ва ободончилик ишлары билан машғул бўлиб турған пайтида құлдан бой берди.

Қароқчилар ураб олған бир қалъада қолған онаизорига ёрдамга отланған Бобур, шаҳар ҳимоясини амакивачаси Султонали Мирзога топшириб кетди.

Сафардан қайтган Бобурга шаҳар дарвозаларини бў.
мадилар, бунинг ўринга амакнеччасининг «бу ерлар.
дан тезроқ қорангни учир», деган талаби эшитилди.

Аскарларидан кўпчилиги хонн хизматига утиб кет.
ганлиги сабабли, ёнида энг вафодор кишиларигина
қолган Бобур дала-даштда саргардон кезиб, бирор
муъжиза руй беришини ва ўзини бу оғир аҳволдан
қутқаришини кута бошлади.

Айнан мана шу даврда у ўзини Марказий Осиёда.
ги энг буюк туркий тилли адаб ва ўз замонасининг
энг билимдон ва энг ростгўй муаррихи сифатида
оламга танитган асари «Бобурнома»га қўл урди.

Кунлардан бир кун тонгда муъжиза ҳам рўй берди,
бироқ у маъшум хабар олиб келди: Самарқанд Шай.
бонийхонининг қўлига ўтган, Султонали Мирзо Қагл
этилган эди. Мовароунихаҳрда яна кўчманчи уруғлар
жунбушга келмоқда эдилар.

Шайбонийхон Самарқандда кичик бир бўлинма
қолдириб, ўзи мамлакат ҳудудида тинчлик ўринатиш
учун шаҳардан чиқиб кетганидан хабар топган Бобур
қалтис бир режа ишлаб чиқди ва уни муваффа.
қиятли амалга ошириди. У атиги бир неча сафдош
 билан зулмат пардаси остида шаҳар марказига кириб
олди ва тонг отганда ҳайратда қолган шайбонийлар.
га орқадан зарба берди. Ардоқли шаҳзодани таниган
шаҳар аҳли қўлга тушган қурол билан келгинди ас.
карларга қарши отилди. Шайбонийхон сафардан қайт.
ганида Самарқанд Бобур қўлига ўтган эди. Хон
қалъя деворлари устидан отилган тошлар ва аҳоли.
ниг шодон қийқириқлари остида ортга қайтишга
мажбур бўлди.

Қиши бўйи Бобур ўз ихтиёридаги оз сонли лашкар.
ларини машқ қилдириш билан банд бўлди. Баҳор ке.
лиши билан уларга бош бўлиб, Бухоро яқинида тур.
ган ўзбек қўшини устига юриш қилди. Яхши қурол.
ланган ва сон жиҳатидан устун Шайбонийхон қушини
жангда зафар қучди. Бобур ўн чоглик фидойилар
 билан уларининг сафини ёриб ўтишга муваффақ бўлди
ва Самарқандга қайтди. Эртасига душман шаҳарни
қуршаб олди. Шаҳарда озиқ-овқат тақчиллиги сезил.
лач, аҳолини қамал мушкулотларидан халос қилишни
истаган Бобур Шайбонийхонга таслим бўлажагини
 билдириди. Шайбонийхон шаҳар дарвозаларидан тан-

танавор кириб келаётган бир пайтда, ахоли Бобурни бошқа дарвозадан чиқариб юборди.

Бу билан Бобур Самарқандни иккинчи марта құлдан бой берган эди.

Бобур ўзиннің бошини келтирган одамға катта пул ваъда қылған Шайбонийхон таъқибидан қочиб, бир йил тоглик қирғизлар ҳузурнда бошпана топди. Мовароунинарда уннің учун бирорта ҳам хатарсиз маскан қолмаганлығын сабабли, Бобур Ҳирот сүлтонни, Ҳусайн Бойқародан бошпана сұрашга қарор қылды. 1504 йил июнида бир неча содиқ сафдошлари ҳамроҳлигіда жанубға йўл солди ва Амударёнинг нариги бетига ўтиб, Хурросонга киришин режа қылди.

Унга ҳамроҳлик қылған кичик карвон «Бобурнома» да шундай тасвиirlанған: «Улуғ-кичик мени умидворлик билга ирашиб юруйдурғанлар иккі юздин күпрак; уч юздин озроқ бўлгай эди. Аксар яёқ ва иликларида таёқ ва оёқларида чоруқ ва эгниларида чопон эрди. Усрат бу мартабада эдиким, бизнинг орада иккি чодир эди. Менинг чодирим волидамға тикилур эди».¹

Бу сафар Бобур Ҳиротга етиб боролмади — йўлда унга Шайбонийхон томонидан қувилган ўн беш мингдан зиёд киши келиб қушилди; улар Бобурдан узларига бош бўлишини сўрадилар.

Бундан ташқари, унга бир хабар етказдиларким, бу уннің тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди. узоқ амакиваччаларидан бири маҳаллӣ бир аъён томонидан ўзи ҳукмдорлик қилиб турган Кобулдан қувиб чиқарилган эди.

Бобур шу заҳотиёқ янги сафдошлари билан биргаликда Кобулни халос этиш режасини тузди. У йулини ўзгартирди ва кичик қўшини билан қалин қорга, очликка, бош айлантирадиган баландликка қарамай, қор босган сўқмоқлар бўйлаб Ҳиндикушдан ошиб ўтди. Шу алфозда у кутилмаганда Кобул қаршисида пайдо бўлди: золим қочиб қутулди; бутун вилоят ҳеч бир қаршиликсиз қўлга киритилди.

Шу тариқа у Ҳиндистонга олиб борувчи, Искандар, Антиокус, Менандр, хунлар, Маҳмуд Фазнавий, Муҳаммад Фурий ва Амир Темур каби фотиҳлар ўтган, гоят катта стратегик аҳамиятга эга худудни қўлга киритди.

¹ Захиршадин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», Тошкент, «Юлдузча», 1989, 109-бет (тарж.).

Бироқ шунга қарамай Бобурнинг фикри-ёди ши-молга қаратилган эди. Чунки ўз музafferона юришларини давом эттираётган Шайбонийхон Хивани қўлга киритган, Балхни қамалга олиб, Ҳиротга хавф солмоқда эди.

Бобур Хурсондаги амакиваччаларинга ёрдам бешриш ниятида сараланган суворийлардан иборат бир қўшин тузди ва Ҳирот томон йўл солди. Бироқ у ярич йўлдан Кобулга қайтишга мажбур бўлди: шаҳарда исен кўтарилилган эди.

Яна қайтиб йўлга чиқишига ҳожат қолмаганди; унга машъум хабар келтирдилар: Шайбонийхон Ҳиротни қўлга киритнб, ҳукмдор темурнийлар оиласининг барча аъзоларини қатл эттирган эди.

Шу алфозда Бобур якка меросхур ва ягона темурий ҳукмдор бўлиб қолди. У Кобулда ўзини подшоҳ деб эълон қилди ва Амир Темурнинг вориси эканлинини, шу олий лавозимда унга тегишли бўлган бурчни ўташни ва ҳукуқлардан фойдаланишини маълум қилди.

Орадан бир неча йил ўтиб, 1510 йилда, Мовароунихарадаги вазият бутунлай ўзгарди. Сафавийлар сулоласининг бошлиғи, яқинда Эрон тахтига ўтирган Шоҳ Исмоил шайбонийларни тор-мор этиб, Шайбонийхонни қатл эттирди.

Сафавийлар шина мазҳаби ақидаларининг оташин тарғиботчилари эдилар. Улар Мовароунихар аҳолисининг аксарияти риоя киладиган суннитлик ақидаларини инкор этардилар. Шоҳ Исмоил қўлга киритган зографлардан сўнг шиаликни кабул килмаганлар шафқатсиз жазоланарди. Бироқ Шоҳ Исмоилнинг усмонли туркларга қарши жангга ҳозирланадиганидан хабар топган Бобур унга лашкарларини яна қайта бирлаштиришга эришган Шайбонийхоннинг ўғли ва жиянига қарши курашда ўзи билан иттифоқ тузишни таклиф қилди; таклифга биноан Шоҳ Исмоил Бобурга Самарқандни қўлга киритиш учун лозим бўлган қурол-аслаҳа ва аскар берниши лозим эди.

Ўзи усмонли туркларга қарши жанг бошласа шайбонийларни тұхтатиб туриш имконияти түгилганинга қизиққан Шоҳ Исмоил Бобурнинг таклифини қабул қилди. Бироқ Бобур ўзини унинг вассали деб тан олишини ва биргаликда забт этилажак ўлкаларда шиаликни тағжатишга кўмаклашишини талаб қилди. Бобур, суннит мусулмон бўлишига қарамай, бу шарт-

III қабул қилишга мажбур бўлди. Ўзи кўп ўтмай амин бўлганидек, Самарқандга яна бир бор қайтиш Бобурга қимматга тушадиган бўлди.

Шоҳ Исмоил кечиктирмай Бобурга яхши қуролланган тезкор қўшин юборди. Бобур бу қўшинга бош бўлиб, шайбонийларга қарши жангга кирди: ғаним қирғиндан қочиб, шимол даштларига кириб беркинди. Мұзаффар қўшин Зарафшон воҳаси билан юриб, 1511 йил октабрида Самарқандга кириб келди.

Шаҳар аҳли Бобурни тантанали кутнб олди; бу билан у темурийлар пойтахтини учинчи бор қулга киритди.

Бироқ, кўп ўтмай Самарқанд аҳолисининг шодлиги ўринин таассуф эгаллади, чунки Бобур қўшини таркибидаги сафавий бўлинмаларн аҳолига нисбатан ўзларини бешафқат хўжайнилар сифатида тутдилар ва омма ҳузурида суннӣ ҳалифаларни лаънатларга кўмдилар.

Бу ҳам етмагандек, улар Шоҳ Исмоил кўрсатмаларига амал қилиб, Бобурдан Шоҳ Исмоилни хутбага қўшиб ўқитишни ва унинг номи билан танга зарб этишини талаб қила бошладилар.

Шаҳарда Бобурнинг обрунга путур етди. Вазият шу даражага бориб етдики, Шоҳ Исмоил йуллаган аскарлар қишини ўтказиш учун Эронга қайтганларидан фойдаланган шайбонийлар шаҳарга тўсатдан ҳужум қилганида, суннӣ эътиқодидаги аксарият аҳоли уларга қарши курашда ўз ҳукмдорига ёрдам беришдан бош тортди.

Бобур ёнида қолган оз сонли садоқатли лашкари билан шайбонийларга қарши жанг қилиб Самарқандни тарк этди.

Бу билан у Самарқандни учинчи ва сўнгти бор қўлдан бой берди ва бу шаҳарга қайтиб келмади.

Шафқатсиз тўқнашув Бухоро шаҳри яқининда бўлиб ўтди. Чогроқ қўшинга эга бўлган Бобур мағлуб бўлди. У Ҳисор шаҳри қалъасига кириб беркинди ва қамалга тайёргарлик кура бошлади. Шоҳ Исмоил юборган янги мадад кучлари ҳужумга ўтиш имконини берди, бироқ янги келганлар мамлакат аҳолисига нисбатан ваҳшийлик бобида илгарнгилардан ҳам ўтиб тушибилар.

Эркаклар, аёллар ва ҳатто ёш болаларнинг бе-айб қирғин қилинаётганидан ёқа ушлаган Бобур Шоҳ

Исмоил билан иттилоқидан воз кечишини маълум қилди. Бироқ у буни амалга оширишга улгурмади, зеро рўй берган воқеалар бунга йўл қўймади.

Бухородан қувнлган шайбонийлар жарлик, дараҳтлар ва буталар билан уралган кичик бир Тож Довои номли қишилоққа беркиниб, пистирма қўйдилар. Уларнинг камонларидан отилган ўқлар биринчи бўлиб ҳужум бошлаган эронийлар сафларини тузитиб юборди. Бобур ва унинг суворийлари яна Ҳисордан бошпана топдилар. Лашкарлари таркибида хизмат қилаётган мўғул ёлланма аскарлари вазиятдан фойдаланиб, унинг шахсий буюмларини ўғирладилар ва уйқуга кетганида ўлдиришга ҳам ҳаракат қилдилар.

Уларнинг қўлидан қочиб улгурган Бобур ёлғиз ўзи тунги кийимида Қундузга, уз тарафдорлари ҳузурига йўл олди. Мўғул қароқчилари бутун ўлкани талонторож қилдилар, бироқ қиши келганида на ўзларига ва на отларига смак тополмай қолдилар ҳамда янги куч йигиб қайтиб келган шайбонийлар томонидан қирғин қилиндилар. Шу дамдан бошлаб шайбонийлар бутун Мовароуннаҳр ҳокимига айландилар.

Ҳокими қариндоши ва вассали бўлган Қундузда янги бирор мўъжизани кутиб Бобур икки йил қолиб кетди.

Афсуски, на бирор мўъжиза рўй берди ва на Шоҳ Исмоилдан мадад келди. 1514 йил Шоҳ Исмоил усмонлилардан қаттиқ мағлубиятга учраганини эшиггач, барча умидлари пучга чиқди. Тушкунликка тушган Бобур ўзига содиқ бир неча киши билан тўрт йиллик айрилиқдан сўнг Кобулга қайтиб келди.

У кичик ўлка юмушлари билан жиддий шуғуллана бошлади, вилоятда тинчлик ва тартиб-интизом ўринатди, санъаткор ва шонрларни ўз ҳимоясига олди, деҳқонларга далда бериб, ҳунармандларни қўллаб-қувватлади.

Бобур художўй инсон, очиқкўнгил, ширинсухан ва мард улфат сифатида ўз мулоғимлари ва аскарлари орасида катта обрў-эътибор орттириди. Ўз хотираларини давом эттириш билан бирга у «хатти Бобурий» деб номланган янги алифбо кашф этди ҳамда румликлар — онадўлиликлардан ўриак олиб, ўз лашкарларини янги замонавий аслаҳа билан қуроллантириди.

Бобур узоқ йиллар давомида Мовароуннаҳрда янги ўзгаришлар бўлишини кутиб яшади. Бу яхши ният

уни яна Самарқанд таҳтига ўтқизишига ишонардя. Умидлари пучга чиқди: шайбонийлар хонн бу ўлкада мұстаҳкам ўриашыб олган, уннің күплаб уруғлары эса Амударе соҳилларини күз қорачигидек қўриқлашар эди.

Шу боис Бобур Самарқандни бир лаҳза унутишга қарор қилди ва буюк бобоси Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб афсонавий Ҳинд салтанатини забт этиш ниятида йўлга чиқди.

Қирқ икки ёшга тўлган Бобур 1525 йил 17 ноябрда қўшинларини Хайбар довонидан олиб ўтди. Ҳинд дарёсини кечиб ўтиш пайтида Бобурнинг миясига лашкарининг аниқ сонини аниқлаш фикри келди ва бу ишни мирзаларига топширди: ҳаммаси булиб ўн икки минг кишини рўйхатга олдинлар. Шу тариқа биз ҳам тарихда ном таратган салтанатлардан бирини тезда ағдариб ташлаган қўшиннинг аниқ сонини билишдек ноёб имкониятга эга бўлдик; табиийки, бу сонининг бир неча марта камлигидан биз ҳам хайратга тушдик, зеро Бобурдан илгари ўтган шоҳлар ўз лашкарлари сонини бир мунча кўпайтириб курсатишни одат қилишган. Бирок, Бобур айнан мана шу ўн икки минг аскар билан Ҳиндистонни забт этади ва у ерда ўз сулоласига асос солади.

Қўшиннинг олға юришн осон кечмади: иссиқ ва нам ҳаво аскарларни қийнаб, қурол-аслаҳаларни синовдан ўтказарди. «Ул вилоятларнинг ёйларига пашкол ўлса, худ ўтиб бўлмайдур, тез бузуладур, на ёлғуз ёй, жиба ва китоб, раҳт ва матоъға — борига таъсир қиласадур», — деб ёзади бу ҳақда Бобур ўз хотираларида¹.

Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори, Деҳли султони Бобурнинг яқинилашиб келаётганидан ташвишга тушди. У, юз минг киши ва юз филдан иборат қўшиннга бош бўлиб, босқинчиларга қарши чиқди. Жанг 1526 йил 21 апрель тоғигида Деҳли қаршиидаги Панипат теслигида рўй берди.

Марказий Осиё суворийлари ҳиндулар ва уларнинг артиллериясидан устун келдилар. Бобурнинг замонавий аслалаҳалири филларни тумтарақай қилди. Кечга бориб Бобур муҳорабада сўзсиз зафар қучини аён бўлиб қолди. Орадан уч кун ўтиб эса, у, шахарга му-

¹ Захидиддин Мухаммад Бобур, «Бобурнома», Т., «Юлдузчан», 1989, 267-бет (тарж.).

заффарона кирнб борди ва жоме масжидида ўз шаънига хутба ўқиттирди. Шундан сұнг у Аграни Құлга киритди, мана шу муносабат билан үгли Ҳумоюн үнга машхур Құхнур олмосини совға қилди. «Бир аш-ҳар олмос әдикнім,— деб ёзади Бобур ўз хотираларыда,— бир муқаййім мунинг қнійматинні тамоми оламнинг иккі ярим күнлүк харжы дебтур»¹. Бироқ шунга қарамай у олмосни үглига қайтариб берди. У катта хазинага тенг үлжани үзининг барча сафдошларига бұлыб берди; Кобулға бир неча карвонда жұнатылған олтин, қнімматбақо тошлар ва матолар лолу ҳайрон ахолнға улашилди. Бобур эса үзига игна ҳам олмади, чунки у ҳукмдор фақат күч ишлатиб зафар қозонмай, ўз саховати билан фуқаролари ҳурматин ҳам қозониши керак, деб ҳисобларды.

Бобур Шимолий Ҳиндистон тахтига ўтиргач, ватанни соғнинб зерика бошлаган аскарларини чалғынш учун ишга киришди. Уларнинг ёрдамида ҳукмдор үлкан бунёдкорлик ишларини амалға оширеди: чүкүр қудуқлар қазилди, сүфорнш иншоотлари қурыс битказилди, ариқларга чархпалаклар үрнатылды ва натижада Аграниң беғайз манзараси бутунлай ўзғарыб, бир неча йил ичида күм-күк үлкага айланыпты. Бобурнинг барча одамлари — оддий аскардан тортиб зобитгача — меъморларга, тоштарош ва бөгбонларга айландылар. Үзларнинг шимолдаги даштарини унута олмаганларга Мовароунағра қайтиб кетишларига ижозат берилди.

Бобур ўз салтанати ҳудудларнни тобора олис вилюятлар томон кенгайтириб борар экан, тартиб-ннтизом сақланишига катта әътибор берар, барчага, айниқса, мусулмон булмаганларга одилона муносабатда бұлишга ҳаракат қиласа әди. У ўз севимли қурол турн бўлмиш артиллерияни такомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берди; айнан мана шу артиллерия туфайли у үзига қарши чиққан режалар иттифоқи кучларнни ер билан яксон қилди.

Бироқ Бобур мағлубият аламини тортаётганларга доимо олижаноблик курсады. Шу туфайли унинг обрў-әътибори тобора орта борди.

Ҳиндлар назаридан Бобур «Буюк мұғул» әди. Бу «шымолдан, мұғуллар юртндан келган буюк ҳукмдор».

¹ З. М. Бобур, Ұша асар. 216-бет (тарж.).

деганлари эди. У энди улкан — Париж билан Москва оралыгындағи ҳудудга тенг салтанатта, беңісөб бойларға, турлы-туман қарам үлкаларға, эътиборлы иттифоқдошлар ва күплаб дүстларға эга эди; бироқ касаллик ва айниңса, Самарқандың шайбонийлардан тортиб ололмагани ва Амир Темур қолдирған меросин қайта тиклаш учун қылган қайта-қайта ҳаракати зос кетгани туфайли соглигига птур етганди.

Бобур Аграда 1530 йил 26 декабря оламдан утди. Уз үрніга тұнгич үғли Ҳұмоюнның қолдиріб кетди. У энди қирқ саккизға кирган бұлыб, атиғи беш йил Ҳиндистонда ҳукмдорлик қылған эди. Бироқ, тарихда ҳеч ким у каби шу қадар оз күч билан ва шунчалық қисқа муддат ичіда бу қадар улкан ишларни бажарған эмас. Бундан ташқари, у үзидан үлмас хотира қилиб «Бобурнома»дек бебақо адабнің ёдгорлық қолдирди.

Уннинг ота-боболары юрти Мовароуннаұрга муҳаббати шу қадар күчли эдіки, у үзини Ҳиндистоннің мутлақ ҳокими сифатыда Деҳлида эмас, балки оддий бир темурий шаҳзода сифатыда Марказий Оснө тупроғыда дағы этишларини васият қылды. Иродасига биноан, у үзи Самарқанддан кейин яхши күрган иккінчи шаҳри Қобулдаги бир бօғда дағы этилди; уннинг қабри яқиннідаги мармар ҳовуз чеккасида үрнатылған тошға үзи ёшлыгыда битган газалдан бир байт үйіб ёзиб құйилди.

Бобоси Амир Темур каби Бобур ҳам буюк салтанат бунёд этди. Бундан ташқари, Бобур туфайли Ҳиндистонда уч юз йил ҳукмронлық қылған сулола томирларыда Үлуг амир қони гупуриб турди. Буюк бобурийлардан күпчілігі ажойиң ҳукмдорлар булып тарихга кирдилар.

Бобурнинг набираси Буюк Ақбар салтанат сары қадларини анча кенгайтиришга мұваффақ бұлды ва ҳатто, ҳиндлар, мусулмонлар ва насронийларни бир эътиқодға бирлаштиришга ҳам үрніб күрди. Бобурнинг эвараси бұлмиш Шоҳ Жаҳон ер юздаги барча мамлакатлар ва замонлар одамларнға энг ажойиң туҳфа — севікли рафиқасы хотирасынга оппок мармардан бунёд этилған ҳашаматли мақбара — Тож Маяланы ҳадя этди.

Буюк бобурийлар, яғни темурийлар, санъат вә адабнётни севар, үзларн ҳам яхшигина ижод қили-

шар эди. Миниатюрачилар, шоирлар, файласуфлар, ҳунармандлар ва меъморлар учун уларнинг саройла-рининг эшиклари доимо очиқ эди; ёрқин услубда бун-ёд этилган кўплаб ҳашаматли саройлар ва масжид-лар Мовароунинаҳр санъатининг Ҳиндистондаги ёдгор-ликларига айланди.

1707 йилда оламдан ўтган Аврангзебдан бошлас салтанат инқизотга юз тутди. Франция Бобур сулоласини қутқариб қолиши мумкин эди, зоро Дюплекс¹ унинг Буюк бобурйлар билан иттилоқ тузиш сиёса-тини қўллаб-қувватлаган эди, бироқ инглизлар зафар қучиб, француэларни Ҳиндистондан қувиб чиқарини сулола таназзулини тезлаштириди. Аврангзебдан ке-йинги подшохлар машҳур «Ҳиндистон компанияси»дан нафака олиб турган қўғирчоқ ҳукмдорларга айланниб қолди, холос.

1858 йилги Сипоҳилар исени ва унинг инглизлар томонидан шафқатсанз бостирилни сулоланинг тахт-дан кетишига олиб келди. Буюк бобурийларнинг сўнг-ги вакили, иқтидорли шоир ва оғир-вазмин табнатли кексайиб қолган подшоҳ — Баҳодиршоҳ Зафар Бир-мага сургун қилинди ва 1862 йил ноябрда дунёдан кўз юмди.

Қиролича Виктория Буюк бобурийларни тахтга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилди ва 1877 йил ўзи ҳам-да ворислари учун Ҳиндистон Маликаси деган янги узвон олди.

Бу билан Англия нафақат бобурийлар салтанати-га, балки беш аср олдин енгилган мӯғуллар вакил-лари қаршиисида Мовароунинаҳр ҳукмдори деб эълон килинган беқиёс фотиҳ Амир Темур асос соглан те-мурнийлар сулоласига чек қўйди.

Зоро шоир шундай деб ёзган эди:

Даҳ дарвеш дар гилиме биҳусбанд,
Ду подшоҳ дар иқлимс ногунжанд

¹ Жозеф Франсуа Дюплекс (1696—1763) — француз давлат арбоби, «Ҳиндистон компанияси»нинг бот директори (1741). Франция билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сотиқ пешларини ри-коқлантиришига катта ҳисса қўшгап, Ҳиндистонда Франция ман-фавтларини ҳимоя қилиб, Англия таъсирининг кучайиб боришига қарпилик кўрсатган (тарж.).

² Ун дарвеш бир гиламда ётади. Иккى подшоҳ бир иқлимга сизмайди. («Бобурнома», 110-бет).

ИЛОВА

АМИР ТЕМУР ВА ОВРУПОЛИКЛАР ҮРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Амир Темур ва Оврупо қиролларн үртасидаги муносабатлар күп жиҳатлари билан кишини ҳайратга солади. Аслини олганда уларин күп нарса ажратиб турарди: эътиқодлари, тиллари, бир-бирига душман халқлари, ораларидаги масофа ва айниқса, манфаатларининг турли-туманилиги.

Бироқ ўз салтанатини кунботар томон кенгайтирган Улуғ амир аста-секин овруполикларнинг ғанимлари ул каларига кириб борган эди. Оврупога Амир Темур ҳакидаги илк маълумотларни ваҳимага тушган санёҳлар олиб келишди: овруполикларнинг ҳам душманлари бўлмиш ўз ғанимларини майдалаб-яничиб, енгилмас қўшин бошида Ғарб томон тобора яқинлашиб келаётган олис самарқандлик қаттиққўл ва довюрак фотиҳ — у ҳақидаги илк маълумотлар мана шулардан иборат эди, холос.

Шу афсонавий шахс усмонли туркларнинг ҳамда Сурия ва Миср мамлукларининг эшикларига етиб келганидагина оврупо қироллари унинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қилишди. Жаҳонгирнинг турклар ва мамлуклар сингари мусулмонлигини ҳисобга олмаганда, овруполиклар ўзларининг азалий ғанимлари билан Осиё марказидан чиққан шу баҳодир үртасида муҳораба чиқишини бетоқат кута бошладилар.

Овруполиклар учун энг асосий хавф — бу Никопол яқинида насронийларнинг ўзларига қарши қаратилган Салиб юришини тор-мор этган, Константинополни қамал қилган ва Можористон, Булғория ҳамда Юнонистонни вайрон қилган усмонли турклари эди.

Овруполиклар Амир Темур ва Иилдирим Боязид үртасида — икковлари ҳам бир нрқ ва бир эътиқод вакиллари бўлса-да, чуқур ғанимлик борлигидан ҳам хабар топдилар. Ҳеч шубҳа йўқ эдики, бўлғуси жангда улардан бири қоларди, холос.

Мамлукларни маҳв этган Улуғ амир Туркия томон юриш бошлаганида, Оврупо қироллари бутуи умидларини Амир Темурнинг Боязид устидан қозонадиган

Ғалабасига тикдилар. Үлар Амир Темурга чопарлар йўлладилар, Византия туркларга тўлайдиган ўлпомларини унга таклиф қилдилар ва агар у туркларга қарши жанг очадиган бўлса, насронийларнинг кемалари унга кўмакка келишини маълум қилдилар.

Амир Темур овруполик ва византиялик элчиларни иззат-ҳурмат кўрсатиб қабул қилди, уларнинг қироллари ва императорига бўлган ўзининг самимий муносабатини билдириб, мактубларига жавоб битди. Бу билан у насронийларни мусулмонлардан афзал кўрмади, аксинча, барча буюк саркардалар каби зукко инсоц сифатида ҳал қилувчи жанг тараддути пайтида барча омилларни ҳисобга олди.

Туркларни вайрон қилган кунининг эртасига ҳам у ўз фикридан қайтмади. Самарқанднинг Улуғ амири ва унинг овруполик ёлғон иттилоқдошларн (аслида, улар Амир Темурга берган ваъдаларининг устидан чиқишмади) ўртасида ҳайратланарлик дипломатик алоқалар бошланиб кетди.

Томонлар мактублар ва илтифотлар билан алмашдилар, Амир Темур Испанияга элчи йўллаб, Боязид ҳарамидан озод қилинган уч насроний гўзалини унга қўшиб юборди (бу Улуғ амирнинг Кастилия қиролига туҳфаси эди).

Франция қироли Карл VI Амир Темур тавсия қилган машриқлик епископни қабул қилди ва ниҳоят, Ҳенри III Самарқандга элчи қилиб, баҳтимизга, ёзувчилик иқтидорига эга бўлган Клавихони жўнатди.

Бу фавқулодда дипломатик муносабатнинг давоми бўлмади, зоро орадан кўп ўтмай Амир Темур Чин йўлида оламдан ўтди. Бироқ бу муносабатларнинг ишончли далиллари ва ўша замоннинг улар туртки берган қатор афсоналарн бизгача етиб келган.

Амир Темур ва Кастилия қироли ўртасидаги муносабатлар

Мажруҳлиги туфайли «Хаста» деб лақаб олган вә бевақт оламдан ўтган Кастилиянинг тиришқоқ ва хаёл-параст қироли Ҳенри III (1390—1406) ташаббусига кўра насроний Испания Амир Темур билан бошқа Оврupo давлатларига қараганда анча муҳим дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Қадимий испан солномаларида ёэнлишича Ҳенри III

рухоний Жан (Иоан, Осиёнинг қаисидир бир улка-
сида қўним топган афсонавий ҳукмдор)га, Бобил
(Қоҳира) султонига, Улуғ турк султони Боязидга, ҳукм-
дор Амир Темурга ҳамда Фес ва Тунис подшоҳларига
элчилар жўнатиб, уларга шу мамлакатлар, уларнинг
аҳолиси, урф-одатларни ҳакида маълумотлар түплаш
ва бу ҳукмдорлар билан уларнинг ирқлари ва эътиқод-
ларидан қатъи назар Кастилия қироли номидан дўстона
муносабатлар ўрнатишни топширади.

Барча насроний ҳукмдорлар каби Ҳенри III Нико-
полнинг маглубиятини алам билан қаршилади ва турк-
ларнинг Оврупо томон зафарона юришини тұхтатиши
лознмлигини англаб етди; бунинг фақат икки усули
бор эди: биринчиси дипломатик йўл бўлиб, иккинчиси
бевосита тўқнашув эди; Боязид қўшинлари сон жиҳати-
дан кўп бўлганлиги учун насронийлар Амир Темур
билан иттифоқ тузибгина унга қарши чиқишилари
мумкин эди.

У илк маротаба Кичик Осиёга ўз пажларидан бирин-
чи галициялик құдратли сенъорлардан бирининг ўғли
Гомес де Сотомайор ва аревало (Сеговия вилояти)
лик йигит Ҳернан Санчес де Паласуэлослардан ибо-
рат элчилар йўллади.

Боязид ва Амир Темур билан алоҳида-алоҳида уч-
рашиб, уларнинг насроний мамлакатларга бўлган му-
носабатларини билиш вазифаси топширилган бу иккя
элчи 1402 йилнинг баҳорида Туркияга етиб келишдн.
Жуғрофий жиҳатдан Оврупога яқин турган Боязид
уларни биринчи бўлиб қабул қилди. Элчилар Амир
Темур Кичик Осиёга қадам қўйганлиги тўғрисида ха-
бар олган Боязид ўз лашкарларини Ансир (Анқара)
қаршисига жамлаётган пайтда унга учрашдилар.

Тарихдан яхши маълумки, Боязид рақибини додга
қолдириш ниятида ўз лашкарларини Анқара дарвоза-
лари олдида эгаллаб турган қулай илк манзилларидан
қўзгатиб мудҳиш хатога йўл қўйди. Аксинча, рақиби
уни доғда қолдири ва айланма йуллар билан ҳамда
суворийларининг гайритабии ҳаракатчаниғи туфайли
турклар ташлаб кетган мэррани эгаллаб олди. Боязид
жангга кетишдан олдин ўз юкларининг бир қисмини,
ҳарәмини ва Кастилиялик икки элчини Анқара қалъаси-
нинг уч қават деворлари ортида қолдири ва улар
билан зафар қўчганидан сўнг учрашишни ният қилди.

Бир ҳафта давомида Гомес ва Ҳернан Анқара де-

вөрләри устида туриб, усмонилларниң шошилиң ра-
вишда шаҳардан чиқнб кетишларини, Улуг амирнинг
ажойиб суворийлари бу ерларга етиб келнешларини,
сүнг икки буюк саркарданинг жанггоҳда бир-бирларига
қарши чиқишлиарини, бу муҳорабада турк лашкарларининг
ер билан яксон этилиши, шаҳарнинг таслим
бўлишини ва ниҳоят, Амир Темурнинг саралаган бў-
линмаларга шахсан ўзи бошчилик қилиб, қалъага
кириб келишини кузатдилар.

Қўлга киритилган зафардан боши осмонга етган
соҳибқирон бу сафар шаҳар аҳолисини одатдагидек
қиличдан уtkазиш ёхуд банди қилиш ниятидан қайт-
ди ва фақатгина улпон билан кифояланди. Тус-тўпо-
лондан омон қолган қирол Ҳенрининг элчилари қувлиқ
қилишди ва музafferга пешвоз чиқишиб, уларни қирол
Амир Темурнинг Боязид устидан қозонажак муқаррар
ғалабасига иштирок этишлари ҳамда унга насроний
қиролларнинг қутловларини етказишлари учун атайлаб
юборилганликларини маълум қилишдн.

Амир Темур уларни илтифот билан тинглади ва
шундан кейинги кунлар давомида уларни бир неча
маротаба қабул қилди. Қадимий испан солномаларида
элчиларнинг соҳибқирон ҳузурида бўлган даври ҳақида
афсонасифат ҳикоялар битилган. Бу ёзувларда Амир
Темур Қастилия элчиларига бағоят катта илтифот кўр-
сатган, уларнинг ҳар бир истагини рӯёбга чиқаришга
ҳаракат қилган мард ҳукмдор сифатида тасвирланади.

Фурсатдан фойдаланиб Гомес ва Ҳернан шахсан
Амир Темур уларга шамшир совга қилишини илтимос
қилишади. Уларнинг бу нияти бажо келтирилади. Гомес
туркларнинг бирортаси билан яккама-якка жанг қи-
лишга рухсат сўрайди ва бунга ижозат олади: жанг-
да у голиб чиқади ва Амир Темурнинг таҳсинига са-
зовор бўлади. Амир Темур «ўғли» Ҳернан ушбу учра-
шувдан хотира сифатида ўз исми-шарифига унинг ҳам
исмини қўшиб олишини таклиф қиласди; шундай ҳач
бўлади, зоро юқорида тилга олинган солномада таъ-
кидланишича, кейинчалик Ҳернаннинг Аревало яқни-
даги Рапариегос черкови ҳовлисига қўйилган қабр
тошига қўйидаги сўзлар битилади: «Бу ерда қирол
Ҳенри III саройининг аъёни ва унинг Амир Темур
ҳузуридаги элчиси марҳаматли рицар Ҳернан Санчес
до Паласуэлос Тамерлан дағн этилган». Ҳикоя қилиш-
ларича, Улуғ амир Ҳернанга турклардан олинган авлиё

Микоилнинг ажойиб бир ҳайкалчасини ҳам тортин қилган; турклар уни византияликлардан тортиб олишган эди. Ҳернан ватанига қайтгач, уни Аревало яқинидаги Паласуэлос де ла Вега черковнга ҳадя қилган; узоқ даврлар давомида маҳаллий дәхқонлар ўз қишлоқларига келган ажнабийларга бу ҳайкалчани «Гамерлан денгиз ортидаги үлкалардан» олиб келган дейишган.

Солномада таъкидланнишича, Гомес Боязиднинг Амир Темур қулига тушган ҳарамидаги канизаклар орасида уч ҳурилиқ нарсоний қизни кўриб қолади ва Амир Темурдан уларни озод қилиб, Кастилия қиролига тухфа сифатида жўнатишини сўрайди. Бир қарашда афсонавии туюлган бу воқеа тарихий далиллар билан тасдиқланиши ҳайратлидир.

Ҳенри III нинг дипломатик ташаббусидан илҳомланган Улуғ амир ҳам унга ўз элчисини йўллашга қарор қиласди. У бу иш учун ўз акобирларидан бири бўлмиш Муҳаммад Алкажини (Муҳаммад ал-Кеший: кешлик Муҳаммад — тарж.) танлайди; бу вазифага у шубҳасиз ўша пайтларда испанлар ҳам сўзлашадиган араб тилини яхши билганлиги учун танланган бўлса керак. Элчи ўзи билан ҳукмдорнинг мактуби, бир неча қутиларда зебу зийнат ва Кастилия қиролига аталган уч нарсоний асирани олиб йўлга тушди. Ватанларига қайтаётган Гомес ва Ҳернан элчи ва унинг шерикларига ҳамроҳлик қилиш ҳамда ўз ватандошларини «Амир Темур элчилари» билан таништиришини зинмаларига олдилар.

Мазкур гуруҳ Пера шаҳрида генуяликларнинг кемасига чиқиб олди ва 1403 йил январ ойида Кадикс шаҳрига етиб келди. Константинополда қўшилиб олган бир неча турклар ҳисобига кенгайган бу шарқона дабдабали кортежнинг пайдо булиши Испаниянинг ўтган шаҳар ва қишлоқларида шунчалар катта ҳаяжон ва қизиқиш уйғотдики, ўша даврда ёзилган солномалар ва қўшиқларда унинг ёрқин изи сақланиб қолган. Уч қаҳрамон қиз ҳамманинг диққат марказида булган, улар ўз бошларидан кечирган азоб-уқубатлар туфайли ингитларнинг қалбларида ҳамдардлик, ҳуснинатофтлари туфайли эса ишқ алангасини унготдилар.

Севилья шаҳрининг қадимий архивларида ҳам Амир Темур элчилиги хусусида ёзувлар сақланиб қолган, зоро қирол шаҳар ҳокимиятига сафар иштирокчиларининг ётиб-туриши ва озиқ-овқатидаи хабар олиб туришни топширган бўлиб, ҳокимият мирзаси меҳмонларини

исми-шарифлари ва улар учун таом тайёрлашга кетгандын маҳсулотлар номи ҳамда миқдорини алоҳида дафтартарга қайд этиб борган. Рўйхат бошида гуруҳ раҳбарн Пайо Гомес туради, ундан кейин «татарлар қиролининг элчиси — «турклар қироли»дан тортиб олинган ва қирол Ҳенрига туҳфа қилинган Анжелина де Гресга ҳамроҳлик қилиш топширилган Мұхаммад. Улардан кейин яна уч аёл, беш татар ва турк ҳамда уч шарқ насронийлари қандык этилган. Рўйхатда Ҳернан Санчес номининг иуқлигини унинг элчилар яқинлашиб келаётганлиги ҳақида қиролни хабардор қилиш учун ошиқ қанлиги билан изоҳлаш мумкин. Уч аёлга келсак, улардан иккитаси: **Мария ва Каталина Анжелина** билан бирга тутқунликда юрган аёллар булиши мумкин.

Айнан мана шу Севильяда Анжелина кастелиан тилида битилган ўрта асрлар рицарлик севгиси мадҳ этиладиган қўшиқларнинг энг гўзал қаҳрамонига айланди (Хуан Алфонсо де Баянанинг шеър ва қўшиқлар тўплами). Қостиля адмиралн Мисер Франсиско Империал исмли асли генуялик шоиртабиат бир киши Қуадалкуивир қирғоқларида сайр қилиб юрган Амир Темур озод қилган аёлни кўриб қолади ва унинг ҳусни-латофатини мадҳ этиб икки шеър битади, уларга шу жанр ишқибозларни юқори баҳо беришади.

* * * * *

Гузал, нозик, лобар,
сарвиқомат дилбар,
олижаноб ва камтар,
ўзгаларга меҳрибон,
Қиролга ҳадя бўлиб,
латофатга тўлиб,
бу оқсуяк аёл
олис Шарқдан келарди.

* * * * *

Бироқ шу сатрлардан сўнг адмирал-шоир берган саволларга ҳеч қачон қониқарли жавоб топилмайди:

Сенвора, айтинг менга, қай тилда сўзлашасиз?
Миллатингиз нима,
сиз кимсиз?

Ун кунлик меҳмондорчиликдан сўнг шаҳар муниципалитети томонидан озиқ-овқат ва от-улов (ўн бир оғза тўрт хачир) билан таъминланган элчилик Севильяни

тарк этди ва салтанатини кезиб юрган қирол Ҳенри III ии қидириб йўлга тушди. Йўл устида гуруҳ Линнас шаҳрининг ҳокими Пайо Гомеснинг амакиваччаси Луис Мендес де Сотомайорнинг таклифига биноан шу шаҳар яқинида жойлашган Йодар деган кичик бир шадарчада тўхтади.

Қадимий ҳикоялардан бирида айтилишича, Пайо Гомес шу ажойиб шаҳарчанинг фаввораси яқининг чодир тикибди, Анжелинанинг дугонаси Мария эса унинг ёнига келибди. Андалузияда айни баҳор пайти экан... Ёшлар бир-бирларини жуда қаттиқ севиб қолипти. Кўхна севги қўшиқларидан бирида мана шу воқеага ишора қилинади:

Йодар фаввораси олдида
Шаҳло кузли бир қизни кўрдим.
Ихтиёrim қўлимдан бердим,
Энди шу кўзларсиз ўламан, ўлдим...

Йодардан сунг карвон шимолга қараб йўл солди ва қиролга ўзининг Сеговиядаги мулки — ажойиб Алкасарда ҳордиқ чиқараётган пайтида етиб олди. Қирол Амир Темурнинг элчиси ва унинг ҳамроҳларини расмий қабул қилди. Муҳаммад ал-Кешний унга Улуғ амирнинг мактубини топширди; мактубда соҳибқирон Қастилия қиролига ҳурмати баландлигини билдириб, ўзининг Боязид устидан тўла ғалаба қозонганини маълум қилганди; у ўз мактубини қўйидаги умидбахш сўзлар билан тугаллаган эди: «Биз насроний қироллар ўз шаҳарлари ва амлокларида ўзлари ҳукмронлик қилсинлар, деган қарорга келдик, элчинларингиз ҳам буни тасдиқлашлари мумкин». Шундан сунг «татар подшоҳи» нинг элчиси ўз хўжаси номидан унга қутилардаги бебаҳо совғаларни топширди.

Совғаларни катта қизиқиш билан қабул қилдилар, аммо Ҳенри III га, айниқса тутқунликда яшаган аёлларнинг бошларидан кечирган саргузаштлари қаттиқ таъсир қилди. Кейинчалик у бу аёлларга муносиб куёвлар ахтарди ҳамда уларга яхшигина сеп берди.

Солномачилар «ўз замонасининг дунёдаги энг гўзал аёлларидан бири» деб ҳисоблаган Дона Анжелина биринчи бўлиб ўзига куёв топди: бу киши қиролнинг Бош сакбони ва Сеговиянинг булажак ҳокими Диего де Контрерац эди. У эридан икки ўғил кўрди, уларнинг авлодлари эса бизнинг кунгача етиб келганлар.

Шулардан бири испан санъати тарихининг уткир билимдони, Лоцоя маркизи жаноб Хуан Диего де Контерацдир. Дона Анжелина Сеговиядаги Сан Хуан де Кабальерос черковига дафн этилган бўлиб, черков аёл умрининг сунгги кунларини иззат-ҳурматда утказган амлокнинг шундоқ ёнгинасида жойлашган. Унинг қабртошига қўйидаги сўзлар битилган:

Бу ерга граф Хуанинг қизи, Можористон қиролининг набираси, Диего де Контерацнинг рафиқаси таниқли зодагон хоним Анжелина де Грес дафн этилган.

Амир Темурнинг Мұхаммад ал-Қешийсига келсак, унинг Қастлияда қандай ҳаёт кечиргани ва мезборлар билан қайси тилда муомала қилғанилиги хусусида (биroz юқорида биз тахмин қилганимиздек, араб тилида сўзлашишган булса ажаб эмас) маълумотлар йўқ; аммо қирол Амир Темурга янги элчилар юборишга қарор қилған пайтда яна Мұхаммад ал-Қеший пайдо булади.

Бу иккинчи сафар учун Ҳенри III уз мулозимларидан бири бўлмиш Руи Гонсалес де Клавихони, доминикан мазҳабилк руҳоний Алонсо Паесни ҳамда қуриқчи зобит Гомес де Саласарни танлади. Қирол Амир Темурнинг элчиси ҳам улар билан йўлга чиқишини буюрди, зеро бу сафар элчилар Жаҳонгир билан учрашиш учун Самарқандга боришлиари лозим эди. Элчилар ўзлари билан қиролнинг мактубнни ва совфа-саломларини олиб йўлга тушишли.

Бу элчиларнинг бошқа элчилардан фарқи шунда эдики, сафар натижасида Клавихонинг қўли билан ёзилган ажойиб бир сафар кундалиги дунёга келди. Мазкур кундаликда улар кезиб утган ўлкалар, у ерларда яшовчи аҳолининг урф-одатлари ва турмуш тарзлари, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанддаги ҳаёт ҳамда бу ерда элчилар иштирок этган турли маросим ва зиёфатлар чогида Амир Темур ва унинг қариндош-уруғлари билан бўлиб утган суҳбатларнинг тафсилотлари аниқ ва мукаммал тасвирланган.

Тўртовлон 1403 йил 21 майда Қадикс шаҳрида генуялик савдогарлар кемасига чиқиши. Шу йилнинг октябрь ойида Константинополнинг Пера бандаргоҳига етиб келдилар. Ноқулай об-ҳаво туфайли улар қишини ўша срда утказишга мажбур бўлдилар; ва ниҳоят, 1404 йил баҳорида Трабзон бандаргоҳига келиб тушдилар, ундан

куруқлик бүйлаб Самарқандга қараб пұл олдилар. Мана шу ердан бошлаб улар соҳибқирон үрнатған қатын тартиб-нитизом ҳукмрон бұлған улкан салтанат ҳудига қадам қўйдилар. Таркибида Мұхаммад ал-Кеший борлиги туфайли расмий делегация сифатида қабул килинганды: уларга бошпана бердилар, янги чопқир отлар билан, қўриқчилар ва ҳатто, анча миқдордаги пул билан таъминладилар, бироқ барча сарф-харажатлари давлат зинмасига олинган чопарлар Самарқандга элтувчи асоснй йулларда риоя қиласидан тартиб-көндәларга улар хам бўйсунишга мажбур эдилар. Улар юрадиган йўллар ва буннинг учун кетадиган муддат олдиндан белгиланган эди. Оврўполиклар учун бу муддат жуда кисқа эди. Улар Табриздан Султонияга, Текрондан мовий гумбазлари кўп ва машхур шоир Умар Ҳайём тугилган шаҳар Нишопургача елдек учиб, заррача тин олмай ва ҳолдан тойиб етиб келдилар. Нишопурда йўловчилардан бири — Гомес де Саласарнинг жони узилди. Шу ерда тупроққа қўйилган бечоранинг тани совуб улгурмасидан чопарлар яна машаққатли йўлга тушдилар. Машҳад ҳам ортда қолди, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари кесиб ўтилди, кўхна Балҳ шаҳринга стилди ва каттакон дарё қирғоғига чиқилди: «жанинатдан оқиб чиқувчи тўрт йирик дарёнинг бири» деб таърифлайди уни Клавихо (аслида у Самарқанд подшоҳлигининг ва замонавий Узбекистоннинг табиии сарҳади бўлмиш Амударё эди). Дарёнинг нариги қирғоғига ўтилгач, сафар иштирокчиларига тезликни камтиришига ижозат берилди. Қирол Ҳенри икки элчисининг соглини ва ҳатто, ҳастлари хавф остида қолған эди, зоро уч ойлик сафар давомида улар Марказий Осиёда айни ёз ҳукм сурған шаронитда отда иккى минг километр, яъни ҳар куни ўртача қирқ километрдан ортиқроқ йўл босардилар. Пул-йўлакай улар Амир Темурнинг ватанин бўлмиш Кеш шаҳрини зиёрат қиласидилар, унинг дарвозаси пештоқига «Қудратимизга шубҳа қиласидан бўлсанг, биз қурдирган биноларни кўр» деган магрур шиор битилган «Оқсарой»ни томоша қиласидилар.

Ва ниҳоят, Улуг амир уларни 1404 йил 8 сентябрьда Самарқанд шаҳри деворларидан ташқарида жойлашган дабдабалн бир саройда расмий қабул қиласиди.

Клавихо бу саҳнани ўз кундалигида қўйнадагича тасвирилайди:

Хукмдор (Амир Темур) ҳашаматли уй олдидағи шоқсупа үстида ұтиради. Үнинг ёнидаги фаввора сүвіари анча баландга оти.либ, ҳовузга қайтиб тушар, ҳовузда эса қизил олмалар сүзіб юрарди. У гулсиз шоқи либос кийган бұйылар, оппоқ телпагининг атрофини жавохирлар қоплаган катта қизил әқүт безаб турарди.

Расмий қутловлардан сүнг Амир Темур яхшироқ күриб олиш учун овруполикларни яқинрок келишларини сұрады. У әлчиларга одат бүйіча мурожаат қилиб, Кастилия қиролининг саломатлигини сурыштиреди, сафар тафсилотлари билан қизиқди ва уларға: «Салтанатимизга хүш келибсиз!»—деди. Сүнг у әлчиларни үз атрофидагиларга таништириб, шүндей деди:

— Мана бу әлчиларни менга дүнёнинг нариги бурчагидан фараңларининг энг құдратлы қироли — менинг үглем Кастилия қироли йұллабди...

Сүхбат охирида у Клавихо ва биродар Алонсоны зум үтмаған бошланиб кетген зиёфатға таклиф қилды. Таомлар тортилишидан олдин күз күриб, қулоқ эшитмаган бир воқеа содир бұлдиким, у Улуг амир томондан олдиндан тайёрланғанligига аслы шубҳа ыңғызди.

Иккى овруполикнің гүё тасодифан Чин әлчиси үтирган супа томон бошладылар, әлчи эса уларға супанинг бир четидан күрпача-ёстиқсиз жойни бушатыб берди. Буни күрган Амир Темурнинг қаттық аччиғи чиқыд:

— Менинг үглемін ва дүстім қиролнинг әлчилари Чин ҳукмдори әлчисидан юқорида үтиришлари лозим! Биз ғанимимиз бұлмиш Чин ҳукмдорини — ул муттахам үринини бир куни дорға осадурмиз!

Бир зумда супада үтирганларнинг үрилары алмаштирилди: Кастилия қиролининг вакиллары әт-тиборлы жойға үтирилар, Чин әлчисига эса пастроқдан жой берилди. Амир Темурнинг бу хатты-харакатыда насырний мамлакатлардан бирининг әлчилари тимсолида уларға алоқида иззат-хурмат күрсатып өтінген бундан бүён улар билан үзаро фойдалы алоқаларни ривожлантириш истагини эмас, балки зиёфатда овруполикларнинг хозирлигидан фойдаланыб, үзининг бундан кейин Чин империясига нисбатан олиб боражак янги сиёсатига хизмат қылувчи дипломатик күнгілсизлик келтириб чиқариш ниятини күриш лозим.

У оврўполик мөхмонарға иззат-икром курсатар экан, улар ўз қиролида яхши тасаввур туғдирадиган «инжобий таассурот» олиб қайтишларини истарди. Барча бүюк фотиҳлар каби ҳар бир ишининг оқибатини ўйлаб иш қиладиган Амир Темур ҳеч қачон бекордан бекорга ўзига ганим орттирмас, унинг хатти-ҳаракати эса ўзининг ошкора ёхуд маҳфий сиёсати манфаатларига бўйсундирилган эди. Кучли насроний давлатлар билан «иттифоқ» масаласига келсак, у туркларнинг Оврўпога таҳди迪 тугатилганидан сўнг қандай иш тутишни билларди, зоро у Анқара жангидан кейин Генуя ва Венецич кемалари тутган снёсатни — мағлубиятга учраб қочаётган усмонли туркларнинг бир қисмини нариги қирғоққа ўтказиб қўйганларини жуда яхши биларди.

Ҳенри III нинг элчилари Самарқандда икки ярим ой туришди. Улар тантана ва зиёфатларга таклиф қилиндилар, ҳукмдор уюштиргаи қабул маросимларига қатнашдилар, бемалол қўнгилхушлик қилдилар, кўрган нарсаларини ёзиб олдилар. Биз ҳам уларнинг хикоясидан мазкур китобнинг тегишли бобида кенг фойдаландик.

Улар Самарқандни ҳукмдор билан хайр-хўш қилмай ва ўз қиролларига жавоб мактуби олмай тарқ этдилар. Бу пайтда Амир Темур ўзининг Чин устига қиладиган юриши тайёргарликлари билан қаттиқ банд эди. Ҳукмдор энди Шарқ томон ошиқарди; зоро оврўполиклар билан муносабатлар энди тарихга айланган, Клавихо билан биродар Алонсонинг уни кўришга интилишлари шини фақат бузиши мумкин эди, холос.

Элчилар Самарқанддан 1404 йил 21 ноябрда йўлга чиқдилар ҳамда Эронга йўл олган узун карвонга қўшилиб олдилар. Улар меҳмонда бўлган пайтларида олган совға-саломларини — кумуш тангалару қимматбаҳо тошлилар тўла хуржуналарни, соғ кумушдан ясалган ҳонтахталару кимхоб тўнларни ўзлари билан олиб кетдилар.

Бу сафар карвон Бухородан утди ва Ашҳабод якнида элчилар Самарқандга келишларида фойдаланган йўлга тушиб олди. Эроннинг шимолини қалин қоростида босиб ўтдилар: бу январь ойида содир бўлди. Йўл устида ёлланиб, ҳар бир қишлоқда янгиланиб борадиган ўтиз кишилик гурух карвон олдида кетар ва қўулларидаги узун белкураклар билан қалин қорни кураб йўл очишарди.

Элчилар Султонияга стиб келишгац, Амир Темур.нинг набираси ва шу вилоятниг ионби Умар Мирзо.дан унинг Каспий денгизи буйидаги қароргоҳига ташриф буюришлари сўралган таклифнома олдилар. Улар меҳмондорчиликка отландилар, бироқ йўл устида ваҳима солиб қочиб келаётган одамларга дуч келдилар, улар Амир Темур оламдан ўтганлиги-ю, ўрдада биродаркүшлик ва хунрезлик бошлангани ҳақида айюҳаннос солардилар. Чиндан ҳам кекса соҳибқирон 19 январда Чин юриши чогида оламдан ўтган эди. Салтанат парокандаликка учраганди. Элчилар бирор бошпана топиш ниятида Табризга йўл олдилар. Бу шаҳарга етиб келгач, аксинча, уларнинг юклари титкиланди ҳамда ўзлари карвонсаройлардан бирида миршаблар назорати остида сақлаб турилди. Орадан тўрт ой ўтгач, Умар Мирзонинг акобирларидан бири келиб, уларни ҳалос этди ва мол-мулкларини қайтариб бериб, ноининг олдига олиб кетди. Умар Мирзо уларни илтифот ила қабул килди ҳамда уларга эркин ҳаракат қилиш ҳақидаги узи имзо чеккан рухсатномани тутқазди. Бироқ, Табриз орқали қайта утиб, элчилар яна ўша миршабларнинг қўлига тушдилар, совға-саломларининг энг нағисларидан ажралдилар ва мазах қилиндилар.

Шундан сўнг улар Трабзонга катта қийинчиликлар билан етиб келдилар, зоро Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабардан сўнг йўлларда яна қайта пайдо бўлган туркман суворийларининг таъқибидан қочиб, бир неча маротаба мاشаққатли тоғ сўқмоқларидан юришларига тўғри келди. Шунга қарамай улар 1405 йилнинг кеч кузида Трабзон — Пера йўналишида денгизга чиккан сўнгги кемага чиқиб олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг она ватан томон қайтишлари ноқулай обхаво шароити ва одатда Урта денгизда қиши фаслида эсаднган қарши шамоллар туфайли кечнишиб кетди. Ўзлари узоқ вақт қолиб кетган Италия қирғоқларидан кетишдан олдин биродар Алонсо Рим папаси билан учрашди ва ўзларининг Амир Темур хузурига қилган сафарлари ҳақида унга маҳфий ҳисбот топширди.

Факат 1406 йилнинг март ойидагина элчилар Кадикс яқинидаги Сан Лукар де Баррамедага етиб келдилар ва у ердан қуруқлик орқали Алкала де Хенаресга йўл олдилар: маълумотларга қараганда қирол шурда булиши лозим эди. Ҳенри III ва унинг сарой

әбенлари уларни илиқ кутиб олди ва солномада айтишича, «уларга шу юртларда күрган нарсалари, йүлларда тортган азоблари ва уларни мардонавор енггандарни учун чуқур хурмат» билдириллар.

Амир Темур билан юзма-юз учрашган Клавихонинг «Энрике III нинг топширигига биноан Буюк Амир Темур саройига қилган элчилигим маршрути» номли бу гаройиб саргузашт қиссаси мана шундай тугади. Мазкур асар ўзиннинг классик испан тили ва адабиётининг шаклланишига қўшган ҳиссаси учун бутун дунёга танилади.

Асар муаллифи унинг кириш қисмида қуйидагича ёзган эди: «Бу элчилик ниҳоятда дадил ва узоқ ўлкаларда рўй берганлиги учун биз ўзимиз бўлган барча шаҳар ва давлатларни ҳамда биз курган барча нарсалар ва кишиларни ёзма равишда тасвирлаб бериш зарур ва лозимдир, зотан уларнинг ҳаммаси унут бўлиб кетмасин...»

Клавихо орзу қилганидек, бу китоби туфайли у инсоният хотирасидан абадий жой олди, бироқ ватанига қантгач унинг қисмати нима бўлди?

Шон-шуҳратига кўмилган адаб отаси Ҳенри III нинг ўрнига тахтга ўтирган қирол Хуанга садоқат билан хизмат қилди ва элчиликтан қайтиб келганидан олти йил кейин 1412 йил 2 апрелда Мадридда оламдан ўтди. У ўз она шаҳрининг Сан Франсиско монастиридаги катта черковга дафи этилди. Унинг мармар билан қопланган хилхонаси тепасига тошдан ясалган бюсти ўрнатилиб, унинг этагига эса Клавихолар хонадонинг тўртбурчак ичидаги ярим ой тасвирланган оиласиб рамзи туширилган эди. Қабртошидаги ёзув унинг Ҳенри III томонидан Амир Темур ҳузурига элчиликка юборганини эслатиб турарди.

Орадан бир неча йил ўтиб, унинг қабрини бир оз нарига суриб, очилган жойга қиролича Дона Хуанани дафи этиллар. 1580 йили унинг қолдиқларини черков минбарига туташ девор ичига жойладилар; 1760 йили черковни бузиб, қайта қуриш чоғида Клавихонинг излари абадий йўқолди.

Амир Темур ва Франция қироли ўртасидаги муносабатлар

Икки бағыт мұхым сабаб Франция қироли Карл VI ни туркларга қарши курашда Амир Темур билан иттифоқ түзишга ундарди: француз зодагонларидан түзилганд қүшиннинг 1396 йили Боязид томонидан Ни-кополда маҳв этилиши алами ҳамда худди шу йили ўз шарқий ҳудудлари тақдирнини француз ҳукмдори құлига топширган Генуя вассаллигини қайта тиклаш умиди.

Қатор иқтидорсиз ёхуд омадсиз ҳокимлардан нафчиқмагач, Карл VI 1401 йили Генуяга обру-эътиборни зодагонлардан бири, қаттиққұл ва садоқатли ижрочи маршал Бусикони ҳоким этиб тайинлади. Бусико Ни-копол мұҳорабасидан омон қолған саноқлы французлардан бұлиб, туркларнинг ашаддии душмани ҳисобланарди. У исәнкор генуяликларни тезда тиз чўқтириди.

Маршал яқында усмонлиларга қарши яна бир жаңговар юришдан қайтиб келганди. 1399 йил у атиги минг кишилик лашкарға бош бұлиб Эг-Мортдан олти кемада йўлга чиққан ва Константинопол қамалини ёриб ўтишга муваффақ бўлган эди. У Венеция ва Родосдан ёрдамга келган бир неча кема билан ўз қүшинини мустаҳкамлаб, турк қирғоқларига қатор шиддатли ҳужумлар уюштирган, кўп ерларни вайрон қилган, аҳоли орасида ваҳима уругини сепиб, истеҳкомларни забт этган ёхуд кулинин кўкка совурган ва бу билан Боязидни Базелиус салтанати пойтахтини қамал қилиб турган қүшинтаридан бир қисмини ўзига қарши ташлашга мажбур килган эди.

Бусико Генуянинг ҳокими бўлгач, шаҳарнинг Шарқдаги амлеклери тақдирн билан шуғулланди; у амалга оширган биринчи тадбир Генуянинг Азов деңгизи бўйидаги, Қrimдаги, Шио, Фамагуст ва Перадаги савдо марказларига тафтишчилар юбориш бўлди. У ўз хабаргўлари орқали Осиёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлиб турди ва ўз навбатида Карл VI га мунтазам ахборот бериб турди.

Айнан мана шу сабабдан Франция қироли Амир Темурнинг ўз салтанатининг гарбий ҳудулларида жойлашган давлатлар устига зафарона юришидан ва у билан Боязид ўртасида тўқнашув содир бўлишидан хабардор эди. Шу тўқнашув арафасида у Византия

элчиси, доминикан мазҳабилик руҳоний Франсуа орқали Улуғ амирга мактуб йўллади ва агар у туркларга ҳужум қиласиган бўлса, генуяликлар ва уларнинг ҳарбий денгиз қушинларининг ёрдамини ваъда қилди. Чиндан ҳам кўп ўтмай Амир Темур Туркия ҳудудларига кирганида Бусиконинг амири билан Пера қалъаси деворларида Мовароуннаҳр ҳукмдорнинг туғи ҳилпиди; бу билан Франция қироли ва Генуя шаҳри проктори Боязидга қарши курашда Улуғ амир билан иттифоқ тузганлигини қатъий маълум қилди.

1403 йил июнь ойининг бошнда Парижда рўй берган қизиқарли бир воқеани ҳам Франция қироли ва Амир Темур уртасидаги яқинлашув сиёсати билан боғлаш мумкин.

Гўё Амир Темур томонидан йўлланган доминикан орденин (мазҳаби) руҳонийси Султониянинг Жаи исламли епископи Карл VI га ишонч ёрлиқларини топширди, зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрлиқнинг бирда Улуғ амирнинг «Рости—русти» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган эди.

Одатда бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорларига битилган мактубларда қўлланнадиган мақтоб-олқишлиардан холи ва ута расмий оҳангдаги бу мактубда Амир Темур икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш нияти борлганини, Францияга борган ўз тижоратчиларига кирол раҳнамолик қиласа, унинг салтанатига келадиган насроний савдогарларга шахсан ўзи паноҳ бўлишини маълум қилган эди. У ўз ҳузурига киролнинг мактубини олиб келган руҳоний Франсуадан Франция қиролянинг қудрати хусусида эшитганини, руҳоний ўз қироли қудратли қўшинга бош бўлиб йўлз тушганини ва Амир Темурнинг ҳам ғанимларн бўлминиш душманларини ер билан яксон қилганини ҳам сўзлаб берган экан. Бу, албатта, руҳоний хаёлотининг маҳсулни бўлиб, у Бусико амалга оширган ҳужумларни кўпиртириб, бўрттириб, бундан ўз элчилиги обрусини кўтариш учун фойдаланганди. Амир Темур мактубини тугаллар экан, қиролни қизиқтирган бошқа саволларга ўз элчиси жавоб беражагини маълум қилганди.

Кироллик солномачиларнинг таъкидлашича, Карл VI олие Шарқдан келган бу сирли руҳонийнинг ҳикоясидан шу қадар таъсирланганки, ундан шу гапларни сарой ахлига ҳам айтиб беришини илтимос қилган.

Оппок соқолти, сўзамол руҳоний ўзининг ҳаяжонли

Ҳикояснин Амир Темурнинг турклар устидан ғалаба қозонганини маълум килиш билан бошлади, сўнг у Боязидни банди қилиб, барча насроний асир ва аси-раларни озод этганини сўзлаб берди. Шундан кейин руҳоний Амир Темурнинг савдо-сотиқни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифи насроний қироллар учун ҳам ман-фаатли бўлишини исботлаб берди, зеро бу қудратли соҳиби таҳт билан имзоланажак дустлик шартномаси унинг салтанатидаги ҳозирча мушкул аҳволда кун кў-раётган насронийларнинг ҳам ҳаётини яхшилашга ёрдам беради.

Орадан бир неча кун утгач, Карл VI Султония епис-копининг қулига Амир Темур учун мўлжалланган жавоб мактубини топширди. Ушбу номада қирол ирқий ва диний фарқлар мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқни йўлга қўйишга тўсиқ бўломаслигини билдириб, унинг ўзи Францияга келадиган тижоратчиларни ўз паноҳига олишини ҳамда Амир Темурдан Шарққа тижорат ишлари билан борадиган ўз фуқароларига инсбатан худди шундай йўл тутишни илтимос қилган эди.

Кўп тилларни пухта билувчи, тахминларга қараганда итальян миллатига мансуб руҳоний Венеция ва Генуя томон қайтиб кетишиндан олдин «Амир Темур ҳақида хотира» номли кичик бир рисола ёзишга ҳам улгурди ва уни кўп нусхада атрофидаги одамларга тарқатиб чиқди. Бизгача француз тилидаги асл нусхаси ва лотинча таржимаси сақланиб қолган бу бебаҳо ҳужжатнинг мақсади барча қизиқувчиларни Осиёнинг янги ҳукмдорининг қисқача тарихи билан ҳамда у Овруподан олишини иктиёр этган «маҳсулотлар» рўйхати билан таништиришдан иборат эди. Амир Темур билан якиндан мулокотда бўлган унинг замондоши томонидан битнлган ушбу матнда соҳибқирон ҳақидаги қиммат-баҳо маълумотлар ўрин олган. Бундан ташқари, Султониянинг епскони ҳам соҳибқироннинг фуқароларидан бири бўлган, зеро Эроннинг шимолида жойлашган ушбу шаҳар Амир Темур салтанатига қаради.

Ушбу «Хотира»да оташин ҳикоячи Улуғ амир шахсининг айрим ажralиб турувчи хусуснятларини тилга олади. У ластлаб соҳибқирон исменинг аниқ этимологиясини келтиради: Темурбек исмии «темир» ва «бек» сўзларидан олинган бўлиб, «темир ҳукмдор» деган маънони англатади: «Тамерлан» сўзи эса форсча салбий бүёққа эга бўлиб, «Темур оқсоқ» деган маънони бил-

диради. Унинг ёзишича, Амир Темур «ўрта бўни, мардана юз тузилишига эга, қадди-қомати чиройли, бироқ асаб томирлари кесилган, унг қули ва оёги хаста» кишидир.

Хотирада таъкидланишича, «у ўзини на подшоҳ ва на қирол деб атайди... ва барча қилган ишларини, амру фармонларини саронда иззат-ҳурмати жойнга қўйилган хон номидан амалга оширади». Чиндан ҳам, Амир Темур тахтга Чингизхон авлодидан бўлмиш қўғирчоқ хонни ўтқазиб қўйган булиб, узи бу унвондан воз кечган эди.

Епископ Жан Амир Темурнинг насроний ва мусулмонларга булган муносабатидаги қарама-қаршиликларни ҳам келтиради. «У мусулмон булиб, мусулмон булмагайларга қарши жанг қиласди... у насронийлар ва айниқса, фарангларга яхши муомалада булиб, уларни ўз салтанатнга киришлари ва черковларда нбодат қилишларига қаршилик қиласди». Муаллиф Амир Темур ўзининг иродасига қарши чиққанларни, уларнинг мусулмон ёки насронийларидан қатъи назар, шафқатсиз ер билан яксон этади, деб қўшимча қиласди. Биз ушбу таърифни Клавихода ҳам учратамиз.

«Хотира»нинг бир боби «худо ёрлақаган» Амир Темурга багишланган. «Хотира»да Амир Темур шахси ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

«У Худо танлаган инсон... у ўзига ваҳий келишини ва Худо нимани буюрса, шуни қилишини айтади... у бундан ташқари одамларнинг хаёлидан кечаетган фикрлар ва режаларни билишини таъкидлайди, зеро бу хислатни унга фаришталар беришган... у ўзига қарши тайёрланган фитналарни бир зумда билиб олади». Амир Темурнинг мана шундай башорат қила билиш хислатини Ибн Арабшоҳ ҳам тасдиқлайди, «Зафарнома»да эса бунга бир неча мисоллар келтирилади.

Султониянинг епископи Жаннинг шахснга келсак, унинг ҳақиқатдан ҳам тарихда яшаб ўтганларгини кўпчилик муаррихлар тасдиқлайдилар, бироқ Амир Темурнинг мусулмон салтанатида насроний епископликнинг мавжудлиги шубҳадан холи эмас.

Бироқ, қиролликнинг эски архивларидан олинган ушбу ҳужжатлар (жумладан, Мироншоҳнинг Амир Темур қўллаган сўз ва ибораларни ишлатиб насроний қиролларга йўллаган мактубнинг таржимаси)ни диққат билан ўқир эканмиз, тиниб-тинчимас епископ форс

тилида битилиб, ўзи томонидан лотин тилига таржнма қилинган мактубларнинг асл матнларини усталик билан бузиб курсатганининг шоҳиди бўламиз. Ҳеч шубҳа йўқки, у бу ишни ўз элчилигининг ҳақиқий моҳиятини «ошириб», Франция қиролига ижобий таъсир кўрсатиш ниятида қилган. Кўриниб турибдик, истаган чора қидирадн...

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Кириш	6
Ешлил миллари	14
Самарқанд тарихи	28
Дастлабки зафар: Хораам	38
Гарбий ва Шарқий Эроннинг забт этилиши	44
Олтин Ўрда билан биринчи түқнашув	61
Эронда исён ва Бағдоддиниг олманиши	69
Ўрда устидан қозонилган галаба ва Ўруслийнинг фатҳ этилиши	75
Хиндистоннинг забт этилиши	82
Мамлукларнинг маргубияти ва Суриянинг эгалланishi	96
Туркияниң махв этилиши ва инчарлар ҳалокати	119
Самарқандга қайтиш ва тантаналар	140
Амир Темурий ўлими. Унинг шахси ҳақида айрим мудоҳазалар	158
Султанатнинг инқирозга юз тутиши	171
Султанатнинг тикланиши ва таназаулга учраши: Шоҳруҳ ва Улуг'бек	183
Темурий Бобур Самарқандни қўядан бой бериб, Хиндистонни эгаллагани ҳақида	195
Илова:	205
Амир Темур ва оврўполиқлар уртасидаги муносабатлар	205

ЛЮСЬЕН КЭРЭН

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ

Тошкент «Маънавият» 1999

Мұхаррір М. Исаев
Рассом А. Вобров
Техн. мұхаррір Т. Золотилова
Мусақхан С. Абдулсаматова

Тершігі берілді 05.12.98. Босшыға рұхсат этилди 11.02.99. Білчими 84×108^{1/4}.
Литературна гарнитура. Ююри босма усујда босжиди. Шартлы ₸ 11,76. Шартлы кр-отт. 12,18. Нашр т. 12,06. 5000 нұсха. Буюртма № 171.
Нархи шартнома асосыда.

«Маънавият» нашриети. Тошкент, Шодалин күчаси, 6. Шартнома 26—01.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал
Фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов күчаси,
1-йй, 1999.